



O'zbekiston  
kasaba  
uyushmalari  
Federatsiyasi

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИНING ФАРҒОНА ВИЛОЯТ  
КЕНГАШИ**

**Бошланғич касаба уюшма  
ташкилотлари фаолиятини  
самарали ташкил қилиш бўйича**

**АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ  
ҚЎЛЛАНМА**

**Фарғона - 2026 йил**





Биз Ўзбекистонда касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритиши учун барча шароитларни яратиб бердик ва мана шу принципларга ҳамиша содиқмиз. Бундан буён ҳам касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг фаолиятига аралашмаслик бўйича сиёсатни қатъий давом эттирамиз.

**Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**





Ишончим комилки, бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолларининг ҳам энг эзгу ниятлари - халқимизни рози қилиш, ватан равнақи йўлида ҳисса қўшиш, айти пайтда юртдошларимизнинг ўз фаровонлигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларига баҳоли қудрат мададкор бўлишдир.

**Қудратилла Рафиқов,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси**

## МУНДАРИЖА

1.	Кириш	7
2.	Касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	8
3.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тўғрисида маълумот	9
4.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг XI-Қурултойи қарорлари	11
5.	Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш ва аъзоларни қабул қилиш тартиби	45
6.	Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш бўйича ҳужжатлар намунаси	47
7.	Бошланғич ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби	51
8.	Касаба уюшма кўмитаси ҳужжатлари намуналари	61
9.	Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишини ташкил қилиш, ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби	68
10.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида	69
11.	Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар намуналари	87
12.	Жамоавий музокараларни ташкил қилиш, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш, жамоа шартномаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш тартиби	130
13.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби	137
14.	Жамоавий музокараларни ташкил қилиш, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш, жамоа шартномаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш бўйича ҳужжат намуналари	146
15.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоий ва юридик шахсларининг мурожаатлари билан ишлаш тартиби	168
16.	Касаба уюшмаси кўмитасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби	179

17.	Касаба уюшмаси қўмитасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш бўйича ҳужжат намуналари	185
18.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида	189
19.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилни сайлаш билан боғлиқ ҳужжат намуналари	195
20.	Маданий-маърифий ва спорт йўналишида тадбирларни ташкил қилиш тартиби	203
21.	Касаба уюшмалари тизимида маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисида Низом	206
22.	Касаба уюшмалари тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисида низом	210
23.	Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланиш тартиби	215
24.	Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланиш бўйича ҳужжат намуналари	239
25.	Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби	251
26.	Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби	270
27.	Товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжат намуналари	279
28.	Тафтиш комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш тартиби	283
29.	Ташкилотнинг ички ҳужжатларини касаба уюшма қўмитаси билан келишиш тартиби	290
30.	Ички ҳужжатларни касаба уюшма қўмитаси билан келишиш бўйича ҳужжат намуналари	291
31.	Фойдали намунавий ҳужжатлар	329
32.	Савол-жавоблар	338
33.	Муаллифлар жамоаси	350

## КИРИШ

Бугунги кунда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти касаба уюшмалари тизимининг энг муҳим бўғини ҳисобланиб, ходимлар билан бевосита ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлаш ҳамда меҳнат жамоаларида ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур амалий-услубий қўлланма бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари, касаба уюшмаси фаоллари, тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда касаба уюшмалари тизимида фаолият юритувчи мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг кундалик фаолиятида амалий ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Қўлланмада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар, амалий тавсиялар, иш юритиш тартиблари, ҳужжат намуналари, чек-листлар ҳамда энг кўп учрайдиган хатолар ҳақида маълумотлар жамланган.

Қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни, меҳнат ва ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қарорлари ва услубий материалларидан фойдаланилди.

Мазкур қўлланмадаги намунавий ҳужжатлар лойиҳаларини интернетдаги [www.kasabamalaka.uz](http://www.kasabamalaka.uz) сайти ёки телеграмдаги “<https://t.me/kasabamalaka>” гуруҳидан олишингиз мумкин.

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Касаба уюшмалари ўз фаолиятларини қуйидагиларга асосан олиб борадилар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни (2019 йил 6 декабрда қабул қилинган).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни (1991 йил 15 февралда қабул қилинган).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни (1999 йил 14 апрелда қабул қилинган).
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”.
6. Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунлари.
7. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари (2025 йил 1 ноябрда бўлиб ўтган IX Қурултойда қабул қилинган) ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар.
8. Тармоқ касаба уюшмаларининг Уставлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари.

## **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тўғрисида МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг тарихи 1905 йилдан бошланади. Айнан шу йил кузда Бутунроссия темирйўл уюшмасининг Туркистон бўлими ташкил этилган ва 1906 йил бошига келиб 8 мингдан ортиқ аъзоларни бирлаштирган.


Бундай кичик уюшмалар кейинчалик йириклашиб борган касаба уюшмаларининг илк формалари эди. 1924 йилга келиб илгариги Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши (ВЦСПС) таркибига кирган Туркистон АССР касаба уюшма ташкилотлари, бевосита Профинтернационал таркибига кирган Бухоро ва Хоразм халқ республикалари касаба уюшмалари фаолият кўрсатар эди.

1925 йилда Бухоро ва Хоразм республикалари касаба уюшмалари ҳам Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши (ВЦСПС) таркибига киритилган. 1925 йил 21 мартда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 1 –Таъсис қурултойида 53 кишидан иборат Кенгаш ва 5 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланган. Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши 1991 йилгача, яъни Ўзбекистон Мустақилликка эришгунча Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши таркибиде бўлган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг республикада 25та касаба уюшмалари тузилиб, улар ўз Уставларини қабул қилдилар ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказдилар. 1991 йилда мазкур 25 та тармоқ касаба уюшмалари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташкил этилди. Шу вақтдан бери ўтган давр мобайнида 1995, 1998, 2003, 2011, 2013 ва 2020 йилларда тароқ касаба уюшмаларини қайта ташкил этиш ишлари амалга оширилди.

Бугунга келиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо бўлган 14 тармоқ касаба уюшмалари Авиация ходимлари касаба уюшмаси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси, Кимё ва фармацевтика саноати саноати ходимлари касаба уюшмаси, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси, Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси, “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси, шунингдек Федерациянинг 14 та ҳудудий кенгашлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси  
**ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**IX ҚУРУЛТОЙ  
ҚАРОРИ**

**2025 йил 1 ноябрь**

**№ IX-1 Тошкент ш.**

**Янги Ўзбекистон - янги касаба уюшмалари: Федерациянинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти ва “Ўзбекистон-2030” стратегияси асосида миллий тараққиётнинг янги босқичида касаба уюшмаларининг устувор вазифалари тўғрисида**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IX Қурултойи делегатлари Бош кенгашнинг 2021-2025 йиллардаги фаолият тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатнинг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардаги фаол иштирокини эътироф этади.

Ижтимоий шерикликни янада юқори босқичга кўтариш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, халқаро ташкилотлар ва касаба уюшмалари бирлашмалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида касаба уюшмаларининг жамиятда, халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида тутган ўрни ва нуфузи сезиларли даражада ортди.

2020 йил 11 ноябрь куни Федерациянинг VIII Қурултойида тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари”ни амалга ошириш вазифалари барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолияти негизини ташкил этди.

Норма ижодкорлигида иштирок этиш йўналишида амалга оширилган ишларда асосий эътибор меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида ходимлар ва касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари сақлаб қолинишига ва кенгайтирилишига эришишга қаратилди.

Касаба уюшмаларининг таклифларига кўра янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига “Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик” тўғрисидаги боб, ташкилотларда малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг иш ўрнида қўнимсизлигини камайтириш мақсадида кўп йиллик иш стажини учун ҳар йилги қўшимча таътил бериш, иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимга бериладиган кафолатлар, меҳнат низолари бўйича судга мурожаат қилиш учун даъво муддатини бир ойдан уч ойгача узайтириш тўғрисидаги нормалар киритилди.

Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Солиқ кодексига тегишли

Ўзгартиришлар киритилишига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмаларининг бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонунидан келиб чиқиб Федерация меҳнат инспекциясининг тикланиши меҳнаткашлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши устидан касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун замин яратди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари инспекторлари томонидан 13 мингта ташкилотда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилиб, 45 мингдан зиёд камчилик аниқланди.

Иш берувчиларга 8 мингдан ортиқ кўрсатма киритилиб, қарийб 39 минг 841 та камчилик бартараф этилишига, 478 минг нафардан зиёд шахсларнинг ҳуқуқлари тикланишига ва ходимлар фойдасига 267,3 млрд. сўм ундирилишига эришилди.

2021-2025 йилларда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг 12та мажлиси ўтказилиб, уларда ижтимоий-меҳнат соҳасига оид кўплаб муҳим масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида имзоланган Бош жамоа келишуви, унинг асосида тузилган 14 та ҳудудий жамоа келишувлари, 103 та тармоқ жамоа келишувлари, 540 та ҳудудий-тармоқ келишувлари бугунги кунда ходимлар учун ижтимоий кафолатлар кўламини янада кенгайтиришнинг муҳим ва ишончли механизми бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари хизматида олинган юридик шахсларда қабул қилинган жамоа шартномалари сони 110 мингтадан 127 мингтага, улар билан қамраб олинган ходимлар сони 4,3 млн. нафардан 5,5 млн. нафарга ошди.

Касаба уюшмалари томонидан жамият, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар томонидан энг кам иш ҳақи меъёрларига риоя этилиши ҳолати, ходимларга тўланаётган иш ҳақи уларнинг малака даражасига мувофиқлиги бўйича мониторинглар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида қарийб 6 мингта жамият ва

ташкilotда меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганилди, ушбу жараёнда аниқланган 21 мингдан зиёд камчиликларнинг аксарияти бартараф этилишига эришилди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Адлия вазирликлари ҳамда бошқа мутасадди ташкilotлар билан тизимли ҳамкорлик амалга оширилиб келинмоқда.

2023 йилдан бошлаб касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкilotларида жамоатчилик назорати доирасида Гендерга оид аудит ўтказиш йўлга қўйилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 “Ишонч телефони”га хотин-қизлардан тушган қарийб 200 мингта мурожаатларнинг 99,6 фоизи ижроси таъминланишига эришилди. Шунингдек, “Аёллар дафтари” тизимининг 6 та босқичида жами 4 млн. 538 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилди.

Касаба уюшмаларига янги аъзоларни жалб қилиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг мунтазам равишда олиб борилиши натижасида касаба уюшмалари аъзолари сони бугунга келиб қарийб 8 млн. нафарга етди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш соҳасида олиб борилаётган ишларда касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланмоқда.

Ҳисобот даврида Федерация тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида 824 минг нафардан зиёд фуқаролар соғломлаштирилди, улардан 44 фоизи имтиёзли ва бепул йўлланмалар орқали соғлиғини тиклади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ 2022 йилда Федерация тизимида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг тузилиши иқтисодиётда хусусий мулк улуши ортиб бораётган шароитда вазирлик, идоралар тизимидаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолият йўналишларини сақлаб қолиш имкониятини яратди.

Фаолият юритмаётган ёки самарасиз ишлаётган 82 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказилди ва тасарруфдаги оромгоҳлар сони 107 тага етди. 2021-2025 йиллар ёз мавсумида оромгоҳларда қарийб 1 млн. 545 минг нафардан зиёд болалар соғломлаштирилди.

Федерациянинг Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси фаолиятини кенгайтириш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида муассасанинг масъул ташкilotчилари жорий этилди.

Улар томонидан жойларда тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, туман бўлинмалари билан ҳамкорликда меҳнаткашларни оммавий жисмоний тарбия

ва спортга жалб этиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жамият ва ташкилотларда ишлаб чиқариш гимнастикалари ўтказилишини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда.

2024 йилда “Яккасарой” спорт-соғломлаштириш мажмуасида халқаро талабларга жавоб берадиган сув спорти саройи фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилиб, уларда 60 нафар ўқитувчи ва мураббийлар минг нафарга яқин ўқувчи-ёшларга машғулотлар ўтказиб келмоқда.

Халқаро ташкилотлар, аввало, қўшни мамлакатларнинг касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ишларни тубдан кучайтириш чоралари кўрилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 2021 йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши таъсис этилди, 2023 йил 22 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон Миллий касаба уюшма марказлари иштирокида Туркий давлатлар касаба уюшмалари Ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг 2024 йил 3-5 декабрь кунлари Бразилиа шаҳрида бўлиб ўтган Бош кенгаши 35-мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ушбу Конфедерацияга ҳақиқий аъзоликка қабул қилинди.

2024, 2025 йилларда Федерация ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 30 дан зиёд давлатларнинг касаба уюшмалари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси вакиллари, нуфузли халқаро экспертлар ва йирик олимлар иштирокида халқаро конференциялар ташкил қилинди.

**Шу билан биргаликда, фаолиятни янада кучайтириш ва такомиллаштириш соҳасида имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмагани сабабли, айрим йўналишларда камчиликлар ҳам мавжудлиги кузатилди.**

Хусусан, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги масалаларни маслаҳатлашувлар асосида ҳал қилишнинг самарали механизмларидан бири бўлган тармоқ ва ҳудудий комиссиялар ишини бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Тармоқ ва ҳудуд даражасидаги ваколатли органларнинг меҳнаткашлар манфаатларига оид қабул қилаётган меъёрий ҳужжатлари лойиҳаларига асосланган таклифларни киритиш ва уларни қатъият билан ҳимоя қилишга касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан етарли эътибор қаратилмаяпти.

Жамоа келишувлари ва шартномалари сифатини янада яхшилаш, уларнинг бажарилиши юзасидан тарафларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, ягона музокара жараёнига қатъий амал қилиш соҳасида мавжуд камчиликлар тўлиқ бартараф этилишига ҳали эришилмади.

Ходимларни ишга киришда ва вақти-вақти билан иш берувчилар ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш, белгиланган меъёрларга мувофиқ

шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, хавфсизлик техникаси бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаслиги, шунингдек ходимларда меҳнат муҳофазаси бўйича билим ва малака етишмаслиги бахтсиз ҳодислар содир бўлишига, касб касалликларига сабаб бўлмоқда.

Бошланғич ташкилотларда санаторийлар учун йўлланмалардан фойдаланиш, маблағларни самарали ва оқилона йўналтириш, сарф-харажатларни асословчи ҳужжатларни расмийлаштириш борасидаги мавжуд камчиликларга тўлиқ барҳам берилмаган.

Хусусий секторда фаолият юритаётган, хорижий инвестициялар иштирокидаги аксарият жамият ва ташкилотлар ходимлари касаба уюшмаларига жалб этилмасдан қолмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг 2021-2025 йиллардаги фаолиятига доир ҳисоботни тинглаб ва муҳокама этиб, **IX Қурултой**

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти **қониқарли деб баҳолансин (Федерациянинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти тўғрисида ахборотнинг тўлиқ матни илова қилинмоқда).**

2. Қуйидагилар навбатдаги ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг устувор вазифалари этиб белгилансин:

#### **2.1. Қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқий ҳимоя соҳасида:**

янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Федерация ёки тегишли касаба уюшмаси билан мажбурий тарзда келишиб олинишига оид **норматив негизни қайта кўриб чиқиш** юзасидан таклифларни мутасадди ташкилотларга киритиш;

**норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик ва гендер экспертизасидан ўтказишда** касаба уюшмаларининг тизимли иштирокини таъминлаш;

**ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари барча фуқароларга**, шу жумладан, ўзини ўзи банд қилганлар, аутсорсинг, аутстаффинг, фриланс шартларида ишлаётган ходимлар, шунингдек, вақтинчалик, мавсумий, масофавий, платформалик ва беқарор бандликнинг бошқа кўринишларида банд бўлганларга нисбатан татбиқ этилишига эришиш;

**“истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор”** тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат, **“Ижтимоий суғурта тўғрисида”** ҳамда **“Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”**ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан таклифларни тайёрлаш;

ижтимоий тармоқларда ахборот каналларини ҳамда **“Ишонч телефон”**лари тармоғини кўпайтириш, сайёр қабуллар ташкил этиш орқали аҳоли билан ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича **Қайта алоқа механизмининг янада такомиллаштириш**;

жамоа шартномалари ва келишувларида ишга қабул қилиш ҳамда хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, улар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш масалалари киритилишига эришиш.

## **2.2. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш соҳасида**

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси ишини янада жонлантириш;

Ижтимоий-меҳнат масалалари тармоқ комиссиялари ишини фаоллаштиришда аъзо ташкилотларга ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотнинг энг яхши амалиётини ўрганиш ва кенг ёйиш;

**2026 йил 1 январдан бошлаб** Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда Федерация вакилларининг иштирокини таъминлаб бориш.

## **2.3. Меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасида:**

ҳар йили 1 январига қадар камбағалликни қисқартиришга оид давлат дастурида касаба уюшмаларининг ўрнини белгилаш ҳамда дастур ижросида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга ошириб бориш;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан Ҳукумат, иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш юзасидан таклифларни уч томонлама комиссияга киритиш;

меҳнаткашларнинг норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтказилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқариш тизимини ҳамда меҳнат хавфсизлиги стандартларини жорий этиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тармоқ ва ҳудудий мақсадли дастурларни долзарблаштириш, даволаш-профилактика озик-овқатлари билан таъминлаш стандартларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва мутасадди ташкилотларга киритиш;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси хизматини ташкил этиш ва уни кадрлар билан мустаҳкамлаш;

Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси билан ҳамкорликда “Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида” деган шиор асосида янги тизимни йўлга қўйиш орқали аёлларнинг меҳнат, ижтимоий, гендер тенглик соҳасидаги муаммоларини ҳал қилиш ишларини янада кучайтириш.

## **2.4. Ташкилий масалалар, кадрлар билан ишлаш, молиявий, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишлари соҳаларида**

Федерацияга аъзо ташкилотлар, Федерация ҳудудий Кенгашларининг янги ташкил этилаётган барча турдаги, айниқса хусусий сектор, хорижий инвестициялар иштирокидаги жамият, ташкилот ва муассасалар ходимлари, ностандарт меҳнат муносабатларида иштирок этувчи ходимлар, ўзини ўзи банд қилган ва норасмий банд фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш борасидаги ишларини қўллаб-қувватлаш;

Федерацияга аъзо ташкилотларнинг молиявий имкониятлардан келиб чиқиб **ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш** борасидаги ишларни тизимли давом эттириш;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ҳисобини юритишнинг “электрон тизими”ни янада такомиллаштириш;

Малака ошириш институти негизида барча даражадаги касаба уюшмалари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, касаба уюшмалари етакчилари, мутахассислари ва фаоллари ўқувини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тизимни ривожлантириш;

**2026 йилнинг 1-чораги якунигача ҳар бир касаба уюшмаси органи ўзининг молиявий фаолияти натижалари тўғрисида касаба уюшмаси аъзолари олдида мунтазам ҳисобот бериб бориш** мажбуриятини назарда тутувчи тартибни жорий этиш;

янги жамиятларни таъсис этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан **касаба уюшмаси бюджетининг даромадлар қисмини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш**;

касаба уюшмалари органлари томонидан молиявий интизомга сўзсиз риоя этилиши, барча бўғиндаги назорат-тафтиш комиссиялари ҳамда Федерация назорат-тафтиш комиссиясининг назорат ишлари самарадорлиги учун масъулиятини кучайтириш;

**тизимли равишда** ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий спорт турлари бўйича туркум мусобақалар ташкил этиб бориш;

замонавий шароитларини яратиш, санаторийлар, дам олиш уйлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилиш йўли билан **аҳолининг кенг қатламларини соғломлаштиришга жалб этиш**;

меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида **маданий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш, экологик, тиббий ва зиёрат туризмни ривожлантириш** ;

ўсмирлар ва қизларни спорт билан шуғулланишга кенгроқ жалб қилиш ва бунинг учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида **болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада ривожлантириш**.

**2.5. Касаба уюшмалари фаолиятининг ўстувор йўналишларида амалга оширилаётган ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш, фаолиятни рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш йўналишларида:**

йил давомида, тасдиқланган аниқ жадваллар асосида брифинглар ва матбуот анжуманлари ўтказиб бориш, миллий ва халқаро матбуот

анжуманларида, шунингдек, республика ва маҳаллий телеканалларда ташкил этиладиган туркум кўрсатувларда касаба уюшмалари етакчиларининг иштирокини кенгайтириш, энг оммабоп ижтимоий тармоқларда ташкилот саҳифаларини мунтазам юритиб бориш;

Федерация ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг мақолалари, касаба уюшмалари, уларнинг бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятига оид чиқишларини Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг веб сайтлари ҳамда нашрларида **мунтазам** жойлаштириб бориш;

Федерация нашриёт мажмуаларини, электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

рақамли технологиялар инфратузилмасини ривожлантириш, барча ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари ташкилотларини юқори тезликдаги интернет тармоғи, замонавий серверлар, компьютер техникалари билан таъминлаш ва ахборот хавфсизлиги тизимларини такомиллаштириш;

**2026 йилда** электрон ҳужжат айланмасига тўлиқ ўтиш, электрон ариза, мурожаат ва шикоятларни қабул қилиш ва назорат қилиш тизимини, тезкор ва ишончли таҳлилий маълумотларни етказиб турувчи ахборот- таҳлили (data analytics) ва сунъий интеллект (AI) технологияларини жорий қилиш;

шаффофликни таъминлаш ва аҳолининг санаторийларда саломатлигини яхшилаш учун уларга қулайликлар яратиш мақсадида “Онлайн йўлланма” дастурини такомиллаштириш.

### **3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашига:**

Белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича аниқ манзилли ва муддатли чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш ишларини тизимли равишда ташкил қилиб бориш;

чора-тадбирлар режаларининг бажарилишини Бош кенгаш ва Ижроия қўмита мажлисларида мунтазам кўриб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

### **4. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларига:**

**2026 йил 1 январдан** бошлаб вазирлик ва идоралар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегиял органларининг қўшма йиғилишини доимий равишда ўтказиб бориш тизимни йўлга қўйиш юзасидан зарур чораларни кўриш;

**2025 йил охиригача** ҳар бир тармоқ бўйича гендер тенгликни таъминлаш учун манзилли стратегиялар ишлаб чиқирилишини ва амалга ошириб борилишини таъминлаш;

**2026 йил давомида** хорижий мамлакатларнинг турдош касаба уюшмалари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, хорижий мамлакатлар турдош касаба уюшмалари ташкилотларининг мақбул бўлган ижобий иш тажрибаларини фаолиятга татбиқ этиб бориш вазифалари юклатилсин.

**5. Тармоқ касаба уюшмалари Республика, Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:**

**1 ой муддатда** тегишли ижтимоий шериклар билан маслаҳатлашувлар асосида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича тармоқ ва ҳудудий комиссиялар ишини жонлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгиласин ҳамда амалга оширсин;

**2026 йилнинг 1 чораги якунига қадар ўзаро ҳамкорликда** касоба уюшмалари органлари мавжуд бўлган барча бўғинларда ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш ишларини ташкил қилсин;

чет эл инвестициялари иштирокидаги жамиятлар, тармоқ кластерлари, қурилиш ташкилотлари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари, платформа иқтисодиёти субъектлари, шунингдек мавсумий меҳнат жамоаларида жамоа музокараларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсин;

**2026 йилдан бошлаб** тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари тузилишининг кетма-кетлигига қатъий риоя этилиши устидан тизимли назоратни янада кучайтирсин;

бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича бандликка кўмаклашиш марказлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқиндан ҳамкорликни тизимли равишда давом эттирсин;

жамоа шартномалари ва келишувларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг оширилган тариф коэффицентлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, компенсациялар ва рағбатлантириш тарзидаги тўловлар киритилишига эришиб борсин;

**мунтазам равишда** иш берувчилар томонидан ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши устидан таъсирчан назорат олиб борсин, иш ҳақи тўлови ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган пулли компенсация тўланишини қатъий назоратга олсин;

муносиб меҳнат шароитларига эга, жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш эҳтимолини, табиий атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтирувчи “яшил иш ўринлари” яратилишида иш берувчиларга **доимий равишда** кўмаклашсин, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар фаолиятини тизимли йўлга қўйсин ва рағбатлантириб борсин;

**2026 йил 1 июлгача** ижтимоий шериклар, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш, махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлаш стандартларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифларни тайёрласин ва Федерацияга тақдим этсин;

**тизимли равишда** хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавф-хатарлар таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шу асосда меҳнат унумдорлигини кўтаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириб борсин;

**2026 йил якунига қадар** касаба уюшмаси мавжуд бўлмаган жамиятлар, айниқса, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган, қўшма ёки хусусий жамиятлар ходимларини касаба уюшмаларига тўлиқ жалб этиш бўйича “**йўл хариталари**”ни ишлаб чиқиб, амалга оширсин;

**2026 йилнинг 1 апрелига** қадар бандликнинг янги шаклларида (масофавий иш, платформа бандлиги, ўзини-ўзи банд қилиш) меҳнат қилаётганларни касаба уюшмаларига бирлаштиришнинг янги механизмини йўлга қўйиш юзасидан таклифларни тайёрласин ва Федерацияга тақдим этсин;

**2026 йил 1 январдан бошлаб** “касаба уюшмалари картаси”га риоя этилиши устидан қатъий назоратни йўлга қўйсин;

ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш, расмий веб-сайтларнинг сифатини яхшилаш, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий тармоқларда ташкилот саҳифаларини очиш ҳамда ушбу масалалар билан шуғулланувчи кадрлар малакасини ошириш ишларини **тизимли равишда** йўлга қўйсин;

**2 ой муддатда** Қурултой қарори ва ҳужжатларини барча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига, туман, шаҳар, вилоят бўлинмаларига ва ҳар бир касаба уюшмаси аъзосигача етиб боришини, касаба уюшмалари органларининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилишини, истиқболдаги аниқ вазифалар белгиланишини ҳамда амалга оширилишини таъминласин.

**Раислик қилувчи**

**(имзоланган)**

**Б.Махмадалиев**

## IX ҚУРУЛТОЙ ҚАРОРИ

2025 йил 1 ноябрь

№ IX-11 Тошкент ш.

### Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тўғрисида

Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари лойиҳаси юзасидан ахборотни эшитиб ҳамда муҳокама қилиб, Қурултой делегатлари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, **IX Қурултой**

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари *(кейинги ўринларда - Стратегик йўналишлар)* тасдиқлансин *(илова қилинади)*.

#### 2. Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Бош кенгашига:

Стратегик йўналишларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳар йили “йўл хариталари” *(чора-тадбирлар режалари)* тасдиқланишини таъминлаш ва ижросини қатъий назоратга олиш;

Стратегик йўналишларда касабա уюшмалари ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар мунтазам равишда ўрганиб борилишини, натижалари Бош кенгаш ва Ижроия қўмита мажлисларида кўриб чиқилишини таъминлаш;

ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра Стратегик йўналишларда белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган тизимли омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича аниқ чораларни кўриш вазифалари топширилсин.

#### 3. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари:

Стратегик йўналишларни расмий веб-сайтларга жойлаштирсин, шунингдек тизимдаги ҳар бир бошланғич ташкилот, туман, шаҳар ва ҳудудий бўлинмага етказсин;

барча даражадаги касабա уюшмалари ташкилотларида Стратегик йўналишларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб аниқ муддатли ва манзилли чора-тадбирлар белгиланиши чораларини кўрсин ҳамда ижросини қатъий назоратга олсин;

Стратегик йўналишларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг ахборотларини чуқур таҳлиллар асосида, тегишли коллегиял органлари мажлисларида мунтазам равишда эшитиб борсин;

Стратегик йўналишлар доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари, расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали касаба уюшмалари аъзоларига ҳолис ва тўлиқ маълумот етказилишини таъминласин;

қуйи касаба уюшмалари ташкилотларининг Стратегик йўналишларда белгиланган вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятларини йўналтириб ва мувофиқлаштириб борсин, уларга амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатсин.

**4.** Ушбу қарор “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарида чоп этилсин.

**Раислик қилувчи**

**(имзоланган)**

**Қ.Рафиков**

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

### I. Кириш

Миллий касаба уюшмалари ҳаракатининг демократик ва мустақил кучларини бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда – *Федерация* деб юритилади) касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик анъаналарига ўзининг содиқлигини таъкидлаб, барча жойларда меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши ва муносиб меҳнат тамойиллари таркиб топиши мамлакат ривожланишининг зарурий шarti эканига қатъий ишонган ҳолда, ўз фаолиятининг келгуси беш йилга мўлжалланган мазкур Стратегик йўналишларини эълон қилади.

Федерация Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида миллий тараққиётнинг янги босқичида мамлакатимизни барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишига йўналтирилган ислоҳотларни қўллабқувватлайди.

Зеро, бу ислоҳотлар натижасида халқимизнинг қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадларига эришилади.

2021-2025 йиллар давомида халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, бу йўлда салмоқли натижаларга эришилди.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг ҳамжихатлиги ва сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Сўнгги 5 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг 8 та конвенцияси қонун ҳужжатлари ва амалиётга имплементация қилингани, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатини тартибга солиш, гендер аудитни ўтказиш, юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш борасидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилингани

фуқаролик жамияти ва давлатни ривожлантиришдаги долзарб вазифалар ечимини топишда касаба уюшмаларининг ролини анча кучайтирди.

Кучли иқтисодий ва ижтимоий сиёсат мамлакат тараққиётининг гарови эканини эътироф этиб, Федерация келгуси даврда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган **“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”** шиори остида фаолият юритишни давом эттиради.

**Федерация миллий ва халқаро касаба уюшмалари ҳаракатининг асосий тамойил ва мақсадлари - ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга содиқлигини тасдиқлаган ҳолда, бу мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган ҳуқуқий майдон доирасида ҳаракат қилади.**

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **муносиб меҳнат ва ижтимоий адолат тамойиллари** қарор топиши ҳамда ички сиёсатнинг шаклланишида инobatга олиниши учун қулай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилишига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини давом эттиради.

Федерация замон талабларига мос равишда янги глобал муаммолар меҳнат кишилари аҳволига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш бўйича пухта ўйланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига ҳамisha кўмаклашиб боради.

Янгиланган демократик Ўзбекистонни бунёд этишда, озод ва обод ҳаёт қуришда, **“Ўзбекистон 2030”** ҳамда **“Камбағалликдан фаровонлик сари”** дастурлари ижросида фаол иштирок этиш, касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, халқаро касаба уюшмалари ҳаракатига етакчилик қилиш каби олий мақсадлар Федерация фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Уставда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида касаба уюшмалари ҳаракатининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш, ижтимоий мулоқотни ривожлантириш ва халқаро бирдамлик ғояларига содиқлигини намoён этган ҳолда, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар 2026-2030 йиллар мобайнида қуйидаги асосий йўналишлар ижросига қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

## **II. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда касаба уюшмаларининг иштироки**

Федерация **“Ўзбекистон - 2030”** стратегиясида Миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашади.

**Ҳар бир инсон учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт меваларидан баҳраманд бўлиш имкониятларини таъминловчи, муносиб меҳнат ва ижтимоий адолат тамойилларини илгари сурувчи ижтимоий-иқтисодий сиёсат шаклланишига қаратилган ҳар қандай ташаббуслар қўллабқувватланади.**

Федерация, унга аъзо ташкилотлар **яратилган миллий маҳсулотнинг адолатли тақсимланишини таъминлашга, солиқ тизими**

**самарадорлигининг оширилишига** қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллабқувватлайди.

Миллий бозорларнинг ташқи таъсирга очиқлиги, ишлаб чиқариш қувватлари ҳаракатланиши ва жойлаштирилишида чегараларнинг очилиши, меҳнат ресурслари ҳаракатчанлиги ошиб бориши каби омиллар таъсири кучайиб бораётган бугунги шароитда касаба уюшмалари **меҳнаткашлар манфаатлари йўлида, уларга ижтимоий кафолатларни таъминлашда давлатнинг мувофиқлаштирувчи ролини қўллаб-қувватлайди.**

Федерация иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни таъсирчан ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини ошириш тарафдоридир.

Бунда “Яшил иқтисодиёт” ва “Сунъий интеллект” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириш, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Федерация Ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги устуворликларини ёқлайди, зеро, уларда ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий ўсиш негизида мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг юксак турмуш даражаси ва сифатини таъминлашга қаратилган, экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсад қилиб қўйилган.

Федерация иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни қўллаб-қувватлаган ҳолда, саноатни ва қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш ва жойлаштиришга, инвестицияларни жалб қилиш учун янги имкониятлар яратилишига кўмаклашади.

Айни пайтда, ислохотлар самарасини янада кўтариш учун Федерация қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайди:

- инклюзив иқтисодий институтлар таъсирини янада кенгайтириш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқлар адолатли, прогрессив ва манзилли бўлишини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг стратегик жиҳатдан муҳим, етакчи тармоқларини давлат назорати остида қолдириш;
- хусусийлаштириш жараёни ижтимоий масъулият билан уйғун ҳолда олиб борилишига, ижтимоий инфратузилма объектларининг профили сақлаб қолинишига эришиш;
- коррупция, непотизм ва манфаатлар тўқнашуви каби иллатлар билан муросасиз кураш олиб бориш.

**III. Меҳнат соҳасини ва касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда иштирок**

**этиш**

Федерациянинг ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги фаолияти ходимларнинг фуқаро сифатидаги ҳуқуқ ва эркинликларига, меҳнатга оид ҳуқуқларига риоя этилишини ҳамда касаба уюшмалари мустақиллигини таъминлашга йўналтирилгандир.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар касаба уюшмалари фаолияти мустақамланиши ва такомиллаштирилишига, меҳнат қонунчилигини ислоҳ қилишда, шу жумладан, Меҳнат кодекси ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, ходимлар ва касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари кенгайтирилишига эришиб борадилар.

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича норма ижодкорлиги ишларида ўз иштирокининг шакл ва услубларини янада такомиллаштириш мақсадида Федерация:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **ўзининг доимий вакиллари институтини** жорий этиш юзасидан таклиф киритади; янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Федерация, унинг аъзо ташкилотлари билан мажбурий тарзда келишиб олинишига оид тартиб-таомилни қатъий белгилаш мақсадида **норматив негизни қайта кўриб чиқиш** ташаббусини илгари суради; **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларни жамоатчилик ва гендер экспертизасидан ўтказишда** касаба уюшмаларининг иштироки таъминланишига, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини чекловчи ёхуд уларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида тавсиялар ва сўровномалар киритилишига эришади.

Меҳнат бозори эгилувчанлигини кенгайтиришга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганини ҳисобга олиб, шаклланаётган янгича меҳнат муносабатларида меҳнаткашларнинг эксплуатацияси кучайиши, уларнинг ҳуқуқ ва кафолатлари даражаси пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Федерация **ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича киритилаётган таклифларга биринчи галдаги эътиборини қаратади.**

**Шу мақсадда Федерация Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги конвенциялари ратификация қилинишини зарур деб ҳисоблайди:**

Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари тўғрисидаги 102-сон;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сон;

Ҳамшираларнинг бандлиги ҳамда меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисидаги 149-сон;

Меҳнат статистикаси тўғрисидаги 160-сон;

Меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисидаги 161-сон;

Иш берувчи тўловга қобилиятсиз бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 173-сон;

Касаначилик тўғрисидаги 177-сон;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги 183-сон;

Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 184-сон.

Қонун ҳужжатлари тўғридан-тўғри амал қилишини ҳамда амалиётда бир хил қўлланилишини таъминлаш, уларни турли талқин қилишга барҳам бериш мақсадида фуқаролик институтлари фаолиятини тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий нормаларни жамлаган ҳолда **Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик институтлари тўғрисида”ги кодексини** ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилади.

Касаба уюшмаларининг **норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги ваколатларини аниқлаштириш** мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Бундан ташқари мазкур қонунда, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, ташкилотларда касаба уюшмаларининг “Вакиллик” институтини назарда тутиш бўйича иш олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига **касаба уюшмалари ва уларнинг аъзоларига берилган кафолатларни кенгайтириш** мақсадида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ташаббуси илгари сурилади. Бунда жамоа шартномаларининг амал қилиш доирасини аниқлаштириш ҳамда касаба уюшмаларининг жамоавий ҳаракат қилиш ҳуқуқини қонунийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Федерация келгусида ҳам **ижарага олинган меҳнат қонунан тақиқланишини** ёқлайди ҳамда **ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари барча фуқароларга**, шу жумладан, мардикорлар, ўзини ўзи банд қилганлар, аутсорсинг, аутстаффинг, фриланс шартларида ишлаётган ходимлар, шунингдек, вақтинчалик, мавсумий, масофавий, платформалик ва беқарор бандликнинг бошқа кўринишларида банд бўлганларга нисбатан татбиқ этилиши бўйича ҳар қандай норма ижодкорлиги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар - меҳнат қонунчилигининг ҳимоявий ва тартибга солувчи функциялари мустаҳкамланиши ҳамда кенгайтирилиши, самарали ҳуқуқни қўллаш амалиёти воситасида **норасмий ва ҳимояланмаган меҳнатга чек қўйилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилиши тарафдори.**

Халқаро меҳнат ташкилотида эришилган яқдиллик асосида Федерация меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш мезонлари сифатида **“истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор”** тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишига эришиш чораларини кўради.

Бундан ташқари, “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги ҳамда “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан таклифлар киритилади.

Фуқароларга **бепул ҳуқуқий ва консултантив ёрдам кўрсатилишини кенгайтириш**, ижтимоий тармоқларда ахборот каналларини ҳамда “Ишонч телефон”лари тармоғини кўпайтириш, шунингдек, сайёр қабуллар ташкил

этиш орқали аҳоли билан ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича **Қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш** чоралари кўрилади.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар **касаба уюшмаларининг жамоавий ҳаракатлари самарадорлигини янада ошириш**, ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш борасидаги стратегия ва тактикани белгилаш, ижтимоий-меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида келишилган позицияни ишлаб чиқиш, ушбу масалалар бўйича қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик натижадорлигини юксалтириш мақсадини баён этади.

Касаба уюшмалари **халқаро ва миллий меҳнат стандартларини тарғиб қилиш**, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тарғибот фаолиятини тубдан яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашади.

#### **IV. Ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Федерация иш берувчилар томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмалари **жамоатчилик назоратининг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, ушбу йўналишда илғор тажрибани умумлаштириш ҳамда** кенг ёйиш ишларини давом эттиради.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига аъзо ёки аъзо эмаслигидан қатъи назар, уларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан **жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда касаба уюшмалари инспекциялари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.**

Касаба уюшмалари инспекциялари давлат меҳнат инспекциясига муқобил ёки қарама-қарши институт эмас ва у билан ўз муносабатларини **ўзаро ҳурмат, бири бирини тўлдириш ва конструктив ҳамкорлик тамойиллари асосида қуради.**

Улар прокуратура органлари, давлат назорати (текшируви)нинг бошқа органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Касаба уюшмалари инспекциялари юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларда келтирилган вазларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларига биринчи галдаги эътиборни қаратади. Бинобарин, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш ишлари қонун билан белгиланган муддатларда ўз мантиқий якунига етказилиши зарур.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш, муносиб ва бехатар меҳнат шароитларига эга бўлиш, ишсизликдан ҳимоя қилинишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган нормативҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ўтказиб борилади.

Аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши, барча жойларда қонун устуворлигини қарор топтириш ва иш ўринларида талаб этиладиган санитар-гигиеник шароитлар яратилиши чоралари ўз вақтида кўриб борилади.

Касаба уюшмалари инспекциялари ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни адолатли қопланиши борасидаги ҳуқуқларини амалга оширилишига интилади.

Шу билан бир қаторда, касаба уюшмалари инспекцияси жазолаш органларининг вакиллари эмас, балки жамоатчилик назоратини амалга ошириб, қонун бузилишларини барвақт аниқлаш ва уларни тезкор бартараф этиш ҳамда бу борада иш берувчиларга кўмаклашишга биринчи галдаги эътиборни қаратади.

#### **V. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Федерация Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан илгари сурилган **Муносиб меҳнат концепциясини** қўллаб-қувватлайди. Ҳолбуки, муносиб меҳнат ижтимоий, иқтисодий ва экологик ривожланишнинг ўзаги сифатида ўзини намоён қилиши баробарида глобаллашув шароитида мувозанат ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Зеро, ҳозирги замон дунё маданияти ўсиш ва ривожланиш билан боғлиқ муаммоларга янада барқарор ва адолатли ёндашувни талаб этмоқда.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар мамлакат ривожланишининг муносиб меҳнат ғоясига асосланган янги моделини шакллантиришда **уч томонлама ижтимоий мулоқотнинг ҳал қилувчи ролини** таъкидлайди.

Ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотнинг энг яхши амалиётини ўрганиш ва кенг ёйиш, **жамоа келишувлари ва шартномалари билан меҳнаткашларнинг кенг қатламлари қамраб олинишига эришиш, жамоавий меҳнат низоларини маърифий йўл билан ҳал этиш** ишлари давом эттирилади.

Глобал иқтисодиёт муаммолари кескинлашуви ва унинг нотекислиги, меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддиятлар ортиб бориши ижтимоий мулоқот жараёни мураккаблашувига олиб келаётганини англаган ҳолда, Федерация, унга аъзо ташкилотлар меҳнат аҳлининг ҳуқуқ ва манфаатларини мудофаа қилиш йўлида ўзларининг ҳамжиҳатлиги, уюшқоқлиги ва бирдамлигига катта эътибор қаратади.

Касаба уюшмалари **ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика ва ҳудудий уч томонлама комиссиялар ишини жонлантиришни**, уларни ижтимоий-меҳнат соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришга таъсир кўрсата оладиган ҳақиқий кучга айлантиришни ёқлайди.

Шу билан бир қаторда, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг мақомини янада кўтариш мақсадида унинг таркибида асосий ишидан озод қилинган раис ва аппарат ходимлари учун штат бирликларини жорий этиш бўйича таклиф киритилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар **тармоқлар, ҳудудлар ва ташкилотлар миқёсида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни шакллантиришга ва уларнинг ишини фаоллаштиришга** ёрдам беради.

Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлар ишини енгиллаштириш учун **жамоа музокараларининг янада марказлашувини**, Бош ва тармоқ жамоа келишувлари меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланишини ёқлайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги жамиятлар, тармоқ кластерлари, қурилиш ташкилотлари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари, платформа иқтисодиёти субъектлари, шунингдек мавсумий меҳнат жамоаларида жамоа музокараларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар касаба уюшмаларига бўлиши мумкин босимнинг ҳар қандай шакллариغا, айрим давлат бошқаруви органлари ва иш берувчилар уюшмаларининг ижтимоий шериклик кўламини пасайтириш истагига қарши туради.

Касаба уюшмалари ижтимоий мулоқотнинг ажралмас қисми, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг аниқ ечимларини ишлаб чиқиш жараёнининг доимий иштирокчиси бўлиб қолишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) билан ижтимоий мулоқотни ривожлантириш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб қолаверади.

ТМК жамиятларида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги миллий қонунчилик бузилишининг олдини олиш, касаба уюшмаси ташкилотларини ташкил этилишига ва фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш, жамоа келишувлари ва шартномаларини тузиш мақсадида касаба уюшмалари Бош жамоа келишувига, давлат ва хорижий инвесторлар ўртасидаги шартномаларга тегишли қоидаларни киритишга ҳаракат қилиб, миллий қонунчиликка риоя этилишини тарғиб қилади.

Касаба уюшмалари ижтимоий шериклик самарадорлигини муттасил ошириб боришни ёқлаб чиқади, бунинг учун **барча жамоа келишувлари ва шартномаларининг лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши, ягона музокара жараёни қоидаларига биноан тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари тузилишининг кетма-кетлигига қатъий риоя этилиши** учун зарур чораларни кўради.

Қарорлар қабул қилиш жараёнига касаба уюшмаларининг таъсирини таъминлаш учун **Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқилаётганда Федерация вакилларининг иштироки** ташкил этилади.

Касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчилар иштирокида Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакилларининг энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокамасига бағишланган **жамоатчилик эшитувлари** ҳар йили ўтказиб борилади.

## **VI. Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш**

Ўзбекистонда меҳнат бозори институционал жиҳатдан жадал ривожлантирилмоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида аниқ тизим яратилиб, унинг самарали ишлаши таъминланмоқда.

Айни пайтда, касаба уюшмалари иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш, ишсизлик ва тўлиқсиз бандликни тугатиш мақсадида **Хукумат тўлиқ, самарали ва эркин танланган бандликка кўмаклашишга** қаратилган сиёсатни амалга ошириши, **ишсизларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг такомиллаштириши** лозим деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда расмий секторда кўпроқ янги иш ўринларини ташкил этиш, меҳнат миграцияси оқимларини оптималлаштириш, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва сунъий интеллект жорий этилиши натижасида иқтисодиёт секторларидан бўшатиб олинган шахсларни ишга жойлаштириш талаб этилади.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар **меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш**, муносиб иш ҳақи ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи барқарор иш ўринларини барпо этиш, **яратилган янги иш ўринларига қабул қилинган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш** борасида Хукуматга максимал даражада кўмаклашади.

**Бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш** ва вақтинча банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича бандликка кўмаклашиш марказлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ишлари давом эттирилади.

Касаба уюшмалари ва уларнинг бўлинмалари **меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари энг кам миқдорини белгилаш** дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, бунда, айниқса, таълим муассасалари битирувчилари, ногиронлар, ёлғиз ота-оналар ва аҳоли ижтимоий заиф қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади, бу борадаги **норматив негизни такомиллаштириш** бўйича таклифлар киритилади.

Норасмий иқтисодиёт ва сохта “ўзини ўзи банд қилиш” кўлами ошиб бораётганидан ўз хавотирини тасдиқлаган ҳолда, Федерацияга аъзо ташкилотлар **норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга** мумкин қадар кўпроқ меҳнаткашлар ўтказилишига ҳар томонлама кўмаклашади, уларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган меҳнат муносабатларига тўлиқ интеграциялашувига, касаба уюшмалари сафига киришига, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари билан қамраб олинишига интилади.

Бу борада биринчи навбатда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари (чакана савдо, умумий овқатланиш, қурилиш, фермер хўжаликлари) жамиятларида ишлаётган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қонунчилик билан белгиланган энг кам меъёрларига риоя этилишини иш берувчилардан қатъий талаб қилиш кампанияси олиб борилади.

Бандликнинг ностандарт турлари меҳнат бозори эгилувчанлигини ошириши ҳисобига аҳолини иш билан таъминланиш даражасини кўтаришга муайян ҳисса қўшиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **ностандарт тарзда банд бўлган ходимларга нисбатан ҳам**

**ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари татбиқ этилишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.**

Федерация касаначилар, спортчилар, мавсумий ва вақтинча ходимлар, уй ишчилари, ижодий ва педагогик ходимлар, транспорт ходимлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ёллаган ишчилар меҳнати муқаррар равишда янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси асосида тартибга солиниши учун зарур чоралар кўради.

Федерациянинг фикрича, платформа (яъни, такси агрегаторлари, етказиб бериш хизматлари, маркетплейслар ва ҳоказолар)даги бандлик рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда меҳнатни ташкил этиш шаклидир. Платформа ходимлари меҳнат қонунчилигида, ижтимоий, тиббий ва пенсия суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва кафолатлар билан қамраб олинishi лозим.

Федерация ўзини ўзи банд қилганлар ва платформа ходимларининг касаба уюшмаларига бирлашиш, жамоавий музокаралар ўтказиш ва жамоа шартномаларини тузишга оид ҳуқуқлари таъминланиши зарур деб ҳисоблайди.

Касаба уюшмалари хизмат текшируви, аутстаффинг, секондмент (ходимни бошқа иш берувчига вақтинча хизмат сафарига юбориш) каби меъёрий ҳолатлар инсон қадр-қиммати, шаъни ва ғурурига путур етказмайдиган ҳолга келтириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, ходим учун асосий иш жойида ҳам, вақтинчалик иш жойида ҳам, жамоа шартномасида, келишувидан назарда тутилган ҳуқуқ ва меҳнат кафолатлари сақлаб қолиниши шарт.

Ёшларни ишга жойлаштириш соҳасида касаба уюшмалари “биринчи меҳнат шартномаси” муаммосини ҳал қилиш учун **субсидияланган бандлик кўлами** янада кенгайтирилиши, **ёш ходимларнинг шогирдлик ёки стажёрлик даврлари давомийлиги қонунан чекланиши, ҳақ тўланмайдиган стажёрлик таъсирчан тақиқланиши** ҳамда ишга қабул қилишда ўтказиладиган **суҳбатлашувлар тартибга солиниши** тарафдоридир.

## **VII. Меҳнаткашларнинг иш ҳақлари ва даромадларини юксалтиришга кўмаклашиш**

Федерациянинг вазифа ва функциялари ғоят серқирра бўлса-да, **касаба уюшмаларининг ташкилот сифатидаги энг муҳим иқтисодий мақсади меҳнаткашларнинг иш ҳақлари ва даромадларини юксалтиришдан иборатдир.**

**Муносиб меҳнатнинг асосий мезони – муносиб иш ҳақидир**, зеро, бундай иш ҳақи меҳнаткаш ва унинг оиласи иқтисодий мустақиллигини таъминлайди, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот тизими учун негиз яратади, инсонга ўз саломатлигини юксак ишчанлик, жисмоний фаоллик, узоқ умрни таъминловчи даражада сақлаб туриш имконини беради, шунингдек, касбий, маданий ва маънавий ривожланиш ҳамда цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлиш учун шарт-шароит яратади.

Касаба уюшмалари учун **муносиб иш ҳақи тушунчаси** - мулк шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда асослантирилган миқдорларда ўрнатилган ҳамда ходимнинг малака даражасига, бажариладиган ишнинг мураккаблиги, миқдори, сифатига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган, шунингдек, кам ва кўп ҳақ олувчи ходимлар тоифалари иш ҳақлари ўртасида мақбул нисбатни таъминлайдиган **адолатли иш ҳақини аниқлатади**.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Федерация ва унга аъзо ташкилотларнинг келгуси даврдаги сабъ-ҳаракатлари яратилган миллий маҳсулотнинг меҳнат ва капитал ўртасида адолатли тақсимланишига, **ялпи ички маҳсулот таркибида (маҳсулот, ишлар, хизматлар таннархида) иш ҳақининг улуши оширилишига** эришишга йўналтирилади.

Миллий қонунчилик ва амалиётни Халқаро меҳнат ташкилотининг Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли Конвенцияси талабларига мувофиқлаштириш борасида изчил чоралар кўрилади.

Меҳнаткашларнинг **ҳам номинал, ҳам реал иш ҳақлари сезиларли даражада оширилишига** қаратилган ҳаракатлар давом эттирилади, **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг таклифлари тизимли равишда ишлаб чиқилиши йўлга қўйилади.

Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор бўйича Халқаро меҳнат ташкилотида эришилган уч томонлама консенсус республикамизда ҳам иш ҳақини белгилаш ва жорий этиш жараёнларида ўз ифодасини топиши лозим.

Шу боис, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражада умум белгиланиши тарафдори бўлиб, тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан паст бўлган даромадларни фуқароларнинг солиқ солинадиган даромадларидан чегириб ташлаш ғоясини ёқлайди.

Федерацияга аъзо ташкилотлар ўз ижтимоий шерикларига аҳоли пул даромадларининг ўзгариш динамикаси, инфляцияни жиловлаш ҳамда нархлар ўсишининг салбий оқибатларини юмшатиш вазифалари билан уйғунлашган тариф ва нарх-наво сиёсатини юритишни тавсия этиб боради. **Жамоа шартномалари ва келишувларига истемол нархларининг ўсишига қараб ходимларнинг иш ҳақи, бошқа пуллик даромадлари индексация қилиниши тўғрисидаги қоидалар киритилишига эришилади.**

Жамоа шартномалари ва келишувлари воситасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг **оширилган тариф коэффициентлари**, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, компенсациялар ва рағбатлантириш тарзидаги тўловларни жорий этиш борасидаги меҳнат жамоаларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган чоралар қабул қилинади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ёки бошланғич ташкилотлари билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар фаолиятида иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига иш берувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган тарзда ушлаб қолишларга йўл қўймаслик, ходимларга тўланаётган ҳақ уларнинг малакасига ва меҳнат шароитларига мувофиқлигини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари табақаланишни камайтириш ва камситишларга йўл қўймаслик масалалари устувор бўлиб қолаверади.

Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгилаб қўйилган пулли компенсация билан бирга тўланиши назоратга олинади.

Жамоа шартномавий ҳужжатлар воситасида тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш принципини амалга ошириш чоралари кўрилади.

Беқарор иқтисодий вазият юзага келган шароитда даромадлар кафолатларини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимлари кенг жорий этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбат ўрнатилиши, иш берувчи тўловга лаёқатсиз бўлганда иш ҳақи ҳимоя қилиниши, иш ҳақи учун яширин тўловларга йўл қўймаслик масалаларида муросасиз бўлади.

Федерация иш ҳақини ошириш талабларини асослаш учун статистика органлари томонидан мунтазам равишда медианалик ва модал иш ҳақини ҳисоблаш амалиётини жорий этиш таклифини киритади.

### **VIII. Меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси ишларини ташкил этиш, норматив негизини мустаҳкамлаш**

Ҳозирги вақтда меҳнатни ташкил этиш тизими қуйидагиларни тақозо этади:

- иш ўринларини юқори технологиялар ва хавфсизлик стандартларига мувофиқ ҳолда жиҳозлаш;
- иш вақтидан, ходимларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминловчи хавфсиз меҳнатни меъёрлаштириш тизимларини жорий этиш;
- ходимларнинг малака даражасига қўйилган талабларга биноан уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- ходимларнинг саломатлиги сақланиши ва касбий ўсишини таъминлаш учун уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириб бориш.

Лозим даражадаги хавфсиз меҳнат шароитлари яратилмаган иш ўринлари мавжудлигини ҳисобга олиб, касаба уюшмалари зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омилларидан холи, муносиб меҳнат шароитларига эга, жароҳатланиш ва касб касалликларига

чалиниш эҳтимолини, табиий атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтирувчи **“яшил иш ўринлари”** яратилишига кўмаклашади.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар муносиб меҳнат шароитлари ва барқарор ривожланиш таъминланишининг зарурий шарт сифатида **экологик ва биологик хавф-хатар муаммолари хал этилишига, ишловчилар соғлиғига путур етказилишининг олдини олиш**, шунингдек, жароҳатланиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатлари камайтирилиши юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилишини ёқлайди.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар **меҳнат муҳофазаси ва гигиенасининг** замонавий ва самарали **бошқариш тизими** жорий этилиши, атроф-муҳит, сунъий интеллект, биологик хавф-хатар, меҳнат муҳофазаси ва гигиенасининг муаммоли масалалари ечимини **ривожланишнинг устувор вазифаси деб қарайди**, ҳамда корпоратив маданиятнинг ажралмас қисмига айлантирувчи шароитлар яратилишини изчиллик билан амалга оширади.

Касаба уюшмалари меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш, сунъий интеллектнинг ходимлар саломатлигига, иш ўринларидаги хавфсизликка таъсири, биологик хавф-хатарни ишлаб чиқариш муҳитига таъсири, ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш ишлари бугунги кун талабидан ортида қолаётганини тан олади.

Мазкур соҳадаги аҳволни яхшилаш учун Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **миллий қонун ҳужжатларини ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш** ҳамда меҳнат муҳофазаси ва гигиенасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан **самарали жамоатчилик назоратини давом эттириш** мақсадида:

- атроф-муҳит, сунъий интеллект, биологик хавф-хатар, меҳнат муҳофазаси ва гигиенасига оид миллий қонунчиликни халқаро меҳнат стандартларига имплементацияси жараёнида фаол иштирок этиш;
- меҳнат муҳофазасининг бошқариш тизимини ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартларини жорий этиш;
- меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси бўйича тармоқ ва ҳудудий мақсадли дастурларни долзарблаштириш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ва рағбатлантириш;
- даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш, махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлаш стандартларини қайта кўриб чиқиш масалаларини назарда тутувчи таклифларни киритади.

Касаба уюшмаларининг **меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси хизматини ташкил этиш ва уни кадрлар билан мустаҳкамлаш** чоралари кўрилади. Зеро, ушбу хизмат:

- иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа жамиятлари, ташкилотларида меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишига;

- иш берувчиларда меҳнат муҳофазаси ва гигиенасига оид сиёсат, мақсадлар ва тартиб-таомилларни белгилаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишига;

- ходимларга зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омиллари таъсирини камайтириш;

- меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, сунъий интеллект, экология ва биологик хавф-хатарга оид халқаро амалиётни ўрганиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқиш ҳамда тажриба алмашиш учун ривожланган давлатларнинг касаба уюшмалари марказларига ташрифларни уюштириш ишларига жавоб беради.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **атроф-муҳит, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси (HSE – Health, Safety and Environment)** йўналиши бўйича:

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш,

- “яшил” иқтисодиётга ўтишда, “яшил” иш ўринлари яратиш,

- сунъий интеллектнинг ходимлар саломатлигига, иш ўринларидаги хавфсизликка таъсирини камайтириш,

- ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш превентив тадбирларини белгилаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида, хорижий ва халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари билан ҳамкорлик ўрнатади.

Федерация республикада **экологик вазият, биологик хавф-хатар, сунъий интеллектнинг иш ўринларига таъсири, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, ходимлар саломатлиги маданиятини ошириш йўналишида касаба уюшмалари фаолияти доирасидаги ишлар аҳволини таҳлил қилиб боришни давом эттиради.**

#### **IX. Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг, аёллар, кексалар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояси**

Касаба уюшмалари “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишга оид **Давлат дастурларини шакллантириш ва бажаришда фаол иштирок этади.**

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **меҳнаткашларни** ишсизлик, касаллик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, ногиронлик, кексалик ва ҳоказолар билан боғлиқ **ижтимоий қалтисликлардан ҳимоя қилиш тизимини** ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашади.

Касаба уюшмалари **ижтимоий ҳимоя тизими барча учун тааллуқли бўлишини**, бандлик мақомидан қатъи назар, барча ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари тегишли нафақалар ва ёрдам билан қамраб олинишини ёқлайди.

Федерация бундан буён ҳам хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳукуматнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларига кўмаклашади.

Федерация аъзо ташкилотлар билан ҳамкорликда **хотин-қизларни касаба уюшмаларига кенг жалб қилиш** ишларини давом эттиради, ўз сайлаб қўйиладиган раҳбар органларида хотин-қизлар вакиллигини оширишга, касаба уюшмалари сиёсатига, шу жумладан, кадрлар ва фаолларни ўқитиш ишларига гендер муаммолари тўлиқ интеграция қилинишига интилади.

Жамоа шартномалари ва келишувларида **ишга қабул қилиш ҳамда хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, улар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш** масалалари назарда тутилади.

Федерация бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”ига оид дастурлардан келиб чиқиб, **ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилади.**

Шу жумладан:

- Ёшлар учун алоҳида йўналтирилган “Ёш мутахассис ҳимояси” механизми жорий этилади;
- “Устоз-шогирд” дастурлари ривожлантирилади;
- Ёшлар учун янги иш ўрнига қабул қилишда **меҳнат шартномаларини тўғри ва тўлиқ расмийлаштириш бўйича инфографика ва мобил гидлар тайёрланади;**
- “Ёшлар учун ҳуқуқий маслаҳат” онлайн платформаси ишга туширилади;
- “Ёш IT-лидерлар” дастури жорий этилади;
- “Ёшлар учун лидерлик мактаби” - иқтидорли ёш кадрларни аниқлаш ва ривожлантириш мактаби ташкил этилади.

Федерация “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётганлар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари аҳволини яхшилаш, уларга моддий ва маънавий кўмак чоралари қўлланилиши учун касаба уюшмалари имкониятларини фаол ишга солади, “Инсон қадрини учун, инсон бахти учун!” деган олийжаноб мақсадни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар меҳнат кишиси манфаатлари йўлида **пенсия таъминотини такомиллаштириш**, пенсия миқдори янада оширилиши, пенсия билан аввалги иш ҳақи ўрнини қоплаш коэффициенти 40-45 фоиздан кам бўлмаган даражагача кўтарилишига кўмаклашади.

Федерация пенсия тизими ислохотларини албатта фуқаролар ва кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда прогрессив тарзда амалга оширишни ёқлаб чиқади.

Федерация ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари аҳволини ва пенсия таъминотини яхшилаш, уларга моддий ва маънавий кўмак чоралари қўлланилиши учун касаба уюшмалари имкониятларини фаол ишга солади. Шу билан бир қаторда жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

Федерация Ҳукуматнинг оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлаш, соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш йўналишида олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

#### **Х. Ходимларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш ва соғломлаштириш**

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, меҳнаткашлар ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган **ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш**, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, дам олдириш ва соғломлаштиришда фаол иштирок этади.

Федерация маънавий-маърифий ислохотларни амалга ошириш ҳамда эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган **“Янгиланаётган Ўзбекистон: Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш ишларида тизимли иштирок этади, касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширади.

Маънавият ва маданиятни юксалтириш, спартакиадалар, фестиваллар, халқ ижодиёти кўргазмалари ва бошқа тадбирлар ўтказилиши давом эттирилади.

Меҳнат жамоаларида ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш мақсадида уларнинг театр, концерт ва музейларга ташрифлари тизимли ташкил этиб борилади.

Инсон капиталини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўлидаги инвестицияларни кўпайтиришга кўмаклашиш учун касаба уюшмалари салоҳиятидан кенг фойдаланилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ҳам маданий кадриятлардан баҳраманд бўлишларига, халқ ҳаваскорлик ижодиёти ва оммавий жисмоний тарбия ҳаракати ривожланишига катта эътибор қаратади. Касаба уюшмаларининг ижобий имижини шакллантириш мақсадида меҳнатдаги ютуқлар ҳамда санъатнинг турлари бўйича энг яхши асарлар учун **касаба уюшмалари мукофотларини** таъсис этиш ишлари, спартакиадалар ва мусобақалар ўтказиш амалиёти давом эттирилади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини **маданий дам олдириш ҳамда соғломлаштириш, шунингдек, экологик, тиббий ва зиёрат туризмни ривожлантириш** чоралари кўрилади. Федерация, унга аъзо ташкилотлар **“Янги Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!”** дастури доирасида ички туризмни ривожлантиришда фаол иштирок этади.

Меҳнат жамоаларида **соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш**, ишловчиларни **“ходимлар гимнастикаси”**га, спортнинг оммавий турлари бўйича **мусобақалар** ўтказишга кенг жалб қилиш ишлари амалга оширилади.

Экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳасида иштирок этилади.

Баркамол авлодни тарбиялаш йўлида ўсмирлар ва қизларни спорт билан шуғулланишга кенгроқ жалб қилиш ва бунинг учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида **болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти янада ривожлантирилади.**

Мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшаётган, барча тармоқ ташкилотлари узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташкилотларда соғлом муҳит яратиш мақсадида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштириб борилади.

Ҳар йили ўрнатилган квотага биноан ишлайдиган кексалар, ишлайдиган кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилаларнинг аёллари, фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг ишлайдиган аъзолари ва иқтидорли ёшлар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилади.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, тиббий туризмни ривожлантириш мақсадида, янги санаторийлар куриш, мавжудларида даволаниш ва дам олиш учун жаҳон стандартларига мос шароитлар яратиш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, ўринлар сонини кўпайтириш орқали мамлакатимиз аҳолисини соғломлаштириш салмоғи оширилади.

Болалар ва ўсмирларни жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш мақсадида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини ривожлантириш, спорт турларини кўпайтириш, ёш авлодларни спорт мактабларига кўпроқ жалб қилиш ҳамда уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилади.

#### **XI. Касаба уюшмалари фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш**

Касаба уюшмалари фаолиятини рақамлаштириш меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ташкилот фаолиятини самарали бошқариш ва уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш учун муҳим қадам ҳисобланади.

Рақамли технологиялар инфратузилмаси ривожлантирилади, барча ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминланади, замонавий серверлар, компьютер техникалари ва ахборот хавфсизлиги тизимлари жорий этилади.

Келгуси даврда электрон ҳужжат айланмасига тўлиқ ўтилади. Электрон ариза, мурожаат ва шикоятларни қабул қилиш ва назорат қилиш тизими жорий этилади. Қарорлар, фармойишлар ва низомлар электрон форматда юритилади.

Бутун республика бўйича ягона рақамли касаба уюшмалари платформаси жорий этилади ҳамда барча ташкилотлар ва ходимлар камраб олинади.

Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолияти, шу жумладан аъзолик бадаллари ва ижтимоий суғурта тўловлар тушуми билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар комплекс интеграллашган ахборот тизими асосида автоматлаштирилади. Мобил иловалар орқали касаба уюшмалари аъзоларига хизмат кўрсатиш ташкил этилади.

Федерациянинг барча бўғинлари раҳбар ходимлари учун ўзларининг хизмат ваколатлари доирасида асосланган қарорлар қабул қилишлари учун тезкор ва ишончли таҳлилий маълумотларни етказиб турувчи ахборот-таҳлили (data analytics) ва сунъий интеллект (AI) технологиялари жорий этилади. Меҳнаткашларга меҳнат ҳуқуқлари ва касаба уюшмалари фаолияти ҳақида маслаҳат берувчи чат-ботлар ва AI маслаҳатчилар ишлаб чиқилади.

Ахборот технологиялари инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлган ва уни замон талабларига мос ҳолда ривожланиши ва такомиллашиб боришини ташкиллаштириб турувчи Федерациянинг Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими тузилмаси ва унинг фаолияти такомиллаштирилади.

Касаба уюшмалари ходимлари ва аъзолари учун рақамли технологиялар бўйича мунтазам ўқув курслари ташкил этилади. Онлайн таълим платформалари ишлаб чиқилади ва улар орқали малака ошириш имконияти яратилади.

Федерация миқёсида ахборот хавфсизлигини, шу жумладан ахборот тизимларида айланаётган ва маълумотлар базасида сақланаётган ахборотлар ҳимоясини таъминлаш, замонавий киберхавфсизлик чоралари кўрилади.

“Электрон касаба уюшмалари”ни ривожлантириш доирасида шаффофликни таъминлаш ва аҳолининг санаторийларда саломатлигини яхшилаш учун уларга қулайликлар яратиш мақсадида “Онлайн йўлланма” дастури такомиллаштирилади.

## **ХII. Тизимда молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш, моддийтехника базасини мустаҳкамлаш**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида молиявий йўналишдаги амалдаги меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилади.

Барча бўғиндаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан касаба уюшмаси бюджети маблағлари тушуми ва улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан доимий таҳлил ва назорат олиб борилади, тафтиш комиссиялари фаолияти самарали ташкил этилади.

Айни пайтда, бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган маблағларни тасдиқланган смета асосида сарфлаш имкониятлари кенгайтирилади.

Тизимдаги мавжуд санаторийларда дам олувчилар учун қулай шартшароит яратиш мақсадида манзилли дастурларга асосан режали қурилиштаъмирлаш, замонавий тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозлаш ишлари молиялаштирилади.

Касаба уюшмалари аъзоларини соғломлаштириш қамровини кенгайтириш мақсадида ўринлар сонини кўпайтириш, янги санаторийлар ташкил этиш ишлари молиялаштирилади.

Ходимларни ишдан узилмаган ҳолда спорт билан шуғулланишлари ҳамда саломатликларини янада мустаҳкамлаш мақсадида янги спорт мажмуаларини қуриш ишлари давом эттирилади.

### **ХIII. Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларида амалга ошириладиган ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш**

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар ҳамда жамоатчилик ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш орқали мамлакатимиз жамоатчилик фикрида касаба уюшмаларини меҳнаткашлар манфаатларини ифода этувчи ва собит туриб ҳимоя қилувчи ташкилот сифатидаги ижобий имижини янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Муштарийлар, тингловчилар ва фойдаланувчиларнинг турли қатламлари эътиборига касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларида, шунингдек ижтимоий мулоқот механизмларини такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган тизимли ишлар тўғрисидаги **ахборотлар етказилишининг янада самарали услубларини** излаш ва ўзлаштириш борасидаги ишлар кучайтирилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар мавжуд босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан, ижтимоий тармоқларни қўллаган ҳолда муносиб меҳнат кадриятларини ҳимоя қилади, ишчи инсон ҳурматини ҳар томонлама тарғиб этади.

Федерация аъзо ташкилотлар ва ҳудудий бирлашмалар билан ҳамкорликда **ахборот дастурлари, нашр лойиҳаларини** ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттиради. **Брифинглар ва матбуот анжуманларини** ўтказиш, миллий ва халқаро **матбуот анжуманларида**, шунингдек, **республика ва маҳаллий телеканалларда ташкил этиладиган туркум кўрсатувларда** касаба уюшмалари етакчиларининг иштирокини таъминлаш амалиёти янада фаоллаштирилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ахборот хизматлари ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари билан **ҳамкорлик** алоқалари кучайтирилади.

Федерация ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг **мақолалари**, касаба уюшмалари, уларнинг бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятига оид **чиқишлар Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг веб сайтлари** ҳамда **нашрларида мунтазам жойлаштириб борилади.**

Меҳнаткашлар билан интерактив мулоқот ўрнатиш мақсадида энг оммавий **ижтимоий тармоқларда Федерация саҳифаларини юритиш ишлари** давом эттирилиб, бунда ёшларга тааллуқли интернет аудитория билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Федерация ўзининг **нашриёт мажмуаларини**, электрон ва босма **оммавий ахборот воситаларини** ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттиради.

Нухасини кўпайтириш ва масс-медиа бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Федерациянинг босма нашрлари **“Ишонч” ва “Ишонч Доверие”** газеталарининг моддий-техник базаси ва ижодий салоҳияти мустаҳкамланади.

### **XIV. Касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш**

Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ўзаро ва Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари билан ҳамкорлигини янада юқори даражага олиб чиқиш, касаба уюшмалари олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ҳаракат бирлигини таъминлаш Федерацияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартириш соҳасида олиб борилаётган ишларни эътиборга олган ҳолда **хусусий сектор жамият, ташкилотлари ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади.**

**Федерация бандликнинг янги шаклларида (масофавий иш, платформа бандлиги, ўзини-ўзи банд қилиш) меҳнат қилаётганларни касаба уюшмаларига бирлаштиришнинг янги механизмларини излаб топиш ва йўлга қўйишда аъзо ташкилотларга ҳар томонлама кўмаклашади.**

Ушбу йўналишдаги ишлар самарасини ошириш мақсадида касаба уюшмалари фаолиятига доир **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланиб, мутасадди ташкилотларга тақдим этилади.**

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш соҳасидаги ишлар самарасини оширишда Федерация **аъзо ташкилотлар ва ҳудудий Кенгашларга доимий равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб боради.** Шу билан бир қаторда “Касаба уюшмалари картаси”га **қатъий амал қилинишини** йўлга қўйиш ва **назорат** қилиш механизми ишлаб чиқилади.

Федерация аъзо ташкилотларнинг **ўз ташкилий тузилмасини такомиллаштириш** борасидаги асосланган таклифларини, жумладан молиявий имкониятлардан келиб чиқиб ҳудудий бўлинмаларини ташкил этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Федерация ва аъзо ташкилотлар уставлари асосида тўғри йўлга қўйишда **бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади.**

Бошланғич ташкилотлар ҳисобини юритишнинг электрон тизими фойдаланиш учун янада қулай бўлишини таъминлаш мақсадида такомиллаштирилади, **тизимга республиканинг энг чекка ҳудудларидан ҳам кириш имконияти яратилади.**

Барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг фаолиятига баҳо беришда улар томонидан **ижро интизомига риоя этилиши, Федерация ва аъзо ташкилотларининг уставлари, коллегиял органлари қарорлари бажарилишининг таъминланиши асосий мезонлардан бири бўлиб қолади.**

Касаба уюшмалари ҳаракатининг бугунги кундаги ривожланиши хусусиятлари ва қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилиш зарурияти касаба уюшмалари кадрлари ҳамда фаолларининг касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига кучайтирилган талаблар қўймоқда.

Касаба уюшмалари етакчилари нафақат билим ва кўникмаларга эга бўлишлари, балки уларни замон талабларидан келиб чиқиб амалиётда қўллай олишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундан келиб чиқиб касаба уюшмалари ўқуви тизимини такомиллаштириш, жумладан Федерациянинг Малака ошириш институтида **кадрлар ва фаолларни ўқувлар билан қамровни икки баробар ошириш, мустақил малака ошириш (масофавий таълим) тизимининг кўламини кенгайтириш чоралари кўрилади.**

Сифатли кадрлар захирасини шакллантириш, захирага киритилган кадрларни билим ва касбий кўникмаларидан келиб чиқиб **рахбарлик лавозимларига тавсия этишга асосланган кадрлар сиёсати изчиллик билан давом эттирилади.**

Касаба уюшмаси органларига ходимларни ишга олиш даврида коррупция, таниш-билишчилик ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизми жорий этилади.

## **XV. Халқаро фаолият**

Халқаро касаба уюшмалари ҳаракатидаги **ўз нуфузини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон касаба уюшмалари тажрибасини тарғиб қилиш** борасидаги ишлар Федерация ва унга аъзо ташкилотлар халқаро фаолиятининг бош йўналиши бўлиб қолади.

Касаба уюшмалари барча халқаро ташкилотлар майдонида ҳамкорлик қилишда, халқаро касаба уюшмалари ҳаракати тенденцияларини баҳолашда ўзларининг суверен ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ўз манфаатларидан келиб чиқадилар.

**Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида** Бутуневропа касаба уюшмалари минтақавий кенгаши, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси, Туркий мамлакатлар касаба уюшмалари ташкилотининг коллегиял органларида ўз вакиллари сонини кенгайтириш, ушбу халқаро бирлашмалар билан конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, улар эълон қиладиган глобал кампанияларда фаол иштирок этиш ишлари Федерациянинг мазкур йўналишдаги **стратегик мақсадлари** ҳисобланади.

Шу билан бирга **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти** мамлакатлари, **шунингдек, Жанубий-Шарқий Осиё, Африка ва Европанинг** айрим мамлакатларининг касаба уюшмалари марказлари билан икки томонлама муносабатларни йўлга қўйиш Федерациянинг устуворликлари каторида кўрилади.

**Халқаро меҳнат ташкилоти** ва унинг бўлинмалари билан фаолиятнинг барча йўналишларида **ҳамкорликни янада кенгайтириш**, улар томонидан ташкил этиладиган тадбирлар ва лойиҳаларда мунтазам иштирок этиш ишлари ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) билан ҳамкорлик қилиш, унинг тавсияларини бажаришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Постсовет мамлакатларининг касаба уюшма марказлари билан конструктив ҳамкорликни** ривожлантириш ишлари сўзсиз устуворлик касб

этади. Ҳамкорлар билан биргаликда **Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши доирасида биргаликдаги фаолият** изчил давом эттирилади. Минтақа миқёсида касаба уюшмаларининг ҳудудлар ва тармоқлараро ҳамкорлиги институционал жиҳатдан ривожлантирилади.

Федерация тармоқ касаба уюшмаларига хорижий мамлакатларнинг турдош касаба уюшмалари билан **икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни**, Ўзбекистонга дўстона муносабатда бўлган **касаба уюшмалари Глобал федерациялари билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш ишларида амалий ва услубий ёрдам кўрсатишни давом эттиради.**

Шу билан бир қаторда, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар ноҳолис сохта халқаро коалициялар ва трансмиллий корпорациялар манфаатларини кўзлаб иш кўрувчи ноҳукумат ташкилотлар томонидан билдирилладиган **бир ёқлама танқид ва бўҳтонларга қарши бундан буён ҳам қатъий равишда курашаверади.**

*2025 йил 1 ноябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойида қабул қилинган.*

## **Бошланғич касаба уюшмасы ташкилотини тузиш ва аъзоларни қабул қилиш тартиби**

**Бошланғич касаба уюшмасы ташкилоти** - айна вақтда қайсидир касаба уюшмасига аъзо бўлган ва бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёхуд тегишли таълим муассасасида ўқиётган фуқароларнинг ташаббуси билан тузилиши мумкин. Зеро, бошланғич касаба уюшмасы ташкилотини тузишнинг ўзига ҳос хусусиятлари, талаблари ва қоидалари борки, бундай ташкилотни тузишда уларга албатта риоя қилиниши керак. Акс ҳолда, талаб ва қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган ташкилот - ваколатли, яъни қонуний ташкилот деб тан олинмайди ва ўз навбатида бундай ташкилот томонидан қабул қилинган қарор ёки бошқа ҳужжатлар ҳам қонуний кучга эга бўлмайди.

Бошланғич касаба уюшмасы ташкилотини тузиш бўйича мисол: Масалан, янги ташкил этилган жамиятда касаба уюшмасы бошланғич ташкилотини тузиш учун биринчи навбатда нима керак?

Биринчи навбатда шундай ташкилот тузишни ҳохловчи ташаббускор керак. Ундан кейин бу ташаббускор ўз ихтиёрини, режасини бошқаларга етказди ва бу борада ўзига ҳамнафас, яъни шундай ташкилотни тузишга қўшиладиган шахс (шахслар)ни топиши керак. Топилса, энди улар бошланғич касаба уюшмасы ташкилотини тузиш ташаббускорларига айланадилар.

Эътибор қаратилса, қонунда ташаббускорларнинг сони белгилаб берилмаяпти. Демак, шарҳланаётган нормадаги “фуқароларнинг” деган иборасидан келиб чиқиб ҳулоса қилинса, ташаббускорлар икки нафар ёки ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин экан. Бу тармоқ касаба уюшмаларининг Уставларидан белгиланган.

Ташаббускорлар ўзларини ташкилий шаклини қандай аташлари ҳам ўз ихтиёрларида. Масалан, “ташаббускорлар гуруҳи”, “ташкилий қўмита” ва ҳоказо.

Номлаш нимага керак? Номлаш шунинг учун керакки, ташкилотни тузиш тўғрисида ташаббускорлар умумий йиғилиш ўтказадилар ва мана шу йиғилишда ташкилотни тузиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Бу қарор кимнинг қарори эканлигини кўрсатиш, яъни “фалон ташкилотни тузиш ҳақида ташаббускорлар гуруҳининг қарори” ёки “фалон ташкилотни тузиш ҳақида таъсисчиларнинг қарори” деб расмийлаштириш учун керак.

Бундай йиғилишни ўтказишдан аввал ташаббускорлардан энг камида икки нафари қайсидир касаба уюшмасига аъзо бўлиб кириши керак бўлади (чунки, юқорида айтганимиздек, “Бошланғич касаба уюшмасы ташкилоти – айнан касаба уюшмасы аъзолари томонидан ихтиёрий равишда тузилади). Бунинг учун ташаббускорлар ўзлари танлаган касаба уюшмасининг уставида

белгиланган – касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органига (масалан, касаба уюшмасининг туман кенгаши, шаҳар қўмитаси, бирлашган қўмитаси ва ҳ.к.га) мурожаат этишлари ва шу органнинг қарори билан улар касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинган бўлишлари керак бўлади.

Ташаббускорлар касаба уюшмасига аъзо бўлганларидан кейин ўзлари ишлаб турган ташкилотда, юқорида айтилганидек, йиғилиш ўтказдилар. Бу йиғилиш “Таъсис йиғилиши” ҳисобланади ва шу йиғилишда “Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти”ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ҳамда, шу касаба уюшмасининг уставига биноан унинг раҳбар органи – касаба уюшмаси Қўмитаси (агар уставда назарда тутилган бўлса, шу қўмитанинг органлари – раёсат, кенгаш, котибият ва ҳ.к.) сайлаш йўли билан ташкил этилади.

Бундан фарқ қилган ҳолда тармоқ касаба уюшмаси тегишли (туман, шаҳар, вилоят, республика) органи бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш тўғрисида тавсия бериши мумкин. Бунинг учун бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилаётган ташкилотда камида икки нафар касаба уюшмаси аъзоси бўлиши талаб этилади.

Таъсис йиғилишини чақириш, ўтказиш, қарорлар қабул қилиш, “Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти”нинг органларини (касаба уюшмаси қўмитасини ва унинг бошқарув органларини, яъни кенгашини (агар лозим бўлса), раёсатини (агар лозим бўлса котибиятини) сайлаш масалаларига оид тартиблар тегишли тармоқ касаба уюшмаси уставида белгиланади. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилгандан кейин касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш тегишли касаба уюшмасининг уставида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти, бугунги кундаги амалиётда асосан бевосита жамият, ташкилот, муассасада тузилган. Кўпинча амалиётда жамиятдаги Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг “Қўмита”сини касаба уюшмаси билан адаштирилади. Жамиятдаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг “Касаба уюшмаси қўмитаси” - бу шу ташкилотнинг сайланган органидир, буни адаштирмаслик керак.

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотини ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши**

**БАЁННОМАСИ №1**

2026 йил 9 июнь

Намуна тумани

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини ташкил этиш бўйича таъсис йиғилишида 61 нафар ходимдан 58 нафари, яъни 95 фоизи иштирок этмоқда, қолганлари узрли сабабларга кўра йиғилишида иштирок этмадилар. Йиғилишни ўтказишга кворум бор.

**Раислик қилувчи:** З.Зокиров

**Йиғилиш котиби:** У.Умидов

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:**

1. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш тўғрисида;
2. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма кўмитаси раисини сайлаш тўғрисида;
3. Касаба уюшмаси кўмитаси таркибини таркибини сайлаш тўғрисида.
4. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси таркибига кириш масаласини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида.

**Йиғилиш кун тартиби ва регламенти овоз бериш йўли билан тасдиқланди.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти ижтимоий таъминот бўлими мудири А.Алимов маъруза қилди ва жамиятида Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш таклифини билдирди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси З.Зокиров, Ж.Жалилов ва С.Салимовалар сўзга чиқишди.

Таклиф овозга қўйилди йиғилиш иштирокчилари бир овоздан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузишга розилик билдирдилар. Қаршилар ва бетарафар йўк.

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан** йиғилиш раиси З.Зокиров касаба уюшма қўмитаси раиси сайловини ўтказиш шакли юзасидан таклифлар сўралиб, **очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилсин** деган таклиф тушди ва **бир овоздан қабул қилинди.**

Йиғилиш кун тартибига мувофиқ касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Аввал, касаба уюшмаси қўмитасининг сон таркибини тасдиқлаб олиш таклиф этилди ва қўмитани **5** кишидан иборат таркибда сайлаш **бир овоздан маъқулланди.**

**Кун тартибидаги касаба уюшмаси қўмитаси раислигига** йиғилиш иштирокчилари томонидан Ипакчилик цехи мудир **Салимов Салимжон Салимович** ҳамда Ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси **Умидов Умиджон Умидович** номзоди таклиф этилди ва қабул қилинди.

**Шундан сўнг** касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайлови бўйича **овоз бериш ўтказилди. Ҳисоботга кўра:**

**Салимов Салимжон Салимовични** ёқлаб – 52 та овоз, қарши – 6 та овоз берилган, бетарафлар – йўқ.

**Умидов Умиджон Умидовични** ёқлаб – 6 та овоз, қарши – 52 та овоз берилган, бетарафлар – йўқ.

Овоз бериш натижаларига кўра **Салимов Салимжон Салимович** кўпчилик овоз билан “Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси қўмитасининг раиси этиб сайланди.

**Раислик қилувчи З.Зокиров кун тартибидаги учинчи - касаба уюшмаси қўмитаси таркибини сайлаш тўғрисидаги масала** бўйича тушунтириш бериб, қўмита 5 кишидан иборат таркибда сайланишини белгилаб олингани, қўмитанинг **бир нафар аъзоси, яъни касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайланганлигини** инобатга олиб, яна **4 нафар** қўмита аъзолари сайланиши кераклигини айтиб ўтди ва қўмита таркибига номзодларни номма-ном таклиф этишни сўради.

Касаба уюшмаси қўмитаси таркибига:

1. Халимова Халима Халимовна - ходимлар бўлими бошлиғи
2. Салимова Салима Салимовна - техник бўлим ходими;
3. Алимова Алима Алимовна - Иқтисодиёт бўлими мутахассиси;
4. Маруфов Маруф Маруфович - Режалаштириш бўлими бошлиғи.

**Бошқа таклифлар бўлмади.**

**Йиғилиш иштирокчилари таклифига асосан номзодлар рўйхат бўйича овозга қўйилди ва натижалари бўйича овозлар қуйидагича тақсимланди:**

Ёқлаб - 58 та овоз, қаршилар-йўқ, бетарафлар- йўқ

Очиқ бериш натижаларига кўра **бир овоздан** касаба уюшмаси кўмитаси таркиби сайланди.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан** йиғилиш раиси З.Зокиров сўзга чиқиб, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотига барча масалалар бўйича яқиндан кўмак кўрсатиш учун ташкилотнинг Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси кириши бўйича таклифни киритди.

Бошқа таклифлар бўлмади. Таклиф овозга қўйилди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди. Қаршилар, бетарафлар, йўқ.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш бўйича таъсис йиғилиши **йиғилиши**

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилсин.

2. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма кўмитаси таркиби 5 нафар этиб белгилансин.

3. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси этиб Салимов Салимжон Салимович сайлансин.

4. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма кўмитаси аъзолари этиб қуйидагилар сайлансин:

1. Халимова Халима Халимовна - ходимлар бўлими бошлиғи
2. Салимова Салима Салимовна - техник бўлим ходими;
3. Алимова Алима Алимовна - Иқтисодиёт бўлими мутахассиси;
4. Маруфов Маруф Маруфович - Режалаштириш бўлими бошлиғи.

5. Касаба уюшмаси кўмитаси раиси С.Салимов зиммасига касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларидан белгиланган тартибда бир фоиз миқдорда касаба уюшма аъзолик бадалини бугалтерия орқали ушлаб қолиниши ва тегишли касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳисоб рақамига ўтказиб борилишини назорат қилиш юклатилсин.

6. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси хизматига олиниши сўралсин.

**Раислик қилувчи**

**З.Зокиров**

**Йиғилиш котиби**

**У.Умидов**

**“Омад зафари” МЧЖ Бошланғич  
касаба уюшмаси ташкилоти  
раиси  
С.Салимовга  
Жамият тикув цехи ишчиси  
Х.Халимовдан**

**АРИЗА**

Мени “Омад зафари” Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман.

**2026 йил 9 июнь**

**(Имзо)**

**Х.Халимов**

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти раиси  
А.Алимовга  
Жамият тикув цехи ишчиси  
Х.Халимовдан**

**АРИЗА**

Мен, жамиятимиз касаба уюшмасига аъзо бўлдим, шу муносабат билан касаба уюшмалари Уставига мувофиқ ойлик иш ҳақимдан 1% аъзолик бадали ушлаб қилишингизни сўрайман.

**2026 йил 10 июнь**

**(Имзо)**

**Х.Халимов**

## **Бошланғич ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби**

Аввало, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо барча тармоқ касаба уюшмалари уставларида бошланғич ташкилотларнинг органлари сифатида умумий йиғилиш (конференция), касаба уюшмаси қўмитаси (*йирик бошланғич ташкилотларда – раёсат, ижроия қўмита*) белгиланган.

Умумий йиғилиш (конференция) - бошланғич ташкилотнинг олий органи бўлиб, унинг фаолиятига доир ҳар қандай масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

Касаба уюшмаси қўмитаси бошланғич ташкилотнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ҳамда ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади.

### **Қарорларни расмийлаштириш.**

Қарорлар лойиҳаларини тайёрлашга қўйиладиган қатор талаблар мавжудки, уларга риоя этилиши лозим.

Қарорлар матнига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири холисликдир. Қарорга расмий муносабатларни ифодаловчи ва қайд этувчи расмий ёзма восита сифатида қаралади. Шунинг учун қарорлар лойиҳаларида сўз ва сўз шакллари кўлланда муайян чегараланишлар мавжуд. Хусусан, расмий иш услубида кичрайтириш-эркалаш қўшимчаларини олган сўзлар, кўтаринки-тантанавор ёки бачкана сўзлар, дағал сузлар, тор доирадаги кишиларгина тушинадиган сўзлар, ўхшатиш, жонлантириш, муболаға, истиора, ташхис каби образли тафаккур ифодаси учун хизмат қилувчи усуллар ишлатилмайди. Уларнинг ишлатилиши ҳужжатлар матнидаги ифоданинг ноҳослигига олиб келади.

Қарор матни аниқлик, ихчамлик, лўндалик, мазмуний тўлиқлик каби талабларга ҳам жавоб бериши керак.

Қарорларнинг сарлавҳалари қисқа, асосий мазмунга мувофиқ келиши ва «нима ҳақида» деган саволга жавоб бериши лозим. Масалан, «... тадбирлари тўғрисида», «... яқунлари ҳақида», «... бориши тўғрисида».

Қарор матни қоидага кўра, қайд қилиш ва қарор қисмларидан иборат бўлади.

Қайд қилувчи қисмда мазкур қарорни қабул қилиш учун зарурият ёки бунинг учун асос баён этилади. Унда кўрилатган масала бўйича амалга

оширилган ижобий ишлар кўрсатилади, камчиликларга танқидий баҳо берилади.

Агар кўрилган масалаларни тушунтиришга зарурат бўлмаса, у ҳолда қайд қисми ёзилмасдан, бевосита қарор қисмидан бошланади.

Қарор қисми банд ва тагбандларга бўлиниб, араб рақамлари билан белгиланади.

Агар банд топшириқ мазмунига эга бўлса унинг мундарижаси «кимга, қанча муддатда, қандай вазифа» сингари тузилишда бўлади. Ижрочилар сифатида ташкилотлар ёки мансабдор шахслар кўрсатилиши мумкин. Агар бандда аниқ топшириқ бўлмаса, уни «тасдиқлансин», «маъқулансин», «маълумот учун қабул қилинсин» деган иборалар билан таърифлаш мумкин.

Аввал қабул қилинган қарорларни ёки уларнинг айрим бандларини бекор қилиш ёки ўзгартириш зарурати туғилганда, қарор (қарор банди)нинг санаси, рақами, номи кўрсатилади ва «... ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин» деб ёзилади.

Қарорнинг охирида унинг ижросини назорат қилувчи шахс кўрсатилади.

Таклиф ва топшириқлар мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда, асосланган бўлиши, амалдаги қонунларга мувофиқ келиши, ишнинг ҳолатига ҳолисона баҳо берилиши, масалаларни ҳал этишнинг мақсад ва чора-тадбирлари батафсил ифода этилган, ижрочилар аниқ кўрсатилган, бажариш муддатлари реал белгиланган бўлиши керак.

Қўмита (қўмита раёсати) қарори бошқа ташкилотлар билан биргаликда қабул қилиниши мумкин.

Бундай ҳужжатнинг бош қисмида қайси ташкилотнинг номидан ҳужжат қабул қилинаётган бўлса ўша ташкилотнинг номи тўлиқ кўрсатилади, мазкур ташкилот ўз тартиб рақамини беради. Ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган ташкилот биринчи бўлиб рақамни олиши керак.

### **Баёнларни расмийлаштириш.**

Қўмита (унинг раёсати) йиғилиши ёки умумий йиғилиш (конференция) бўлган вақт ўша йиғилиш (конференция) баёнининг санаси ҳисобланади. Қўмита (унинг раёсати) йиғилиши ёки умумий йиғилиш (конференция) баёнларининг тартиб рақами ҳисобот-сайловдан кейинги ҳисобот-сайловгача олиб борилади.

Қўмита (унинг раёсати) йиғилишлари оралиғида қабул қилинган қарорларга навбатдаги йиғилиш баёнининг тартиб рақами қўйилиб, «о» ёки «с» ҳарфи билан белгиланган ҳолда баёнга киритилади.

Қўмита йиғилиши баёнининг (қўмита аъзолари сони кўп бўлиб, қўмита раёсати сайланган ҳолларда) сарварағида сайланган аъзоларнинг умумий сони

ва улардан йиғилишда иштирок этаётганлари сони, раёсат (ёки аъзолар сони кам бўлган ҳамда раёсат сайланмаган кўмита) йиғилишлари баёнида эса йиғилишда қатнашаётган раёсат (кўмита) аъзоларининг фамилиялари, таклиф қилинган шахсларнинг фамилиялари ва лавозимлари кўрсатилади. Кейин кун тартиби кўрсатилади ва кўриб чиқилган масалалар санаб ўтилади. Масалаларнинг тагига муҳокамада қатнашган кишиларнинг фамилиялари ёзиб қўйилади.

Қарор лойиҳаси маъқулланиб, ҳамма «ёқлаб» овоз берса баёнда «Қарор бир овоздан қабул қилинди» деб ёзилади. Агар лойиҳани қайта ишлаш талаб қилинса «Қарор лойиҳасини кўриб чиқиш... муддатгача қолдирилсин», қарор лойиҳаси маъқулланмаган ҳолда эса «Қабул қилинмасин», «Муҳокама қилиш билан чекланилсин» деб ёзиб қўйилади.

Овоз бериш жараёнида овозлар бўлиниб қолган ҳолларда «ёқлаб», «қарши», «бетараф» овоз берган кўмита ёхуд раёсат аъзоларининг сони кўрсатилади.

Конференция, кўмита йиғилишларининг ҳужжатлари баёнларга кун тартибда белгилангандек кетма-кет тартибда тиркалади: маъруза, қўшимча маъруза матнлари ҳамда масала муҳокамасида қатнашганларнинг сўзлари матнлари (сўзга чиққанларнинг исм-фамилияси ва лавозимлари кўрсатилади) ва қабул қилинган қарор.

Сўзга чиқувчиларнинг маърузалари илова қилинмаган ҳолларда, маърузанинг қисқача мазмуни бевосита баён матнида ёритилиши мумкин.

Қарор баён матнига киритилмаса «қарор илова қилинади» деб кўрсатилади.

Агар қарорларда иловага ҳавола қилинган бўлса, илова тегишли тарзда (розилик белгиси, сана, имзолар қўйилиб) расмийлаштирилади ва мажлис баёнига тиркалади.

### ***Ҳужжатлар билан ишлашга қўйиладиган умумий талаблар.***

***Келаётган ҳужжатларнинг муомалага киритилишини таъмин этиш.***

Келаётган ҳужжат солинган конвертлар, шу жумладан буюртма конвертлар очилади ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги, адресатга тўғри олиб келинганлиги текшириб кўрилади. Ҳужжатларнинг зарарланган жойи ёки иловаларининг йўқлиги аниқланса, ўша заҳоти ҳужжатни жўнатувчи бундан хабардор қилинади.

Келган ҳужжатларнинг конвертлари йўқ қилиб ташланади. Жўнатувчининг адреси, ҳужжат юборилган ва олинган саналарни фақат конвертдаги қайдларга қараб билиш мумкин бўлса, у сақлаб қўйилади.

Келган ҳужжатларнинг барчаси, жумладан корхона, ташкилот иш берувчиси билан ёзишмалар, ходимларнинг муружаатлари рўйхатга олинishi лозим.

Ҳужжатлар бир марта рўйхатга олинади: келаётганлар - келган куни, жўнатиладиганлари ва ички ҳужжатлар - имзо чекилган ёки тасдиқланган куни.

Қуйидагилар рўйхатга олинмаслиги мумкин:

- маълумот учун нусхаси юборилган хатлар;
- хизмат сафари ва меҳнат таътилига рухсат берилганлиги тўғрисидаги хатлар, телеграммалар;
- йиғилишлар, мажлислар кун тартиблари тўғрисидаги хабарлар;
- жадваллар, талабномалар;
- ўқув режалари, дастурлари (нусхалари);
- реклама хабарлари, плакатлар, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари дастурлари ва ҳоказо;
- табрик хатлари ва таклифномалар;
- бухгалтерлик ҳужжатлари;
- босма нашрлар (китоблар, журналлар, бюллетенлар);
- ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар;
- статистик ҳисобот шакллари;
- тижорат таклифи сифатидаги хатлар.

Ҳужжатлар келган куни, ишдан ташқари вақтда (дам олиш кунлари) келган бўлса – ундан кейинги биринчи иш куни кўриб чиқилади ва қўмига раиси томонидан резолюция қўйилиб, ижрочига топширилади.

### ***Жўнатиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш***

Ҳужжатлар жўнатилишидан аввал тўғри расмийлаштирилганлигини ва қуйидагиларнинг мавжудлигини текшириб кўриши керак:

- адресат;
- келган ҳужжатнинг рақамига ҳавола;
- иккинчи нусхада зарур визаларнинг (расшифровка қилинган) борлиги.

Текшириб чиқилган ва имзо чекилган ҳужжатга жўнатиш рақами, сана қўйилади ва тегишли адрестга жўнатилади.

### ***Ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш.***

Ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштиришда Ўзбекистон Давлат стандарти Oz'DSt 1157:2008 “Ташкилий-фармойиш ҳужжатлари. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар”га ва ушбу йўриқномага риоя этилиши зарур.

Қарорлар лойиҳалари, уларнинг иловалари ва маълумотнома (ахборот)лари, турли ташкилотларга ёзилган ҳужжатларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотномалар ва уларга илова қоғозлари, хатлари, ахборотлар, маълумотлар ва бошқа турдаги ҳужжатлар одатда компьютерда, қатор оралиғи бир интервалда тайёрланади.

Матбаа усули билан нашр қилишга тайёрланаётган ҳужжатлар матнининг қатор орасини икки интервалда ёзишга рухсат этилади.

Қарорлар, фармойишлар, бошқа ташкилот, муассасаларга ёки айрим фуқароларга жўнатиш учун тайёрланаётган хатлар ва бошқа матнли материалларни босиш учун қоида тариқасида А-4 /210 x 290 мм/ форматли қоғоздан фойдаланилади. Кўп устунли (графали) жадвал шаклидаги материаллар учун А-3 /297 x 420 мм/ форматли қоғоздан фойдаланиш мумкин.

Бланк ёки бланксиз расмийлаштирилаётган ҳужжатлар **одатда** 13-ўлчам (размер) «Times New Roman» шрифтида босилиб, ҳар бир варағида қуйидаги четки чегаралар қолдирилади:

- чапдан - 25 мм;
- юқори, ўнг ва пастдан- 20 мм.

Ҳужжатлар ташкилотларга, уларнинг таркибий бўлинмаларига ёки мансабдор, жисмоний шахс номига юборилиши мумкин. Ташкилот ёки унинг таркибий бўлинмасининг номи бош келишиқда кўрсатилади.

*Масалан (бундан буён матнда мисол тариқасидаги ташкилот номлари, шахсларнинг исми шарифлари ва лавозимлари шартли равишда берилади):*

Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмасиНамуна туман  
кенгаши

Ҳужжат мансабдор шахс номига юборилганда ташкилот ва унинг таркибий бўлинмаси номи бош келишиқда, лавозим ва фамилиялар - жўналиш келишигида кўрсатилади.

*Масалан:*

Таълим ва фан ходимлари касаба  
уюшмаси Намуна туман кенгаши

А.А.Алимовга

Хужжат ташкилот раҳбари номига юборилганда ташкилот номи адресат лавозимининг номи таркибига киритилади.

*Масалан:*

“Омад зафари”

МЧЖ раҳбари

Ж.Жалиловга

Агар ҳужжат бир турдаги ташкилотларга ёки ташкилотнинг бир неча таркибий бўлинмаларига юбориладиган бўлса, уларни умумлаштириб кўрсатиш керак.

*Масалан:*

Цех касаба уюшма

ташкилотлари

раисларига

«Адресат» реквизити таркибига почта манзили киритилиши мумкин. Почта манзилининг таркибий қисмлари почта алоқаси хизматлари қоидаларида ўрнатилган кетма-кетликда кўрсатилади.

Ташкилотга жўнатиладиган хатда номи, кейин почта манзили кўрсатилади, масалан:

*Масалан:*

Намуна вилояти Адлия бошқармаси

бошлиғи А.Алиевга

Намуна ш., Мустақиллик кўчаси, 5

Жисмоний шахсга жўнатиладиган хатда олувчининг исми, шарифи, фамилияси кейин почта манзили кўрсатилади, масалан:

*Масалан:*

А.А.Алимовга

Намуна кўчаси, 8-уй, 15-  
хонадон, Намуна ш., 100373

Тасдиқланадиган ҳужжат имзоланган, тасдиқланган вақтдан бошлаб юридик кучга эга бўлади. Ҳужжатларнинг айрим турлари - низомлар, йўриқномаларни ва ҳ.к. кучга кириш вақти уларни тасдиқлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилиши мумкин. Ҳужжат ваколатли шахс томонидан ёки коллегиял орган қарори билан тасдиқланиши мумкин.

Келишилиши ва тасдиқланиши зарур бўлган ҳужжатлар **КЕЛИШИЛДИ, ТАСДИҚЛАНГАН, ТАСДИҚЛАЙМАН** деган грифлар билан расмийлаштирилади, улар бош ҳарфлар билан, қўштирноқсиз ёзилади.

Тасдиқлаш грифи “**ТАСДИҚЛАЙМАН**” сўзидан, ҳужжатни тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими номи, шахсий имзоси ва исми шарифи, фамилияси ҳамда тасдиқлаш санасидан иборат бўлиши керак.

*Масалан:*

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

«Омад зафари» МЧЖ

касаба уюшмаси қўмитаси раиси

шахсий имзо        А.Алимов

12.01.2026 йил

Ҳужжат қарор, буйруқ, баённома билан тасдиқланадиган ҳолларда тасдиқлаш грифи «**ТАСДИҚЛАНГАН**» сўзидан, ҳужжатнинг бош келишиқдаги номи, санаси ва рақамидан иборат бўлади.

*Масалан:*

**ТАСДИҚЛАНГАН**

«Омад зафари» МЧЖ

касаба уюшмаси қўмитаси

қарори

12.01.2026 йил № 1-1

Тасдиқлаш грифи ҳужжатнинг юқоридаги ўнг бурчагига қўйилади.

Келишиш грифи «**Келишилди**» сўзи, келишувчи мансабдор шахс лавозими номи (бунда ташкилот номи ҳам киради), шахсий имзоси ва исм-фамилияси ҳамда келишилган санадан ташкил топади.

*Масалан:*

**КЕЛИШИЛДИ**

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

шахсий имзо А.Алимов

12.01.2026 йил

Хужжат коллегиал орган билан, хат ёки баённома орқали келишилган бўлса, келишиш грифи қуйидаги шаклда расмийлаштирилади.

КЕЛИШИЛДИ

Касаба уюшмаси  
қўмитаси  
мажлисининг

10.03.2026 йилдаги

№ 2 баённомаси

*ёки*

КЕЛИШИЛДИ

Намуна тумани

молия бўлимининг

13.03.2026 йилдаги

12-2/214-сонли хати

Келишиш грифлари бир нечта бўлганида, улар бир даражада ёки бирининг тагига бошқаси қўйилади.

КЕЛИШИЛДИ

«Омад зафари» МЧЖ

касаба уюшмаси

ўмитаси раиси

шахсий имзо А.Алимов

КЕЛИШИЛДИ

«Омад зафари» МЧЖ

директори

шахсий имзо \_\_\_\_\_ С.Салимов

Хужжатни келишиш мансабдор шахс билан эмас, коллегиал орган қарори билан расмийлаштирилган тақдирда «Келишилди» грифи «Тасдиқланган» грифи билан бир даражада қўйилади.

*Масалан:*

КЕЛИШИЛДИ

Намуна вилояти Адлия

бошқармаси бошлиғи

ТАСДИҚЛАНГАН

Таълим ва фан ходимлари

касаба уюшмаси Намуна  
туман кенгаши қарори

10.01.2026 йил

Хужжатга имзо чекилган, тасдиқланган, келишилган саналар, шунингдек, матндаги саналар рақамлар билан расмийлаштирилади. Сана элементлари араб рақамларида ва қуйидаги тартибда келтирилади: кун, ой, йил.

Ой куни ва ой - нукта билан ажратилган ҳолда икки жуфт араб рақамлари билан, йил – тўртта араб рақамлари билан расмийлаштирилади. *Масалан:* 29.03.2026.

Санани 2026 йил 29 март шаклида сўз ва рақам усули билан расмийлаштиришга ҳам рухсат этилади.

Хужжатларда саналарни расмийлаштиришнинг қисқа шакли - 29.03.2026. - хатларни рўйхатга олиш учун, тўлиқ шакли - 2026 йил 29 март – мажлис баёнлари баёнлари, молиявий хужжатлар, шунингдек, хужжат матнида ёзиш учун қўлланилади.

Хужжат матнда кўрсатилган иловага эга бўлса, илованинг борлиги тўғрисидаги қайд қуйидагича расмийлаштирилади:

Илова: 10 варақ, 2 нусхада.

Агар хужжатга иловаси бўлган бошқа хужжат тиркалган бўлса, илованинг борлиги тўғрисидаги қайд қуйидагича расмийлаштирилади:

Илова: бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармасининг 2026 йил 12 мартдаги 21-3-821-сонли хати ва унга қўшимча илова, жами 7 варақ.

Фармойиш хужжатига (қарор, буйруқ, фармойиш) илованинг биринчи варағида юқори қисм ўнг бурчагида “– илова” ёзилади ва фармойиш хужжатининг номи, санаси ва рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами қўйилади, *масалан:*

«Омад зафари» МЧЖ

касаба уюшмаси қўмитасининг

2026 йил 10 январдаги

1-3-сонли қарорига

2-илова

«Имзо» реквизити таркибига қуйидагилар киради: хужжатга имзо чеккан шахс лавозими номи (агар хужжат бланкда расмийлаштирилмаган бўлса – тўлалигича, бланкда бўлса – қисқартирилган), шахсий имзо шарҳи (исм-шарифи ва фамилияси).

*Масалан:*

«Омад зафари» МЧЖ

касаба уюшмаси қўмитаси раиси

шахсий имзо А.Алимов

*ёки*

Раис С.Хуррамов

Ҳужжатларни “ўрнига”

деган сўз билан имзолаш, шунингдек лавозими номи олдида қия чизик қўйиш мумкин эмас.

Ҳужжатга бир неча киши имзо чекканида, уларнинг имзолари эгаллаган лавозимига мувофиқ тарзда устма-уст қўйилади.

*Масалан:*

Раис

С.Хуррамов

Ғазначи

Ю.Салимова

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитасининг йиғилиш**

**БАЁНИ №7**

2025 йил 28 декабрь

Фарғона ш.

**Йиғилиш раиси:** Касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимов

**Йиғилиш котиби:** Касаба уюшма қўмитаси аъзоси Х.Халимова

**Иштирокчилар:** Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари Ж.Жалилов,  
М.Маликов, У.Умидова, Т.Толипова, И.Исмоилов

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг 2025 йил учун мўлжалланган иш режаси  
бажарилиши ва 2026 йил учун мўлжалланган иш режаси тўғрисида**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб, касаба уюшма қўмитаси 7 нафари, яъни барчаси иштирок этаётганини инобатга олиб, йиғилиш ваколатли эканлигини билдирди ва кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

Касаба уюшмаси қўмитасининг 2025 йилга белгиланган иш режаси ижроси юзасидан касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ахбороти эшитилди.  
(Ахборот илова қилинади)

Музокараларда М.Маликов, У.Умидовалар қатнашиб, 2025 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ижобий фикр билдиришди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан қўмитанинг 2025 йилга белгиланган иш режаси ижроси қониқарли деб топилди.

Шундан сўнг, касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимов “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг 2026 йил учун мўлжалланган иш режаси лойиҳаси биан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибига қўйилган масала атрофлича кўриб чиқилиб, йиғилиш

## **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

**1.** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг 2025 йилга мўлжалланган иш режаси ижроси тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг 2026 йил учун мўлжалланган иш режаси иловага асосан тасдиқлансин.

**3.** Иш режасида белгиланган тадбирлар, амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ўз вақтида бажарилиши касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари зиммасига юклатилсин.

**4.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш касаба уюшмаси қўмитасининг раиси С.Салимов зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси**

**С.Салимов**

**Йиғилиш котиби**

**Х.Халимова**

**Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари:**

**Ж.Жалилов**

**М.Маликов**

**У.Умидова**

**Т.Толипова**

**И.Исмоилов**

“Омад зафари” МЧЖ касаба  
уюшма кўмитасининг 2025 йил 28  
декабрдаги 7-сонли баёнига илова

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг 2026 йил учун мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар мазмуни	Ижро учун масъул	Ижро муддати
<b>Умумий йиғилишида кўриладиган масалалар</b>			
1.	“Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси кўмитасининг 2025 йилдаги фаолияти ва 2026 йилдаги устувор вазифалари тўғрисида.	Касаба уюшмаси кўмитаси	2026 йил январь
<b>Касаба уюшмаси кўмитасининг йиғилишида кўриладиган масалалар</b>			
2.	Маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш борасидаги фаолияти тўғрисида.	Касаба уюшма кўмитаси аъзоси (Ж.Жалилов)	2026 йил 1-чорак
3.	Ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ва вазифалари ҳақида.	Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил	2026 йил 1-4 чорак
4.	Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва меҳнат низоларини олдини олиш тўғрисида.	Касаба уюшма кўмитаси аъзоси (Ж.Жалилов)	2026 йил 2-чорак
5.	Хотин - қизлар ва ёшларга яратилган шарт - шароитлар, жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёзлар ва уларнинг меҳнатини муҳофазаси тўғрисида	Касаба уюшма кўмитаси аъзоси (Ж.Жалилов)	2026 йил 3-чорак
6.	Касаба уюшмаси кўмитасининг 2026 йилги сарф-харажатлар сметаси тўғрисида.	Касаба уюшма кўмитаси аъзоси (Ж.Жалилов)	2026 йил 4-чорак
<b>Умумий тадбирлар</b>			
7. 1	Мамлакатимизда нишонланадиган байрам саналари муносабати билан	Касаба уюшма кўмитаси аъзоси (Ж.Жалилов)	Йил давомида (байрам саналари олдидан)
8.	Ходимлари ўртасида “Соғлом танда – соғлом ақл” спорт мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш.	Касаба уюшма кўмитаси аъзоси (Ж.Жалилов)	Апрель
9.	Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-	Касаба уюшма кўмитаси аъзоси (Ж.Жалилов)	Ҳар чоршанба куни

№	Тадбирлар мазмуни	Ижро учун масъул	Ижро муддати
	моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиб бориш мақсадида “Маънавият соатлари”ни мунтазам ўтказиб борилишини ташкил этиш.		
10.	<p>Ходимлар ва уларнинг яқин қариндошларини касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санатория ва дам олиш уйларида соғломлаштирилиши ташкил қилиш.</p> <p>Ижтимоий суғурта ҳисобидан 12 нафар; Касаба уюшма бюджети ҳисобидан 7 нафар.</p>	Касаба уюшма кўмитаси раиси (Ж.Жалилов)	Йил давомида
11.	Касаба уюшмаси аъзоларининг фарзандларидан 12 нафарини ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш ишларини ташкил қилиш.	Касаба уюшма кўмитаси раиси (Ж.Жалилов)	Май-Август ойлари
12.	Ходимлардан 25 нафарини республика ва вилоятимиздаги тарихий тарихий кадамжолар, диққатга сазовор жойларга туристик саёҳатларни ташкил этиш.	Касаба уюшма кўмитаси раиси (Ж.Жалилов)	Йил давомида
13.	Амалга оширилаётган тадбирларни фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш.	Касаба уюшма кўмитаси раиси (Ж.Жалилов)	Йил давомида

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитасининг йиғилиш**

**БАЁНИ №7**

2026 йил 28 декабрь

Фарғона ш.

**Йиғилиш раиси:** Касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимов

**Йиғилиш котиби:** Касаба уюшма қўмитаси аъзоси Х.Халимова

**Иштирокчилар:** Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари Ж.Жалилов,  
М.Маликов, У.Умидова, Т.Толипова, И.Исмоилов

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг иш юритиш ҳужжатларининг йиғмажилдлари  
номенклатураси тўғрисида**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб, касаба уюшма қўмитаси 7 нафари, яъни барчаси иштирок этаётганини инобатга олиб, йиғилиш ваколатли эканлигини билдирди ва кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси томонидан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг иш юритиш ҳужжатларининг йиғмажилдлари номенклатураси лойиҳа тайёрланганлигини билдириб, ушбу ҳужжатни тасдиқлаш зарурлиги таъкидланди

Музокараларда М.Маликов, У.Умидовалар қатнашиб, ҳужжатлар йиғмажилдлари тўғрисида ижобий фикр билдиришди.

Кун тартибига қўйилган масала атрофлича кўриб чиқилиб, йиғилиш

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

**1.** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг иш юритиш ҳужжатларининг йиғмажилдлари номенклатураси иловага асосан тасдиқлансин.

**2.** Номенклатурадаги ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Салимов зиммасига юклатилсин.

**3.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш касаба уюшмаси қўмитасининг раиси С.Салимов зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси**

**С.Салимов**

**Йиғилиш котиби**

**Х.Халимова**

**Қасаба уюшмаси қўмитаси аъзолари:**

**Ж.Жалилов**

**М.Маликов**

**У.Умидова**

**Т.Толипова**

**И.Исмоилов**

*“Омад зафари” МЧЖ касаба  
уюшма қўмитасининг 2025 йил 28  
декабрдаги 7-сонли баёнига илова*

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг иш юритиш ҳужжатларининг йиғмажилдлари  
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

№	Номи
1.	Касаба уюшма фаолияти бўйича зарурий меъёрий ҳужжатлар тўплами <i>(Қонунчилик ҳужжатлари, Уставлар, Низомлар, Йўриқномалар ва бошқалар)</i>
2.	Ҳисобот-сайлов, умумий йиғилиш баёни ва қарорлари, баён ва қарорларни рўйхатга олиш китоби
3.	Касаба уюшма қўмитаси йиғилиш баёни ва қарорлари, баён ва қарорларни рўйхатга олиш китоби
4.	Жамоа шартномаси <i>(меҳнат жамоасининг баён ва қарорлари, экспертиза хулосаси, рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида белги)</i> ва унинг муҳокамасига оид ҳужжатлар <i>(ижтимоий меҳнат масалалари бўйича комиссия ҳужжатлари, тарафларнинг ҳисоботлари, Далолатнома ва бошқалар)</i> .
5.	Юқори касаба уюшма ташкилотларининг қарорлари, топшириқ хатлари ва бошқа ҳужжатлари, рўйхатга олиш китоби
6.	Касаба уюшма аъзоларини рўйхатга олиш китоби
7.	Чиқиш ҳужжатлари ва уларни рўйхатга олиш китоби
8.	Касаба уюшма аъзоларининг мурожаатлари ва уларни рўйхатга олиш китоби
9.	Касаба уюшмаси аъзолари ўртасида ўтказилган тадбирлар тўғрисида ҳужжатлар <i>(маънавий-маърифий, спорт, ташкилий, ҳуқуқий тадбирлар, “Маърифат соатлари”, кўрик-танлов ва мусобақалар ва ҳ.к.)</i>
10.	Статистик ҳисоботлар 1-ТИ, 1-ЖШ, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқалар.
11.	Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти иш режаси ва унинг ижроси юзасидан маълумотлар
12.	Меъёрий ҳужжатлар тўплами (Касаба уюшма Устави, бошланғич касаба уюшма намунавий Низом)

## **Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишини ташкил қилиш, ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси уставида, шунингдек тармоқ касаба уюшмалари уставларида барча даражадаги касаба уюшмалари органларининг ваколат муддатлари 5 йил этиб белгиланганидан келиб чиқиб ҳисобот-сайловлар ўтказилиб келинади.

Ҳисобот-сайлов бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятида муҳим воқелик бўлиб, ушбу жараёнда ҳисобот даврида касаба уюшмаси ташкилотининг эришган натижалари, шу билан бир қаторда фаолиятни ташкил этишда мавжуд муаммолар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинади, келгусидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари белгиланади.

Бу эса бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларидан ҳисобот-сайлов конференцияларига пухта тайёргарлик кўришни, ушбу масалага масъулият билан ёндошишни, конференциялар Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига, Федерация ва тармоқ касаба уюшмалари уставларига, тизимда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя этган ҳолда ўтказилишини таъминлашни, ҳисобот-сайлов конференциясини ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тўғри расмийлаштиришни талаб этади.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш юзасидан ҳужжатлар намуналари амалиётда фойдаланиш учун эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Намуналарда келтирилган жамиятнинг номи, шахсларнинг исми-шарифлари ўйлаб топилган бўлиб, бирор-бир аниқ шахслар билан боғлиқ эмаслигини, шунингдек сайланма органларнинг сон жиҳатидан таркиблари ҳам тахминий эканлигини, уларнинг аниқ сон таркибини ҳисобот-сайлов йиғилиши белгилайди.

Йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни, шунингдек бевосита йиғилишда қабул қилинган ҳужжатларини расмийлаштиришда касаба уюшмаси ташкилотлари, уларнинг органлари номлари тегишли тармоқ касаба уюшмаси Уставида, шунингдек, туман, шаҳар, ҳудудий бўлинмаларининг Низомларида белгилангандек аниқ ёзилиши лозимлигини эслатиб ўтамиз.

**ҚАРОРИ  
QARORI**

Тошкент ш.  
Toshkent sh.

2024 йил 21 декабрь

№ IX-3

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, шунингдек Федерацияга аъзо тармоқ касаба уюшмалари Уставларида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгашлари Низомларида касаба уюшмалари органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилганлигини ва бу муддат тегишли касаба уюшмалари органларида 2025 йил давомида тугашини эътиборга олиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациянинг Бош кенгаши **қарор қилади:**

**1. Касаба уюшмалари органларининг ваколат муддатлари тугашини инобатга олган ҳолда 2025 йилнинг:**

**февраль-апрель ойларида** цех, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида, бирлашган касаба уюшмаси кўмиталарида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари;

**май-июнь ойларида** касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлинмаларида (кейинги ўринларда- “ҳудудий бўлинмалар”) ҳисобот-сайлов конференциялари;

**июль ойида** Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларида (кейинги ўринларда – «ҳудудий Кенгашлар») ҳисобот- сайлов конференциялари;

**август ойида** тармоқ касаба уюшмаларининг Қурултойлари;

**ноябрь ойида** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қурултойи ўтказилсин.

**2. “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом” 1-иловага, ҳисобот- сайловлар яқунлари тўғрисида № 1 ҲС, № 2 ҲС, № 3 ҲС, № 4 ҲС ҳисоботлар шакллари 2-5 иловаларга, делегат анкетаси шакли 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**3. Касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари, бирлашган кўмиталари, ҳудудий бўлинмалари сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган раислари ва раис ўринбосарлари, касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерация ва унинг ҳудудий Кенгашлари раислари ва раис ўринбосарлари сайлови муқаррар равишда муқобиллик асосида ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгилаб қўйилсин.**

**4. Федерация тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар юқори савияда ва белгиланган муддатларда ўтказилиши учун умумий масъулият Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати раҳбари О.Салиев ва Федерация раисининг ўринбосари Б.Махмадалиев зиммасига юклатилсин.**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати раҳбари О.Салиевга Федерация тизимида ҳисобот-сайловларни ўтказиш билан боғлиқ барча ишларни мувофиқлаштириб бориш топширилсин.**

**5. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига:**

**2025 йил 10 январгача бўлган муддатда,** мазкур қарордан келиб чиқиб, тармоқ, ҳудуддаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни юқори савияда ташкил этиш юзасидан аниқ манзилли ва муддатли чоратадбирларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш;

ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, курултойлар касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, уставлар, низомлар), шунингдек, мазкур қарорнинг 2-банди билан тасдиқланган Низомга қатъий риоя этган ҳолда ўтказилишини таъминлаш, мазкур масалада қўйи касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш;

ҳисобот-сайловлар жараёнида амалдаги уставлар, низомлар Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига, тизимда юз берган тузилмавий ўзгаришларга мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари, бирлашган кўмиталари, ҳудудий бўлинмалари сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган раислари сайловини демократик тамойиллар, шаффофлик, ошкоралик, муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказишнинг мазмун-моҳияти ҳамда тартиби тўғрисида жойларда тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларининг сайланма органлари аъзолигига касаба уюшмаси фаоллари билан бир қаторда жамиятда, туманда, вилоятда, тармоқда муносиб обрў-эътиборга эга бўлган таниқли

инсонлар тавсия этилишига, уларнинг таркибида ёшлар ва аёллар вакиллиги кенгайтирилишга эришиш;

**2025 йилнинг январь ойида**, ўзаро келишилган ҳолда, ҳудудларда бошланғич ташкилотлар, ҳудудий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва мутахассислари учун ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

қуйи ташкилотларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларида юқори касаба уюшмалари органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш;

касаба уюшмаларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказиш;

ҳисобот-сайлов йиғилишлари иштирокчилари, конференциялар ва қурултойлар делегатларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини амалга ошириш доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ёрқин натижалари, эришилган бемисл натижалар ҳақидаги аниқ ва ҳаққоний маълумотларни етказиш;

ҳисобот даврида касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, норма ижодкорлиги ва фаолиятнинг бошқа барча йўналишларида амалга оширилган ишлар ҳисобот маърузаларида кенг ва атрафлича ёритилишига алоҳида эътибор қаратиш;

йиғилишлар, конференциялар ва қурултойлар танқидий руҳда ўтказилиши, фаолиятда мавжуд муаммолар, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар очиқ-ойдин ва батафсил ёритилишига эришиш;

йиғилишлар иштирокчилари, конференциялар, қурултойлар делегатлари учун фаолиятнинг барча йўналишида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар акс эттирилган тарқатма материаллар чоп этилиши ва тарқатилишини таъминлаш;

ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, қурултойлар делегатлари томонидан билдирилган фикрлар, таклифлардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг келгусидаги устувор йўналишларини белгилаб олиш;

ҳисобот-сайловлар жараёни оммавий-ахборот воситаларида, веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил этиш;

**2025 йил 5 январгача бўлган мuddатда** "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом" ва ҳисобот-сайловлар якуни

бўйича статистика ҳисоботлари шакллари кўйи ташкилотларга электрон шаклда етказиш;

ҳисобот-сайловлар якунлари тўғрисидаги статистика ҳисоботлари ўрнатилган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Ташкилий ишлар бўлимига тақдим этиш вазифаси топирилсин.

#### **6. Қасаба уюшмалари Республика кенгашлари:**

Қурултойда қабул қилиш учун тайёрлаган тармоқ қасаба уюшмаси Устави лойиҳасини **2025 йил 15 июнгача**;

Қурултойда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта ишланган Устав лойиҳасини **Қурултой ўтказилган кундан бошлаб 10 муддатдан кечиктирмасдан** Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Юридик бўлимига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилсинлар.

#### **7. Федерация аппаратининг бўлимлари:**

ҳисобот-сайловларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда қасаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига амалий ёрдам кўрсатсин;

ҳисобот маърузаларида акс эттириш учун бўлим фаолияти йўналишида ҳисобот даврида Федерация тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумотларни **2025 йил 5 январгача** Федерация аппаратининг Ташкилий ишлар бўлимига тақдим этсин.

#### **8. Федерация аппаратининг Ташкилий ишлар бўлими (К.Исроилов)га:**

**2025 йил 10 январга қадар** қасаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерация ҳудудий Кенгашларининг ташкилий ишлар бўйича мутахассислари учун ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш мавзусида амалий семинар ташкил этиш;

**икки кун муддатда** “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги қасаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом” ва ҳисобот-сайловлар якунлари бўйича статистика ҳисоботлари шакллари электрон кўринишда қасаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига етказиш;

**2024 йил 25 декабргача бўлган муддатда** ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини, қурултойларни ўтказишга доир меъёрий ҳужжатлар ва тавсияларни электрон кўринишда қасаба уюшмалари Республика кенгашлари, ҳудудий Кенгашларга етказиш;

**2025 йил 15 январгача** Федерация аппаратининг бўлимлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ҳисобот даврида тизимда амалга

оширилган ишлар тўғрисида умумий маълумотларни тайёрлаш ва ҳисобот маърузаларида фойдаланиш учун касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига электрон шаклда етказиш;

ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари, курултойларда Федерация раҳбарияти ва масъул ходимларининг иштирок этиши жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда Федерация раисига тақдим этиш, тасдиқланган жадвалларга мувофиқ уларнинг иштирокини таъминлаб бориш топширилсин.

**9. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Юридик бўлими (Х.Премкулов)га:**

Федерацияга аъзо барча тармоқ касаба уюшмаларининг Уставлари лойиҳаларини уларнинг **курултойларига қадар** ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

тармоқ касаба уюшмаларининг курултойлари, Федерация ҳудудий Кенгашларининг конференциялари қонун ва Устав талабларига қатъий роия этилган ҳолда ўтказилишини назоратга олиш вазифаси топширилсин.

**10. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими (З.Набиев) 2025 йил 25 январгача** Федерациянинг расмий веб-порталида «**Ҳисобот-сайловлар**» рукни очилишини, уларга тизимда ҳисобот-сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қабул қилинган локал норматив ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, тавсиялар, маълумот ва ахборотлар мунтазам равишда жойлаштириб борилишини ташкил қилсин.

**11. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Матбуот хизмати (М.Ўрмонбекова)** касаба уюшмалари ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, курултойларни республика оммавий ахборот воситаларида, Федерациянинг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

**12. «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти (Х.Эрматов)га** газеталар саҳифаларида алоҳида рукнлар очиш ва уларда ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш жараёнини, касаба уюшмалари органларининг фаолиятини кенг ёритиб бориш, ҳисобот-сайловлар даврида билдирилган танқидий фикрларни изчил ақс эттириш тавсия этилсин.

**13. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги 16-5-сонли “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2020 йил 9 июндаги 18-77 “с”-сонли “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2020 йил 23 июндаги 18-1-сонли “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2020 йил 15 октябрдаги 19-2-сонли “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар якунлари тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**14.** Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Б.Махмадалиев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси**

**Қ.Рафиков**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба  
уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида**

**Н И З О М**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1.** Мазкур Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда “Федерация” деб юритилади) тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тартибини белгилайди.

**1.2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:**

**цех ташкилотлари** - бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилмасига кирадиган **касаба уюшмаси гуруҳлари, цех касаба уюшмаси ташкилотлари**;

**цех қўмиталари** - касаба уюшмаси гуруҳи, цех касаба уюшмаси ташкилотининг сайланма органи (касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчиси, цех касаба уюшмаси қўмиталари);

**бошланғич ташкилот** - бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган касаба уюшмаси ташкилоти;

**касаба уюшмаси қўмитаси** - бошланғич ташкилотнинг сайланма органи (касаба уюшмаси ташкилотчиси, касаба уюшмаси қўмитаси)

**бирлашган касаба уюшмаси ташкилоти** – тегишли тармоқ касаба уюшмасининг ваколатли сайланма органи қарори асосида ташкил этилган касаба уюшмаси ташкилоти;

**бирлашган қўмита** – бирлашган касаба уюшмаси ташкилотининг сайланма органи;

**туман, шаҳар бўлинмалари** – тегишли тармоқ касаба уюшмасининг ваколатли сайланма органи қарори асосида туман, шаҳарда ташкил этилган касаба уюшмаси ташкилоти;

**туман, шаҳар бўлинмасининг сайланма органи** - касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгаши, туман, шаҳар бирлашган қўмитаси;

**худудий бўлинмалар** - тегишли тармоқ касаба уюшмасининг ваколатли сайланма органи қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ташкил этилган касаба уюшмаси ташкилоти;

**худудий бўлинманинг сайланма органи** - касаба уюшмаси худудий бўлинмаси кенгаши, худудий бўлинмаси бирлашган қўмитаси, худудий қўмитаси;

**тафтиш комиссиялари** – барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларининг назорат органлари;

**касаба уюшмалари ташкилотлари** – Федерация, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари (кейинги ўринларда – **ҳудудий Кенгашлар**), Федерацияга аъзо тармоқ касаба уюшмалари, уларнинг тизимидаги касаба уюшмаси гуруҳлари, цех касаба уюшмаси ташкилотлари, бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотлари, туман, шаҳар, ҳудудий бўлинмалари;

**касаба уюшмалари органлари** – касаба уюшмалари, уларнинг тизимидаги бошланғич, бирлашган ташкилотлар, туман, шаҳар, ҳудудий бўлинмаларнинг, Федерация ва унинг ҳудудий Кенгашларининг сайланма органлари.

**1.3.** Ушбу Низом барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

**1.4.** Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, қурултойлари Федерация Уставига, шунингдек Федерацияга аъзо касаба уюшмаларининг Уставларига, Федерация ҳудудий Кенгашларининг низомларига мувофиқ касаба уюшмалари ташкилотларининг тегишли ваколатли сайланма органлари томонидан чақирилади.

Тафтиш комиссиялари касаба уюшмалари ташкилотларининг тегишли сайланма органлари билан бир вақтда, уларнинг ваколат муддатига сайланадилар ҳамда тегишинча умумий йиғилишлар, конференциялар, қурултойларга ҳисобот берадилар.

**1.5.** Федерация тизимида ҳисобот-сайловлар қуйидаги тартибда ўтказилади: аввал қуйи касаба уюшмаси ташкилотларида, сўнгра юқори касаба уюшмаси ташкилотларида.

**1.6.** Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, қурултойлар ўтказилиши ҳақида қуйидаги муддатларда эълон қилинади (навбатдан ташқари ўтказиладиган йиғилиш, конференция, қурултойлар бундан мустасно):

- цех ташкилотларида – ўтказилишидан камида 10 кун аввал;
- бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотларида - ўтказилишидан камида 15 кун аввал;
- касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, ҳудудий бўлинмаларида - ўтказилишидан камида бир ой аввал;
- тармоқ касаба уюшмалари Қурултойлари, ҳудудий Кенгашлар конференциялари тўғрисида - ўтказилишидан камида икки ой аввал;
- Федерация Қурултойи тўғрисида – ўтказилишидан камида уч ой аввал.

Касаба уюшмалари Уставларида умумий йиғилиш, конференцияларни ўтказиш куни ҳақида эълон қилишнинг ўзгача муддатлари белгиланган бўлса, устав талабларига риоя этилади.

**1.7.** Цех кўмиталари, касаба уюшмаси кўмиталари ва тафтиш комиссиялари тегишлича касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси)да ҳисобот берадилар ва сайланадилар.

Конференцияга вакиллик меъёри ҳамда делегатлар сайлаш тартиби конференцияни чақирган тегишли касаба уюшмаси органи томонидан белгиланади.

**1.8.** Сменали иш тартиби ўрнатилган ташкилотда ҳисобот - сайловларни ўтказиш тартиби тегишли касаба уюшмаси кўмитаси томонидан белгиланади.

**1.9.** Бирлашган кўмиталар, касаба уюшмалари туман, шаҳар, ҳудудий бўлинмаларининг сайланма органлари ва тафтиш комиссиялари тегишинча конференцияларда ҳисобот берадилар ва сайланадилар.

Ҳудудий Кенгашлар ҳамда тафтиш комиссиялари тегишли Кенгашларнинг конференцияларида ҳисобот берадилар ва сайланадилар.

Касаба уюшмаларининг Республика кенгашлари ва тафтиш комиссиялари, Федерация Бош кенгаши ҳамда Назорат-тафтиш комиссияси тегишли қурултойларда ҳисобот берадилар ва сайланадилар.

Конференцияларга, қурултойларга делегатлар меъёри ва уларни сайлаш тартиби конференция ёки қурултойни чақирган тегишли ваколатли касаба уюшмалари органлари томонидан белгиланади.

Конференция, қурултой делегатларига, бевосита Конференция, қурултой олдидан рўйхатга олиш чоғида, тегишли гувоҳнома берилади.

**1.10.** Ҳисобот-сайлов йиғилиши, конференцияси, қурултойнинг кун тартибига тегишлича қуйидаги масалалар киритилади:

касаба уюшмаси органининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи;

касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг (улар мавжуд бўлган ташкилотларда) ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи;

касаба уюшмаси органи раисини сайлаш тўғрисида;

касаба уюшмаси органи таркибини сайлаш тўғрисида;

тафтиш комиссияси таркибини сайлаш тўғрисида (улар мавжуд бўлган ташкилотларда);

тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисида;

юқори касаба уюшмаси ташкилоти конференцияси, қурултойга делегатлар сайлаш тўғрисида (агар юқори касаба уюшмаси ташкилоти томонидан вакиллик меъёри белгилаб берилган бўлса);

юқори касаба уюшмаси органи таркибига вакил сайлаш тўғрисида (агар юқори касаба уюшмаси органи таркибини шакллантиришнинг шундай тартиби ва вакиллик меъёри белгилаб берилган бўлса).

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, Қурултойлар кун тартибига тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

**1.11.** Тегишли уставлар ва Низомларда касаба уюшмаси органи раисининг ўринбосар(лар)ини сайлаш умумий йиғилиш, конференция, Қурултой ваколатига киритилган бўлса, раис ўринбосарини сайлаш масаласи ҳам кун тартибига киритилиши мумкин.

**1.12.** Федерация тизимида ҳисобот-сайлов кампанияси мувофиқлаштирилган муддатларда ўтказилишини таъминлаш мақсадида аввалги ҳисобот-сайлов кампаниясидан сўнг ташкил этилган касаба уюшмалари ташкилотлари, шунингдек касаба уюшмалари ташкилотларининг янги сайланган органлари ҳам ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларини ўтказадилар.

**1.13.** Тизимида масъул ташкилотчилар жорий этилган касаба уюшмаларининг вилоят ташкилотлари конференцияларида фақат ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берилади халос ва юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг конференциялари, Қурултойларига делегатлар ҳамда раҳбар органлари таркибига вакиллар сайланади (агар юқори касаба уюшмаси органининг қарори билан бундай тартиб белгиланган бўлса).

## **II. ҲИСОБОТ БЕРИШ ВА ҲИСОБОТ БЎЙИЧА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**2.1.** Ҳисобот-сайлов йиғилиши, конференцияси, қурултойини ўтказишдан аввал ҳар бир касаба уюшмаси органи томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот маърузаси тайёрланади.

Ҳисобот маърузасида ҳисобот даврида касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича тегишли касаба уюшмаси органи томонидан амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар танқидий-таҳлилий тарзда батафсил ёритилади, шунингдек мавжуд имкониятлар, келгусида касаба уюшмаси ташкилоти олдида турган вазифалар ҳам акс эттирилади.

Ваколат берилган касаба уюшмаси органи ҳисоботни ва маърузачини тасдиқлайди.

**2.2.** Ҳисобот-сайлов конференциясини, қурултойини олиб бориш учун очиқ овоз бериш йўли билан ишчи раёсат ва бошқа ишчи органлар (котибият, саноқ комиссияси, таҳрир комиссияси), умумий йиғилишни олиб бориш учун эса - ишчи раёсат, котибият (ёки раис ва котиб), саноқ комиссияси сайланади.

Ишчи раёсат таркибига йиғилиш, конференция, қурултойда иштирок этаётган юқори касаба уюшмаси ва бошқа органларнинг вакиллари сайланиши мумкин.

**2.3.** Тегишли касаба уюшмаси органи ва тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузасини эшитгандан ва муҳокама қилгандан сўнг умумий йиғилиш, конференция, қурултой касаба уюшмаси органининг ҳисобот давридаги фаолиятига баҳо беради (қониқарли ёки қониқарсиз), тафтиш комиссиясининг ҳисоботи эса тасдиқ учун киритилади.

**2.4.** Касаба уюшмаси органи ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан йиғилиш, конференция, қурултой қарори қабул қилинади.

### **III. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ ТАРКИБИГА НОМЗОДЛАРНИ КЎРСАТИШ ВА САЙЛАШ ТАРТИБИ**

**3.1.** Касаба уюшмалари органлари касаба уюшмалари уставларида, Федерациянинг Уставида, Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари низомларида белгиланган тартибда:

- бевосита ҳисобот-сайлов йиғилиши, конференцияси, қурултойда сайлаш;

- ҳисобот-сайлов йиғилиши, конференцияси, қурултойни чақираётган касаба уюшмаси органи томонидан белгиланган меъёрга мувофиқ унинг таркибига аъзо ёки қуйи касаба уюшмаси ташкилотларининг йиғилишлари, конференциялари, қурултойларида тўғридан-тўғри вакил йўллаш усули билан шакллантирилиши мумкин.

Касаба уюшмалари органлари таркибига иш берувчилар, шунингдек давлат органларининг мансабдор шахслари киритилиши мумкин эмас.

**3.2. Касаба уюшмалари органларини бевосита ҳисобот-сайлов йиғилишида, конференциясида, қурултойда сайлаш тартиби.**

3.2.1. Сайлов ўтказишдан аввал касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши, конференцияси, қурултойи сайланадиган касаба уюшмаси органининг сон жиҳатдан таркибини тасдиқлаб олади.

3.2.2. Сайланадиган касаба уюшмаси органининг сон таркиби тасдиқлангандан сўнг йиғилиш иштирокчилари, конференция, қурултой делегатлари таклифлари асосида сайланадиган орган таркибига киритиш учун тавсия этилаётган номзодлар рўйхати шакллантирилади.

3.2.3. Касаба уюшмаси органининг янги таркибига аввалдан номзодларни белгилаб олиш учун ҳисобот-сайлов конференциялари, қурултойлардан аввал делегациялар вакилларининг мажлислари ўтказилиши мумкин.

Делегациялар вакиллари мажлиси номидан касаба уюшмаси органининг янги таркибига номзодлар тўғрисида таклиф киритилиши, йиғилиш

қатнашчилари, делегатларнинг бевосита йиғилиш, конференция, қурултойда бошқа номзодлар кўрсатиш ҳуқуқларини чекламайди.

3.2.4. Касаба уюшмаси органи таркибига йиғилишда иштирок этмаётган, конференция, қурултой делегати бўлмаган касаба уюшмаси аъзоларининг номзодлари ҳам кўрсатилиши мумкин, бунда номзоднинг розилиги олинган бўлиши шарт.

Йиғилиш қатнашчиси, конференция, қурултой делегати бўлган ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмаси органи таркибига ўз номзодини таклиф этишга ҳақли.

Бошланғич ташкилот сайланма органи таркибига номзоди кўрсатилган (ўз номзодини таклиф этган) касаба уюшмаси аъзоси ушбу бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида ҳисобда турган бўлиши шарт.

### **3.3. Касаба уюшмалари органларини бевосита ҳисобот-сайлов йиғилиши, конференцияси, қурултойда сайлашда овоз бериш тартиби.**

3.3.1. Касаба уюшмалари органлари аъзоларини ва юқори касаба уюшмалари ташкилотларининг конференциялари, қурултойларига делегатларни ва органлари таркибига вакилларни сайлашда овоз бериш шакли (очик ёки яширин) очик овоз бериш йўли билан йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатлари томонидан белгиланади.

3.3.2. Овоз бериш шаклидан қатъи назар (очик ёки яширин) мазкур Низомнинг 4.1.-бандига мувофиқ кворум мавжуд бўлган ҳолда йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган номзод сайланган ҳисобланади, бундан ушбу Низомнинг 3.3.7.-банди учинчи сўзбошидаги қоида мустасно.

3.3.3. Сайлов бўйича овоз беришда фақат ушбу касаба уюшма ташкилотининг аъзолари, конференция, қурултой делегатлари иштирок этадилар.

#### ***Яширин овоз бериш тартиби***

3.3.4. Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини ҳисоблаш учун йиғилиш, конференция, қурултой очик овоз бериш йўли билан санок комиссиясини сайлайди. Санок комиссияси аъзолари сонини йиғилиш, конференция, қурултой белгилайди.

Санок комиссияси ўз мажлисида раис ва котибни сайлайди ҳамда бу ҳақда баённома тузилади. Баённома йиғилиш иштирокчилари, конференция, қурултой делегатларига ўқиб эшиттирилади ва у маълумот учун қабул қилинади.

3.3.5. Яширин овоз бериш қуйидаги тартибда ўтказилади:

даставвал ушбу Низомнинг 3.2.1.-3.2.4.-бандларида кўрсатилган тартибда яширин овоз бериш бўйича сайлов бюллетенига киритиш учун номзодлар рўйхатлари шакллантирилади;

санок комиссияси рўйхатга киритилган номзодлар алфавит тартибида жойлаштирилган бюллетенларни тайёрлайди (бюллетеннинг тавсиявий шакли илова қилинади);

сайлов қутилари муҳрланади ва улар яширин овоз бериш учун барча шароит яратилган кабиналар, бунинг имкони бўлмаган тақдирда эса алоҳида хоналарга ўрнатилади;

йиғилиш қатнашчиларига, конференция, қурултой делегатларига бюллетенлар тарқатилади ва санок комиссиясининг раиси яширин овоз бериш тартибини тушунтиради;

санок комиссияси йиғилиш қатнашчиларининг, конференция, қурултой делегатларининг ҳар бирига сайланаётган касаба уюшма органи, тафтиш комиссияси таркибига, шунингдек юқори касаба уюшмаси ташкилотининг конференцияси, қурултойи делегатлигига, органлари таркибига тавсия этилган номзодлар киритилган бюллетендан бир нусхадан беради ва ушбу йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатлари рўйхатига бюллетень берилганлиги тўғрисида белги қўйилади;

сайлов бюллетени йиғилиш иштирокчиси, делегат томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида кабинада (хонада) овоз берувчидан бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади;

йиғилиш қатнашчиси, делегат ўзи ёқлаб овоз бераётган номзод(лар) фамилиясининг рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш катакчага “+” ёки “Х” белгисини, қарши бўлган номзод(лар) фамилиясининг рўпарасида “-“ белгисини қўяди, номзодни ёқлаб ёки қарши белги қўйилмаган ҳолларда йиғилиш қатнашчиси, конференция, Қурултой делегати батараф қолган ҳисобланади.

Овоз бериш тугаллангандан сўнг санок комиссияси сайлов қутиларини очиб ҳар бир бюллетень бўйича овоз бериш натижаларини санайди.

Овозларни санаш алоҳида хонада амалга оширилади ва бу жараёнда санок комиссияси аъзоларидан бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

3.3.6. Агар овоз бериш натижасига кўра касаба уюшмаси органи таркибига сайланган (50 фоиздан ортиқ овоз олган) номзодлар сони тасдиқланган сон жиҳатдан таркибда белгиланган миқдордан оз ёки кўп бўлса, йиғилиш, конференция, қурултой очиқ овоз бериш йўли билан касаба уюшмаси органининг сон жиҳатдан таркибини янги миқдорда - овоз бериш натижаларига мувофиқ тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

3.3.7. Йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатларининг кўпчилиги (50 фоиздан ортиғи) касаба уюшмаси органининг аввалдан белгиланган сон жиҳатдан таркибини қолдиришга овоз берса:

овоз бериш натижасига кўра касаба уюшмаси органига сайланганлар (50 фоиздан ортиқ овоз олганлар) сони тасдиқланган сон жиҳатдан таркибда белгиланган миқдордан кам бўлган ҳолда - 50 фоиздан кам овоз олган номзодлар ўрнига янги номзодларни кўрсатилиб, улар бўйича қайта овоз бериш ўтказилади;

овоз бериш натижасига кўра касаба уюшмаси органига сайланганлар (50 фоиздан ортиқ овоз олганлар) сони тасдиқланган сон жиҳатдан таркибда белгиланган миқдордан кўп бўлган ҳолда – белгиланган сон жиҳатдан таркибга мувофиқ 50 фоиздан ортиқ овоз олган номзодларнинг энг юқори кўрсаткичга эга бўлганлари сайланган ҳисобланади.

3.3.8. Овоз бериш тугаллангандан сўнг саноқ комиссияси ҳар бир номзод бўйича «ёқлаб» ҳамда «қарши» берилган овозлар, “бетараф” қолганлар сони акс эттирилган баённомани тузади. Баённомани саноқ комиссиясининг барча аъзолари имзолайдилар. Ушбу тартибда ҳар бир касаба уюшмаси органи таркибига (лавозимга) сайловлар натижаси бўйича алоҳида баённома тузилади.

3.3.9. Саноқ комиссияси овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб йиғилиш, конференция, қурултойга ҳар бир номзод бўйича “ёқлаб” ҳамда “қарши” овоз берганлар, “бетараф” қолганлар сони ҳақида алоҳида-алоҳида ахборот беради. Сайлов натижалари йиғилиш, конференция, қурултой томонидан тасдиқланади ва қарор қабул қилинади.

3.3.10. Белгиланмаган шаклдаги бюллетенлар, касаба уюшмалари органлари раҳбарларини сайлашда эса - иккита ёки ундан ортиқ номзодлар қолдирилган бюллетен (рўйхат) лар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

3.3.11. Яширин овоз беришга тааллуқли бюллетенлар, саноқ комиссияси мажлисининг баёнлари тегишинча сайлов масалалари бўйича қабул қилинган қарорларга ёки йиғилиш, конференция, қурултой баёнига илова қилинади.

#### ***Очиқ овоз бериш тартиби***

3.3.12. Касаба уюшмалари органлари аъзоларини ва юқори ташкилотларнинг конференциялари, қурултойларига делегатларни ва сайланма органлари таркибига вакилларни сайлаш кун тартибига киритилган тартибда, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

3.3.13. Ҳар бир масала бўйича сайловни ўтказишдан аввал ушбу Низомнинг 3.2.1.-3.2.4.-бандларида кўрсатилган тартибда овоз бериш учун номзодлар рўйхатлари шакллантирилади.

3.3.14. Овоз бериш рўйхатга киритилган ҳар бир номзод бўйича ўтказилади.

3.3.15. Йиғилиш, конференция, қурултой қарорига мувофиқ овозларни санаш санок комиссияси ёки йиғилиш, конференция, қурултой ишчи раёсати (раиси) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Кам сонли касаба уюшмаси ташкилотларида ва касаба уюшмаси гуруҳларида йиғилиш овоз бериш натижаларини санашни раислик қилувчига ёки йиғилиш катнашчиларидан бирига топшириши мумкин.

3.3.16. Ҳар бир номзод бўйича «ёқлаб» ёки «қарши» берилган ёхуд «бетараф» барча овозлар саналади. Йиғилиш катнашчилари, конференция, қурултойда иштирок этаётган делегатларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган номзодлар сайланган ҳисобланади.

3.3.17. Ушбу Низомнинг 3.2.1.-3.2.4.-бандларида кўрсатилган тартибда шакллантирилган рўйхатга киритилган номзодларнинг бирортаси юзасидан эътирозлар бўлмаган ҳолларда йиғилиш, конференция, қурултой сайловни рўйхат бўйича ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

3.3.18. Агар овоз бериш натижасига кўра касаба уюшмаси органи таркибига сайланган (50 фоиздан ортиқ овоз олган) номзодлар сони тасдиқланган сон жиҳатдан таркибда белгиланган миқдордан оз ёки кўп бўлса, ушбу Низомнинг 3.3.6. ва 3.3.7.-бандларида белгиланган тартиб қўлланилади.

3.3.19. Овоз бериш натижалари тўғрисида йиғилиш, конференция, қурултойга ҳисобот берилади ва касаба уюшмаси органи таркибига, шунингдек конференция, қурултойга делегат, юқори касаба уюшмаси органи таркибига вакил этиб сайланганлар рўйхати йиғилиш, конференция, қурултой баённомасига киритилади.

***Касаба уюшмалари органлари раислари, раис ўринбосарларини сайлаш тартиби***

3.3.20. Барча даражадаги касаба уюшмалари органлари раислари умумий йиғилиш, конференция, қурултойларда, уларнинг ўринбосарлари - тегишли касаба уюшмалари органлари мажлисларида сайланадилар.

Уставда назарда тутилган ҳолларда йиғилиш, конференция, қурултой раис ўринбосарини бевосита йиғилиш, конференция, қурултойда сайлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларига (раис ва унинг ўринбосари) сайлов муқобиллик асосида ўтказилади.

3.3.21. Даставвал касаба уюшмаси органи раиси сайлови ўтказилади.

Тегишли касаба уюшмаси органининг сон таркибини белгилаш ва аъзоларини сайлашда ушбу ҳолат эътиборга олинади.

3.3.22. Касаба уюшмалари бошланғич, бирлашган ташкилотлари, ҳудудий бўлинмалари сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган раис ва раис ўринбосарлари, шунингдек касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерация ва унинг ҳудудий Кенгашлари раислари ва раис ўринбосарлари сайлови **муқаррар равишда муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.**

Ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган (жамоатчилик асосидаги) раис ва раис ўринбосарини сайлаш бўйича овоз бериш йиғилиш иштирокчилари, конференция, қурултой делегатлари, тегишли касаба уюшмаси органи аъзолари томонидан тасдиқланган шаклда (очик ёки яширин), ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

3.3.23. Йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатлари раис ва унинг ўринбосар(лар)и лавозимига номзодларни алоҳида-алоҳида кўрсатадилар, муҳокама қиладилар ва уларга овоз берадилар.

Йиғилиш, конференция, қурултойнинг санок комиссияси ёки ишчи раёсати (раиси), белгиланган тартибда касаба уюшмаси органи раиси, раис ўринбосарини сайлаш бўйича овоз бериш натижаларини алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқади.

3.3.24. Касаба уюшмалари органлари раислари ва уларнинг ўринбосарларини яширин овоз бериш йўли билан сайлаш чоғида йиғилиш қатнашчиси, конференция, қурултой делегати бюллетенда кўрсатилган бир неча номзоддан фақат биттасини ёқлаб овоз бериши мумкин. Йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган номзод сайланган деб ҳисобланади.

3.3.25. Агар яширин овоз бериш бюллетенга икки нафар номзод киритилган бўлса ва овоз бериш натижаларига кўра бирорта ҳам номзод овозларнинг ярмидан кўпини ололмаса, қайтадан номзодлар кўрсатилиб, улар юзасидан овоз бериш ўтказилади.

Агар номзодлар сони уч ва ундан ортиқ нафар бўлса энг кўп овоз олган иккита номзод қолдирилиб, улар бўйича қайта овоз бериш ўтказилади ва йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултойда иштирок этаётган делегатларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган номзод сайланган ҳисобланади.

Қайта сайловда қолдирилган икки номзод бўйича овозлар тенг бўлган ҳолда ушбу лавозимга қайтадан номзод (номзодлар) кўрсатилиб, мазкур низомда кўзда тутилган тартибда муҳокама қилинади ва улар юзасидан овоз бериш ўтказилади.

3.3.26. Касаба уюшмаси раҳбар органлари, тафтиш комиссиялари раисларининг ўринбосарлари тегишли раҳбар органлар, тафтиш комиссиялари

мажлисларида сайланган ҳолларда ушбу Низомнинг 3.3.22-3.3.25-бандларида белгиланган тартибга риоя этилади.

### **3.4. Касаба уюшмалари органларини белгиланган меъёрга мувофиқ қуйи ёки аъзо ташкилотлар йиғилишлари, конференциялари, қурултойларида сайлаш йўли билан шакллантириш.**

3.4.1. Йиғилиш, конференция, қурултойни чақираётган касаба уюшмаси органи тегишли сайланма органини қуйи ёки аъзо ташкилотларнинг йиғилишлари, конференциялари, қурултойларида ушбу орган таркибига белгиланган меъёр бўйича тўғридан-тўғри вакил йўллаш (сайлаш) усули билан шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Касаба уюшмаси органи бундай усулда шакллантирилган ҳолларда умумий йиғилиш, конференция, қурултой қуйи ёки аъзо ташкилотлар томонидан касаба уюшмаси органи таркибига вакил этиб йўлланган (сайланган) аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

3.4.2. Умумий йиғилиш, конференция, қурултойда қуйи ёки аъзо ташкилотлар томонидан касаба уюшмаси органи таркибига йўлланган (сайланган) аъзолардан ташқари бошқа аъзоларни сайлаш масаласини тегишли умумий йиғилиш, конференция, қурултой ҳал қилади.

3.4.3. Касаба уюшмаси ташкилотларининг доимий асосда фаолият юритадиган сайланма раҳбар органлари (қўмита, раёсат, ижроия қўмита, кенгаш) мажлисларида кворум бўлишини таъминлаш мақсадида, қайд этилган барча органларга сайланган аъзонинг дублёри бўлиши таъминланиши керак.

Раҳбар органга сайланган аъзо умумий йиғилиш, кенгаш, конференция, қурултойда, у сайланганлиги эълон қилингандан кейин, ўз танлови бўйича, шу раҳбар органга сайланмаган, аммо шу касаба уюшмаси ташкилотига даҳлдор бўлган касаба уюшмаси аъзоларидан бирини (унинг розилиги билан) ўзининг дублёри сифатида номзод этиб кўрсатади. Дублёр сайланмайди.

Сайлов натижалари бўйича касаба уюшмаси ташкилотининг сайланма раҳбар органи аъзолари рўйхати шакллантирилганда ҳар бир аъзонинг фамилияси, исми, шарифидан кейин дублёрнинг фамилияси, исми, шарифи қайд этилиб, дублёр деб ёзиб қўйилади.

Дублёр мазкур органнинг мажлисларида асосий аъзо қатнашмаган ҳолларда, яъни аъзо, хизмат сафарига, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида, таътилда, шунингдек аъзо ишда бўлмаганда (ишда бўлмаслигининг сабаби ноаниқ бўлганда) тўлақонли овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади.

Раҳбар орган аъзоси шу орган аъзолигидан чиққанда (чиқарилганда) дублёрининг ҳам ушбу органдаги ваколатлари тугайди.

Раҳбар органи таркибига сайланган янги аъзо ўзининг дублёрини тақдим этади.

Ушбу банд талаблари бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари учун мажбурий, касаба уюшмалари, улар тизимидаги бирлашган кўмиталар, туман, шаҳар ва ва ҳудудий бўлинмалари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари ҳамда Федерация учун тавсиявий ҳисобланади.

#### **IV. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, курултойларнинг ваколатли бўлиши ва қарорлар қабул қилиш**

**4.1.** Касаба уюшмаси ташкилоти аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган ҳисобот-сайлов йиғилиши, делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган касаба уюшмалари ташкилотларининг конференциялари, курултойлари ваколатли ҳисобланади.

**4.2.** Ҳисобот-сайлов йиғилиши, конференцияси, курултойда иштирок этган қатнашчилар, делегатларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

#### **V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**5.1.** Сайловлар ўтказишнинг белгиланган тартиби бузилган тақдирда юқори касаба уюшмаси органи мазкур ҳолатни кўриб чиқиши, зарур бўлганда сайлов натижаларини бекор қилиши ва янги сайловлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**5.2.** Барча даражадаги касаба уюшмалари органларини сайлашда улар таркибини мунтазам янгилаб туриш ва раҳбар ўринга захирадаги кадрларни тавсия этиш тамойилига амал қилинади, номзодларни кенг муҳокама этилиши таъминланади.

**5.3.** Юқори касаба уюшмаси органи аъзоси ўзи ҳисобда турган касаба уюшмаси ташкилотининг ишончини йўқотса, ташкилот уни хоҳлаган вақтда касаба уюшмаси органи аъзолигидан чиқариш (чақиртириб олиш ва янги вакилни йўллаш) тўғрисидаги масалани қўйиши мумкин.

**5.4.** Касаба уюшмалари органлари, уларнинг раҳбарлари (раис ва раис ўринбосарлари)ни сайлашда юзага келган ва мазкур Низом билан тартибга солинмаган баҳсли ҳолатлар Федерациянинг, тегишли касаба уюшмаларининг уставлари, Федерация ҳудудий Кенгашларининг низомларига мувофиқ Федерация томонидан ҳал қилинади.

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг**

**ҚАРОРИ**

**2025 йил 15 январь**

**№ 12-1**

**Фарғона ш.**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишини чақириш тўғрисида**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг ваколат муддати тугаши муносабати билан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг 2024 йил 21 декабрдаги IX-3-сонли “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия кўмитасининг 2022 йил 27 декабрдаги 6-3 сонли “Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги касаба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига, асосан, **касаба уюшмаси кўмитаси қарор қилади:**

**1.** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши **2025 йил 20 февраль кuni соат 10.00**да ўтказилсин.

**2.** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалаларни киритиш тавсия этилсин:

- “Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти яқунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар тўғрисида;

- “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи;

- “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раисини сайлаш тўғрисида;

- “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси таркибини сайлаш тўғрисида;

- “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида;

- “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисида;

- Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов йиғилишига делегатлар сайлаш тўғрисида;

- Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига вакил сайлаш тўғрисида.

**4. Цех касаба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби **1-иловага**, касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси **2-иловага**, йиғилишни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметаси **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.**

**5. Ишчи гуруҳга бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасида кўзда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини ташкил этиш топширилсин.**

**6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш касаба уюшмаси кўмитаси раиси С.Салимов зиммасига юклатилсин.**

**Касаба уюшмаси кўмитаси раиси**

**С.Салимов**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти  
касаба уюшмаси қўмитасининг 2025 йил 15  
январдаги 12-1-сонли қарорига 1- илова

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик  
кўриш бўйича ишчи гуруҳ**

**ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
<b>1.</b>	Салимов Салим Салимович	Касаба уюшмаси қўмитаси раиси, ишчи гуруҳ раҳбари
<b>Ишчи гуруҳ аъзолари</b>		
<b>2.</b>	Рустамова Нодира Аъзамовна	Тайёрлов цехи аппаратчиси, касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси
<b>3.</b>	Сафаров Илхом	Бутлаш цехи оператори, цех касаба уюшмаси ташкилоти раиси
<b>4.</b>	Одилов Ином Исоқович	Меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи, касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси
<b>5.</b>	Нодирова Шахноза	Транспорт цехи муҳандиси, цех касаба уюшмаси ташкилоти раиси

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти  
касаба уюшмаси кўмитасининг 2025 йил 15  
январдаги 12-1-сонли қарорига 2- илова

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик  
кўриш ва ўтказиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Чора-тадбир номи	Муддати	Масъуллар
1.	Ҳисобот маърузаларида акс эттириш учун ҳисобот даврида республикада барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар тўғрисида маълумотларни тўплаш.	2025 йил 5 февралгача	Бириктирилган масъуллар
2.	Бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилиши тўғрисида эълонларни тайёрлаш ва барча ходимларга етказиш.	2025 йил 10 февралгача	Ишчи гуруҳ
3.	Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти юзасидан ҳисобот маърузаси лойиҳасини тайёрлаш, лойиҳани кўмита йиғилиши муҳокамасига киритиш, ҳисобот маърузаси ва маърузачини тасдиқлаш.	2025 йил 10 февралгача	Ишчи гуруҳ
4.	Бошланғич ташкилот тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тайёрлаш.*	2025 йил 10 февралгача	Тафтиш комиссияси
5.	Йиғилиш иштирокчиларига тарқатиладиган материалларни тайёрлаш ва кўпайтириш.	2025 йил 12 февралгача	Ишчи гуруҳ
6.	Яширин овоз бериш учун зарур шароитни (урна, овоз бериш кабинаси, бюллетен учун қоғозлар ва ҳ.к.) тайёрлаш.	2025 йил 12 февралгача	Ишчи гуруҳ
7.	Касаба уюшмаси кўмитаси, тафтиш комиссияси таркибига номзодлар, юқори касаба уюшмаси ташкилоти конференциясига делегатлар номзоди бўйича таклифларни тайёрлаш.	2025 йил 13 февралгача	Ишчи гуруҳ
8.	Йиғилиш ўтказиладиган жойда овоз кучайтириш мосламалари, мультимедиа воситалари, касаба уюшмаси ташкилотининг фаолиятига оид	2025 йил 18 февралгача	Касаба уюшмаси

№	Чора-тадбир номи	Муддати	Масъуллар
	кўргазмали воситалар, баннерлар ва бошқалар, йиғилиш ишчи органлари – котибият, таҳрир ҳамда санок комиссияси учун жойларни тайёрлаш.		қўмитаси, Ишчи гуруҳ
9.	Ҳисобот-сайлов йиғилишини ОАВ орқали ёритиш мақсадида таҳлилий пресс-релизни тайёрлаш.	2025 йил 18 февралгача	Ишчи гуруҳ
10.	Ҳисобот-сайлов йиғилишини ёритиш учун оммавий ахборот воситаларига таклифномаларни жўнатиш.	2025 йил 15 февралгача	Қўмита раиси Қобилов О.
11.	Йиғилиш иштирокчиларининг белгиланган муддатда йиғилиш ўтказиладиган жойга етиб келишини таъминлаш.	Йиғилиш куни	Цех касаба уюшмаси ташкилотлари раислари
12.	Йиғилиш иштирокчиларини кутиб олиш, рўйхатдан ўтказиш ва йиғилиш ўтказиладиган залга жойлаштириш.	Йиғилиш куни	Ишчи гуруҳ
13.	Йиғилиш иштирокчиларини овқатлантиришни ташкил этиш.	Йиғилиш куни	Касаба уюшмаси қўмитаси иш берувчи билан ҳамкорликда
14.	Йиғилишни оммавий ахборот воситаларида ёритиш.	Йиғилишдан сўнг 2 кун муддат ичида	Касаба уюшмаси қўмитаси
15.	Ҳисобот-сайлов йиғилиши якуни бўйича белгиланган шаклдаги 1-ҲС ҳисоботини, бошланғич ташкилот фаолияти тўғрисидаги маълумотларни, юқори касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясига сайланган делегатларнинг анкеталарини, шунингдек делегат ҳамда юқори касаба уюшмаси органи таркибига вакил сайлаш тўғрисидаги қарорлар нусхаларини юқори касаба уюшмаси ташкилотига тақдим этиш.	Йиғилиш ўтказилгандан сўнг 3 кун муддатда	Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

*“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти  
касаба уюшмаси қўмитасининг 2025 йил 15  
январдаги 12-1-сонли қарорига 3- илова*

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик  
кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ  
САРФ-ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ**

<b>№</b>	<b>Тадбирнинг номи</b>	<b>Ажратиладиган маблағ миқдори (сўм)</b>
1.	Ҳисобот-сайлов йиғилиши иштирокчиларига тарқатиладиган материалларни (йиғилиш кун ва иш тартиби бўйича таклифлар, бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида ахборот, йиғилиш қарорларининг лойиҳалари, йиғилиш қотибияти, таҳрир ҳамда саноқ комиссиялари таркиби бўйича таклифлар ва бошқалар) чоп этиш.	
2.	Ҳисобот-сайлов йиғилиши иштирокчилари учун тушлик ташкил этиш.	
3.	Ҳисобот-сайлов йиғилиши иштирокчиларига тарқатиш учун канцелярия моллари харид қилиш.	
<b>ЖАМИ</b>		

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитасининг қарори**

**2025 йил 10 февраль**

**№ 13-1**

**Фарғона ш.**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр  
мобайнидаги фаолияти якунлари ва ходимларнинг ижтимоий-  
иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги  
вазифалар тўғрисида ҳисобот маърузасини тасдиқлаш ҳақида**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитаси қарор қилади:

**1.** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр  
мобайнидаги фаолияти якунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий  
ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар  
тўғрисида **ҳисобот маърузаси** тасдиқлансин.

**2.** Маърузачи этиб “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти  
касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Салимов тайинлансин.

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**С.Салимов**

## **Ҳисобот маърузасида қуйидагиларни ёритиш тавсия этилади:**

2020-2024 йилларда Ўзбекистонда “Ўзбекистон -2030” стратегиясини амалга ошириш жараёнида барча жабҳаларда, жумладан соҳани ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, қайд этилган натижалар;

республикада аёллар ва ёшларга берилаётган эътибор, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш соҳасида олиб борилаётган ишлар;

мамлакатимизда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари Федерациясининг республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардаги иштироки;

*жамиятда иш берувчи ва касаба уюшмаси ташкилотининг ижтимоий шериклигида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш соҳасида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, жумладан:*

- жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдорининг ҳисобот йиллари кесимида ўзгариши;

- ходимларга жамоа шартномасида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар ва уларнинг берилиши (қўшимча таътиллар, устамалар, мукофот пуллари ва ҳ.к.);

- ходимларни, айниқса кам таъминланган оилалардан бўлганларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар (кам таъминланган оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек уй жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар бериш, жамият ходимларининг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандлари контракт пулларини қоплаш ва ҳ.к.);

- жамиятда ходимларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш соҳасида олиб борилган ишлар ва бунда касаба уюшмаси ташкилотининг (қўмитасининг) иштироки (ходимларни ҳақ тўланмайдиган таътилларга чиқарилиши, квоталаштирилган иш ўринларига ходимлар ишга қабул қилиниши, коллеж битирувчиларини ишга қабул қилиниши ва ҳ.к.);

- иш ҳақи масалалари (жамиятда энг кам иш ҳақи миқдорига амал қилиниши, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши, рағбатлантириш тўловларининг берилиши ҳамда бунда касаба уюшмаси қўмитасининг фикрлари инобатга олинishi ва ҳ.к.лар);

- ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш соҳасидаги ишлар устидан жамоатчилик назоратини олиб борилиши (меҳнат шартномаларини тузилиши ва бекор қилиниши, меҳнат қонунчилигида алоҳида тоифадаги

ходимлар учун белгиланган имтиёзларнинг берилиши, тасдиқланган меҳнат таътиллари жадвалларига риоя этилиши ва ҳ.к.лар);

- ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ишлари ва бунда касаба уюшмаси қўмитасининг иштироки, жамоатчилик назоратини олиб борилиши (ходимлар учун меҳнат шароитларини яратилиши, ишга қабул қилинаётган ходимлар хавсизлик техникаси бўйича йўриқдан ўтказилиши, уч поғонали назоратнинг олиб борилиши, кийиниб-ечиниш хоналари, махсус кийим-бош ва пойафзал билан таъминланиши ва ҳ.к.лар);

- жамият касаба уюшмаси ташкилотининг Давлат дастурлари асосида қабул қилинган юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг дастурларини, шунингдек жамиятда қабул қилинган дастурларни бажаришдаги иштироки;

- жамиятда маданий-маърифий ва спорт ишларининг ташкил этилишида касаба уюшмаси қўмитасининг ўрни ва роли (“Маънавият соатлари”нинг ўтказилиши, уларнинг мазмун-моҳияти, уларга малакали лекторларни жалб этилиши, ўтказилган тадбирлар, спорт мусобақалари ва уларнинг савияси, ходимлар гимнастикасини жорий этилиши ва ҳ.к.)

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар;

- касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар (*ташкилий ишлар, қўмита йиғилишларининг ўтказилиши, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижроси таъминланиши, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, юқори ташкилотлар қарорлари ижросини таъминлаш соҳасида олиб борилган ишлар ва ҳ.к.лар*).

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишини  
ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

2025 йил 20 февраль

Фарғона ш.

**Ҳисобот-сайлов йиғилишини касаба уюшмаси қўмитаси раиси Салимов Салим Салимович очади.**

**Хурматли йиғилиш иштирокчилари!**

Жамият бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида **49 нафар** касаба уюшмаси аъзолари ҳисобда туради.

Бугунги ҳисобот-сайлов йиғилишда уларнинг **45 нафари** иштирок этмоқда, **4 нафари** узрли сабабларга кўра иштирок этишмаяпти.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Уставига ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низомга мувофиқ **ҳисобот-сайлов йиғилиши ўз ишини бошлашга ваколатли.**

Йиғилишни очиш тўғрисида кимда қандай фикрлар бор?

Очилсин деган таклиф тушяпти.

Қаршилар йўқми? Бетарафлар.

**Бир овоздан қабул қилинди.**

**Ҳисобот-сайлов йиғилиши очик деб эълон қилинади.**

Бугунги ҳисобот-сайлов йиғилиши ишида “Омад зафари” АЖ бошқаруви раиси **Алиев Вали Алиевич** иштирок этмоқда (*жамият раҳбарияти, юқори касаба уюшмаси ташкилотлари вакиллари қатнашаётган бўлса, улар таништирилади*).

**Раислик қилувчи С.Салимов.**

Йиғилишни олиб бориш учун ишчи раёсатни сайлаб олишимиз керак.

Аввало ишчи раёсатнинг сон таркиби бўйича келишиб олсак.

**Ишчи раёсат 3 кишидан иборат сайлансин** деган таклиф тушяпти. Маъқулми? Қаршилар йўқми?

Ушбу таклифга қўшилган йиғилиш қатнашчилари қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? **Қабул қилинди.**

Марҳамат, **Ишчи раёсат таркибига номзодларни кўрсатишингизни сўрайман.**

*(Изоҳ. Ишчи раёсат таркибига номзодлар бевосита йиғилиш иштирокчилари томонидан кўрсатилиши ёки раислик қилувчи томонидан тавсия сифатида киритилиши мумкин).*

**(номзодлар бўйича таклиф киритилгандан сўнг)**

Йиғилиш ишчи раёсати таркибига қуйидагиларни сайлаш тўғрисида таклифлар тушди:

- 1. Салимова Салима Салимовна**- Транспорт цехи муҳандиси
- 2. Алиев Вали Алиевич**– “Омад зафари” АЖ бошқаруви раиси
- 3. Салимов Салим Салимович**- “Омад зафари” АЖ касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Бошқа таклифлар борми?

Агар таклифлар бўлмаса, **Салимова Салима Салимовна, Алиев Вали Алиевич, Салимов Салим Салимович** йиғилиш ишчи раёсати таркибига сайлансин деганлар қўл кўтариб тасдиқлаб беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? **Йўқ.**

**Ишчи раёсат аъзоларини ўз ўринларини эгаллашларини сўрайман.**

**Раислик қилувчи.**

**Йиғилишнинг ишчи органлари - котибият ҳамда санок комиссиясини сайлаб олишимиз керак.**

Марҳамат, йиғилиш котибияти сон таркиби юзасидан кимда қандай таклифлар бор?

**Котибият 2 кишидан иборат таркибда сайлансин, деган таклиф тушди.**

Агар бошқа таклиф бўлмаса, котибият таркибига номзодларни кўрсатишингизни сўрайман.

**(номзодлар бўйича таклиф киритилгандан сўнг)**

Йиғилиш котибияти таркибига қуйидагилар номзоди таклиф этилди:

- 1. Наимова Наима Наимовна**- жамият маркетинг бўлими бош мутахассиси;
- 2. Одилов Одил Одилович** – жамият бошқармаси мутахассиси.

Қандай овоз берамиз, ҳар бир номзод бўйича алоҳидами ёки рўйхат бўйичами?

Рўйхат бўйича деган таклиф тушди. Бу таклифга қаршилар йўқми?

Унда номлари қайд этилганлар котибият таркибига сайлансин деган йиғилиш иштирокчилари қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? **Йўқ.**

**Наимова Наима Наимовна ва Одилов Одил Одилович** котибият таркибига сайланди.

**Энди, йиғилиш санок комиссиясини сайлаб олишимиз керак.**

Санок комиссиясининг сон таркиби юзасидан кимда қандай таклифлар бор?

**Санок комиссияси 3 кишидан иборат** таркибда сайлансин, деган таклиф тушди.

Бошқа таклифлар борми? Маъқулми?

Агар бошқа таклиф бўлмаса, санок комиссияси таркибига номзодларни кўрсатишингизни сўрайман.

**(номзодлар бўйича таклиф киритилгандан сўнг)**

Йиғилиш санок комиссияси таркибига қуйидагилар номзоди таклиф этилди:

- 1. Исомов Исомиддин Исомович** – транспорт цехи етакчи мутахассиси
- 2. Тўйчиев Тўйчи Тўйчиевич** – бутлаш цехи ишчиси
- 3. Солиева Солия Солиевна** – жамият фарроши

Қандай овоз берамиз, ҳар бир номзод бўйича алоҳидами ёки рўйхат бўйичами?

Рўйхат бўйича деган таклиф тушди. Бу таклифга қаршилар йўқми?

Унда номлари қайд этилганлар санок комиссияси таркибига сайлансин деган йиғилиш иштирокчилари қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? Йўқ.

**Исомов Исомиддин Исомович, Тўйчиев Тўйчи Тўйчиевич, Солиева Солия Солиевна санок комиссияси таркибига сайланди.**

**Марҳамат, йиғилиш ишчи органларига сайланганлар ўз вазифаларини бажаришга киришишларини сўрайман.**

Энди йиғилиш кун ва иш тартибини тасдиқлаб олишимиз керак.

Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалаларни киритиш таклиф этилмоқда:

1. Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти якунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар тўғрисида.

2. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раисини сайлаш тўғрисида.

4. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси таркибини сайлаш тўғрисида.

5. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси таркибини сайлаш тўғрисида.

6. Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисида.

7. Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайлаш тўғрисида.

8. Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига вакил сайлаш тўғрисида.

*(Изоҳ. 2-, 5- ва 6-масалалар бошланғич ташкилот банкда ҳисобварағига (алоҳида касаба уюшма бюджетига) эга бўлса киритилади. Агар бошланғич ташкилот банкда ҳисобварағига (алоҳида касаба уюшма бюджетига) эга бўлмаса бу масалалар кун тартибига киритилмайди.*

*7- ва 8-масалалар агар бошланғич ташкилотга юқори ташкилот томонидан конференцияга делегат ва сайланма органи таркибига вакил сайлаш бўйича вакиллик меъёри белгилаб берилган бўлса кун тартибига киритилади. Агар белгилаб берилмаган бўлса ушбу масалалар кун тартибига киритилмайди.*

*( Агар кун тартиби лойиҳаси иштирокчиларга тарқатилган бўлса ўқилмаслиги мумкин, лекин овозга қўйиб тасдиқлаб олинади).*

Таклиф этилаётган кун тартиби бўйича бошқа таклифлар, қўшимчалар борми?

Таклифлар бўлмаса, йиғилиш кун тартиби тасдиқлансин деган йиғилиш иштирокчилари қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман. Марҳамат. Қаршилар борми? Бетарафлар?

**Йиғилиш кун тартиби бир овоздан тасдиқланди.**

**Энди йиғилишнинг иш тартибини (регламентини) тасдиқлаб олишимиз лозим.**

**Биринчи масала** бўйича маърузачига **30 дақиқагача**, **иккинчи масала** бўйича маърузачига **15 дақиқагача**, сўзга чиқувчиларга – **7 дақиқагача**, сайловлар бўйича – касаба уюшмаси кўмитаси раиси сайловига – **40 дақиқагача**, қолган сайлов масалаларининг ҳар бирига – **5 дақиқадан** вақт берилсин деган таклиф бор.

Йиғилиш иш тартиби юзасидан бошқа таклифлар борми?

Тасдиқласак бўладими?

Марҳамат, кўл кўтариб овоз беришингни сўрайман.

Қаршилар борми? Бетарафлар?

**Йиғилиш иш тартиби бир овоздан тасдиқланди.**

*(Изоҳ. Агар йиғилиш иш тартиби лойиҳаси иштирокчиларга тарқатилган бўлса овозга қўйилади ва тасдиқлаб олинади).*

**Раислик қилувчи: С.Салимова.** *(касаба уюшмаси қўмитаси раисига ҳисобот маърузаси учун сўзни ишчи раёсат аъзоларидан бири беради ва раислик қилади)*

**Энди кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга ўтамиз.**

**Кун тартибидаги биринчи** – “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти якунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар тўғрисида” маъруза учун сўз касаба уюшмаси қўмитаси раиси **Салимов Салим Салимовичга** берилади.

**Маърузадан сўнг.**

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлса ёзма равишда берилсин деган таклиф бор.

Қаршилар йўқми?

**Қабул қилинди.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала** - “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ҳам эшитсакда, ҳар иккала масала бўйича музокаларга ўтсак деган таклиф бор.

Бошқа таклифлар йўқми?

Унда кўл кўтариб овоз беришингни сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар?

**Бир овоздан қабул қилинди.**

Ҳисобот учун сўз тафтиш комиссияси раиси **Умидова Умида Умидовнага** берилади.

**Тафтиш комиссиясининг ҳисоботидан сўнг.**

**Кўриб чиқилган иккала масала бўйича музокаларга ўтамиз.**

Сўз \_\_\_\_\_ га берилади.

Сўз \_\_\_\_\_ га берилади.

Сўз \_\_\_\_\_ га берилади.

*(Изоҳ. Сўзга чиқувчилар сўзлари охирида касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолиятига албатта баҳо беришлари ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш бўйича фикр билдиришлари керак).*

**Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!**

Музокарада сўзга чиқиш учун 5 киши ёзилган. 3 киши сўзга чиқди.

Музокалар тўхтатилсин деган таклиф тушяпти. Қаршилар йўқми?

Музокаралар тўхтатилсин деганлар қўл кўтариб тасдиқлаб беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? Йўқ.

**Қабул қилинди.**

Энди касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолиятига баҳо беришимиз керак.

Сўзга чиққанлар кўмита фаолиятини \_\_\_\_\_ деб топиш ҳақида таклифлар киритдилар.

*(Изоҳ. Кўмита фаолиятига “қониқарли” ёки “қониқарсиз” баҳолари берилиши мумкин).*

Бошқа таклифлар борми? Йўқ.

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти “қониқарли” деб топилсин деганлар қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? Йўқ.

**Кўмита фаолияти бир овоздан қониқарли деб топилди.**

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаб олишимиз керак.

Ҳисобот тасдиқлансин деганлар қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? Йўқ.

**Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.**

Энди ҳар иккала масала бўйича қарорни қабул қилиб олишимиз лозим.

Қарор лойиҳаси сизларга тарқатилган.

Қарор лойиҳаси асос учун қабул қилинсин деган таклиф бор.

Қаршилар йўқми?

Унда қўл кўтариб тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? Йўқ.

**Қарор лойиҳаси асос учун қабул қилинди.**

Сўзга чиққанларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда қарор тўлалигича қабул қилинсин деган таклиф бор.

Қаршилар йўқми? Бетарафлар?

**Қарор тўлалигича қабул қилинди.**

**Энди сайловларга ўтамиз.**

Кун тартибига мувофиқ касаба уюшмаси қўмитаси раисини, қўмита таркибини, тафтиш комиссияси таркибини, тафтиш комиссияси раисини шунингдек юқори касаба уюшмаси ташкилотининг конференциясига делегатларни, унинг сайланма органи таркибига вакилни сайлаб олишимиз керак.

Масалаларни кўриб чиқишдан аввал сайловни ўтказиш шаклини келишиб олишимиз зарур.

*(Изоҳ. Мазкур тавсияларда жамият касаба уюшмаси қўмитаси раиси асосий ишидан озод этилган ҳолда фаолият олиб бориши кўзда тутилган)*

**“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом”да барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари, жумладан бошланғич ташкилотлар сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган раис ва раис ўринбосарлари сайлови муқаррар равишда муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгиланган.**

Бизда касаба уюшмаси қўмитаси раиси айнан асосий ишидан озод этилган ҳолда фаолият олиб боради. Шунинг учун, юқорида айтилган **Низом талабларидан келиб чиқиб, қўмита раисини яширин овоз бериш йўли билан сайлаймиз.**

*(Изоҳ. Агар касаба уюшмаси қўмитаси раиси жамоатчилик асосида фаолият олиб борса, бошқа масалалар бўйича сайлов шакли билан бир қаторда қўмита раисини сайлаш бўйича овоз бериш шаклини ҳам (очиқ ёки яширин) умумий йиғилиши белгилайди. Агар қўмита раисининг ўринбосари ҳам сайланса унга нисбатан қўмита раисини сайлашдаги тартиб ва қоидалар қўлланилади)*

Қолган масалалар бўйича сайловларни қайси шаклда ўтказамиз-очиқ овоз бериш йўли биланми ёки яширин овоз бериш йўли билан?

Қолган масалалар бўйича сайловлар **очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилсин** деган таклиф тушди.

Қаршилар борми? Бетарафлар?

**Бир овоздан қабул қилинди.**

Ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низомга мувофиқ, саноқ комиссияси мажлисини ўтказиб, комиссия раиси ва котибини сайлаб олиши

керак. Санок комиссияси учун алоҳида хона ажратилган. Санок комиссияси аъзоларидан мазкур хонага ўтиб, мажлисини ўтказиб олишни сўрайман.

**(санок комиссияси аъзолари мажлисини ўтказиш учун алоҳида хонага чиқади)**

**Раислик қилувчи: С.Салимова**

**Йиғилиш кун тартибига мувофиқ энди касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаб олишимиз керак.**

Аввало қўмитанинг сон таркиби бўйича келишиб олсак.

Кимда қандай таклифлар бор?

**Қўмита 5 кишидан иборат сайлансин** деган таклиф тушяпти?

Бошқа таклифлар йўқми?

Унда **касаба уюшмаси қўмитаси 5 кишидан иборат таркибда** сайлансин деганлар қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? Йўқ.

**Қабул қилинди.**

**Энди сўз санок комиссияси раиси Исомов Исомиддин Исомовичга берилади.**

*(Комиссия раиси санок комиссияси мажлисининг 1-баённомасини ўқиб эшиттиради ва у маълумот учун қабул қилинади. Баённоманинг намунавий шакли тавсияларга илова қилинган)*

**(санок комиссияси раиси комиссия мажлиси баённомасини ўқиб эшиттиргандан сўнг)**

**Раислик қилувчи: С.Салимова.**

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайловига ўтамиз.**

Аввал келишганимиздек касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайловини **яширин овоз бериш йўли билан ўтказамиз.**

**Касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш бўйича яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун номзодларни таклиф этишингизни сўрайман.**

Марҳамат?

**(номзодлар таклиф этилгандан сўнг)**

Касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш бўйича яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун **Турсунова Нилуфар Рашидовна ва Рустамов Олим Маҳкамович** номзоди таклиф этилди.

Бошқа таклифлар борми?

Бошқа таклифлар бўлмаса **Турсунова Нилуфар Рашидовна ва Рустамов Олим Маҳкамович** номзоди “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш бўйича яширин овоз бериш бюллетенига киритилади.

**Раислик қилувчи.**

**Хурматли йиғилиш қатнашчилари.**

Бюллетенларни тайёрлаш учун муайян вақт талаб этилади. Шунинг учун ҳозир танаффус эълон қилинади.

*(Изоҳ. Танаффус вақтида саноқ комиссияси бюллетенларни тайёрлайди ва йиғилиш иштирокчиларига Низомда кўрсатилган тартибда тарқатади. Овоз бериш учун урналар, кабиналар ёки алоҳида хона аввалдан тайёрлаб қўйилади)*

**Бюллетенлар тарқатилгандан сўнг.**

**Раислик қилувчи.**

**Хурматли йиғилиш иштирокчилари!**

Яшириш овоз бериш тартибини тушунтириш учун сўз саноқ комиссияси раиси **Исомов Исомиддин Исомович** га берилади.

*(Изоҳ. Саноқ комиссияси раиси йиғилиш иштирокчиларига яширин овоз бериш тартибини тушунтиради, шундан сўнг яширин овоз бериш ўтказилади.*

*Овоз бериш якунлангандан сўнг саноқ комиссияси Низомда кўрсатилган тартибга риоя этган ҳолда овозларни санашни амалга оширади)*

**Овоз бериш тугалланиб, овозлар саналгандан сўнг.**

**Раислик қилувчи.**

Хурматли йиғилиш иштирокчилари, яширин овоз бериш тугалланди.

**Овоз бериш натижаларини эълон қилиш учун сўз саноқ комиссияси раиси **Исмаилов Хасан Тўхтаевичга** берилади.**

*(Саноқ комиссияси раиси касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайлови бўйича яширин овоз бериш натижалари тўғрисида саноқ комиссияси мажлисининг 2-баёнини ўқиб эшиттиради. Комиссия мажлиси баёни намунаси тавсияларга илова қилинган).*

**Раислик қилувчи.**

Хурматли йиғилиш қатнашчилари, ҳаммангиз эшитдингиз яширин овоз бериш натижаларига кўра:

**Турсунова Нилуфар Рашидовнани** ёқлаб – 30 та овоз, қарши – 5 та овоз берилган, бетарафлар – 10 та.

**Рустамов Олим Махкамовични** ёқлаб - 5 та овоз, қарши – 30 та овоз берилган, бетарафлар – 10 та.

Шундай қилиб, яширин овоз бериш натижаларига кўра **Турсунова Нилуфар Рашидовна** кўпчилик овоз билан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг раиси этиб сайланди.

**Раислик қилувчи:** *(янги сайланган кўмита раиси йиғилиш охиригача раислик қилиши тавсия этилади)*

Энди “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси таркибини сайлаш масаласини кўриб чиқишга ўтамиз.

Аввалроқ кўмита 5 кишидан иборат таркибда сайланишини белгилаб олган эдик. **Ҳозиргина кўмитанинг бир нафар аъзосини, яъни жамият касаба уюшмаси кўмитаси раисини сайлаб олдик.**

**Яна 4 нафар** кўмита аъзоларини сайлаб олишимиз керак.

Марҳамат, кўмита таркибига номзодларни номма-ном таклиф этишингизни сўрайман.

**(Таклифлар берилгандан сўнг)**

**Раислик қилувчи:**

**Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари,** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси таркибига қуйидагиларни сайлаш тўғрисида таклифлар тушди:

1. Маркетинг бўлими етакчи мутахассиси **Одилов Олим Сафарович;**
2. Транспорт цеҳи ҳайдовчиси **Рустамов Олим Махкамович;**
3. Тайёрлов цеҳи оператори **Султонов Ғайрат;**
4. Хўжалик бўлими мутахассиси **Собиров Махмуд Азизович.**

**Бошқа таклифлар бўлмади.**

Энди, номзодларга номма-ном овоз беришга ўтамиз.

Мен номзодларнинг исми-шарифларини ўқийман, йиғилиш иштирокчилари кўл кўтариб, овоз берадилар, **саноқ комиссияси эса овозларни санаб туради:**

1. Одилов Олим Сафарович
2. Рустамов Олим Махкамович
3. Султонов Ғайрат
4. Собиров Махмуд Азизович

*(Изоҳ. Овоз бериш натижалари саноқ комиссияси аъзолари томонидан саналади ва раислик қилувчи томонидан эълон қилинади)*

## **Хурматли йиғилиш иштирокчилари!**

**Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолигига номзодлар юзасидан овоз беришда қуйидаги натижалар қайд этилди:**

1. Одилов Олим Сафарович, ёқлаб - 40 та овоз берилган, қаршилар-йўқ, бетарафлар-5 та.

2. Рустамов Олим Маҳкамович, ёқлаб-41 та овоз, қарши-2 та овоз берилган, бетарафлар-2та.

3. Султонов Ғайрат, ёқлаб- 30 та, қарши-2 та овоз берилган, бетарафлар-13та.

4. Собиров Махмуд Азизович, ёқлаб – 34 та овоз берилган, қаршилар – йўқ, бетарафлар – 11 та.

Шундай қилиб, очиқ овоз бериш натижаларига кўра **Одилов Олим Сафарович, Рустамов Олим Маҳкамович, Султонов Ғайрат, Собиров Махмуд Азизович** кўпчилилик овоз билан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси таркибига сайландилар.

**Қўмита таркибига сайланган ҳамкасбларимизни табриклаб, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.**

**Энди, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссиясини сайлаб олишимиз керак.**

*(Изоҳ. Тафтиш комиссияси банкда ҳисобварағига (алоҳида касаба уюшмаси бюджетига эга бўлган) бошланғич ташкилотларда сайланади).*

Аввало тафтиш комиссиясининг сон таркиби бўйича келишиб олсак.

Кимда қандай таклифлар бор?

Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат сайлансин деган таклиф тушяпти?

Бошқа таклифлар йўқми?

Унда тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат таркибда сайлансин деганлар қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Қаршилар? Бетарафлар? Йўқ.

**Қабул қилинди.**

Тафтиш комиссияси таркибига номзодларни номма-ном таклиф этишингизни сўрайман.

**(Таклифлар берилгандан сўнг)**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссияси таркибига:

1. Бошқарма ҳисобчиси Қодиров Қобил Хуррамович

2. Бутлаш цехи устаси Турдиев Бахром Анварович

3. Маркетинг бўлими ҳисобчиси Низомов Нодирлар сайлансин деган таклиф тушди.

Номзодларга номма-ном овоз беришга ўтамиз. Мен номзодларнинг исми-шарифларини ўқийман, йиғилиш иштирокчилари кўл кўтариб, овоз берадилар, санок комиссияси эса овозларни санаб туради.

1. Қодиров Қобил Хуррамович.

2. Турдиев Бахром Анварович.

3. Низомов Нодир.

*(Изоҳ. Овоз бериш натижалари санок комиссияси аъзолари томонидан саналади ва раислик қилувчи томонидан эълон қилинади)*

**Тафтиш комиссияси таркибига тавсия этилган номзодлар юзасидан овоз беришда қуйидаги натижалар қайд этилди:**

1. Қодиров Қобил Хуррамович, ёқлаб-40 та овоз, қаршилар-2 та овоз, бетарафлар-3 та;

2. Турдиев Бахром Анварович, ёқлаб-43 та овоз, қаршилар-2 та овоз;, бетарафлар йўқ.

3. Низомов Нодир, ёқлаб-41та овоз, қаршилар-2 та, бетарафлар-2 та.

Шундай қилиб, **Қодиров Қобил Хуррамович, Турдиев Бахром Анварович, Низомов Нодирлар** кўпчилик овоз билан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссияси таркибига сайландилар.

**Энди тафтиш комиссияси раисини сайлаб олишимиз керак.** Тафтиш комиссияси раиси комиссия аъзолари таркибидан сайланиши лозим.

Марҳамат тафтиш комиссияси раислигига номзодлар бўйича таклифлар борми?

Тафтиш комиссияси раиси этиб **Низомов Нодир** сайлансин деган таклиф тушди.

Бошқа таклифлар борми?

Бўлмаса, **Низомов Нодир** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайлансин деганлар кўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Очиқ овоз бериш натижаларига кўра **Низомов Нодир номзодини** ёқлаб-40 та овоз берилди, қаршилар-2 та, бетарафлар-3 та.

**Низомов Нодир кўпчилик овоз билан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.**

**Энди навбатдаги масала – Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайлаш масаласини кўришга ўтамиз.**

Белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ конференцияга 2 нафар делегат сайлашимиз керак.

Конференцияга делегатларнинг номзодлари бўйича қандай таклифлар бор?

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига **касаба уюшмаси қўмитаси раиси Турсунова Нилуфар Рашидовна, тайёрлов цехининг механиги Сатторов Собир Жабборовичлар** сайлансин деган таклиф тушди.

Бошқа таклифлар борми?

Унда қандай овоз берамиз, ҳар бир номзод бўйича алоҳидами ёки рўйхат бўйичами?

Рўйхат бўйича деган таклиф тушди. Қаршилар йўқми? **Қабул қилинди.**

**Турсунова Нилуфар Рашидовна, Сатторов Собир Жабборовичлар** Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат этиб сайлансин деган йиғилиш иштирокчилари қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Ёқлаб-45 та овоз, қаршилар-йўқ, бетарафлар-йўқ.

**Бир овоздан қабул қилинди.**

*(Агар юқори касаба уюшмаси органи таркибига вакиллик меъёри ҳам белгилаб берилган бўлса, қуйидаги масала ҳам кўриб чиқилади)*

**Кейинги – Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига вакил сайлаш тўғрисидаги масалани кўришга ўтамиз.**

Белгиланган меъёрга мувофиқ кенгаш таркибига **1 нафар вакил** сайлашимиз керак.

Йиғилиш иштирокчиларида номзод бўйича қандай таклифлар бор?

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига касаба уюшмаси қўмитаси раиси **Турсунова Нилуфар Рашидовна** сайлансин деган таклиф тушди.

Бошқа таклифлар борми? Йўқ.

**Турсунова Нилуфар Рашидовна** Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига сайлансин деганлар қўл кўтариб овоз беришларини сўрайман.

Ёқлаб - 45 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Раислик қилувчи.**

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари, сизларнинг номингиздан масъул лавозимларга, сайлаб қўйиладиган органлар таркибига сайланганларнинг барчасини чин дилдан табриклаб, ишларида муваффақиялар тилаймиз

Шу билан ҳисобот-сайлов йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар кўриб бўлинди.

**Иштирокчингиз учун барчангизга миннатдорчилик билдираман.**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишининг  
Б А Ё Н И**

**2025 йил 20 февраль**

**Фарғона шаҳри**

Бошланғич ташкилотда ҳисобда турадиган касаба уюшмаси аъзолари сони	- 49 нафар
Йиғилишда иштирок этган касаба уюшмаси аъзолари сони	- 45 нафар
Узрли сабабларга кўра иштирок этмаётганлар	- 4 нафар

**Йиғилишда:**

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси **Султонов Рустамжон**;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилоят Кенгаши бўлим мудир **Набиев Бахром Анварович**;

“Омад зафари” АЖ бошқаруви раиси **Восиков Ворис Акмалович**лар иштирок этишди.

**Йиғилишни касаба уюшмаси кўмитаси раиси О.Қобилов очди.**

Тармоқ касаба уюшмаси устави Устави ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низомга мувофиқ, ҳисобот-сайлов йиғилиши ўз ишини бошлашга ваколатли ва очиқ деб эълон қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишини олиб бориш учун қуйидаги 3 кишидан иборат ишчи раёсат сайлаб олинди:

- 1. Нодирова Шахноза** - Транспорт цехи муҳандиси, цех касаба уюшмаси ташкилоти раиси
- 2. Восиков Ворис Акмалович** – “Омад зафари” АЖ бошқаруви раиси
- 3. Қобилов Одил Собирович** - “Омад зафари” АЖ касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Ҳисобот-сайлов йиғилишининг ишчи органлари аъзолари сони ҳамда таркиби сайлаб олинди. Жумладан:

Йиғилиш котибияти таркибига қуйидагилар сайланди:

- 1. Умарова Шахло** - жамият маркетинг бўлими бош мутахассиси;
- 2. Султонов Дониёр Саидович** – жамият бошқармаси мутахассиси.

Йиғилиш санок комиссияси таркибига қуйидагилар номзоди таклиф этилиб, бир овоздна маъқулланди:

- 1. Исмаилов Хасан Тўхтаевич** – транспорт цехи етакчи мутахассиси

**2. Тўйчиев Қодир Шарифович** – бутлаш цехи ишчиси

**3. Узоқова Паризод Ботировна** – жамият фарроши

Ҳисобот-сайлов йиғилишининг кун тартиби ҳамда иш тартиби тасдиқланди.

**Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:**

- «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти яқунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар тўғрисида;

- «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи;

- «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш тўғрисида;

- «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси таркибини сайлаш тўғрисида;

- «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси таркибини сайлаш тўғрисида;

- «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисида;

- Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайлаш тўғрисида;

- Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига вакил сайлаш тўғрисида.

**Иш тартиби бўйича - биринчи масала бўйича маърузачига 30 дақиқагача, иккинчи масала бўйича маърузачига 15 дақиқагача, сўзга чиқувчиларга – 7 дақиқагача, сайловлар бўйича – касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайловига – 40 дақиқагача, қолган сайлов масалаларининг ҳар бирига – 5 дақиқадан вақт берилиши белгиланди.**

**Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга Ш.Нодирова раислик қилди.**

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти яқунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар тўғрисида” жамият касаба уюшмаси қўмитаси раиси О.Қобилов маъруза қилди.**

*(Изоҳ. Маъруза матни баёнда батафсил ёритилади ёки баёнга илова қилинади).*

**Бирйўла кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** ҳам маърузани эшитиш ва ҳар иккала масала бўйича музокаларага ўтиш тўғрисида таклиф киритилиб, йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди ва **кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** “Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси ташкилоти **тафтиш комиссияси раиси А.Мардонов** маъруза қилди *(Изоҳ. Маъруза матни баёнда батафсил ёритилади ёки баёнга илова қилинади).*

**Кун тартибидаги 1- ва 2- масалалар юзасидан музокараларда сўзга чиқдилар:**

жамиятнинг маркетинг бўлими бошлиғи Х.Бўстонов

бутлаш цехи етакчи мутахассиси Г.Қаршиева;

“Омад зафари” АЖ бошқаруви раиси В.Восиқов.

*(Изоҳ. Сўзга чиққанларнинг фикрлари ва таклифлари бевосита баёнда қисқача берилиши ёки баёнга илова қилиниши мумкин).*

Музокараларда сўзга чиққанлар томонидан жамият касаба уюшмаси кўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган ҳисобот давридаги фаолиятини **қониқарли** деб топиш ҳақида таклифлар киритилди.

Таклиф овозга қўйилди ва жамият касаба уюшмаси кўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган ҳисобот давридаги фаолияти **бир овоздан қониқарли** деб топилди.

Шунингдек, жамият бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботни тасдиқлаш таклифи киритилди ва йиғилиш иштирокчилари томонидан **бир овоздан маъқулланди.**

Биринчи ва иккинчи масалалар бўйича қарор лойиҳасини асос учун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилди ва **бир овоздан қабул қилинди.**

Йиғилишда сўзга чиққанларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда қарорни тўлалигича қабул қилиш таклий этилди.

Овоз бериш натижаларига кўра қарор **бир овоздан** тўлалигича қабул қилинди *(қарор илова қилинади).*

*(Изоҳ. Қарор матни бевосита баёнга киритилиши ёки унга илова қилиниши мумкин).*

**Кун тартибига киритилган сайловлар масалаларига ўтилди.**

**Раислик қилувчи Ш.Нодирова** “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом”да барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари, жумладан бошланғич ташкилотлар сайланма органларининг **ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган раис ва раис ўринбосарлари сайлови муқаррар равишда муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши** белгиланганлиги ҳақида йиғилиш иштирокчиларига ахборот берди.

Жамият касаба уюшмаси кўмитаси раиси асосий ишидан озод этилган ҳолда фаолият олиб бориши, айтиб ўтилган **Низом талабларидан келиб**

**чиқиб, қўмита раиси яширин овоз бериш йўли билан сайланиши таъкидланди.**

**Шундан сўнг, қолган масалалар бўйича сайловларни ўтказиш шакли юзасидан таклифлар сўралиб, очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилсин деган таклиф тушди ва бир овоздан қабул қилинди.**

Ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низомга мувофиқ санок комиссияси ўз мажлисини ўтказиб, комиссия раиси ва котибини сайлаб олиши лозимлиги таъкидланди ва санок комиссияси аъзоларидан алоҳида ажратилган хонага ўтиб, мажлисини ўтказиб олиш сўралди.

**Йиғилиш кун тартибига мувофиқ касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.**

Аввал, касаба уюшмаси қўмитасининг сон таркибини тасдиқлаб олиш таклиф этилди ва қўмитани 5 кишидан иборат таркибда сайлаш бир овоздан маъқулланди.

**Шундан сўнг сўз санок комиссияси раиси Исмаилов Хасан Тўхтаевич санок комиссияси мажлисининг 1-баённомасини ўқиб эшиттирди ва баённома маълумот учун қабул қилинди.**

**Кун тартибидаги «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш бўйича яширин овоз бериш бюллетенига йиғилиш иштирокчилари томонидан Турсунова Нилуфар Рашидовна ва Рустамов Олим Маҳкамovich номзодини киритиш таклиф этилди ва қабул қилинди.**

**Яширин овоз бериш бўйича бюллетенларни тайёрлаш учун танаффус эълон қилинди.**

Танаффусдан сўнг санок комиссияси томонидан йиғилиш иштирокчиларига яширин овоз бериш бюллетенлари тарқатилиб, комиссия раиси **Исмаилов Хасан Тўхтаевич яширин овоз бериш тартибини тушунтирди.**

**Шундан сўнг “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом”да белгиланган тартибда “Омад зафари” АЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайлови бўйича яширин овоз бериш ўтказилди.**

Яширин овоз бериш тугаллангандан ва санок комиссияси томонидан сайлов бюллетенларида номзодларга берилган овозлар ҳисоблангандан сўнг санок комиссияси раиси **Исмаилов Хасан Тўхтаевичнинг** ҳисоботи эшитилди.

**Ҳисоботга кўра:**

**Турсунова Нилуфар Рашидовнани** ёқлаб – 30 та овоз, қарши – 5 та овоз берилган, бетарафлар – 10 та.

**Рустамов Олим Махкамовични** ёқлаб - 5 та овоз, қарши – 30 та овоз берилган, бетарафлар – 10 та.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра **Турсунова Нилуфар Рашидовна** кўпчилик овоз билан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси аъзоси ва кўмита раиси этиб сайланди *(саноқ комиссияси мажлисининг 2-сонли баёни ва йиғилиш қарори илова қилинади).*

**Турсунова Нилуфар Рашидовна** билан тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколатини **Рустамов Олим Махкамовичга** берилсин, деган таклиф тушди ва бир овоздан маъқулланди.

**Раислик қилувчи Н.Турсунова** кун тартибидаги учинчи - «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси таркибини сайлаш тўғрисидаги масала бўйича тушунтириш бериб, кўмита 5 кишидан иборат таркибда сайланишини белгилаб олингани, **кўмитанинг бир нафар аъзоси, яъни жамият касаба уюшмаси кўмитаси раиси сайланганлигини инобатга олиб, яна 4 нафар** кўмита аъзолари сайланиши кераклигини айтиб ўтди ва кўмита таркибига номзодларни номма-ном таклиф этишни сўради.

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси таркибига қуйидагиларни сайлаш тўғрисида таклифлар тушди:

1. Маркетинг бўлими етакчи мутахассиси **Одилов Олим Сафарович;**
2. Транспорт цехи ҳайдовчиси **Рустамов Олим Махкамович;**
3. Тайёрлов цехи оператори **Султонов Ғайрат;**
4. Хўжалик бўлими мутахассиси **Собиров Махмуд Азизович.**

**Бошқа таклифлар бўлмади.**

**Номзодлар номма-ном овоз кўйилиб, қуйидаги натижалар қайд этилди:**

1. **Одилов Олим Сафарович,** ёқлаб - 40 та овоз берилди, қаршилар-йўқ, бетарафлар-5 та.

2. **Рустамов Олим Махкамович,** ёқлаб-41 та овоз, қарши-2 та овоз берилди, бетарафлар-2та.

3. **Султонов Ғайрат,** ёқлаб- 30 та, қарши-2 та овоз берилди, бетарафлар-13та.

4. **Собиров Махмуд Азизович,** ёқлаб – 34 та овоз берилди, қаршилар – йўқ, бетарафлар – 11 та.

Очиқ овоз бериш натижаларига кўра **Одилов Олим Сафарович, Рустамов Олим Махкамович, Султонов Ғайрат, Собиров Махмуд Азизович** кўпчилик овоз билан “Омад зафари” масъулияти чекланган

жамияти касаба уюшмаси кўмитаси таркибига сайланди (*қарор илова қилинади*).

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масала кўрилиб, тафтиш комиссиясини 3 кишидан иборат таркибда сайлаш ҳақида таклиф киритилди ва бир овоздан маъқулланди.**

Тафтиш комиссияси таркибига:

1. Бошқарма ҳисобчиси Қодиров Қобил Хуррамович
2. Бутлаш цехи устаси Турдиев Баҳром Анварович
3. Маркетинг бўлими ҳисобчиси Низомов Нодир сайлансин деган таклиф киритилди.

Ҳар бир номзод алоҳида-алоҳида овозга қўйилди ва натижалари бўйича овозлар куйидагича тақсимланди:

1. **Қодиров Қобил Хуррамовични** ёқлаб-40 та овоз, қаршилар-2 та овоз, бетарафлар-3 та;

2. **Турдиев Баҳром Анваровични** ёқлаб-43 та овоз, қаршилар-2 та овоз;, бетарафлар йўқ.

3. Низомов Нодирни ёқлаб-41та овоз, қаршилар-2 та, бетарафлар-2 та.

Очиқ овоз бериш натижаларига кўра, **Қодиров Қобил Хуррамович, Турдиев Баҳром Анварович, Низомов Нодирлар** кўпчилик овоз билан “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссияси таркибига сайландилар (*қарор илова қилинади*).

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг раисини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан йиғилиш иштирокчиси Ш.Намозов томонидан тафтиш комиссияси раислигига Низомов Нодирни сайлаш таклифи киритилди.**

Таклиф овозга қўйилди ва **Низомов Нодир** номзодини ёқлаб-40 та йиғилиш иштирокчиси овоз берди, қаршилар-2 та, бетарафлар- 3 та.

Очиқ овоз бериш натижаларига кўра **Низомов Нодир кўпчилик овоз билан** тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди (*қарор илова қилинади*).

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат сайлаш тўғрисидаги масала бўйича делегат этиб **касаба уюшмаси кўмитаси раиси Турсунова Нилуфар Рашидовна, тайёрлов цехининг механиги Сатторов Собир Жабборовичлар** сайлансин, деган таклиф киритилди.

Таклиф овозга қўйилди ва очиқ овоз бериш натижаларига кўра **касаба уюшмаси қўмитаси раиси Турсунова Нилуфар Рашидовна, тайёрлов цехининг механиги Сатторов Собир Жабборович бир овоздан Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат этиб сайланди (қарор илова қилинади).**

**Шундан сўнг** белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига вакил этиб сайлаш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига **касаба уюшмаси қўмитаси раиси Турсунова Нилуфар Рашидовнани** вакил этиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилди.

Таклиф овозга қўйилди ва номзодни ёқлаб 45 нафар йиғилиш иштирокчилари овоз берди. Шундай қилиб жамият **касаба уюшмаси қўмитаси раиси Турсунова Нилуфар Рашидовна** Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига вакил этиб сайланди (*қарор илова қилинади*).

**Кун тартибидаги масалаларнинг барчаси қўриб чиқилди ва йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.**

Йиғилиш раиси

Н.Турсунова

Баёнлаштирувчи

Ш.Умарова

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2025 йил 20 февраль**

**№ 1**

**Фарғона шаҳри**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган  
даврдаги фаолияти яқунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий  
ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар  
тўғрисида**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти яқунлари тўғрисида ҳисобот маърузасини тинглаб ва муҳокама қилиб, йиғилиш ҳисобот даврида жамият ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўлиқ бандлиги таъминланишига ҳамда улар учун соғлом ва беҳатар меҳнат шароитлари яратиб берилишига эришиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш соҳасида касаба уюшмаси қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлайди.

Жумладан, касаба уюшмаси қўмитаси ва иш берувчи ўртасида имзоланган жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши устидан доимий равишда жамоатчилик назорати олиб борилди.

Иш берувчи билан олиб борилган музокаралар натижасида жамоа шартномасига ходимлар учун бир қатор, жумладан жамиятдаги узлуксиз меҳнат стажидан келиб чиқиб қўшимча таътил кунларини бериш, овқатланиш харажатларини иш берувчи томонидан қисман қоплаш, фарзандлари олий таълим муассасаларида контракт асосида таълим олаётган ходимларга контракт тўловларини қисман қоплаб бериш каби қўшимча имтиёзлар киритилишига эришилди.

Натижада, жамоа шартномаси шартларини бажарилиши учун ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 2024 йил якуни бўйича 5 млн. сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 40 фоизга ортди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасига оид кўзда тутилган тадбирлар бажарилиши таъминлаб борилди. Жумладан, жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасига оид жами 117та тадбирлар кўзда тутилиб, уларни бажариш учун иш берувчи маблағлари ҳисобидан қарийб 100 млн. сўм сарфланди.

Шунингдек, жамоа шартномаси орқали жамиятдаги кам таъминланган

оилалар вакилларининг 15 нафарига 45 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

*(Шу тариқа касаба уюшмалари фаолиятининг йўналишлари (ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маданий-маърифий ишлар, спорт-соғломлаштириш ишлари ва ҳ.к. бўйича амалга оширилган ишлар кўрсатилади. Бунда ҳисобот маърузасида келтирилган рақамлардан фойдаланиш мумкин).*

**Шу билан бирга,** касаба уюшмаси кўмитаси иш берувчи билан етарли ҳамкорлик қилмагани, қатъий талаблар қўя олмаганлиги учун ҳисобот даврида амалда бўлган жамоа шартномасининг айрим бандлари бажарилмаган ёки қисман бажарилган. Бунинг натижасида 4 нафар ходим жамоа шартномасига мувофиқ берилиши керак бўлган имтиёздан фойдалана олмаган. Касаба уюшмаси кўмитасининг тегишли комиссияси бу борада етарли иш олиб бормаган, жамоа шартномаси шартлари бажарилмаслигининг сабабларини таҳлил қилиш, иш берувчи билан ҳамкорликда бу сабабларни бартараф этиш ишлари талаб даражасида олиб борилмаган.

*(Шу тариқа йўналишлар бўйича мавжуд асосий камчиликлар кўрсатилади)*

«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг **ҳисобот-сайлов йиғилиши қарор қилади:**

**1.** «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

**3.** «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

**4.** Қуйидагилар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятининг келгуси даврдаги устувор йўналишлари этиб белгилансин:

жамият иш берувчиси билан тузиладиган жамоа шартномасида ходимлар учун қўшимча имтиёзлар кўламини кенгайтириш орқали ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш;

жамиятда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган комплекс-чора тадбирлар ишлб

чиқилиши ҳамда амалга оширилишига, бунинг учун зарур миқдорда маблағлар ажратилишига эришиб бориш;

маданий-маърифий йўналишдаги ишлар сифати ва савиясини ошириш чораларини кўриш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар кўламини ошириш;

ходимлар ўртасида спорт тадбирлари, ходимлар гимнастикасини жорий этиш ва бу орқали ходимларнинг саломатликларини муҳофаза қилишга кўмаклашиш;

*(жамият, ташилотнинг хусусиятларидан ва фаолият йўналишидан келиб чиқиб, бошқа устувор йўналишларни ҳам киритиш тавсия этилади)*

## **5. Жамият касаба уюшмаси кўмитасига:**

**уч кун муддатда** белгиланган устувор йўналишларни, шунингдек йиғилишда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан аниқ муддатли ва манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва бажарилишини доимий назорат қилиб бориш;

жамоа шартномаси бажарилишини текшириш ва янги жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссияси таркибидаги касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари ходимларнинг манфатини кўзлаган ҳолда иш кўришларини таъминлаш;

амалда бўлган жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ҳар ойда мониторинг қилиб борилишини йўлга қўйиш, белгиланган муддатларда бажарилмаётган бандлар бўйича иш берувчига таклифларни киритиб бориш ва бажарилишига эришиш;

янги тузилаётган жамоа шартномаси лойиҳаси барча цехларда муҳокама қилиниши, лойиҳа юзасидан ходимлардан тушган ҳар бир таклиф кўриб чиқилишини таъминлаш;

жамиятга янги ишга қабул қилинаётган ходимлар жамоа шартномаси ва унда кўзда тутилган имтиёзлар билан албатта таништирилишини таъминлаб бориш;

маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш йўналишида ўтказиладиган тадбирларда жамият барча ходимларининг иштирокини таъминлаб бориш топширилсин.

*(Изоҳ. Мазкур қарорни бошлангич ташилот олдидан турган вазифалардан келиб чиқиб янада тўлдириш тавсия этилади).*

**Раислик қилувчи**

**Ш.Нодирова**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2025 йил 20 февраль**

**№ 2**

**Фарғона шаҳри**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитаси раисини сайлаш тўғрисида**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши **қарор қилади:**

**1.** “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб жамият бошқармаси мутахассиси **Турсунова Нилуфар Рашидовна** сайлансин.

**2.** **Турсунова Нилуфар Рашидовна** билан тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколати касаба уюшма қўмитаси аъзоси **Рустамов Олим Маҳкамovichга** берилсин.

**Раислик қилувчи**

**Ш.Нодирова**

*Изоҳ. Қарорнинг 2-банди агар касаба уюшмаси қўмитаси раиси ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган ҳолда фаолият юритадиган бўлса ёзилади.*

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2025 йил 20 февраль**

**№ 3**

**Фарғона шаҳри**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитаси таркибини сайлаш тўғрисида**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши **қарор қилади:**

1. «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси таркиби 5 нафар аъзодан иборат этиб белгилансин.

2. **Турсунова Нилуфар Рашидовна** «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари этиб сайлансин:

3. Қуйидагилар «Омад диёри» қўшма корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари этиб сайлансин:

1. **Одилов Олим Сафарович** - маркетинг бўлими етакчи мутахассиси;  
(*Иномова Назира Рахматовна – маркетинг бўлими мутахассиси - дублёр*)

2. **Рустамов Олим Маҳкамович** - транспорт цехи хайдовчиси;  
(*Саидов Самандар – корхона бошқармаси мутахассиси - дублёр*)

3. **Султонов Ғайрат** - тайёрлов цехи оператори;  
(*Қодиров Алишер Маҳкамович – бутлаш цехи оператори- дублёр*)

4. **Собиров Маҳмуд Азизович** - хўжалик бўлими мутахассиси.  
(*Самандарова Нодира Умаровна – Меҳнат ва иш ҳақи бўлими мутахассиси -дублёр*)

**Раислик қилувчи**

**Н.Турсунова**

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2025 йил 20 февраль**

**№ 4**

**Фарғона шаҳри**

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссияси таркибини сайлаш  
тўғрисида**

«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши **қарор қилади:**

**1.** «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси таркиби 3 нафар аъзодан иборат этиб белгилансин.

**2.** Қуйидагилар «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг тафтиш комиссияси аъзолари этиб сайлансин\*:

**Қодиров Қобил Хуррамович**- бошқарма ҳисобчиси

**Турдиев Бахром Анварович** - бутлаш цеҳи устаси

**Низомов Нодир** - маркетинг бўлими ҳисобчиси.

**Раислик қилувчи**

**Н.Турсунова**

*\*тафтиш комиссияси банкда ҳисобварағига (алоҳида касаба уюшмаси бюджетига) эга бўлган бошланғич ташкилотда сайланади*

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2025 йил 20 февраль**

**№ 5**

**Фарғона шаҳри**

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисида**

«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши **қарор қилади:**

1. «Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси этиб маркетинг бўлими  
ҳисобчиси **Низомов Нодир** сайлансин.

**Раислик қилувчи**

**Н.Турсунова**

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотиг ҳисобот-сайлов йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2025 йил 20 февраль**

**№ 6**

**Фарғона шаҳри**

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси  
ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-  
сайлов конференциясига делегатлар сайлаш тўғрисида**

«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши **қарор қилади:**

**1.** Белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат этиб сайлансин:

**Турсунова Нилуфар Рашидовна** - касаба уюшмаси кўмитаси раиси  
**Сатторов Собир Жабборович** - тайёрлов цехининг механиги

**Раислик қилувчи**

**Н.Турсунова**

**«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2025 йил 20 февраль**

**№ 7**

**Фарғона шаҳри**

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси  
ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига вакил  
сайлаш тўғрисида**

«Омад зафари» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши **қарор қилади:**

**1.** Белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ «Омад зафари» масъулияти  
чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси **Турсунова Нилуфар  
Рашидовна** Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш  
индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши таркибига  
вакил этиб сайлансин\*.

**Раислик қилувчи**

**Н.Турсунова**

*Изоҳ. Ушбу қарор юқори ташкилот томонидан сайлаб қўйиладиган органи  
таркибига вакиллик меъёри белгиланган ҳолларда қабул қилинади*

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши саноқ комиссияси  
мажлиси**

**БАЁНИ №1**

**2025 йил 20 февраль**

Иштирок этдилар: саноқ комиссияси аъзолари

Исмаилов Х.Т., Туйчиев Қ.Ш.,

Узақова П.Б.

**Эшитилди:** Саноқ комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш тўғрисида.

**Қарор қилинди:**

1. Исмаилов Х.Т. саноқ комиссиясининг раиси этиб сайлансин.
2. Узақова П.Б. саноқ комиссиясининг котиби этиб сайлансин.

**Саноқ комиссияси раиси**

**Исмаилов Х.Т.**

**Саноқ комиссиясининг котиби**

**Узақова П.Б.**

**Аъзолари:**

**Туйчиев Қ.Ш.**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси  
қўмитаси раисини сайлаш натижалари бўйича санок комиссияси  
мажлисининг**

**БАЁНИ №2**

**2025 йил 20**

**февраль**

Иштирок этдилар: санок комиссияси аъзолари

Исмаилов Х.Т., Туйчиев Қ.Ш.,

Узақова П.Б.

Тарқатилган бюллетенлар - **45 та**

Овоз беришда иштирок этди - **45 та**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раисини сайлаш бўйича яширин овоз бериш бюллетенига қуйидагилар киритилган:

**1. Турсунова Нилуфар Рашидовна - жамият бошқармаси мутахассиси**

**1. Рустамов Олим Махкамович – транспорт цехи ҳайдовчиси**

Сайлов қутиси очилганда **45 та бюллетень** олинди

Бузилган бюллетенлар - йўқ

Ҳақиқий эмас бюллетенлар - йўқ

**Ҳисоблаш натижасида овозлар қуйидагича тақсимланди:**

**Турсунова Нилуфар Рашидовнани ёқлаб – 30 та овоз, қарши – 5 та овоз берилган, бетарафлар – 10 та.**

**Рустамов Олим Махкамовични** ёқлаб - 5 та овоз, қарши – 30 та овоз берилган, бетарафлар – 10 та.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти қасаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб **Турсунова Нилуфар Рашидовна** сайланди.

**Саноқ комиссияси раиси**

**Исмаилов Х.Т.**

**Саноқ комиссиясининг котиби**

**Узақова П.Б.**

**Аъзолари:**

**Туйчиев Қ.Ш.**

*Изоҳ. Агар сайловга доир бошқа масалалар бўйича ҳам яширин овоз бериш ўтказилса, саноқ комиссияси мажлисининг баёнлари шу кўринишда расмийлаштирилади.*



# БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШINI ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ЎТКАЗИШ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ


## 1. ТАШКИЛИЙ ИШЛАР




## 2. ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ




## 3. ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ




## 4. ЙИҒИЛИШДАН КЕЙИНГИ ИШЛАР



## 5. ЭСЛАТМА (ЧЕК-ЛИСТ)



## 6. ЭНГ КЎП УЧРАЙДИГАН ХАТОЛАР



**БИРЛАШАЙЛИК – ҲУҚУҚЛАРИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ!**



## **Жамоавий музокараларни ташкил қилиш, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш, жамоа шартномаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби тартиби**

Жамоа шартномаси бошланғич даражадаги ижтимоий шерикликнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади ва унга Меҳнат кодексининг алоҳида боби бағишланган.

*Жамоа шартномаси ташкилотда ёки якка тартибдаги тадбиркорда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир.*

Жамоа шартномаси умуман ташкилотда, унинг алоҳида бўлинмаларида тузилиши мумкин. Жамоа шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Жамоа шартномасини тузиш зарурлиги тўғрисидаги қарор ва уни тузиш масаласи бўйича жамоавий музокаралар бошлаш тўғрисидаги таклиф исталган тарафдан берилиши мумкин.

Жамоавий музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия тузилади.

### ***Жамоавий музокаралар.***

Ижтимоий шерикликнинг ҳар қандай тарафи жамоавий музокаралар ташаббускори бўлиши мумкин.

Аввалги жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугагунига қадар уч ой ичида ёки ушбу ҳужжатда белгиланган муддатларда ижтимоий шерикликнинг ҳар қандай тарафи бошқа тарафга янги жамоа келишувини, жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида ёзма хабар юборишга ҳақлидир.

Иш берувчиларнинг манфаатларини ифода этувчи шахслар, шунингдек иш берувчилар ташкил этган ёки молиялаштирадиган органлар томонидан ходимлар номидан жамоавий музокаралар олиб борилишига ҳамда жамоа шартномаси тузилишига йўл қўйилмайди.

Ижтимоий шериклик тарафлари тегишли сўров олинган кундан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай жамоавий музокаралар олиб бориш учун зарур бўлган ўзидаги мавжуд ахборотни бир-бирига тақдим этиши керак.

Жамоавий музокаралар иштирокчилари, жамоавий музокаралар олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар олинган маълумотларни, агар

ушбу маълумотлар давлат сирларига ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга тааллуқли бўлса, ошкор қилмаслиги лозим.

Жамоавий музокаралар бошланиши тўғрисида билдиришнома олган ижтимоий шериклик тарафи етти кунлик муддатда ташаббускорга жамоавий музокаралар ўтказилиши ҳақида жавоб юборган ҳолда жамоавий музокараларга киришиши шарт. Агар тарафларнинг келишувига кўра жамоавий музокаралар бошланишининг бошқа санаси белгиланмаган бўлса, жамоавий музокаралар ўтказиш ташаббускори томонидан мазкур жавоб олинган кундан кейинги кун жамоавий музокаралар бошланадиган кун бўлади.

Жамоавий музокаралар ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан олиб борилади. Ушбу комиссия, зарурат бўлганда, ишчи гуруҳлар тузишга ҳақли.

Ишчи гуруҳлар тарафлар тенглиги асосида ижтимоий шериклик тарафларининг вакилларида шакллантирилади. Тарафларнинг ҳар бири ишчи гуруҳдаги ўз вакиллариининг шахсий таркибини мустақил равишда белгилайди. Тарафларнинг келишувига кўра ишчи гуруҳ таркибига маслаҳат овози бериш ҳуқуқига эга бўлган мустақил олимлар, экспертлар, мутахассислар шартнома асосида киритилиши мумкин.

Агар жамоавий музокаралар жараёнида жамоавий музокаралар тарафлари музокаралар предмети бўлган айрим масалалар юзасидан келишувга эриша олмаган бўлса, улар ихтилофларга сабаб бўлмаган масалаларга доир келишувни расмийлаштиради ва бир вақтнинг ўзида келишувга эришиб бўлмаган масалалар бўйича ихтилофлар баённомасини тузади.

Агар жамоавий музокаралар жараёнида музокаралар предмети бўлган барча масалалар юзасидан келишилган қарор қабул қилинмаган бўлса ҳам музокаралар тарафлари ихтилофлар баённомасини тузади.

Ихтилофлар баённомасида тарафларнинг ихтилофларни бартараф этиш учун зарур бўлган чоралар ва жамоавий музокараларни қайта тиклаш муддатлари тўғрисидаги келишиб олинган таклифлари кўрсатилади.

Тарафлар жамоавий музокараларни қайта тиклаш чоғида ҳал қила олмаган ихтилофларни ҳал этишга (тартибга солишга) доир низолар жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Жамоавий музокараларда, жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлашда иштирок этадиган шахслар асосий ишидан тарафларнинг келишуви билан белгиланадиган муддатга, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда озод этилади.

Жамоавий музокараларда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда компенсация қилинади. Агар жамоа шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлмаса, олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг хизматларига ҳақ тўлаш таклиф қилувчи тараф томонидан амалга оширилади.

Жамоавий музокараларда иштирок этадиган ходимларнинг вакиллари билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан ушбу музокаралар олиб борилаётган даврда бекор қилишга, шунингдек уларга нисбатан интизомий жазо қўллашга ёки уларни бошқа ишга ўтказишга уларнинг вакиллик қилишига ваколат берган органнинг олдиндан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

### ***Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши.***

Жамоа шартномасининг мазмунини ва тузилишини унинг тарафлари белгилайди.

Жамоа шартномасига иш берувчининг ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;

нархларнинг ўзгаришидан, инфляция даражасидан, жамоа шартномасида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

ходимларнинг бандлиги, уларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни ишдан бўшатиш шартлари;

иш вақти ва дам олиш вақтининг, таътилларнинг давомийлиги;

ходимларнинг, шу жумладан аёлларнинг, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ташкilotни, идорага қарашли уй-жойни хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;

ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимлар учун имтиёзлар;

ихтиёрий тиббий ва ижтимоий суғурта;

иш берувчи томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари;

жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат қилиш, тарафларнинг жавобгарлиги, касаба уюшмаси қўмитаси фаолият кўрсатиши учун нормал шароитлар билан таъминлаш.

Ташкилотнинг иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, жамоа шартномасида бошқа шартлар, шу жумладан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ҳамда қоидаларга нисбатан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътилар, пенсияларга устамалар, муддатидан олдин пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатларини компенсация қилиш, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг фарзандларини умумий ўрта таълим ташкилотларида ва мактабгача таълим ташкилотларида бепул ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, уяли алоқа, Интернет жаҳон ахборот тармоғи учун ҳақ тўлаш, олий таълим ташкилотларида ўқитиш учун ссудалар тўлаш ва ҳақ тўлаш, бошқа қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар) ҳам бўлиши мумкин.

Агар қонунчиликда қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шартлиги тўғрисидаги тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд бўлса, ушбу қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

Жамоа шартномасида қуйидаги шартлар бўлмаслиги керак:

ходимларнинг ҳолатини мазкур ходимларга татбиқ этиладиган қонунчиликка ёки жамоа келишувларига нисбатан ёмонлаштирадиган;

меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш ҳақидаги талабларни бузадиган;

мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузадиган;

ички даражада ҳал этилиши мумкин бўлган масалалардан ташқарига чиқадиган.

Агар жамоа шартномасида юқорида назарда тутилган шартлар бўлса, бундай шартлар ҳақиқий эмасдир. Жамоа шартномаси айрим шартларининг ҳақиқий эмаслиги жамоа шартномасининг умуман ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди.

***Жамоа шартномасининг лойиҳасини муҳокама қилиш.***

Жамоа шартномасининг лойиҳаси ташкилотнинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши лозим ҳамда келиб тушган таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан маромига етказилади.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси жамоатчилик экспертизасини ўтказиш учун тегишли қасаба уюшмаларига, уларнинг бирлашмаларига, бўлинмаларга ва қасаба уюшмалари қўмиталарига тақдим этилиши мумкин.

Жамоа шартномасининг маромига етказилган лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига (конференциясига) кўриб чиқиш учун киритилади.

Жамоа шартномаси, агар меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) ҳозир бўлганларнинг эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади. Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия уни умумий йиғилишнинг (конференциянинг) таклифлари ва мулоҳазаларига мувофиқ маромига етказди ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилишда (конференцияда) кўриб чиқиш учун такроран тақдим этади.

Тарафлар жамоа шартномаси лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида ҳал қила олмаган ихтилофларни ҳал этиш бўйича низолар жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Жамоа шартномаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари уч кун ичида жамоа шартномасини имзолайди.

***Жамоа шартномасининг кучга кириши, амал қилиш муддати ва доираси.***

Жамоа шартномаси имзоланган кундан эътиборан ёки жамоа шартномасида белгиланган кундан эътиборан кучга киради ва шартномада назарда тутилган муддат ичида, бирок кўпи билан уч йил амал қилади. Мазкур муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунига ёки амалдаги жамоа шартномасини ўзгартиргунига, тўлдиргунига қадар амал қилади. Тарафлар жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугагунига қадар уни узайтириши мумкин.

Жамоа шартномасининг амал қилиши иш берувчига ва ташкилотнинг барча ходимларига, яқка тартибдаги тадбиркорга нисбатан, ташкилотнинг алоҳида бўлинмасида тузилган жамоа шартномасининг амал қилиши эса тегишли бўлинманинг барча ходимларига нисбатан татбиқ этилади.

Жамоа шартномасининг амал қилиши жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган ходимларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ташкилот қайта ташкил этилаётганда шу қайта ташкил қилиш даврида жамоа шартномаси ўзининг амал қилишини сақлаб қолади.

Ташкилотни қайта ташкил этиш яқунланган пайтдан эътиборан бир ой ичида жамоавий музокараларнинг исталган тарафи амалдаги жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш ёки ўз кучида сақлаб қолиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақли.

Ташкилотнинг мулкдори ўзгарганда жамоа шартномасининг амал қилиши олти ой мобайнида сақлаб қолинади. Бу даврда тарафларнинг янги

жамоа шартномасини тузиш ёхуд амалдагисини сақлаб қолиш, унга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳақида музокаралар бошлашга ҳақли.

Жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш чоғида аввалги жамоа шартномасида ходимлар учун назарда тутилган имтиёزلарни сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақидаги ва бошқа шартларни бажариш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) тугатилаётганда жамоа шартномасининг амал қилиши тугатишнинг бутун муддати ичида сақлаб қолинади.

Жамоа шартномаси ташкилотнинг тузилмаси, номи, бошқарув органи таркиби ўзгарган ёки ташкилот раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам ўзининг амал қилишини сақлаб қолади.

Жамоа шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу Кодексда уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат шартнома тарафларининг вакиллари, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия, меҳнат жамоаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тегишли органлари ҳамда бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Шартнома тарафларининг вакиллари ҳар йили ёки жамоа шартномасида назарда тутилган муддатларда меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) жамоа шартномасининг бажарилиши ҳақида ҳисобот беради.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш**

**ТАРТИБИ**

**Умумий қоидалар**

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишларига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, жамоа-шартномавий муносабатларнинг холис мониторингини йўлга қўйиш, жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, жамоа келишувларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жорий этилади.

2. Жамоатчилик экспертизасини тезкор ва сифатли ўтказиш учун касаба уюшмаси раҳбар органи (Кенгаш, Кўмита, Раёсат, Ижроия кўмита) қарори билан тегишли комиссия тайинланади. Комиссиянинг сон таркиби раҳбар орган томонидан белгиланади, лекин 3 нафар аъзодан кам бўлиши мумкин эмас.

**Жамоатчилик экспертизаси субъектлари**

3. Жамоа шартномалари лойиҳалари жамоатчилик экспертизасини қуйидагилар (бундан буён “**Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси**” деб номланади) қошидаги эксперт комиссиялар амалга оширади:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси;

тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари (тегишли тармоқ масъул ташкилотчилари иштирокида);

тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси кўмиталари;

мазкур Тартибда кўзда тутилган ҳолларда – касаба уюшмаси кўмиталари.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги эксперт комиссияси “Олмалиқ КМК” АЖ, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар жамоа шартномаларининг, айрим тармоқлардаги ягона жамоа шартномаларининг, ўз аппарати, шунингдек тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари аппаратларининг жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши.

5. Тармоқ (тариф) келишувларини тузган ижтимоий шерикларнинг республика идоралари, олий ва малака ошириш ўқув юртлари, тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари (бирлашган қўмиталари) аппаратлари ҳамда бевосита Республика кенгашига чиқадиган юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини барча тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт комиссиялари жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

Шунингдек, тармоққа мансуб йирик юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт комиссиялари 1-иловадаги жадвалга мувофиқ жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

6. Қоида тариқасида бошланғич ташкилотга бевосита хизмат кўрсатадиган юқори касаба уюшмаси органи қошидаги эксперт комиссиялар ушбу бошланғич ташкилотнинг жамоа шартномаси лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказди. (Мазкур Тартибнинг 5-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

Жумладан:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари бевосита тегишли тармоқ масъул ташкилотчиларига чиқадиган юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини;

тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари бевосита ўзларига чиқадиган юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

7. Тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари қошидаги эксперт комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмаган айрим ҳолларда юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг эксперт комиссиялари томонидан жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши мумкин. (Мазкур Тартибнинг 1-илласида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно)

#### **Жамоатчилик экспертизасига ҳужжатларни тақдим этиш ва уни ўтказиш**

8. Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун жамоа шартномасининг ёзма ёки электрон шаклдаги лойиҳаси тегишли эксперт комиссиясига юридик шахснинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси ёки касаба уюшмаси ташкилотчиси (кейинги ўринларда “Бошланғич ташкилот раҳбари” деб юритилади) томонидан тақдим этилади. Зарур ҳолларда лойиҳанинг Word ёки PDF варианти электрон почта ёки мессенджерлар орқали тегишли **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчисига** юборилиши мумкин.

9. Жамоатчилик экспертизасига келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳалари “Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳаларини қайд этиш китоби”да (2-илова) қуйидагилар томонидан дастлабки тарзда қайд этилади:

экспертизани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг эксперт комиссиялари ўтказган ҳолларда – тегишли **масъул ташкилотчилар** томонидан;

қолган барча ҳолларда - **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** томонидан.

10. Ҳар бир жамоа шартномаси лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун 15 календарь кундан кўп бўлмаган муддат ажратилади.

11. Жамоатчилик экспертизаси жараёнида экспертлар томонидан жамоа шартномасининг лойиҳаси амалдаги меҳнат қонунчилиги меъёрларига ва Бош ҳамда тегишли тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) ва ҳудудий-тармоқ келишувларига мувофиқлиги кўриб чиқилади ва тегишли тавсиялар берилади.

12. **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** сифатида туман, шаҳар касаба уюшма кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси кўмиталари, бошланғич ташкилотлар касаба уюшма кўмиталари иштирок этган тақдирда улар томонидан экспертизани ўтказишга ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа малакали мутахассислар шартнома асосида жалб қилинишлари мумкин.

13. Ҳаракатдаги жамоа шартномаларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳалари бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти (касаба уюшмаси кўмитаси)нинг талабига кўра экспертиза қилиниши мумкин.

14. Экспертиза натижалари 3-иловада келтирилган шаклда ёзма равишда расмийлаштирилади ва эксперт комиссияси раиси ва экспертларнинг имзоси ҳамда муҳр қўйилган нусхаси юридик шахснинг касаба уюшмаси вакилига, унинг имзосини олиб, берилади ёки сканердан ўтказилган электрон шакли бошланғич ташкилотнинг электрон ёки мессенджер манзилига юборилади.

15. Жамоа шартномаси экспертиза қилиниши лозим бўлган корхона, ташкилот, муассаса бошланғич ташкилоти раҳбари иш берувчи билан биргаликда:

жамоа шартномаси қабул қилинишидан камида 30 кун олдин **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчисига** экспертизадан ўтказиш учун жамоа шартномасининг лойиҳасини барча иловалар билан тақдим этади (ёзма ёки электрон шаклда);

экспертиза ўтказилганидан сўнг **жамоа шартномасининг лойиҳаси бўйича** эксперт хулосани ижро учун қабул қилади ва унда келтирилган эътироз ва таклифлар асосида жамоа шартномаси лойиҳасига иш берувчи билан биргаликда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига эришади;

эксперт хулосадаги эътироз ва таклифларни асоссиз деб топган ҳолда, бу

тўғрида юқори поғонадаги касаба уюшма органига мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

### **Қабул қилинган жамоа шартномасини рўйхатдан ўтказиш**

**16.** Қабул қилинган жамоа шартномалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Kasaba KIAT” ахборот тизимининг маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бунинг учун **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси вакили ёки** тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ташкилотчиси Федерациянинг Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлиmidан ахборот тизимига кириш учун логин ва парол олиши лозим.

**17. Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари иштирок этган ҳолларда тегишли масъул ташкилотчилар ўзи бевосита хизмат кўрсатувчи бошланғич ташкилотлар жамоа шартномаларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказадилар.

**Қолган барча ҳолларда** қабул қилинган жамоа шартномаларини **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** рўйхатдан ўтказди.

**18.** Корхона, ташкилот, муассаса касаба уюшмаси кўмитаси (касаба уюшма ташкилотчиси) жамоа шартномасига имзо чекилган кундан бошлаб 6 иш куни ичида **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчисига** ёки тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ташкилотчисига имзо ва муҳрлар қўйилган жамоа шартномасини ҳамда жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш тўғрисида меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) баёнини сканердан ўтказиб PDF шаклида тақдим этади.

**19. Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** ёки масъул ташкилотчи тақдим этилган жамоа шартномасини 12 иш куни давомида “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасида жамоа шартномасига оид қуйидаги сатрларни тўлдиради:

“Шартнома рақами” (“Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳаларини қайд этиш китоби”даги тартиб рақами);

“Шартнома санаси” (Жамоа шартномасига тарафлар имзо чеккан сана);

“БКУТ (ППО)” (Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасидан танлаб олинади);

“Баён №” (Меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференция) баёни рақами);

“Иш берувчининг ФИШ”;

“Касаба уюшмаси кўмитаси раиси ФИШ” (касаба уюшмаси кўмитаси раиси ёки касаба уюшмаси ташкилотчисининг ФИШ);

Шартнома иловалари (жамоа шартномаси электрон шаклда иловалари билан юкланади).

**Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** ёки масъул ташкилотчи “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базаси рўйхатида мазкур жамоа шартномаси қайд этилган саҳифа скриншотининг распечаткасига имзо, штамп қўйиб бошланғич ташкилот касаба уюшмаси органига қайтариб беради. Ҳаракатдаги жамоа шартномаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилмайди.

**20. Рўйхатга олинган жамоа шартномасининг PDF нусхаси** “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасида янгиси қабул қилингунча сақланади.

### **Яқуний қоидалар**

**21.** Агар экспертизадан ўтказилган жамоа шартномасида экспертиза натижалари инобатга олинмагани маълум бўлса, ёхуд ходимлар аҳволини қонун ҳужжатларида, шунингдек Бош, тармоқ (тариф) ва ҳудудий (минтақавий) келишувларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган янги шартлар аниқланса, жамоа шартномаси рўйхатга олинмайди. Бу ҳолда **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** раҳбари жамоа шартномасига имзо чеккан шахсларга нуқсонларни бартараф этиш муддатини белгилайди.

**22.** Агар белгиланган муддатда нуқсонлар бартараф этилмаса **Жамоатчилик экспертизаси ташкилотчисининг** ҳайъат органи тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда Меҳнат кодексига биноан жамоа шартномасининг ходимлар аҳволини қонун ҳужжатларида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартларини ҳақиқий эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Бундай қарор 5 кун ичида жамоа шартномасига имзо чеккан шахсларга, шунингдек Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекциясига юборилади.

**23.** Мазкур тартиб 2021 йилнинг 1 сентябридан амалга киритилади, шу кундан эътиборан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 24 октябрдаги 19-13-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тартиби” ўз кучини йўқотади.

*“Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби”га 1-илова*

**Қасаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт комиссиялари томонидан жамоа шартномалари лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказиладиган юридик шахслар**

<b>Т/р</b>	<b>Тармоқ</b>	<b>Қасаба уюшмаси Республика кенгаши қошидаги эксперт комиссияси томонидан жамоа шартномалари лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказиладиган тармоққа мансуб юридик шахслар</b>
<b>1.</b>	<b>Авиаходимлар</b>	Барча юридик шахслар
<b>2.</b>	<b>Агросаноат мажмуи</b>	Рўйхатдаги ходимлар сони 500 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар
<b>3.</b>	<b>Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация</b>	“Ўзбектелеком” АҚдан бошқа барча юридик шахслар
<b>4.</b>	<b>Давлат муассасалари ва жамоат хизмати</b>	Тошкент шаҳрида жойлашган рўйхатдаги ходимлар сони 100 нафардан кўп бўлган юридик шахслар
<b>5.</b>	<b>Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари</b>	Рўйхатдаги ходимлар сони 300 нафардан кўп бўлган юридик шахслар
<b>6.</b>	<b>Кимё ва фармацевтика саноати</b>	Бевосита Республика кенгаши хизматига олинган юридик шахслар
<b>7.</b>	<b>Металлургия ва машинасозлик саноати</b>	1. Рўйхатдаги ходимлар сони 100 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар 2. Хоразм вилояти юридик шахслари
<b>8.</b>	<b>Энергетика, нефт-газ ва геология</b>	Қашқадарё вилояти юридик шахсларидан ташқари барча юридик шахслар
<b>9.</b>	<b>Соғлиқни сақлаш</b>	Фақат эслатмада кўрсатилган юридик шахслар
<b>10.</b>	<b>Таълим, фан ва маданият</b>	Рўйхатдаги ходимлар сони 500 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар
<b>11.</b>	<b>Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари</b>	Бевосита Республика кенгаши хизматига олинган юридик шахслар

<b>12.</b>	<b>Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари</b>	Рўйхатдаги ходимлар сони 500 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар
<b>13.</b>	<b>Маданият, спорт ва туризм ходимлари</b>	Рўйхатдаги ходимлар сони 200 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар
<b>14.</b>	<b>“Олмалиқ КМК” АЖ</b>	Комбинат тузилмасига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар

**Эслатма:**

*а) айрим тармоқлар миқёсидаги ягона жамоа шартномалари, “Олмалиқ КМК” АЖ, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар, ўз аппаратининг, шунингдек тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари аппаратларининг жамоа шартномалари лойиҳаларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги эксперт комиссияси жамоатчилик экспертизасидан ўтказди;*

*б) тармоқ келишувларини тузган ижтимоий шерикларнинг республика идоралари, олий ва малака ошириш ўқув юртлари, тармоқ касаба уюшмаларининг ҳудудий кенгашлари (бирлашган қўмиталари) аппаратлари жамоа шартномалари лойиҳаларини барча тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт комиссиялари жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.*

*“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида  
жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик  
экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа  
шартномаларини рўйхатга олиш тартиби”га 2-илова*

**Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳаларини қайд этиш  
китобини тўлдириш  
НАМУНАСИ**

<b>Т/р</b>	<b>Корхона, ташкилот, муассаса номланиши</b>	<b>Ходимлар сони</b>	<b>Касаба уюшмаси ташкilotи раҳбари ФИШ</b>	<b>Жамоа шартномаси лойиҳаси экспертизага тақдим этилган сана</b>	<b>Экспертиза натижалари берилган сана ва уни олган шахс имзоси ёки юборилган электрон почта манзили, мессенджер рақами</b>	<b>Жамоа шартномаси “Kasaba KIAT” маълумотлар базаси рўйхатида қайд этилган саҳифа скриншотининг бошланғич ташкилот вакилига берилган сана ёки юборилган электрон почта манзили, мессенджер рақами</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>

*“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби”га 3-илова*

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

---

---

(касаба уюшма органининг номи)

эксперт комиссияси раиси

(Ф.И.Ш.)

йил «    »                     

---

(жамоа шартномасини тақдим этган юридик шахс номи)

---

жамоа шартномасининг лойиҳаси бўйича  
**ЭКСПЕРТ ХУЛОСА**

Жамоа шартномасининг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_

**I. Экспертларнинг эътироз ва таклифлари:**

**“УМУМИЙ ҚОИДАЛАР” бўлими бўйича**

**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ” бўлими бўйича**

**“МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ” бўлими бўйича**

**“ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ” бўлими бўйича**

**“МЕҲНАТГА ХАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ” бўлими бўйича**

**“МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ” бўлими бўйича**

**“МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ” бўлими бўйича**

**“МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” бўлими бўйича**

**“ИЖТИМОЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР”**  
бўлими бўйича

**“МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ,  
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА СПОРТ ИШЛАРИ”** бўлими бўйича

**“АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ  
ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА  
БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР”** бўлими  
бўйича

**“ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР”** бўлими бўйича

**“МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ”** бўлими бўйича

**“ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ  
КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ”** бўлими бўйича

**“ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ”**  
бўлими бўйича

**“ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ  
УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК”** бўлими бўйича

**Иловалар бўйича**

**Экспертлар:**

\_\_\_\_\_ (имзо)  
Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_ (имзо)  
Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_ (имзо)  
Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_ (имзо)  
Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_ (имзо)  
Ф.И.Ш.

*Жамоавий музокараларни ташкил қилиш, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш, жамоа шартномаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш бўйича ҳужжат намуналари*

## **“Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишининг 2-сонли БАЁНИ**

2025 йил 12 январь

Фарғона ш.

**Касаба уюшмаси қўмитаси** аъзолари сони – 7 киши.

**Иштирок этдилар:**                      **Қўмита аъзолари:** С.САлиев, Т.Толипов,  
З.Зокирова, С.САлиева, А.Алиева, Х.Халилов

**Таклиф этилганлар:** касаба уюшмаси фаоллари (рўйхат бўйича).

**Раислик қилувчи:** А.Алиев - касаба уюшмаси қўмитаси раиси

### **КУН ТАРТИБИ:**

**1. “Омад зафари” МЧЖ** нинг 2026-2028 йиллар учун жамоа шартномасини тузиш юзасидан иш берувчи билан музокараларни ташкил этиш тўғрисида.

#### **ЭШИТИЛДИ:**

**1. “Омад зафари” МЧЖ** нинг 2026-2028 йиллар учун жамоа шартномасини тузиш юзасидан иш берувчи билан музокараларни ташкил этиш тўғрисида.

Мазкур масала юзасидан С.САлиев, Т.Толипов сўзга чиқдилар.

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

**1. “Омад зафари” МЧЖ** нинг касаба уюшмаси қўмитаси 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугашига уч ой қолгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 60-моддасига биноан 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш таклифи иш берувчига расман киритилсин.

**2.** Иш берувчига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 49- ва 62-моддасига биноан музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун тенг ҳуқуқлилиқ асосида тегишли ваколатларга эга бўлган ҳар тарафдан уч кишидан иборат ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия тузиш таклиф этилсин.

**3.** Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан музокаралар олиб бориш учун қуйидаги таркибда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия тавсия қилинсин:

С.САлиев	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,
Т.Толипов	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,
С.САлиева	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,

**4.** Иш берувчи вакилларининг шахсий таркиби, музокараларнинг муддати, ўтказиладиган жойи ва кун тартибини иш берувчининг буйруғи билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

**5.** Жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун музокаралар олиб борувчи комиссия ишини ҳар ҳафтанинг Сешанба ва Пайшанба кунлари “Омад зафари”

МЧЖ кичик мажлислар залида ўтказилиши, музокараларни 2 ой давомида олиб бориб, жамоа шартномасини Март ойида имзолаш таклифи киритилсин.

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**А.Алиев**

**Касаба уюшма қўмитаси аъзолари:**

**С.САлиев**

**Т.Толипов,**

**З.Зокирова**

**С.САлиева**

**А.Алиева**

**Х.Халилов**

**2025 йил 15 январь**

**№1**

“Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугашига уч ой қолгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 60- ва 61-моддасига биноан 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар бошлашни таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 49- ва 62- моддаларига биноан музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун тенг ҳуқуқлилиқ асосида тегишли ваколатларга эга бўлган ҳар тарафдан уч кишидан иборат ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия тузишни таклиф этамиз.

Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан музокаралар олиб бориш учун қуйидаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия таркиби тавсия қилинади:

С.САлиев	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,
Т.Толипов	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,
С.САлиева	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,

Иш берувчи вакилларининг шахсий таркиби иш берувчининг буйруғи билан, музокараларнинг муддати, ўтказиладиган жойи ва кун тартибини буйруқ билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўз томонимиздан музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия ишини ҳар ҳафтанинг Сешанба ва Пайшанба куни Сизларга қулай бўлган вақтда ўтказилишини, музокараларни 2 ой давомида олиб бориб жамоа шартномасини Март ойида имзолани таклиф қиламиз.

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**А.Алиев**

**“Омад зафари” МЧЖ касаба уюшма  
қўмитаси раиси А.Алиевга**

**2025 йил 20 январь**

**№25**

Сизнинг 2025 йил 15 январдаги даги №1-сонли хатингизга мувофиқ, “Омад зафари” МЧЖ маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугашига уч ой қолгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг моддаларига биноан 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш ҳамда ушбу музокараларни олиб бориш учун тенг ҳуқуқлилиқ асосида тегишли ваколатларга эга бўлган ҳар тарафдан уч кишидан иборат ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия тузиш таклифингизга эътирозимиз йўқлигини билдирамыз.

Муассаса маъмурияти томонидан томонидан музокаралар олиб бориш учун қуйидаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия таркиби тавсия қилинади:

М.Маликов	Кадрлар бўлими бошлиғи
И.Исроилов	Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи
Т.Тошпўлатов	Иқтисодий бўлим бошлиғи

Иш берувчи вакилларининг шахсий таркиби, музокаралар муддати, ўтказиладиган жойи ва кун тартиби буйруқ билан тасдиқланишига эътирозимиз йўқлигини билдирамыз.

Ўз томонимиздан музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия ишини ҳар ҳафтанинг Сешанба куни кичик мажлислар залида ўтказилишини, музокараларни 2 ой давомида олиб бориб жамоа шартномасини Март ойида имзоланишни таклиф қиламыз.

**Раҳбар**

**ИМЗО**

**Ж.Жалилов**

**“Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси**  
**ҚАРОР №1**

2025 йил 21 январь

Фарғона ш.

**2026-2028 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича музокараларни ташкил этиш тўғрисида**

1. 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугашига уч ой қолганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 49-моддасида белгиланган тартибда жамоавий музокаралар олиб бориш ва 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия тузилсин ва унинг Низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тарафларнинг ҳар биридан бўлган вакилларнинг сон жиҳатидан таркиби иш берувчининг касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувига кўра белгилангани инобатга олинсин.

3. Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун тенг ҳуқуқлилиқ асосида тегишли ваколатларга эга бўлган ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг касаба уюшмаси қўмитаси вакилларининг шахсий таркиби қуйидаги таркибида тасдиқлансин:  
**Ходимлар вакиллари:**

С.САлиев                      касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,

Т.Толипов                    касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,

С.САлиева                    касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси,

4. Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг касаба уюшмаси қўмитаси вакилларига:

- 2025 йилнинг Март ойига қадар бўлган даврда ўз ишини ҳар ҳафтанинг Сешанба ва Пайшанба кунлари кичик мажлислар залида ташкил этиш;

- жамоа шартномасига киритиш учун таклифлар йиғиш;

- жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни муассаса бўлинмаларига муҳокама қилиш учун ҳамда тегишли касаба уюшма ташкилотига экспертиза учун тақдим этиш;

- тушган таклифларни инобатга олиб, лойиҳани ишлаб такомилга етказиш ва меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш топширилсин.

5. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия аъзоларига музокараларни олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва жамоа шартномаси билан белгилаб қўйилган имтиёзлар сақлаб қолинсин.

6. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси А.Алиевга зиммасига юклатилсин.

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**А.Алиев**

**Касаба уюшма қўмитаси аъзолари:**

**С.САлиев  
Т.Толипов,  
З.Зокирова  
С.САлиева  
А.Алиева  
Х.Халилов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти**  
**БУЙРУҚ №25**

2025 йил 21 январь

Фарғона ш.

**2026-2028 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича**  
**музокараларни ташкил этиш тўғрисида**

1. 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугашига уч ой қолганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 49-моддасида белгиланган тартибда жамоавий музокаралар олиб бориш ва 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия тузилсин ва унинг Низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тарафларнинг ҳар биридан бўлган вакилларнинг сон жиҳатидан таркиби иш берувчининг касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувига кўра белгилангани инобатга олинсин.

3. Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун тенг ҳуқуқлилиқ асосида тегишли ваколатларга эга бўлган ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг иш берувчи вакилларининг шахсий таркиби М.Маликов - Кадрлар бўлими бошлиғи, И.Исроилов - Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи, Т.Тошпўлатов - Иқтисодий бўлим бошлиғи иборат таркибда тасдиқлансин:

**4. Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг иш берувчи вакилларига:**

2025 йилнинг Март ойига қадар бўлган даврда ўз ишини ҳар ҳафтанинг Сешанба ва Пайшанба кунларикичик мажлислар залида ташкил этиш;

- жамоа шартномасига киритиш учун таклифлар йиғиш;

- жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни муассаса бўлинмаларига муҳокама қилиш учун ҳамда экспертиза учун тақдим этиш;

- тушган таклифларни инобатга олиб, лойиҳани ишлаб такомиллига етказиш ва меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш топширилсин.

5. Комиссия аъзоларига музокараларни олиб бориш вақтида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва жамоа шартномаси билан белгилаб қўйилган имтиёзлар сақлаб қолинсин.

6. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Омад зафари” МЧЖ раҳбари ўринбосари Т.САлиев зиммасига юклатилсин.

**Раҳбар**

**Ж.Жалилов**

**КЕЛИШИЛДИ:**

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**  
(2025 йил 21 январь Баён №1)

**А.Алиев**

**Бошланғич даражадаги Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича  
икки томонлама комиссия тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

1. Ушбу Низом ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди. Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи ва меҳнат соҳасида доимий фаолият кўрсатувчи ижтимоий шериклик органи ҳисобланади.

**2. Комиссия қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:**

муассаса ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси (кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталади) ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш; жамоа шартномасини тузиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш;

Халқаро меҳнат ташкилотининг (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) 1981 йилги жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисидаги конвенциясига (154-сон) мувофиқ меҳнат ва бандлик шароитларини аниқлаш, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича жамоа музокараларига кўмаклашиш.

**3. КОМИССИЯ:**

Икки томонлама комиссия таркибига муассаса иш берувчиси ва касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари киритилади.

4. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига, ХМТ конвенциялари ва тавсияларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади ҳамда ўз фаолиятини "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ижтимоий шериклик принципларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

**II БОБ. ИККИ ТОМОНЛАМА КОМИССИЯСИНИНГ  
ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ**

5. Қуйидагилар Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ходимлар ва иш берувчининг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва томонлар позицияларини келишиш;

позициялар, ҳуқуқлар ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида томонларнинг амалий ҳамкорлигини таъминлаш;

Жамоа шартномаси тузиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш;

## **6. Комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:**

1) *ҳодимлар ва иш берувчининг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва Томонлар позицияларини келиши соҳасида:*

фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ҳудудий дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш;

2) *жамоа шартномасини тузиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш соҳасида:*

Жамоа шартномасини бажариш чоғида юзага келадиган масалаларни Томонлар ташаббусига кўра кўриб чиқади;

янги меҳнат шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжудларини ўзгартириш бўйича жамоа меҳнат низоларини ҳал этишга кўмаклашади;

меҳнатни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқаришнинг самарали тизимини яратишда иштирок этади;

иш ҳақи масалалари, шу жумладан, муассасада меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал стандартларига риоя қилиш, иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш масалалари юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказади;

меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)га жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича далолатномани тақдим этади.

## **7. Комиссия ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

Муассасада жамоа шартномасининг бажарилиши, муассасанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, шунингдек, ижтимоий шерикликни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

иш берувчи ва касаба уюшмалари мансабдор шахсларининг ижтимоий-меҳнат муносабатлар масалалари бўйича маърузаларини (ахборотини) эшитиш;

жамоа музокаралар ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга соладиган битимларни тайёрлаш, ушбу битимларни амалга ошириш жараёнида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича тармоқ комиссиялар билан ҳамкорлик қилиш;

ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш.

Икки томонлама комиссияси ушбу низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **III БОБ. КОМИССИЯ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

8. Комиссия таркибига ҳар бир томондан ҳал қилувчи овозга эга камида уч нафардан вакил (тенглик принципи асосида) киради.

9. Ҳар бир томон комиссиялари вакиллари ўз ҳамраисларини сайлайди.

Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган (сайланган) ёхуд зиммасига тегишли функцияларни

бажариш юкланган шахслар киритилади.

**10.** Комиссия ҳамраислари уч йил муддатга сайланади. Комиссияга раислик қилиш уч йилда бир марта ротация асосида ҳамраислардан бирига ўтади.

**11. Комиссия раиси:**

комиссия мажлисларида раислик қилади;

комиссия иш режасига таклифлар киритади;

комиссия мажлисларини чақиради, комиссия, унинг ишчи органлари фаолиятини, мажлисларда кўриб чиқиладиган масалалар тайёрланишини ва қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этади, шунингдек, ҳар чорақда томонларни уларнинг бажарилиш жараёнидан хабардор қилади;

томонлар ҳамкорлигига ва комиссия қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда улар ўртасида келишувга эришилишига кўмаклашади;

комиссия ишида иштирок этиш учун уларнинг таркибига кирмайдиган мансабдор ва бошқа шахсларни таклиф қилади;

ўз ваколати доирасида бошқа функцияларни бажаради.

**12.** Комиссия ўз фаолиятини иш режалари асосида ва ижтимоий-меҳнат соҳасидаги масалаларни зудлик билан ҳал этиш заруратини ҳисобга олиб ташкил этади.

Комиссия мажлиси бир йилда камида икки марта чақирилади.

Мажлис кун тартиби котибият томонидан иш режаси ва ҳамраисларнинг келишилган таклифлари асосида тузилади.

Мажлис ўтказиладиган сана, вақт, жой ва унинг кун тартиби тўғрисида комиссия аъзолари олдиндан, бироқ мажлисдан камида 10 кун аввал хабардор қилинади.

Комиссия мажлиси, агар унда ҳар бир томондан аъзоларнинг камида ярми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

**13.** Комиссия қарори келишув асосида ёки агар келишув бўлмаса, ҳар бир томондан биттадан овоз принципи бўйича овоз бериш орқали қабул қилинади.

Комиссия қарори баённома шаклида қабул қилинади ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

Комиссиянинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларини томонлар идора ички қарорларини қабул қилиш орқали амалга оширади.

**14.** Комиссия таркибида қуйидаги доимий ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин:

Жамоа шартномасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва жамоага доир меҳнат низоларини кўриб чиқиш бўйича;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг хавфсизлиги бўйича;

бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича.

**15.** Доимий ишчи гуруҳлар мажлислари, агар уларда ишчи гуруҳ аъзолари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Доимий ишчи гуруҳларнинг у ёки бу масалалар бўйича тавсиялари Комиссия мажлисларида кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

#### **IV БОБ. КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**16.** Комиссия аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва комиссия қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

комиссия ва доимий ишчи гуруҳлар мажлисларида кўриб чиқиш учун комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари раҳбарларига, шунингдек, бевосита ташкилотларга комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан сўровлар билан мурожаат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари, статистика, ахборот ва маълумотнома материаллари билан белгиланган тартибда танишиш.

#### **17. Комиссия аъзолари:**

комиссия фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши;

комиссия қарорини ижро этишга кўмаклашиши;

иш берувчи қасаба уюшмаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини Комиссия фаолияти ва жамоа шартномаси ижросининг боришидан мунтазам хабардор қилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигига риоя қилиши ва уни ошкор этмаслиги шарт.

### **V БОБ. КОМИССИЯ ҚАРОРЛАРИ ИЖРО ЭТИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ, ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

**18.** Комиссия қарорларининг ижросини томонлар мустақил назорат қилади.

**19.** Бир йилда камида бир марта жамоа шартномасини амалга ошириш якунлари ва комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги масалалар комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади.

**20.** Жамоа шартномасини амалга ошириш якунлари ва комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ёзма ахборотни томонлар котибиятга уларнинг бажарилишига қараб юборади.

**21.** Комиссия фаолияти билан боғлиқ харажатларни томонлар ўзаро келишув бўйича қоплайди.

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссияси**  
**Мажлисининг**  
**1- БАЁНИ**

2024 йил 24 январь

Фарғона шаҳри

<b>Комиссия аъзолари сони:</b>	6 нафар
<b>Йиғилишда иштирок этаётганлар сони:</b>	6 нафар
<b>Узрли сабабларга кўра иштирок этмаётганлар:</b>	0 нафар
<b>Раислик қилувчилар:</b>	С.САлиев М.Маликов

**КУН ТАРТИБИ:**

**1.** “Омад зафари” МЧЖнинг 2023-2025 йиллар учун жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси юзасидан меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)га далолатнома киритиш тўғрисида.

**2.** 2026-2028 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида.

**3.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг 2025 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш ҳақида.

**4.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссияга раис сайлаш тўғрисида.

**ЭШИТИЛДИ:**

**1-масала юзасидан,**

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия ҳамраислари – С.САлиев ҳамда М.Маликов ахбороти тингланди. (Илова қилинади.)

**Сўзга чиқдилар:** И.Исроилов, И.Тошпўлатов

**2-масала юзасидан,**

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия аъзолари томонидан келиб тушган таклифлар таҳлил қилинди ва янги муддатга тузилаётган, яъни 2026-2028 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳасига киритиш учун умумлаштирилди.

**Сўзга чиқдилар:** Т.Толипов, С.САлиева, И.Исроилов

**3-масала юзасидан,**

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия ишини режалаштириш мақсадида 2025 йил учун иш режасига киритиладиган масалалар муҳокама қилинди.

**Сўзга чиқдилар:** И.Исроилов, С.САлиева

**4-масала юзасидан,**

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия ҳамраислари уч йил муддатга сайланиши ва комиссияга раислик қилиш уч йилда бир марта ротация асосида ҳамраислардан бирига ўтиши муносабати билан 2025 йилда комиссия раисини сайлаш масаласи муҳокама қилинди.

**Сўзга чиқдилар:** Т.Толипов, С.САлиева, И.Исроилов

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

**1. “Омад зафари” МЧЖ**да 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши юзасидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия ҳамраислари маълумоти асосида меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига далолатнома тақдим этилсин. (илова қилинади.)

**2.** 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши қониқарли деб ҳисоблансин.

**3.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия томонидан ишлаб чиқилган 2026-2028 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳаси тасдиқлансин ва жамоатчилик экспертизасини ўтказиш учун Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Намуна шаҳар Кенгашига тақдим этилсин.

**4.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссиянинг 2025 йил учун тасдиқланган иш режаси тасдиқлансин. *(Илова қилинади.)*

**5.** 2025 йилда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия раиси этиб С.САлиев сайлансин. Уч йилда бир марта ротация асосида ҳамраислардан бирига ўтиши белгилансин.

**6.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссияга жамоа шартномасини бажарилиши, комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг рўёбга чиқарилиши устидан тенг ҳуқуқлилик асосида назорат олиб бориш вазифаси юклатилсин.

**Йиғилиш ҳамраислари:**

**С.САлиев**

**М.Маликов**

**ИЖТИМОЙ-МЕХНАТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИККИ ТОМОНЛАМА  
КОМИССИЯНИНГ 1-МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТГАН ВАКИЛЛАР**

**Иш берувчи вакиллари вакиллари:**

<b>№</b>	<b>И.Ф.О</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Имзо</b>
1.	М.Маликов	Кадрлар бўлими бошлиғи	
2.	И.Исроилов	Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи	
3.	Т.Тошпўлатов	Иқтисодий бўлим бошлиғи	

**Касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари:**

<b>№</b>	<b>И.Ф.О</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Имзо</b>
1.	С.САлиев	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси	
2.	Т.Толипов	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси	
3.	С.САлиева	касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси	

**Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси Намуна  
шаҳар Кенгаши раиси  
Д.Насивалиевага**

“Омад зафари” маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугаётгани муносабати билан ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномасининг лойиҳаси тайёрланди.

Шу муносабат билан ушбу лойиҳага киритилган меъёрларни меҳнат қонунчилигига мувофиқлигини ҳамда талаб даражасида тузилганлигини аниқлаб бериш мақсадида экспертизадан ўтказиб беришингизни сўраймиз.

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**А.Алиев**

## **ЭЪЛОН**

2025 йил 1 март куни соат 11:00 катта мажлислар залида “Омад зафари” МЧЖ да меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши ўтказилади.

Йиғилишга барча ходимлар таклиф этилади.

### **Кун тартиби:**

1. 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши яқунлари тўғрисида.

**Маърузачилар:**

**“Омад зафари” МЧЖ раҳбари - Ж.Жалилов**

**“Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси – А.Алиев**

2. 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасини бажарилишини текшириб боровчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида.

**Маърузачи:**“Омад зафари” МЧЖ ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия раиси – С.САлиев

3. 2025-2025 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳасини муҳокама қилиш.

**Маърузачи:** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия раиси – С.САлиев

## “Омад зафари” МЧЖ меҳнат жамоаси йиғилишини ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

Фарғона шаҳри

2025 йил 1 март  
Бошланиш вақти 11:00

”Омад зафари” МЧЖ меҳнат жамоаси йиғилишида 45 нафар ходимлардан 42 нафари иштирок этишмоқда. Узрли сабаблар билан 3 нафар ходим йиғилишда иштирок этишмаяпти. Шунингдек, бугунги йиғилишимизда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Намуна шаҳар Кенгаши раиси Д.Насивалиева иштирок этмоқдар.

Йиғилиш тармоқ Устави талабига кўра иш бошлаш ваколатига эга. “Омад зафари” жамоаси умумий йиғилишини очиш ҳақида қандай таклиф бор. Йиғилиш очилсин деган таклиф тушди. Ушбу таклифга қўшилган йиғилиш иштирокчиларини овоз беришларини сўрайман. Розилар?

Қаршилар?

Бетарафлар? Йўқ.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

”Омад зафари” МЧЖ меҳнат жамоаси умумий йиғилишини очиқ деб эълон қиламан.

Йиғилиш Ишчи раёсатини сайлаб олишимиз керак.

(Таклиф учун сўз касаба уюшма аъзоси -Д.Тўхтаевга берилади.

Касаба уюшма аъзоси Д.Тўхтаев йиғилиш ишчи раёсатини 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда сайлашни таклиф этаман:

1. А.Алиев – касаба уюшма қўмитаси раиси

2. Ж.Жалилов – МЧЖ раҳбари

3. Т.Тошпўлатов - иқтисодчи

Раислик қилувчи: Йиғилиш Ишчи раёсатини 3 кишидан иборат таклиф этилган таркибда сайлаш таклиф этилди. Бошқа таклифлар борми? Ушбу таклифга қўшилган йиғилиш иштирокчиларини овоз беришларини сўрайман. Розилар?

Қаршилар?

Бетарафлар? Йўқ.

Йиғилиш Ишчи раёсати бир овоздан сайланди.

Сайланганларни Ишчи раёсатидан жой олишлари сўралади.

Марҳамат.

Йиғилиш котиблигини касаба уюшма аъзоси Ж.Шамиловга топшириш тўғрисида таклиф бор. Бошқа таклифлар борми? Розилар?

Қаршилар?

Бетарафлар? Йўқ.

Йиғилиш котиби бир овоздан сайланди, иш бошлаши сўралади.

Бугунги йиғилиш кун тартиби ва иш тартибини тасдиқлаб олишимиз керак. Умумий йиғилишнинг кун тартиби ва иш тартибини очиқ овоз бериш йўли билан тасдиқлаш тўғрисида таклиф бор, маъкулми? Раҳмат.

Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда, яъни:

**1.** 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши якунлари тўғрисида.

**2.** 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасини бажарилишини текшириб борувчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида.

**3.** 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳасини муҳокама қилиш.

Таклиф этилган кун тартибига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритувчилар борми? Таклиф этилган йиғилиш кун тартиби тасдиқлансин деган йиғилиш иштирокчиларини овоз беришларини сўрайман. Розилар?

Қаршилар?

Бетарафлар? Йўқ.

Йиғилиш иш тартиби қуйидагича таклиф этилади.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза учун 20 дақиқагача, музокаралар учун 5 дақиқагача вақт берилиб, йиғилишни танаффуссиз якунлаш тўғрисида таклиф бор. Бошқа таклифлар борми? Таклиф этилган йиғилиш иш тартиби тасдиқлансин деган йиғилиш иштирокчиларини овоз беришларини сўрайман. Розилар?

Қаршилар?

Бетарафлар? Йўқ.

Йиғилиш иш тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари, рухсатингиз билан йиғилиш кун тартибидаги 1-масалани муҳокама этишга ўтамиз.

2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши якунлари тўғрисида.

Маърузачи: МЧЖ раҳбари – Ж.Жалилов, марҳамат! (маъруза тингланди.)

**Раислик қилувчи:** Маърузачига саволлар борми? Саволлар бўлса марҳамат ёки ёзма равишда беришингиз ҳам мумкин.

Навбатдаги маъруза учун сўз касабга уюшмаси қўмитаси раиси А.Алиевга берилади. Марҳамат! (маъруза тингланди.)

**Раислик қилувчи:** Маърузалар юзасидан қандай саволлар, фикр ва мулоҳазалар бўлса марҳамат.

**Музокаралар.**

**Раислик қилувчи:** йиғилиш кун тартибидаги 2-масала, 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасини бажарилишини текшириб борувчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия далолатномасини

тасдиқлаш тўғрисида. Далолатнома билан таништириш учун сўзни комиссия раиси С.САлиевга берамиз, марҳамат!

*(далолатнома билан таништирилди.)*

**Раислик қилувчи:** йиғилиш кун тартибидаги 3-масала, 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳаси бўйича сўз ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия раиси С.САлиевга берилади.

*(жамоа шартномаси лойиҳаси таништирилади.)*

**Раислик қилувчи:** Жамоа шартномаси лойиҳаси бўйича муҳокамаларга ўтамиз.

**Раислик қилувчи:** Яна сўзга чиқувчилар борми? Таклиф тушмоқда яқунловчи сўзни ҳудудий касаба уюшмаси Кенгаши раиси Т.Толиповга берсақда муҳокамаларга яқун ясақ

*(маъруза тингланди.)*

**Раислик қилувчи:** Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Энди рухсатингиз билан муҳокама этилган масалалар юзасидан тайёрланган йиғилиш қарори лойиҳаси билан танишсак. Уни ўқиб бериш учун сўз комиссия раиси С.САлиевга. Марҳамат.

**Раислик қилувчи:** Ушбу қарор лойиҳасини қабул қилсак бўладими? Ушбу таклифга қўшилган йиғилиш иштирокчиларини овоз беришларини сўрайман. Розилар?

Қаршилар?

Бетарафлар? Йўқ.

Йиғилиш қарори бир ооздан қабул қилинди.

Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар муҳокама этилди, қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан меҳнат жамоасининг умумий йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Йиғилиш ишида иштирок этганларингиз учун Сизларга миннатдорчилик билдириб, ишларингизда омадлар тилаймиз. Эътиборингиз учун раҳмат!

**“Омад зафари” МЧЖ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши  
БАЁНИ №2**

2025 йил 1 март

Фарғона шаҳри

Ходимлар сони (делегатлар)	45 нафар
Йиғилишда иштирок этаётганлар	42 нафар
Узрли сабабларга кўра иштирок этмаётганлар	3 нафар

Раислик қилувчи: **Т.Тошпўлатов**

Ишчи раёсат **А.Алиев, Ж.Жалилов**  
аъзолари

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши яқунлари тўғрисида.

2. 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасини бажарилишини текшириб боровчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида.

3. 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳасини муҳокама қилиш.

**ЭШИТИЛДИ:**

**1-масала юзасидан:**

МЧЖ раҳбари **Ж.Жалилов** ҳисоботи

*(матни илова қилинади).*

Касаба уюшмаси кўмитаси раиси **А.Алиев** ҳисоботи

*(матни илова қилинади).*

Сўзга чиқдилар: **С.САлиев, И.Исроилов**

**2-масала юзасидан:**

Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб боровчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия раиси **С.САлиев** далолатномаси *(илова қилинади).*

Сўзга чиқдилар: **С.САлиева, М.Маликов**

**3-масала юзасидан**

2026-2028 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия раиси **С.САлиев** жамоа шартномаси мазмуни билан йиғилганларни таништирди.

Сўзга чиқдилар: **С.САлиева, М.Маликов**

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши юзасидан МЧЖ раҳбари **Ж.Жалилов**нинг ва

касаба уюшмаси қўмитаси раиси **А.Алиев**нинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши бўйича ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссиянинг далолатномаси тасдиқлансин.

**3.** 2023-2025 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши қониқарли деб ҳисоблансин.

**4.** Жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан ишлаб чиқилган 2026-2028 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳаси маъқуллансин.

**Раислик қилувчи**  
**МЧЖ раҳбари:**  
**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**Т.Тошпўлатов**  
**Ж.Жалилов**  
**А.Алиев**

Меҳнат жамоасининг 2025 йил 1  
мартдаги 2 сонли йиғилишида  
маъқулланган

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти**

**2026-2028 йиллар учун**

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ**

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига  
биноан жамоа шартномасига имзо чекдилар:

**Иш берувчи**

**Қасаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**Ж.Жалилов**

**А.Алиев**

**2025 йил 2 март**

**2025 йил 2 март**

**Жамоа шартномаси ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича  
комиссиянинг қуйидаги аъзолари иштирокида имзоланди:**

**Иш берувчи вакиллари**

**Ходимлар вакиллари**

- 1. М.Маликов**
- 2. И.Исроилов**
- 3. Т.Тошқўлатов**

- 1. С.Салиев**
- 2. Т.Толипов**
- 3. С.САлиева**

# **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерациясининг Ижроия қўмитасининг 2021  
йил 19 мартдаги 2-37 “с” сонли қарорига  
илова*

## **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизими ташкилотларида (кейинги ўринларда касаба уюшмалари ташкилотлари деб аталади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

#### **2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:**

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

кўриб чиқиш тартиби Федерация органлари қарорлари билан белгиланган бошқа мурожаатларга;

касаба уюшмалари ташкилотларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:**

ариза - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф - давлат ва жамият, шу жумладан касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

аноним мурожаат - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш ёки иш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат;

мурожаатнинг дубликати - айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусхаси;

такрорий мурожаат - аввалги мурожаат бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг

мазкур Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, аввалги мурожаатда кўтарилган масалаларни ўз ичига олган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

оммавий қабул - раҳбарнинг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

электрон мурожаат - электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклидаги мурожаат.

4. Оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда берилган давлат тили ва бошқа тилда берилган мурожаатлар бир ҳил аҳамиятга эга.

Касаба уюшмаларининг расмий веб-сайти, электрон почта, Телеграмм тармоғи ёки бошқа ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5. Мурожаатлар ариза, таклиф ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

6. Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш ёки иш жойи тўғрисидаги, юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаат мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат қилувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат қилувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

7. Жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

8. Мурожаатларни бериш муддатлари, коюдага кўра, белгиланмайди. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, тегишли ваколатли органларига мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибда юқори касаба уюшмаси ташкилоти жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (*ҳаракатсизлик*) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилган аризаси ёки шикоятини кўриб чиқади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи касаба уюшмаси

ташкilotи томонидан тикланиши мумкин.

9. Мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек ариза, шикоят ва таклиф мазмунига эга бўлмаган мурожаатлар юзасидан тезкор маслаҳат хизматини тақдим этиш мақсадида касаба уюшмаси ташкilotида “ишонч телефони” жорий этилиши мумкин.

Касаба уюшмаларининг “ишонч телефони”га келиб тушган ўрганиш талаб этиладиган ариза, шикоят ва таклифлар “Ишонч телефони” сифатида мазкур

Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, ушбу Низомнинг 1-иловасидаги шакл бўйича рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Касаба уюшмаси ташкilotи раҳбари томонидан “ишонч телефони” фаолиятига масъул шахс тайинланиши ёки навбатчилик тизими жорий этилиши мумкин.

10. Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

11. Вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан ушбу Низомда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли. Вояга етмаган шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан колдиришга йўл қўйилмайди.

## **II. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**

12. Касаба уюшмаларида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек унинг кўриб чиқилишини назорат қилиш касаба уюшмаларининг меҳнат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

13. Электрон мурожаатлар тушган кунда қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса — навбатдаги иш кунда қоғозга босиб чиқарилиши керак.

14. Мурожаатлар онлайн дастур (<http://muroiaat2.kasaba.uz>)га шакл бўйича рўйхатга олинади.

Мурожаатлар “номенклатура бўйича мурожаат индекси/рўйхатга олиш дафтаридаги тартиб рақами-йил” шаклида қайд рақами берилади (мисол: **11/89-2015**).

Қайд этиш штампида касаба уюшмаси ташкilotининг расмий номи (агар расмий номи узун бўлса умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб ва қайд рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

15. Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда, конвертда

мурожаат ва унинг илова, аари борлиги текширилади.

Конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўклиги аниқланганда, мурожаат муаллифи билан телефон орқали боғланиб мавжуд эмас хужжатлар сўраб олинади, ов ҳақида икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири касаба уюшмаси ташкилотида қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

16. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари касаба уюшмаси ташкилотининг раҳбари, масъул ходими ёхуд мурожаатнинг предметига кўра ваколатли ходим томонидан қабул қилинади.

17. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари оғзаки мурожаат этишганда, улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши керак.

Ўрганишни талаб этадиган ҳолатлар ифодаланган оғзаки мурожаатлар, шунингдек “ишонч телефони” орқали келиб тушган мурожаатлар бўйича масъул ходим томонидан касаба уюшмаси органи раҳбарига мурожаат ҳақида маълумот (онлайн дастур орқали олинган шакл) киритилади ва раҳбарнинг кўрсатмаси олинади.

18. Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарига, унинг ўринбосарига резолюция (топширикнома) қўйиш учун киритилади.

19. Резолюция (топширикнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш кунни мобайнида мурожаатлар билан ишловчи масъул ходим мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) онлайн дастур орқали юборади.

20. Касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган мурожаатлар иш юритувга қабул қилиниши, бўйсунуш тартибида қуйи ташкилотга юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа ваколатли органга юборилиши мумкин.

21. Қўйилган масалаларни ҳал этиш касаба уюшмаларининг ваколоти доирасига кирмайдиган мурожаатлар беш кун муддагдан кечиктирмай касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиши учун асоссиз равишда бошқа ташкилотга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган ташкилотга ёки мансабдор шахсга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга

кайтарилади.

22. Қуйи орган томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган муурожаатлар унга келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддагдан кечиктирмай касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат билан бирга юборилиши, бу ҳақда муурожаат қилувчига хабар берилиши керак.

23. Агар муурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси муурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда муурожаат кўриб чиқилишини таъминлайди.

24. Муурожаатни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар ва материалларга зарурат юзага келган тақдирда муурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ушбу касаба уюшмасининг ваколатлари доирасида — белгиланган тартибда бошқа тегишли органлардан қўшимча ахборот сўраб олиниши мумкин.

25. Агар муурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда муурожаатни кўриб чиқувчи касаба уюшмаси ташкилоти муурожаатни жойда кўриб чиқишни таъминлаши мумкин.

26. Муурожаатни муурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имкони бўлмаганда, улар касаба уюшмаси ташкилотининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган муурожаат қилувчи келмаган тақдирда касаба уюшмаси ташкилотининг мансабдор шахси муурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

27. Муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича муурожаатни ўрганган ходим томонидан жавоб хати таёрланиб, ўрнатилган тартибда муаллифга йўлланади.

28. Кўриб чиқиш натижасига касаба уюшмаси ташкилоти томонидан муурожаат важларини каноатлантириш, тушунтириш бериш. рад этиш ёки кўрмай қолдириш мумкин, мазкур банднинг 3-хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Муурожаатни кўриб чиққан касаба уюшмаси ташкилоти муурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида муурожаат кўриб чиқилганидан сўнг дарҳол хабар қилиши шарт.

Жавоб хатида муурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруратга караб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар) бўлиши керак.

Муурожаатларга жавоб хати, муурожаат этилган тилда баён қилинади ва касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Муурожаатни ўрганиш давомидаги оралиқ ёзишмалар (сўровнома, тақдимнома, даъво ёки буйрук тартибида ариза, дастлабки жавоб хати ва ҳ.к.) ва берилган жавоб хати ушбу Низомнинг 12-бандига мувофиқ

ракамланади.

29. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган таадирда, уларнинг мурожаатлари мазкур Низом талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

30. Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатлар билан ишловчи масъул ходим онлайн дастурга маълумот киритади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди.

31. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин келиб тушса, у ҳолда мурожаат қилувчи бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

32. Назоратга олинган мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан назоратдан олинади.

33. Юқори касаба уюшмаси ташкилотининг назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни кўриб чиққан касаба уюшмаси ташкилоти мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори касаба уюшмаси ташкилотига ёзма шаклда хабар беради.

34. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилгунга қадар ва кўриб чиқиладиган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунга қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш йўли билан қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаатнинг асл нусхаси касаба уюшмаси ташкилотининг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатни қайтариб олиш тўғрисидаги ариза касаба уюшмаси ташкилоти томонидан ваколат доирасида қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

35. Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида тўпланган ҳужжатлар тегишли “Ҳужжатлар жилди” (4-илова)да қуйидаги кетма-кетликда, рақамланган ҳолда жамланади:

Тўпланган ҳужжатлар рўйхати (номи ва бети);

Ариза (билдирги) ва илова ҳужжатлар;

Мурожаат юзасидан ёзишмалар ва тўпланган ҳужжатлар (хронологик кетма- кетликда);

Кўрилган чоралар (тақдимнома ва судга ариза);

Жавоб хати.

Кўриб чиқилган мурожаатлар ва улар билан боғлиқ материаллар касаба уюшмасининг мурожаатлар билан ишлаш учун маъсул бўлган ходими томонидан сақланади.

36. Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатлар (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазаларни) рўйхагга олинмайди ва кўриб чиқилмайди. Мазкур хатлар "маълумот учун" деган гриф билан сақланиши мумкин.

### **III. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари**

37. Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-гадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

38. Таклиф касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

39. Айрим ҳолларда юкори турувчи касаба уюшмаси ташкилоти ёки касаба уюшмаси раҳбари ёки ўринбосари мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қискартиришлари мумкин.

40. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

41. Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

### **IV. Мурожаатларни кўрмай қолдириш**

42. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар (пахта йиғим терими мавсумида келиб тушадиган аноним мурожаатлар бундан мустасно);

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

43. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш мурожаатни ўрганган масъул ходим томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хулоса тузилади.

Хулосада муурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Муурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Касаба уюшмаси ташкилотларининг «ишонч телефонлари»га тушган муурожаатлар ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган муурожаатлар хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади.

44. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар келиб тушганда, масъул ходим уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда масъул ходим томонидан хулоса тузилади ва раҳбар ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб ушбу муурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда муурожаат қилувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

## **V. Муурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш**

45 Муурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий муурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги муурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва муурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар муурожаат қилувчи ўз муурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақирилганнинг имкони йўқлиги сабабли муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, чақирилган муурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар муурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг муурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

46. Муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган шахси қабул қилади.

47. Такрорий муурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомда 41-бандига мувофиқ тугатилганда, муурожаат қилувчи такрорий муурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган муурожаат қилувчидан такрорий муурожаат келиб тушган

тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

48. Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат қилувчига хат билан бирга уч кун ичида қайтарилади.

49. Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

## **VI. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш**

50. Касаба уюшмаси ташкилотларида ва уларнинг таркибий бўлинмаларида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади.

51. Касаба уюшмаси ташкилотларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ушбу касаба уюшмаси раҳбари ва унинг ўринбосари томонидан тасдиқланган жадвалга асосан қабул қилинади.

Касаба уюшмаси ташкилотларида, зарурият бўлганда, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

52. Қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби касаба уюшмаси ташкилотларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса — ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

53. Мурожаатлар билан ишловчи масъул ходим қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни, шунингдек жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

54. Касаба уюшмаси ташкилотида мурожаатлар билан ишлаш учун масъул бўлинма ёки лавозим жорий этилган ҳолларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш мурожаатлар билан ишловчи масъул бўлинма ёки ходим иштирокида амалга оширилади.

55. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича касаба уюшмаси ташкилотининг бошқа ходимлари ҳам қабул жараёнига жалб этилиши мумкин.

56. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш касаба уюшмаси ташкилотининг ваколатига кирмаслиги аниқланган таадирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади.

57. Касаба уюшмаси ташкилотининг раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади. Зарур ҳолларда жадвалда назарда тутилмаган сайёр шахсий қабуллар ўтказилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ушбу Низомнинг 43-бандида белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

58. Сайёр шахсий қабуллар вақтида мурожаатлар билан ишловчи ходим ва бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 14-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## **VII. Мурожаатларни кўриб чиқишда касаба уюшмалари ташкилотларининг мажбуриятлари**

59. Мурожаатни кўриб чиқаётган касаба уюшмаси ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг талаби билан мурожаатни кўриб чиқилишининг бориши ҳақида ахборот олиш, шахсан важларини баён этиш ва тушунтиришлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш. қўшимча материаллар тақдим этишлари учун имконияти яратиб берилиши шарт.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларига мурожаатларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари учун шароит яратиб берилиши шарт.

60. Касаба уюшмаси ташкилотларининг мурожаатни кўриб чиқувчи мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари:

жисмоний ва юридик шахсга уларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан, агар уларда давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлмаса ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши, шунингдек агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса. қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини

қоплаш ёки маънавий зиёни компенсация қилиш бўйича чораларини кўриши;

муурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида муурожаат кўриб чиқилганидан сўнг мазкур Низомда белгиланган тартибда ва шакда зудлик билан хабар қилиши шарт.

Муурожаат юзасидан қарор қабул қилган касаба уюшмаси ташкилотининг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унинг юзасидан шикоят беришга ҳақли эканлигини тушунтириши шарт.

61. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра муурожаатни кўриб чиккан ташкилот муурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл кўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки муурожаат қилувчининг илтимосига кўра, муурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

### **VIII. Муурожаатлар кўриб чиқилишини назорат қилиш.**

#### **Муурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

62. Масъул ходим муурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Масъул ходим муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби муурожаатни кўриб чиқаётган ходим томонидан бузилганлиги тўғрисида касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини дарҳол хабардор қилади.

Масъул ходим ҳар чоракда касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарига муурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, қонун ҳужжатлари бузилишига йўл кўйган ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

# **Касаба уюшма кўмитасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби**

*ЎКУФ Ижроия кўмитасининг 2023 йил  
“23” майдаги 9-5 -сон қарорига илова*

## **Касаба уюшма кўмитасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш ТАРТИБИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Касаба уюшма кўмитасида, органида (кейинги ўринларда касаба уюшма кўмитаси деб юритилади) меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиш тартиби *(кейинги ўринларда – Тартиб деб юритилади)* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни, Олий Суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида”ги 12-сонли қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшма кўмитаси томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод этилмаган ҳолда касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимга интизомий жазо бериш ёки у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш ҳақидаги тақдимномани (кейинги ўринларда – Тақдимнома деб юритилади) кўриб чиқиш қоидаларини белгилайди.

3. Касаба уюшма кўмитаси тақдимномани кўриб чиқишда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатларга асосланади.

### **II. Тақдимномани кўриб чиқишга ваколатли орган**

4. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига биноан Тақдимномани кўриб чиқиш қуйидаги касаба уюшмаси органлари ваколатлидир:

1) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимга интизомий жазо қўллашга розилик беришни сўраб киритилган тақдимнома - шу касаба уюшмаси органи томонидан;

Масалан, цех кўмитасига аъзо бўлиб сайланган ходимга нисбатан киритилган тақдимнома шу цех кўмитаси томонидан, корхона, ташкилот,

муассасанинг (кейинги ўринларда - Ташкилот деб юритилади) касаба уюшма кўмитасига сайланган ходимга нисбатан киритилган тақдимнома шу касаба уюшма кўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

2) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда Ташкилот таркибий бўлинмасидаги касаба уюшмаси органи раҳбари (масалан, цех кўмитаси раҳбари) этиб сайланган ходимга интизомий жазо кўллашга розилик беришни сўраб киритилган тақдимнома – Ташкилот касаба уюшма кўмитаси томонидан;

3) Касаба уюшмасига аъзолигидан қатъий назар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик беришни сўраб киритилган тақдимнома - ходим ишлаётган Ташкилотнинг касаба уюшма кўмитаси томонидан, башарти, Ташкилотда касаба уюшма кўмитаси тузилмай, касаба уюшмаси ташкилотчиси фаолият юритиши белгиланган бўлса, шу ташкилотчи томонидан;

4) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда ташкилотдаги касаба уюшмаси органининг раҳбари этиб сайланганлар (масалан Ташкилот касаба уюшма кўмитаси раиси, агар кичик ташкилот бўлса ва унда касаба уюшмаси эмас, балки касаба уюшмаси ташкилотчиси (профорганизатор, профгруппорг, ва шу кабилар) билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома – умумий тартибга риоя этишдан ташқари, тегишли касаба уюшмалари бирлашмаси (масалан, айни вақтда Кенгашнинг Низомига биноан Жиззах вилоят (ёки Қорақалпоғистон, бошқа вилоят, Тошкент шаҳар) касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси ҳисобланувчи, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилоят (ёки Қорақалпоғистон, бошқа вилоят, Тошкент шаҳар) Кенгаши томонидан;

5) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда юқори касаба уюшмаси органи (масалан, тармоқ ёки ҳудуд бўйича бирлашган кўмита, кенгаш, раёсат ва ҳоказо) таркибига сайланган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома - мазкур Тартибнинг 4-банди “4)“ кичик бандида қайд этилган тартибдан ташқари ходим аъзо бўлган (сайланган) касаба уюшмаси органи томонидан;

6) Ходимни ишга қабул қилишга ва у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга юқори ташкилот ваколатли бўлса, тақдимномани ходим ҳақиқатда ишлаётган жойдаги касаба уюшма кўмитаси кўриб чиқади. Агар у ерда касаба уюшма кўмитаси тузилмаган бўлса Меҳнат кодексининг 15-моддасига мувофиқ кўрилади, яъни иш берувчи касаба уюшма кўмитасининг розилиги талаб қилинадиган масала тўғрисида меҳнат жамоасини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

5. Тақдимномага касаба уюшма кўмитаси раҳбари томонидан коллегиял органнинг қарорисиз бирор бир тарзда муносабат билдириш мумкин эмас.

### Ш. Такдимномани кўриб чиқиш тартиби

6. Такдимномани кўриб чиқувчи касаба уюшма кўмитаси мажлисини чақириш, унинг тўла ҳуқуқли бўлиши ва қарор қабул қилиш тартиби тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг Устави, Низоми ёки бошқа локал ҳужжат билан белгиланади.

7. Такдимномани кўриб чиқаётган орган мазкур тартиб қоидаларининг тўлиқ ижросини таъминлайди, шунингдек, иш берувчи томонидан интизомий жазо қўллаш ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонунда белгиланган талабларига риоя этилганлиги ҳолатига баҳо беради.

8. “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Тартибнинг 4-банди 1, 2, 4, 5-кичик бандлари талаблари жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида шартлашилганлигидан қатъий назар қўлланилади.

Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида белгиланган тақдирда касаба уюшмаси аъзолари томонидан сайланган (меҳнат муҳофазаси бўйича вакил, меҳнат низолари комиссияси аъзоси ва бошқа) вакиллар касаба уюшмаси сайланма органи аъзосига тенглаштирилади.

9. Касаба уюшма кўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги иш берувчининг тақдимномасини олган кунидан қонунда белгиланган 10 кунлик муддат давомида розилик масаласи бўйича қабул қилган қарор ҳақида иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддатда касаба уюшма кўмитаси қабул қилган қарори ҳақида хабар қилмаса иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини касаба уюшма кўмитасининг розилигисиз бекор қилиши мумкин.

10. Мажлисни қонунда белгиланган 10 кунлик муддат ичида ўтказиш мақсадида касаба уюшмаси органининг мажлисга кела олмаган кўмита аъзоси (барча касаба уюшмаси органи аъзолари) масофадан туриб видео конференция алоқа тартибида иштирок этиб овоз бериши мумкин, бунда мажлисни ўтказиётган касаба уюшма органи барча жихозларни хозирлаши лозим бўлади.

11. Масаласи кўриладиётган ходим тегишли касаба уюшмаси органи мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Касаба уюшмаси органи ходимнинг мажлисда иштирок этиши учун мажлис ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма шаклда ёки почта орқали хабардор қилиши шарт, масаласи кўриладиётган ходимнинг имконияти бўлса мажлисда масофадан туриб видео конференция алоқа тартибида иштирок этиши мумкин.

Ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли мажлисда иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолда иш берувчининг тақдимномасида кўрсатилган масала юзасидан рад жавоби берилади. Бу ходимнинг меҳнат қобиляти тикланганда қайтадан тақдимнома киритишга тўсқинлик қилмайди.

Ходим мажлисга узрли сабабларга кўра келмаганда, уни кўриб чиқиш кейинга қолдирилади ва иш берувчига бу ҳақда маълум қилинади.

Мажлисни кейинга қолдириш қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат доирасида белгиланади. Мазкур муддат давомида ходимнинг иштирокини

таъминлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, мажлис унинг иштирокисиз ўтказилади.

Ходимнинг мажлисда узрли сабабларсиз иштирок этмаганлиги ёки иштирок этишдан бош тортганлиги тақдимномани унинг иштирокисиз кўриб чиқишга асос бўлади.

12. Тақдимномани кўриб чиқишда касаба уюшмаси органи томонидан иш берувчи ёки унинг вакили таклиф этилиши мумкин.

13. Ходим ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун мажлисга ўз вакилини ёки адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

14. Касаба уюшма қўмитаси мажлисга гувоҳлар, мутахассисларни таклиф қилишга, иш берувчидан муҳокама учун зарур маълумот ва ҳужжатлар олишга ҳақлидир.

15. Касаба уюшмаси қўмитасининг мажлисида баённома юритилади ва тақдимномани кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилинади.

Баённома ва қарор касаба уюшма қўмитаси мажлиси раиси томонидан имзоланади.

16. Баённомада қуйидагилар акс эттирилади:

Мажлис ўтказилаётган жой ва сана, баённоманинг тартиб рақами; ташкилот, касаба уюшма қўмитаси номи ва мажлисда иштирок этган касаба уюшмаси органи аъзолари;

тақдимнома қабул қилинган сана ва унинг мазмуни;

мажлисда иштирок этаётган бошқа шахслар, шу жумладан тарафларнинг вакиллари, гувоҳлар ва мутахассисларнинг лавозимлари, фамилияси, исм, шарифи ва уларнинг масала юзасидан билдирган фикрлари;

тақдимномани кўриб чиқиш жараёнида аниқланган ҳолатлар;

мажлисга ходимнинг таклиф этилганлиги (ходим мажлисда иштирок этмаган ҳолларда);

касаба уюшма қўмитаси қарорининг мазмуни ва унинг ҳуқуқий асоси (қонун ҳужжатлари, жамоа келишуви, жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси ва бошқа локал ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда);

касаба уюшма қўмитасининг қарори ўқиб эшиттирилганлиги (ходим мажлисда қатнашган, шу жумладан он-лайн иштирок этган ҳолларда), унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги;

қарор учун овоз бериш натижалари (ёқлаб ва қарши овоз берганлар, бетарафлар сони). Агар тақдимнома шу касаба уюшмаси органининг аъзосига нисбатан киритилган бўлса, у, яъни манфаатдор шахс овоз беришда иштирок этмайди.

17. Касаба уюшмаси органининг тақдимномани кўриб чиқиш натижалари юзасидан қарори бевосита мажлис баённомасида акс эттирилиши ёки алоҳида қарор кўринишида баённомага илова қилиниши мумкин.

Қарорда (мажлис баённомаси акс эттирилган қарор бундан мустасно) қуйидагилар кўрсатилади:

Қарорни чиқарган касаба уюшмаси органининг номи;

Қарорнинг санаси ва тартиб рақами;

тақдимноманинг мазмуни;

тақдимномани кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган қарор мазмуни.

18. Касаба уюшмаси органи қарорида асослантирилган тарзда тақдимномага розилик бериш ёки розилик беришни рад этиш ҳақидаги тўхтам кўрсатилади.

Қарор далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак.

Башарти, касаба уюшмаси органи иш берувчининг ҳаракатларида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаб ёки бошқа объектив сабабга кўра тақдимномага розилик беришни рад этиш ҳақида тўхтамга келса, қарорда иш берувчининг рад этилган талаблари, шунингдек, ходимнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган талаблар аниқ ва равшан акс эттирилади.

19. Тақдимномани кўриб чиқиш натижаси юзасидан иш берувчи ва масаласи кўрилган ходимга белгиланган тартибда жавоб хати йўлланиб, касаба уюшмаси органининг қароридан нусха (кўчирма) илова қилинади. Ушбу қоида, қарор тарафларга шахсан топширилмаган ҳолларда кўлланилади

20. Башарти, иш берувчи томонидан айнан бир масала юзасидан такроран (такрор-такрор) тақдимнома киритилса, бу тақдимномани (тақдимномаларни) қабул қилишни рад этиш, муқаддам берилган жавобдан нусха юбориш ёки бошқа шаклда кўрмай қолдиришга йўл қўйилмайди. Бундай тақдимнома (тақдимномалар) умумий тартибда кўриб чиқилиши шарт.

21. Касаба уюшмаси органи ўз мажлисида масалани фақат тақдимноманинг мазмуни доирасида муҳокама қилади, яъни тақдимномага розилик бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

#### **IV. Яқуний қоидалар**

22. Касаба уюшмаси органининг қароридан норози бўлган манфаатдор ходим ёки иш берувчи бир ой муддатда юқори касаба уюшмаси органига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

23. Башарти тақдимномада кўрсатилган масала юзасидан розилик беришга рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ва иш берувчи юқори касаба уюшмаси органига шикоят қилса, шикоятни кўриб чиқувчи касаба уюшмаси органи, асослантирган ҳолда, тақдимномани кўриб чиқишда йўл қўйилган хато-камчиликларни, тегишли норматив ҳужжатни нормаларини кўрсатиб, қарорни бекор қилиши ва қарор қабул қилган органидан масалани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақлидир. Шикоятни кўриб чиққан юқори турувчи касаба уюшмаси органи ўзининг қарори ва янгитдан тақдимнома киритиши мумкинлиги ҳақида бир иш кунида иш берувчини хабардор қилади. Бир ҳил мазмундаги иккита

тақдимнома бўйича икки марта бир ҳил қарор қабул қилинган тақдирда, қарор қатъий ҳисобланади.

24. Касаба уюшмаси органининг тақдимномани кўриб чиқишга доир ҳужжатлари қатъий ҳисобга қўйилади ва бир йил муддат давомида сақланади.

25. Ушбу Тартиб қоидалари ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимномани кўриб чиқишга ваколатли бўлган барча касаба уюшмаси органларига ҳам тадбиқ этилади.

26. Касаба уюшмаси ташкилотининг Уставида ушбу тартиб қоидаларига нисбатан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, Устав қоидалари қўлланилади.

*Касаба уюшма қўмитасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш бўйича ҳужжат намуналари*

**Намуна шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби  
касаба уюшма қўмитасининг**

**ҚАРОРИ**

2025 йил 3 июнь

№ 01-02 “с”

Намуна шаҳри

**“Касаба уюшма қўмита мажлисини чақириш тўғрисида”**

1. 1-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитасининг мажлиси **2025 йил 9 июнь куни, соат 11:00** да мактабнинг кичик мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мажлис кун тартибига **“Мактаб ўқитувчиси А.Алимов билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги Тақдимномасини кўриб чиқиш тўғрисида”**ги масала киритилсин.

3. Мажлис юзасидан ўқитувчи А.Алимов ёзма хабардор қилинсин.

4. Мажлисга мактаб директори ёки унинг вакили таклиф қилинсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимов зиммасига юклатилсин.

**Қўмита раиси**

**С.Салимов**

**Намуна шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби  
касаба уюшма қўмитаси**

2025 йил 3 июнь

Намуна шаҳри

**1-умумтаълим мактаби  
кимё фани ўқитувчиси  
А.Алимовга**

**ХАБАРНОМА**

**Ҳурматли Алимжон Алимович,**

1-умумтаълим мактаби директори 2024 йил 2 июнь куни сиз билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра (*Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 4-банди асосида*) бекор қилишга розилик беришни сўраб Тақдимнома киритган.

Шу муносабат билан, Сиздан касаба уюшма қўмитасининг **2025 йил 9 июнь куни, соат 11:00** да мактабнинг кичик мажлислар залида ўтказиладиган мажлисида иштирок этишингизни сўраймиз.

Тақдимнома кўриб чиқиш жараёнида ўз манфаатингизни ҳимоя қилиш учун мажлисга ўз вакилингиз ёки адвокатингизни таклиф қилиш ҳуқуқига эгасиз.

**Қўмита раиси**

**С.Салимов**

*Хабарнома билан танишдим ва бир нусхасини олдим:*

**Сана**

**Имзо**

**А.Алимов**

**Намуна шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби  
касаба уюшмаси кўмитасининг  
МАЖЛИС БАЁНИ**

**2025 йил 9 июнь**

**№01-01**

**Намуна шаҳри**

**Йиғилиш раиси:**

**С.Салимов -** касаба уюшма кўмита раиси

**Йиғилиш котиби:**

**С.Салимова -** касаба уюшма кўмита аъзоси

**Йиғилиш иштирокчилари:** Касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари  
Т.Тошматов, Э.Эркинова, Ж.Жалилова

**Таклиф этилганлар:**

**М.Маматов -** Директор ўринбосари

**А.Алимов –** Кимё фани ўқитувчиси

**КУН ТАРТИБИ:**

**Мактаб ўқитувчиси А.Алимов билан тузилган меҳнат  
шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш  
тўғрисидаги Такдимномани кўриб чиқиш тўғрисида**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб йиғилишни очиб берди ва йиғилиш иштирокчиларини Такдимнома билан таништирди.

Такдимномага кўра кимё фани ўқитувчиси А.Алимов 2025 йилнинг март ойида меҳнат интизоимини бузганлиги сабабли унга нисбатан “Меҳнат кодекси”нинг 312-моддасига асосан “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган. Лекин, умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётган А.Алимов 2025 йилнинг 22-23 май кунлари 2 кун давомида ишда бўлмаган.

2025 йил 26 май куни ўқув ишлари бўйича директори ўринбосари томонидан 2 кун давомида иш келмаганлиги бўйича узрли сабаблар юзасидан тегишли хужжатлар сўралганида, ходим томонидан ҳеч қандай хужжат кўрсатилмаган.

Ходим аввалроқ ўзига қўлланилган интизомий жазо амалда бўлишига қарамадан узрли сабабларсиз меҳнат интизоимини яна бузган.

Иш берувчи ходимни аввал меҳнат мажбуриятларини бузганлиги учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган таъсир чораси қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида ходим томонидан такроран интизомий ножўя ҳаракат содир этилганлиги меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузиш эканлигини инобатга олиб, кимё фани ўқитувчиси А.Алимов билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми, 4-бандига асосан иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраган.

Йиғилиш раиси тақдимномага илова қилинган аввалги интизомий жазо чораси кўрилганлиги тўғрисидаги буйруқ, 2025 йил 26 май кунги интизомий қилмиш аниқланганлиги тўғрисидаги далолатнома, иш берувчига киритилган билдиришнома, ходимнинг тушунтириш хати ва бошқа хужжатлар билан танишиб чиқиши мумкинлигини билдирди.

Шундан сўнг, сўз кимё фани ўқитувчиси А.Алимовга берилди. У ўз сўзида ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 22-23 май кунлари сабабсиз ишга келмаганлигини, бу вақтда дўстлари билан дам олишга кетганлигини билдириб, қайта имконият берилса меҳнат интизомини бузмаслигини ва ушбу ҳолатдан хулоса чиқарганлигини билдирди.

Навбатдаги сўзга чиққан касаба уюшма аъзоси Э.Эркинова ходим А.Алимов болаларга таълим бериш асосий вазифаси бўлиб, дарс вақтида шахсий масала туфайли ишга келмаганлиги, шунингдек илгари берилган жазодан тўғри хулоса чиқармаганлиги иш берувчининг тақдимномаси ўринли эканлигини билдирди.

Барча сўзга чиққанларнинг ахборотлари тинланиб, мактаб директорининг “Мактаб ўқитувчиси А.Алимов билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги Тақдимнома”сига розилик бериш масаласи кўмита аъзолари ўртасида овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра:

Розилар – 5 нафар, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ.

Ходим А.Алимовга қабул қилинган қарор ўқиб эшиттирилди ва қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, касаба уюшмаси кўмитаси

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Мактаб ўқитувчиси А.Алимов билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми, 4-бандига асосан иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишга розилик берилсин.

2. Иш берувчи ва ходимга мазкур мажлисда қабул қилинган қарор маълум қилинсин.

**Йиғилиш раиси**  
**Йиғилиш котиби**

**С.Салимов**  
**С.Салимова**

**Касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари:**

**Т.Тошматов**  
**Э.Эркинова**  
**Ж.Жалилова**

# Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил фаолиятини ташқил қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги  
819-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда (кейинги ўринларда — ташкилотлар) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — вакил) фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларга риоя этилишида жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг йиғилишида очик овоз бериш йўли билан ташкилот ходимлари орасидан касаба уюшмаси ташкилотининг ваколат муддатига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари йиғилишида белгиланган муддатга, лекин камида бир йилга сайланади.

3. Вакиллар номзоди меҳнат жамоасининг аъзолари томонидан сайлов ўтказилишидан камида етти кун аввал бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига тақдим этилади. Бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими билан биргаликда номзодлар билан фаолиятида бажарадиган вазифалари доирасида суҳбат ўтказди ва номзодни сайловга қўйиш борасида ўз қарорини қабул қилади.

4. Номзодлар вакил бажарадиган вазифаларга билими, тажрибаси, саломатлиги ёки бошқа объектив сабабларга кўра тайёр бўлмаса, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари номзодларни қайта кўриб чиқиш таклифи билан меҳнат жамоасига қайтариши мумкин.

5. Ўз лавозимида кўра ташкилотдаги меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги ҳолати учун жавобгар бўлган шахслар, шунингдек, меҳнатни

муҳофаза қилиш хизмати ходимларидан бўлган шахслар вакил этиб сайланиши мумкин эмас.

6. Ташкилотда ишловчиларнинг сонидан, унинг бўлинмалари географик жиҳатдан турли ҳудудларда жойлашганидан, меҳнат шароитларининг хавфлиликдигидан келиб чиққан ҳолда бир неча вакил, шу жумладан, алоҳида бўлинмаларда сайланиши мумкин. Бундай ҳолларда вакиллардан бирига «Бош вакил» мақоми берилади ва у вакилларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Вакилларнинг сайланишини таъминлаш учун жавобгарлик иш берувчи ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига юкланади.

7. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномаларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлайди.

8. Вакил ўз фаолияти тўғрисида жамоа шартномасида ёки жамоа келишувида белгиланган муддатларда, аммо бир йилда камида бир марта меҳнат жамоаси олдида, чорак якуни билан эса бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳисобот беради.

## **2-боб. Вакил вазифалари ва ҳуқуқлари**

9. Қуйидагилар вакилнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

мунтазам равишда мустақил ёки назорат қилувчи органлар билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ходимларга маслаҳат бериш;

тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ходимларни хавфсизлик талаблари бузилганлиги аниқлангани ҳақида огоҳлантириш.

**10. Вакил ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида текшириш далолатномасини тузиш ва иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланганини назорат қилиш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ташкilot раҳбаридан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари тўғрисида, шунингдек, меҳнат фаолияти билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар ва нормалар лойиҳаларини, шунингдек, ташкilotда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли тарафларнинг аралаш жавобгарлигида ташкilot раҳбарияти айби даражаси тўғрисида бошланғич касоба уюшмалари ташкilotига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар талабларини бузган ёки ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан ўзига ҳам, бошқа ходимларнинг соғлиғи ва ҳаётига ҳам таҳдид соладиган ходимларни жавобгарликка тортиш талаби билан иш берувчига ёки таркибий бўлинма раҳбарига мурожаат қилиш;

ходимларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича иш берувчига тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, суд харажатларини тўлашдан озод этилган ҳолда, судга даъво аризаси билан мурожаат этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилгани, шунингдек, меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

11. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги меҳнат жамоасининг, зарур ҳолларда эса касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари номидан давлат, суд ва жамоат ташкилотларида ваколатли вакили ҳисобланади.

12. Вакил ўз фаолиятини ушбу Низомга ва ташкилотнинг ички ҳужжатларига асосан ташкилотнинг мутасадди ходимлари ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

### **3-боб. Иш берувчининг мажбуриятлари**

**13. Иш берувчи вакил фаолиятини йўлга қўйиш учун қуйидагиларга мажбур:**

вакилнинг ҳуқуқларини таъминлаши, унинг фаолиятига кўмаклашиши;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирокида бир ой муддатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган ваколатли шахсларни иш берувчи томонидан тасдиқланган ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишилган дастурлар бўйича иш берувчи маблағлари ҳисобидан ўқитишни ташкил этиши;

вакил вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитларни яратиши, меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар ҳамда бошқа маълумотнома материаллари билан таъминлаши, меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича вакил томонидан киритилган асосли таклифларини амалга ошириш чораларини кўриши;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар ишлаб чиқиладигани ҳақида вакилни хабардор қилиши ва унинг розилигини олиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари тўғрисида, шунингдек, меҳнат фаолияти билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборотни тақдим этиши;

вакилга ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариши учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар ҳафтада камида икки соат давомида ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод этади (бу вақтнинг аниқ давомийлиги ва кунлари жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари келишувига биноан белгиланади).

14. Вакилнинг ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир масалалар юзасидан киритган таклифларини иш берувчи 10 кун муддатда кўриб чиқиши ва қабул қилган қарорлари ҳақида унга ёзма равишда асосли жавоб бериши лозим.

#### **4-боб. Вакил фаолиятининг кафолатлари**

15. Ташкилот бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари сайланган вакилга сайлов ўтгандан кейин уч иш кунидан кечикмай гувоҳнома беради. Гувоҳнома шакли ташкилотнинг локал ҳужжатлари билан тасдиқланади. Вакил ушбу гувоҳномага асосан хизмат кўрсатадиган участканинг барча иш жойларига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

16. Иш берувчи билан вакил ўртасидаги низо, агар низо вакилнинг вакиллик вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлса, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ёки манфаатдор тарафнинг муурожаатига кўра суд тартибида ҳал этилади.

17. Вакилга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг олдиндан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

18. Вакил ўзининг вакиллик вазифаларини бажаргани учун иш берувчи томонидан рағбатлантирилиб борилади. Шунингдек, вакил ушбу вазифалар учун бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилиши мумкин.

19. Жамоа шартномасида ёки жамоа келишувиде касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари таркибига сайланган ва асосий ишидан озод этилмаган ходимлар учун ушбу тоифадаги ходимлар учун белгиланган қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар вакилга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

20. Вакил ўзига юкланган вазифаларни қониқарсиз бажарган ҳолларда бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ташаббуси билан, уни сайлаган органнинг қарори билан муддатидан аввал вазифасидан озод этилиши мумкин.

#### **5-боб. Яқунловчи қоида**

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятидаги  
касаба уюшмаси кўмитасининг**

**ЙИҒИЛИШ БАЁНИ**

**2026 йил 10 март**

**№2**

**Фарғона шаҳри**

**Йиғилиш раиси:** Касаба уюшма кўмитаси раиси С.Салимов

**Йиғилиш котиби:** Касаба уюшма кўмитаси аъзоси Х.Халимова

**Иштирокчилар:** Касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари Ж.Жалилов,  
М.Маликов, У.Умидова, Т.Толипова, И.Исмоилов

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб, касаба уюшма кўмитасининг барча 5 нафар аъзоси иштирок этаётганини инобатга олиб, йиғилиш ваколатли эканлигини билдирди ва кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор билан “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Низомнинг 2-бандида “Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларга риоя этилишида жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида бошланғич

касаба уюшмаси ташкилотининг йиғилишида очик овоз бериш йўли билан ташкилот ходимлари орасидан касаба уюшмаси ташкилотининг ваколат муддатига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари йиғилишида белгиланган муддатга, лекин камида бир йилга сайланади.” деб белгиланган.

Шу билан бирга, Вакиллар номзоди меҳнат жамоасининг аъзолари томонидан сайлов ўтказилишидан камида етти кун аввал бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига тақдим этилади. Бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими билан биргаликда номзодлар билан фаолиятида бажарадиган вазифалари доирасида суҳбат ўтказди ва номзодни сайловга қўйиш борасида ўз қарорини қабул қилиши белгилаб қўйилган.

### **Юқоридагиларни инобатга олиб, касаба уюшма қўмитаси ҚАРОР ҚИЛАДИ.**

**1. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши 2026 йил 10 апрель куни соат 10.00да ўтказилсин.**

**2. Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалаларни киритиш тавсия этилсин:**

- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилни сайлаш тўғрисида.

- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилни лавозим йўриқномаси тўғрисида.

**3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Салимов зиммасига юклатилсин.**

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**С.Салимов**

**Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари:**

**Ж.Жалилов**

**М.Маликов,**

**У.Умидова**

**Т.Толипова**

**И.Исмоилов**

2026 йил 15 март

№1

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти бошланғич касба  
уюшма ташкилоти раиси  
С.Салимовга**

**ТАҚДИМНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор билан “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Низомнинг 3-бандида “Вакиллар номзоди меҳнат жамоасининг аъзолари томонидан сайлов ўтказилишидан камида етти кун аввал бошланғич касба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига тақдим этилади. Бошланғич касба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими билан биргаликда номзодлар билан фаолиятида бажарадиган вазифалари доирасида суҳбат ўтказди ва номзодни сайловга қўйиш борасида ўз қарорини қабул қилади.” деб белгиланган.

Юқоридагиларга асосан жамиятимизнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили учун қуйидаги номзодларни таклиф қиламан.

1. Жамият техника хавфсизлиги бўйича мутахассиси Толибов Толиб Толибович;

2. Жамият режалаштириш бўлими бошлиғи Умидов Умид Умидов.

*Номзодларнинг маълумотномалари илова қилинади.*

**Жамият меҳнат жамоаси аъзоси**

**А.Алимов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятидаги  
касаба уюшмаси кўмитасининг  
ЙИҒИЛИШ БАЁНИ**

**2026 йил 25 март**

**№3**

**Фарғона шаҳри**

**Йиғилиш раиси:** Касаба уюшма кўмитаси раиси С.Салимов

**Йиғилиш котиби:** Касаба уюшма кўмитаси аъзоси Х.Халимова

**Иштирокчилар:** Касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари Ж.Жалилов, М.Маликов, У.Умидова, Т.Толипова, И.Исмоилов

**Таклиф этилганлар:** Жамиятнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари **Олимов Олим Олимович**.

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили учун номзод тавсия қилиш тўғрисида**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб, касаба уюшма кўмитасининг барча 5 нафар аъзоси иштирок этаётганини инобатга олиб, йиғилиш ваколатли эканлигини билдирди ва кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор билан “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Низомнинг 3-бандида “Вакиллар номзоди меҳнат жамоасининг аъзолари томонидан сайлов ўтказилишидан камида етти кун аввал бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига тақдим этилади. Бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими билан биргаликда номзодлар билан фаолиятида бажарадиган вазифалари доирасида суҳбат ўтказди ва

номзодни сайловга қўйиш борасида ўз қарорини қабул қилади.” деб белгиланган.

Жорий йилнинг 2026 йил 15 март куни меҳнат жамоаси аъзоси А.Алимов томонидан жамиятнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили номзоди учун 2 нафар ходимлар, яъни техника хавфсизлиги бўйича мутахассиси Толибов Толиб Толибович ва режалаштириш бўлими бошлиғи Умидов Умид Умидов номзодлари такдим қилинди.

Такдим қилинган номзодлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари билан биргаликда суҳбат ўтказилиб, уларнинг маълумоти кўриб чиқилди.

Низомнинг 5-бандига асосан “Ўз лавозимига кўра ташкилотдаги меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги ҳолати учун жавобгар бўлган шахслар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларидан бўлган шахслар вакил этиб сайланиши мумкин эмас.”деб белгиланганлигини сабабли техника хавфсизлиги бўйича мутахассиси Толибов Толиб Толибович вакил этиб сайланиши мумкин эмас.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўз чиққан меҳнатни муҳофаза қилиш раҳбари О.Олимов режалаштириш бўлими бошлиғи суҳбат якунларига кўра Умидов Умид Умидович номзодини сайловга қўйиш тўғрисида таклиф билдирди.

**Юқоридагиларни инобатга олиб, касаба уюшма қўмитаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили учун жамият режалаштириш бўлими бошлиғи **Умидов Умид Умидович** номзоди бошланғич касаба ушма ташкилотининг умумий йиғилишида ўтказиладиган сайловга қўйилсин.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Салимов зиммасига юклатилсин.

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

**С.Салимов**

**Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари:**

**Ж.Жалилов**

**М.Маликов**

**У.Умидова**

**Т.Толипова**

**И.Исмоилов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти умумий йиғилишининг**

**Б А Ё Н И**

**2026 йил 16 март**

**Фарғона шаҳри**

Бошланғич ташкилотда ҳисобда турадиган касаба уюшмаси аъзолари сони	- 121 нафар
Йиғилишда иштирок этган касаба уюшмаси аъзолари сони	- 92 нафар
Узрли сабабларга кўра иштирок этмаётганлар	- 29 нафар

**Йиғилишни касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Салимов очди.**

Тармоқ касаба уюшмаси устави Устави мувофиқ, умумий йиғилиши ўз ишини бошлашга ваколатли ва очик деб эълон қилинди.

Умумий йиғилишини олиб бориш учун қуйидаги 3 кишидан иборат ишчи раёсат сайлаб олинди:

- 1. Жавлон Жалилов** - “Омад зафари” МЧЖ бош мухандис, цех касаба уюшмаси ташкилоти раиси
- 2. Салима Салимова** – “Омад зафари” МЧЖ раҳбари.
- 3. Салим Салимов**- “Омад зафари” МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Умумий йиғилишнинг ишчи органлари аъзолари сони ҳамда таркиби сайлаб олинди. Жумладан:

Йиғилиш котиби этиб, кадрлар бўлими мудирини Халим Халимов сайланди.

**Умумий йиғилишнинг кун тартиби ҳамда иш тартиби тасдиқланди.**

**Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:**

- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилни сайлаш тўғрисида;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилни лавозим йўриқномаси тўғрисида.

**Иш тартиби бўйича** – маъруза учун **10 дақиқагача**, сўзга чиқувчиларга – **3 дақиқагача** вақт берилиши белгиланди.

**Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга С.Салимов раислик қилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисидаги низом”га асосан Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларга риоя этилишида жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан ташкилот ходимлари орасидан касаба уюшмаси ташкилотининг ваколат муддатига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари йиғилишида белгиланган муддатга, лекин камида бир йилга сайланиши белгиланганлиги ҳақида йиғилиш иштирокчиларига ахборот берди.

**Йиғилиш кун тартибига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил сайлаш масаласи кўриб чиқилди.**

Йиғилишда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил номзоди учун касаба уюшма кўмитасининг 2026 йил 15 мартдаги 12-сонли баёнига мувофиқ **Умидов Умид Умидович** номзоди овозга қўйилди.

Овоз бериш якунларига кўра:

**Умидов Умид Умидовични** ёқлаб – 90 та овоз, қарши – 1 та овоз берилган, бетарафлар – 1 та.

Очиқ овоз бериш натижаларига кўра **Умидов Умид Умидович** кўпчилик овоз билан “Омад зафари” МЧЖнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили этиб сайланди.

**Раислик қилувчи С.Салимов** кун тартибидаги иккинчи масала бўйича тушунтириш бериб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилни лавозим йўриқномаси билан таништирди. Бошқа таклифлар бўлмади.

Йиғилиш иштирокчилар томонидан лавозим йўриқномаси бир овоздан қабул қилинди.

**Кун тартибидаги масалаларнинг барчаси кўриб чиқилди ва йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.**

**Йиғилиш раиси**

**С.Салимов**

**Баёнлаштирувчи**

**Х.Халимов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятининг бошланғич  
касаба уюшмаси ташкилоти умумий йиғилишининг**

**Қ А Р О Р И**

**2026 йил 10 апрель**

**№3-1**

**Фарғона шаҳри**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти меҳнатни муҳофаза  
қилиш бўйича вакилини сайлаш ва лавозим йўриқномасини  
тасдиқлаш тўғрисида**

“Омад зафари” МЧЖ масъулияти чекланган жамияти бошланғич  
касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. “Омад зафари”** масъулияти чекланган жамияти меҳнатни  
муҳофаза қилиш бўйича вакили этиб жамият етакчи мутахассиси **Умидов  
Умид Умидович** сайлансин.

**2.** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилнинг лавозим  
йўриқномаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Раислик қилувчи**

**С.Салимов**

## **Маданий-маърифий ва спорт йўналишида тадбирларни ташкил қилиш тартиби**

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, “Ўзбекистон - 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маърифат соатлари» ўтказилади.

«Маърифат соатлари»нинг Намунавий мавзулари юқори касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан тақдим этилади ҳамда бугунги кун талабига қараб мавзулар ўзгартирилиши мумкин.

Меҳнат жамоаларида «Маърифат соатлари»ни ҳар ойда бир маротаба ўтказиш, мавзу бўйича малакали маърузачиларни белгилаш, бунда уларнинг билими, салоҳияти ва тайёрланган маърузалар мазмунига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Меҳнат жамоаларида «Маърифат соатлари»ни ўтказиш масаласини жамоа шартномасига киритиш орқали иш жараёнига таъсир этмаган ҳолда, иш берувчи билан келишилган вақтда ўтказиш ва барча ишчи-ходимларни жалб этишга эришиш мақсадга мувофиқ.

**Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида умумхалқ байрамлари, тарихий саналар, касб байрамларини нишонлаш, кўрик-танлов ёки бошқа тадбирларни ўтказиш тартиби**

Меҳнат жамоаларида ходимлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ходимлар ва ёшларни ҳаётга онгли муносабатини шакллантириб бориш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш ва турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришга кўмаклашиш касаба уюшмаларининг муҳим йўналишларидан биридир.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида маданий-маърифий йўналишдаги бирор-бир тадбирни – умумхалқ байрамлари, тарихий саналар, касб байрамларини нишонлаш, кўрик-танлов ёки бошқа тадбирларни ўтказиш учун биринчи навбатда касаба уюшмаси кўмитасининг қарори қабул қилинади.

Қарорда ушбу тадбирни ўтказиш бўйича режа, ташкилий кўмита ёки ишчи гуруҳ таркиби, сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади. Кўрик-танлов ўтказилганда Ҳакамлар ҳайъати ҳам тасдиқланади.

Ташкилий қўмита ёки Ишчи гуруҳ таркибига касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари, корхона (ташкilot, муассаса)да меҳнат қилаётган фаол ходимлар киритилади. Маъмурият билан келишилган ҳолда тадбирни ўтказиш вақти ва жойи аниқланади.

Тадбир касаба уюшмаси бюджети сметасининг маданий-оммавий тадбирлар моддасида кўрсатилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, жамоа шартномасига киритиш орқали иш берувчи томонидан ҳам маблағ ажратилиши мақсадга мувофиқдир, қолаверса, ҳомийлар жалб этилиши ҳам мумкин.

Тадбирга корхона (ташкilot, муассаса)да фаолият юритаётган ходимлардан ташқари, тадбир мавзусига қараб меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, маҳалла фаоллари ва ёшларни ҳам жалб этиш мумкин.

Умумхалқ байрамлари ёки тарихий саналарни нишонлашда, аввало, бу байрам ёки саналарнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилади. Бунинг учун жойлардаги маънавий тарғиботчиларини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг имконияти бўлмаган тақдирда, ушбу ҳудуддаги мактабларнинг ўқитувчилари имкониятидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, корхонада фаолият юритаётган, мазкур масалани яхши биладиган фаол ходимларни жалб қилиш тавсия этилади.

Тадбирнинг иккинчи қисми бадий қисм бўлиб, бунга санъаткорларни, маданият саройи бадий жамоаларини, ҳудуддаги мактаб ўқувчиларини ёки мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини таклиф этиш мумкин.

Агар тадбир умумхалқ ёки касб байрамларини нишонлашга бағишланган бўлса, тадбир сўнггида ишлаб чиқариш илғорлари, касаба уюшмаси фаолларини тақдирлаш мумкин.

Касаба уюшмаси қўмитаси номидан ушбу тадбирни ўтказиш бўйича фаол ташкilotчилар ва иштирокчилар рағбатлантирилади, ушбу тадбирни ўтказиш бўйича қабул қилинган қарор назоратдан чиқарилади.

### **Бошланғич касаба уюшмаси ташкilotида маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича тавсиялар**

Маданий-оммавий тадбирлар – бу ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкilotлаштириш, ижодий иқтидорларини ривожлантириш орқали дунёқарашини бойитиш, ўсиб келаётган авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшаш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлардир.

Маданий-оммавий тадбирлар касаба уюшмаси ташкилотининг иш режасига асосан амалга оширилади. Тадбирларни ўтказиш бўйича касаба уюшмаси ташкилоти томонидан ташкилий қўмита, ишчи гуруҳ ёки комиссия тузилади.

Агар тадбир иш вақтида ўтказиладиган бўлса, иш берувчи билан келишиш шарт. 100 нафардан ортиқ киши қатнашадиган тадбир тўғрисида қатнашчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан келишилади.

Касаба уюшмаси томонидан ўтказиладиган тадбирлар смета асосида касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан ёки бўлмаса тузилган жамоа шартномасига кўра иш берувчи томонидан маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

# **Касаба уюшмалари тизимида маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМ**

## **I. Умумий қоидалар**

Республикамизда меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини ташкиллаштириш, уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишларига ҳисса қўшиш, ижодий иқтидорларини ривожлантириш орқали дунёқарашларини бойитиш, ўсиб келаётган авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш, миллий истиқлол ғоялари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшаш ҳисларини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар касаба уюшмаларининг маданий-оммавий тадбирларини ташкил этади.

Ушбу Низом касаба уюшма ташкилотларида маданий-оммавий тадбирларнинг ўтказилиш тартибини белгилайди.

## **II. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказишдан мақсад**

Меҳнаткашлар ҳамда ёшлар ўртасида маданий-оммавий тадбирлар кўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

-бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши ғоявий ва информацион хуружлар, улар ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини инсонлар онгига етказиш;

-Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқларини англатиш орқали одамларда ифтихор туйғусини тарбиялаш;

-истіқлол туфайли қайта туғилган қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар, урф-одатларимизда мужассам бўлган эзгулик, бағрикенглик, ҳурфикрлик фазилатларини ёшлар онгига сингдириш, халқимизнинг ўзига хос жиҳатлари, бой маданияти ва маънавиятини тарғиб этиш;

-ўсиб келаётган ёш авлодни аجدодлардан қолган тарихий анъаналарга ва Она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур, шукроналик фазилатларини шакллантириш;

-ёш авлодни конституцион қонунларни ўрганишга, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олишга ўргатиш;

-меҳнаткашларнинг ва ёшларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаган ҳолда яшаши ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

-мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамлари ва тарихий саналарнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини меҳнаткашлар ва улар фарзандлари онгига етказиш;

-меҳнаткашлар ва ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини ташкил этишда фаол қатнашиш;

-меҳнаткашлар, айниқса ёшларнинг ҳаётга қизиқишларини орттириш, ҳар томонлама комилликка интиштириш, маънан ва руҳан бойитиш;

-ўзаро меҳр-оқибатни жамиятнинг оммавий фазилатига айлантириш;

-касб байрамларини нишонлаш ҳамда касбга оид кўрик-танловлар ўтказиш орқали ишчи-ходимларнинг ўз касбларига бўлган муҳаббатини шакллантириш;

-меҳнаткашлар ва ёшларнинг санъат ва адабиётга бўлган қизиқишларини ўстириш, улар орасида бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш;

-улар онгига соғлом турмуш тарзининг ижобий хислатларини сингдириб бориш;

-диний ақидапарастликнинг барча кўринишларига, юрт тинчлиги ва осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг иймон эътиқоди ва ишончига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва тушунчага нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш;

-ғиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ичкиликбозлик каби барча жирканч кўринишларга қарши жамоатчиликнинг салбий муносабатини шакллантириш;

-касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини кўтариш, меҳнаткашларнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашдаги фаолиятини кенг оммага етказиш.

### **III. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш усуллари**

**Давра суҳбатлари, маърузалар** – миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшаш ҳисларини шакллантириш, кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, уларнинг ғоявий-ахлоқий тарбиясини юқори даражага кўтариш, ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишиш, улар онгига соғлом турмуш тарзини сингдиришга йўналтирилган мавзуларда мутахассислар иштирокида ўтказилади.

**Учрашувлар** – адабиёт ва санъат намоёндалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш ва илм-фан илғорлари, маҳалла фаоллари, иқтидорли ёшлар билан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида турли мавзуларда ўтказилади.

**Кўрик-танловлар** – ишчи-ходимларнинг ўз касбига бўлган кўникма ва малакаларини янада ривожлантириш, мусобақалашув орқали энг яхшиларини аниқлаш мақсадида касбий кўрик-танловлар, бадий ҳаваскорлик жамоалари, корхона, ташкилот, муассасаларда хизмат қилаётган санъатсевар меҳнаткашлар, талаба ва ўқувчилар ўртасида адабиёт ва санъат йўналишида ёки ёшлар ўртасида тури мавзуларда ўтказилади.

**Фестиваль** – оммавий байрам, санъатнинг мусиқа, театр, кино ва бошқа йўналишларидаги энг яхши ютуқларини кенг халқ оммасига намойиш этиш орқали ўтказилади.

**Саёҳатлар** – меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни дунёқарашларини кенгайтириш, ўтмишда бўлиб ўтган ва ҳозирги замонда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ўзгаришлар, халқимизнинг буюк бунёдкорлик мерослари билан таништириш мақсадида диёримизнинг тарихий ва диққатга сазовар жойлари, муборак қадамжолар ва мустақиллик йилларида барпо этилган гўзал масканларига уюштирилади.

**Тўғарак машғулоти** – меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, ўз қизиқишларига мос интеллектуал салоҳиятларини ошириш мақсадида маданият муассасаларида ташкил этилади.

**Бадий ҳаваскорлик жамоаларига бирлашиб фаолият юритиш** – касба уюшмалари тизимидаги, корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги маданият саройлари, уйлари, клубларда ёки айрим меҳнат жамоаларида, шу билан бирга таълим муассасаларида санъатга шайдо, иқтидорлардан ташкил топади. Бадий ҳаваскорлик жамоалари ўз дастурлари билан маданий-оммавий тадбирларда иштирок этадилар, кўрик-танлов ва фестивалларда қатнашадилар.

**Оммавий тадбирлар** – умумхалқ байрамлари, миллий байрамлар нишонланиши ҳамда бошқа муносабат билан ўтказилади. Ҳар бир оммавий тадбирнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг халқ оммасига тушунтириш ва тарғиб қилиб бориш лозим.

**Концерт** – меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун таниқли санъаткорлар, ҳаваскор хонандалар ёки бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида ташкил этилади.

**Илмий ва ижодий конференция** – усулида танланган мавзунини ҳар томонлама кенг ёритиш бўйича бир неча иштирокчиларнинг тайёрлаган маърузалари тингланади ва муҳокама қилинади. Конференцияда бадий қисм бўлмайди.

**Мунозара, илмий баҳслар** – бирон-бир мавзу ёки бирон-бир китоб (асар)га бағишлаб ўтказиладиган тадбир бўлиб, қатнашчиларни эркин фикрлашга ўргатади, билим даражасини оширади.

**Китоб кўргазмалари** – кутубхона ёки бошқа маданий-оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда, махсус ёки турли тадбирлар билан ҳамроҳанг равишда маълум бир мавзуда, муҳим унутилмас саналарга бағишлаб ёки кенг қамровли умумлаштирилган йўналишларда кутубхона ташкил этилиб, меҳнаткашлар, айниқса ёшларни китоб оламида яратилган ва яратилаётган турли босма нашрлар билан таништириш мақсадида ўтказилади.

**Дам олиш кечалари, мавзули кеча** – жуда муҳим мавзуга, китобларни тарғиб қилишга, таниқли шахсларнинг ижодига, фан ва техника ютуқларига, шу куннинг воқеаларига, адабиёт ва санъат жанрларига бағишланган бўлади ва сиёсий, илмий, фан ва техника, халқаро ҳаёт ҳамда маданият янгиликлари билан оммани таништиради. Кечада бадиий қисм бўлади.

**Ўтқир зеҳнлилар баҳслашувлари** – меҳнаткашлар, айниқса ёшларнинг ақлий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи, топқирлик ва билимдонлигини аниқловчи, “Заковат”, “Ўтқир зеҳнлилар мусобақаси”, “Ўйла, изла, топ!”, “Қувноқлар ва зукколар” ва бошқа номлар билан ўтказиш кенг тарқалган усуллардан бири.

#### **IV. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш қодалари**

Ушбу тадбирлар касаба уюшма қўмиталарининг иш режасига асосан ёки алоҳида тасдиқланган тадбирлар режаси орқали амалга оширилади. Тадбирларни ўтказиш бўйича касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкилий қўмита, ишчи гуруҳи ёки комиссия тузилади. Касаба уюшма қўмитасининг маданий-оммавий ишлар бўйича комиссиялари бунда фаолликни ўз қўлларига оладилар.

Агар тадбирлар иш вақтида ўтказиладиган бўлса, иш берувчи билан келишиш шарт. 100 нафардан ортиқ киши қатнашадиган тадбирлар тўғрисида, қатнашчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, давлат ҳокимиятининг тегишли органлари билан келишилади.

#### **V. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказишни молиялаштириш**

Касаба уюшмалари томонидан ўтказиладиган барча тадбирлар смета асосида касаба уюшмалари маблағларидан ҳамда иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаларида белгиланганига кўра маълум миқдорда иш берувчи томонидан маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

# **Касаба уюшмалари тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМ**

## **1. Умумий қоидалар.**

Касаба уюшмалари тизимида ўтказиладиган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини тизимли ташкил этиш, республика, вилоят, шаҳар, туманлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, улар орасида турли спорт турлари асосида оилавий мусобақаларни ташкил этиш, ташкилотларда тадбирларни ташкил этиш учун тегишли шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш, спорт ўйинлари ва жисмоний машқларга қизиқтириш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, мусобақалар, спартакиадалар орқали саломатлигини тиклашга қаратилган оммавий спорт тадбирларни ташкил қилиш.

Ушбу Низом касаба уюшма ташкилотларида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларнинг ўтказилиш тартибини белгилайди.

## **2. Мақсад ва вазифалар.**

Ходимлар ўртасида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари куйидаги мақсадларда амалга оширилади:

меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида оммавий жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ҳамда доимий тарзда такомиллаштириб бориш;

меҳнаткашлар, ёшлар ва айниқса аёлларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини ташкил этиш;

корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий мусобақалар, спартакиадалар ва бўш вақтдан оқилона фойдаланишга ёрдам берувчи спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш;

ходимларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, турли спорт тадбирларини ташкил қилиш орқали саломатликларини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган ходимлар гимнастикасини ўтказилишини таъминлаш;

ходимлар орасида спортнинг саломатликка ижобий таъсирларини сингдириб боришга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишда касаба уюшмаларининг ролини кучайтиришга кўмаклашишдан иборат.

### **3. Оммавий соғломлаштириш тадбирларни ўтказиш қоидалари.**

Қасаба уюшмалари тизимида ўтказиладиган барча оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари дастурига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу дастур ҳудудий кенгашлари тақдим этган таклифлар асосида тармоқ қасаба уюшмалари Республика Кенгашларининг масъул ташкилотчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Ҳар бир ўтказиладиган спорт тадбири учун уни ўтказиш Низоми, сарф-харажатлар сметаси ва ҳудудий Кенгашлари тармоқ қасаба уюшмалари Республика Кенгашларининг масъул ташкилотчилари иштирокида қўшма қарор қабул қилинади. Тадбирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита, ишчи гуруҳи тузилади. Маълум бир спорт тури бўйича Низом ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги талаблар белгиланади:

спорт жамоаси таркиби, иштирокчиларнинг сони;

қатнашчиларнинг жинс ва ёш тоифалари;

республикада тасдиқланган қоидаларга мувофиқ натижаларни баҳолаш тизими;

спорт турлари бўйича спорт анжомлари билан таъминлаш;

буюртмаларни бериш тартиби ва муддати, шаклини, буюртма берувчи ташкилот раҳбариятининг имзоси ва муҳри;

мусобақаларнинг ўтказилиш жойи ва вақти;

мусобақалар қатнашчиларининг келиш ва кетиш кунлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартиби;

мусобақаларнинг молиявий шартлари, харажатларни қоплаш бўйича молиявий мажбуриятларда қуйидаги шартларга алоҳида эътибор қаратиш:

қатнашчиларнинг тадбир бўладиган жойгача, у ердан қайтишдаги йўл харажатлари ва хавфсизлиги;

қатнашчиларнинг тадбирда қатнашадиган вақтдаги яшаш харажатлари;

қатнашчиларнинг тадбирда қатнашадиган вақтдаги овқатланиш харажатлари;

қатнашчиларнинг тадбирлар давомида йўлда ўтадиган вақти учун суткалик харажатлари;

спорт ҳакамларининг меҳнат ҳақи, ягона ижтимоий тўлов;

спорт иншоотларини, шунингдек бошқа биноларни ижарага олиш;

спорт анжомлари ва ускуналарини ижарага олиш;

тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

жамоат тартибини сақлаш;

канцелярия анжомлари билан таъминлаш;

ғолиб ва совриндорларни мукофотлаш учун совғалар (қимматбаҳо совғалар, кубоклар)ни тайёрлаш ёки сотиб олиш;

ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш учун дипломларни тайёрлаш ёки сотиб олиш.

Агар тадбирларда 100 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашадиган бўлса, тадбир ўтиш кунидан 1 ой олдин муддатда қатнашчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳокимият ва ички ишлар органларига мурожаат қилиниши шарт.

#### **4. Спорт тадбирларини молиялаштириш тартиби**

**4.1.** Тадбирларни ўтказиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан қабул қилинган қўшма қарорлар билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси асосида касаба уюшмалари маблағлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

**4.2.** Оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларида хизмат кўрсатиш учун спорт ҳакамлари ва котибларига тўланадиган бир кунлик тўлов миқдорлари.

<b>Ҳакамлар лавозимлари</b>	<b>Ҳакамлар тоифалари</b>			
	<b>ХК/МК</b>	<b>ОТ</b>	<b>1-т</b>	<b>С/Х</b>
Бош ҳакам	24%	22%	21%	-
Бош котиб	24%	22%	21%	-
Бош ҳакам ўринбосари	22%	21%	19%	-
Бош котиб ўринбосари	22%	21%	19%	-
Ҳакамлар	21%	19%	18%	16%

(Энг кам ойлик иш ҳақининг белгиланган миқдорига нисбатан коэффициентларда)

***Изоҳ. Спорт ҳаками малакасининг шартли белгилари:***

***ХТ - халқаро тоифали; МТ - миллий тоифали; ОТ - олий тоифали;***

### ***1-т - биринчи тоифали; С/Х - спорт бўйича ҳакам.***

тўловлар миқдорлари мусобақаларнинг бир кунига хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган, битта ўйин учун хизмат кўрсатганлик учун тўловлар амалга ошириладиган спортнинг жамоавий ўйин турлари бундан мустасно;

ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг бош ҳакам томонидан имзоланган рўйхати мусобақаларга хизмат кўрсатганлиги учун ҳакамларга тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади;

мусобақаларга хизмат кўрсатганлик учун ҳакамларга тўлов мусобақалар ўтказиладиган жойда, мусобақани ўтказиш бўйича қарор билан тасдиқланган сарф-ҳаражатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади;

спорт мусобақаларига хизмат кўрсатганлик учун ҳакамларга тўлов уларга кўрсатиладиган, Низомда назарда тутилган моддий таъминот (овқатланиш, яшаш)нинг бошқа турларидан қатъи назар, амалга оширилади.

**4.3.** Касаба уюшмалари тизимида ўтказиладиган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш.

**1. Ғолибларни тақдирлаш учун эсдалик совғалари қиймати қуйидаги тартибда белгиланади:**

**а) туман, шаҳар миқёсида мусобақаларини ўтказишда:**

1-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **3 бараваригача;**

2-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **2 бараваригача;**

3-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **1 бараваригача;**

**б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида мусобақаларини ўтказишда:**

1-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **6 бараваригача;**

2-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **5 бараваригача;**

3-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **4 бараваригача;**

**в) Республика миқёсида мусобақаларни ўтказишда:**

1-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **9 бараваригача;**

2-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **8 бараваригача;**

3-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **7 бараваригача.**

**4.4.** Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ташкиллаштириладиган барча спорт-соғломлаштириш мусобақаларида, хусусан спартакиадалар, спорт турлари бўйича турнирлар ва бошқа спорт тадбирларида 1-,2-,3-ўрин ғолибларига эсдалик совғаларидан ташқари, тегишли қийматдаги медаллар ва дипломлар берилиши мумкин.

Шунингдек, мусобақалар қатнашчиларини рағбатлантириш мақсадида 1-,2-,3-ўринлар учун, совға мукофотларига қўшимча равишда, қуйидаги номинациялар бўйича алоҳида совғалар таъсис этилиши мумкин:

1. Ғалабага бўлган иштиёқи учун;
2. Энг малакали спортчи;
3. Энг ёш спортчи;
4. Спорт тадбирини тайёрлаш ва ўтказишдаги фаол иштироки учун;
5. Оммавий спортни ривожлантиришдаги муносиб ҳиссаси учун.

**4.5.** Номинациялар республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидаги миқдорлари қийматига эга бўлган совғалар тарзида таъсис этилади:

а) корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган тадбирлардас энг кам ойлик иш ҳақининг **1 бараваригача**;

б) туман, шаҳар миқёсида ўтказиладиган тадбирларда энг кам ойлик иш ҳақининг **2 бараваригача**;

в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тадбирларда энг кам ойлик иш ҳақининг **3 бараваригача**;

г) республика миқёсидаги якуний босқични ўтказишда энг кам ойлик иш ҳақининг **5 бараваригача** миқдорда.

# Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланиш тартиби

ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

РАЁСАТ

O'ZBEKISTON  
KASABA UYUSHMALARI  
FEDERATSIYASI KENGASH

RAYOSAT

ҚАРОРИ  
QARORI

Тошкент ш.  
Toshkent sh.

2013 йил 26 январь

№ 9-24

## Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланишга оид Йўриқномаларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2012 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 6-2 сонли қарорига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

### 1. Қуйидагилар:

“Ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” **1-иловага;**

“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисидаги Йўриқнома” **2-иловага;**

“Касаба уюшма ташкилотлари томонидан йўлланмалардан мақсадли фойдаланишни ўрганиш комиссияси тўғрисидаги Низом” **3-иловага;**

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан йўлланмалардан мақсадли фойдаланишни ўрганиш комиссияси таркиби **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**2.** Мазкур Йўриқномалар ва Низом жорий йилнинг **1 февралидан** бошлаб кучга киритилиши белгилаб қўйилсин.

**3.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими (Н.Ишанханова), молия бўлими (Ж.Ҳамзаев)ларга бир ой муддат ичида Йўриқномаларни чоп этиш билан боғлиқ харажатларга маблағ ажратиш, **Ишлар бошқармаси** (Б.Юлдашев)га

Йўриқномаларни чоп этишни ташкил этиш, уларни ижрочиларга етказиш вазибалари топширилсин.

**4.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил 27 апрелдаги ““Санаторий йўлланмаларини режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, ҳисоботи ва бериш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг янги тахририни тасдиқлаш тўғрисида”ги **2-13 сонли қарори 2013 йил 1 февралдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

**5.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси**

**Т.Нарбаева**

*Мазкур Йўриқномага Ўз.КУФК Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-12 сонли қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.*

**Ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида**

**ЙЎРИҚНОМ А**

**I. Йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш ва сотиш тартиби**

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси ҳар йили касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларнинг йўлланмаларини чиқариш режасини тузади.

2. Йўлланмаларни чиқариш режаси санаторийлар томонидан тақдим этилган қабул жадваллари асосида, даволаш ихтисослашуви, йил мавсумлари, санаторийлардаги мавжуд ва фойдаланишга топшириладиган биноларнинг қабул қилиш қувватини ҳамда капитал таъмирлашга (қайта қуриш) тўхтатилиш муддатлари режасини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Сотиб олинадиган йўлланмада даволаниш муддати Санатор-курортлар бошқармаси Ҳайъат мажлисининг қарори билан белгиланади ва битта йўлланмадан фақат бир киши фойдаланади.

3. Янгидан фойдаланишга топшириладиган (қайта қуриладиган) санаторийларга йўлланмалар, улар даволанувчиларни қабул қилишга амалда тайёр бўлган вақтдан бошлаб чиқарилади. Қўшимча чиқарилган йўлланмалар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари (бундан буён матнда “бирлашма” деб юритилади) билан олдиндан келишилган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тақсимланади. Йўлланмада “ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан қўшимча” штампи қўйилади.

Санатор-курортлар бошқармаси томонидан келгуси йил учун йўлланмалар чиқариш режаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳар йилнинг 1 октябрига қадар тақдим этилиши лозим.

4. Бирлашмалар туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталаридан келгуси йил учун санаторийлар бўйича чоракларга (мавсумий эҳтиёжни назарда тутган ҳолда) тақсимланган талабномаларни йиғиб, тармоқлар кесимида жамлайди ва бирлашма бўйича жамланган талабномани ҳар йилнинг 15 сентябрига қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этадилар.

**4.1.** Ҳар бир касаба уюшмаси қўмитаси йўлланма олиш учун навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китобини юритади. Навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китоби асосида ҳар йилнинг 1 сентябригача келгуси календарь йил учун йўлланмаларга талабнома тузиб, юқори касаба уюшмаси ташкилотига тақдим этади.

Касаба уюшмаси қўмитаси тузилмаган жойларда иш берувчининг ёзма муурожаати асосида, йўлланма ажратиш бўйича талабномаларини тўғридан тўғри худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларига тақдим этади.

**5.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими Санатор-курортлар бошқармаси томонидан тақдим этилган йўлланмаларни чиқариш режасига асосланиб, бирлашмаларнинг молиявий имкониятлари ҳамда улар томонидан тақдим этилган талабномаларни эътиборга олган ҳолда йўлланмаларни тақсимлаш режаси лойиҳасини тузиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсатига тасдиқлаш учун киритади ва уни **ҳар йилнинг 1 ноябригача** худудий бирлашмалар ва Санатор-курортлар бошқармасига юборади.

Бирлашмаларга йўлланмаларни тақсимлаш режаси вилоят худудида жойлашган касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг қабул қилиш қувватидан имкон борича кўпроқ фойдаланган ҳолда тузилади..

**6.** Бирлашмалар тармоқларнинг молиявий имкониятларини инобатга олган ҳолда йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузиб, раёсат қарори билан тасдиқлайдилар ва **ҳар йилнинг 15 ноябригача** туман, шаҳар касаба уюшма кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталарига етказадилар.

**7.** Туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режаси асосида йирик касаба уюшма қўмиталари бўйича (300 ва ундан зиёд ходимлар хизмат қиладиган) йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузадилар ва тасдиқлайдилар. Қолган йўлланмалар эса, йўлланмаларни тақсимлаш режасининг алоҳида «Бошқа касаба уюшма қўмиталари» сатрида акс эттирилади.

**8.** Бирлашмалар касаба уюшма ташкилотлари талабномаларига мувофиқ, бошқа идораларга қарашли санаторийларнинг йўлланмаларини қўйидаги шартлар бажарилган тақдирда сотиб олишлари мумкин:

- касаба уюшмалари йўлланмаларининг ўртача баҳосидан юқори бўлмаган нархларда;

- касаба уюшмалари санаторийларига тақсимлаш режасига мувофиқ ажратилган йўлланмалар тўлиқ олинган ҳолда;

- Санатор-курортлар бошқармасига аввал олинган йўлланмалар учун қарзлар тўлиқ қайтарилган ҳолда;

- бюджетнинг «санаторий-курортларда даволаниш» моддасида кўзда тутилган маблағлар ортиб қолган тақдирда.

Имкон борича кўпроқ ходимларни даволаш мақсадида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан қиммат нархдаги, шунингдек люкс-палаталарга йўлланмалар сотиб олиш ман этилади.

**9.** Талаб бўлмаган ҳолда бошқа идоралар тасарруфидаги санаторийларга йўлланмалар ажратилишга рухсат берилмайди.

**10.** Йўлланмаларни йил мавсумлари бўйича тақсимлашда таълим, фан ва маданият, агросаноат мажмуи тармоқлари ҳамда бошқа тармоқларга қарашли иш фаолияти мавсумий тусга эга бўлган ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

**11.** Санатор-курортлар бошқармаси касаба уюшма ташкилотларига йўлланмаларни тасдиқланган тақсимлаш режасига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган нархларда сотади.

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар тижорат устама нархларсиз сотилади.

Санатор-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда кузги-қишги давр учун санаторий йўлланмалари нархларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Санатор-курортлар бошқармаси ҳар йили 1 декабрга қадар бирлашмалар билан келгуси йил йўлланмаларини сотиш бўйича шартномалар тузади.

**12.** Бирлашмалар сотиб олинган йўлланмалар учун пул маблағларини шартномаларда кўзда тутилган муддатларда ўтказадилар.

**13.** Санатор-курортлар бошқармаси бирлашмаларга йўлланмаларни куйидаги муддатларда беради:

- I чорак учун 1 декабргача;
- II чорак учун 1 мартгача;
- III чорак учун 1 июнгача;
- IV чорак учун 1 сентябргача.

Тасдиқланган йўлланмалар тақсимлаш режасининг бажарилиши бўйича масъулият бирлашма раислари зиммасига юклатилади.

Объектив сабабларга кўра ҳамда тақсимлаш режасига мувофиқ бирлашмалар томонидан йўлланмаларни тўлиқ сотиб олиш имконияти бўлмаган ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими Санатор-курортлар бошқармаси билан биргаликда режага ўзгартириш киритишга ҳақли.

Санатор-курортлар бошқармаси касаба уюшма ташкилотларига ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинаётган йўлланмаларни беришдан аввал уларга: «Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ҳақи тўланган. Қайта сотиш мумкин эмас» деган штамп қўяди.

**14.** Бирлашмалар туман ва шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ҳамда касаба уюшма кўмиталарига йўлланмаларни улар амал қилиш муддатидан 30 кун аввал беради.

Бирлашма кенгаши раёсатида тасдиқланган режа бўйича туман (шаҳар) кенгашлари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ўз вақтида олинмаган ва улар томонидан бирлашмага қайтарилган йўлланмалар, талабнома асосида бошқа тармоқ касаба уюшмаси қўмиталарига берилади.

**15.** Йўлланмалар берилишида счет-фактура 2 нусхада ёзилади. Уларда сўхатгоҳнинг номи, йўлланмалар рақами, йўлланмаларнинг сони ва муддати, ҳар бир йўлланманинг нархи ва барча йўлланмаларнинг умумий қиймати кўрсатилади.

**16.** Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан талаб қилиб олинмаган йўлланмалар Санатор-курортлар бошқармаси томонидан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга келишилган нархларда сотилади.

## **II. Йўлланмаларни бериш тартиби**

**17.** Ходимга даволаниш учун йўлланма унинг иш жойидаги касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ўрнатилган навбат бўйича берилади.

Касаба уюшмаси қўмитаси тузилмаган жойларда иш берувчининг ишончномасига асосан бирлашма томонидан йўлланма ажратилади.

Ходимлардан тушган барча аризалар йўлланма олиш учун навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китобига киритилади ва уларга йўлланма олиш учун навбат белгиланади (1-илова).

**18.** Ходим ижтимоий суғурта ёки касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олишдан қатъий назар, унга икки йилда бир маротаба йўлланма берилади.

**19.** Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинмаган йўлланмалар:

- 10 фоизгача – бепул;
- 90 фоизгача – қиймати қисман ундирилган ҳолда берилади.

Йўлланмалар қийматининг ундириладиган миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланади.

**20.** Йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қийматини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- банк муассасалари орқали “Эълон” бўйича нақд пул ёки пластик карточка орқали бирлашманинг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади;

- касаба уюшма қўмитаси ёки туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари кассасига нақд пулда тўланади;

- корхона бухгалтерияси томонидан ходимнинг аризасига кўра иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Олинган йўлланма учун ходим томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари кассасига тўланган нақд пул тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг, кассага кирим қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда банк муассасаларига

топширилиб, бирлашманинг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан йўлланмаларга маблағ тўлаш учун ёзиладиган банк ҳужжатларида тўлов мақсадлари тўлиқ ва аниқ кўрсатилиши (йўлланма олувчининг Ф.И.Ш, йўлланма рақами, санаторий номи) шарт.

Йўлланманинг қисман қиймати ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган ҳолда, корхона бош бухгалтери ушлаб қолинган маблағни бирлашманинг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун жавобгардир.

Йўлланманинг қисман қиймати ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун бирлашмалар, туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари раислари, бош бухгалтерлари ҳамда касаба уюшма қўмиталари раислари жавобгардир.

**21.** Йўлланманинг қисман ёки тўлиқ қиймати тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қоғози (квитанция) тақдим этилмагунча йўлланма берилмайди.

**22.** Миокард инфарктининг ўткир хуружидан сўнг беморлар санаторийда даволанишни давом эттиришлари учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар соғлиқни сақлаш органлари тавсиясини эътиборга олган ҳолда умумий асосларда берилади.

**23.** Санаторийда даволаниш учун бепул йўлланмалар биринчи навбатда ишловчи:

байналмилалчи жангчиларга;

ядро полигонларида ва ядро-радиацияси мавжуд объектларда ҳарбий хизматини ўтаган шахсларга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сонли қарорига асосан);

ўз ҳарбий бурчини бажариш пайтида соғлиғига шикаст етганларга;

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганларга;

Ўзбекистон Республикаси олдида хизмат кўрсатганларга;

меҳнат фахрийлари ва ногиронларига;

кўп болали (тўрт ва ундан ортиқ бола), кам таъминланган оилаларнинг меҳнат қиладиган аъзоларига берилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тоифадаги ходимлардан талабномалар бўлмаган ҳолларда, бепул йўлланмалар мазкур йўриқноманинг 19-бандига амал қилган ҳолда бошқа ишловчи касаба уюшма аъзоларига берилади.

**24.** Касаба уюшма ташкилотлари мавсумий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда бепул йўлланмаларни бериш меъёрларини тартибга солиши мумкин.

**25.** Санаторийда даволаниш учун йўлланмалар касаба уюшма қўмитасининг, у тузилмаган жойларда эса корхона маъмурияти томонидан тузилган ижтимоий суғурта бўйича комиссиянинг қарори асосида берилади.

Касаба уюшма ташкилотлари йўлланмаларни ажратишда ва уларни тўлови бўйича имтиёзлар беришда ижтимоий адолат тамоилларига амал

қилишлари, аниқ йўналишга эга бўлишлари ҳамда йўлланмаларни меҳнат жамоасининг ижтимоий тузилмасига мос равишда тақсимлашлари лозим.

Бу масалалар ҳамжиҳатликда кўриб чиқилиши, қабул қилинган қарорлар ошқора эълон қилиниши зарур.

Касаба уюшма кўмиталари ажратилган йўлланмалар тўғрисида ходимлар олдида ҳисобот беришлари лозим.

Йўлланмаларни касаба уюшма кўмитаси раиси ёки бошқа аъзоларининг кўрсатмаси бўйича бериш таъқиқланади.

**26.** МДХ ва хорижий мамлакатларнинг санаторийлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий-санитария бирлашмаси (Кисловодск ва Ялта шаҳарларида жойлашган “Ўзбекистон” дам олиш-соғломлаштириш санаторийларидан ташқари) санаторийлари йўлланмаларининг ҳақи ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан тўланмайди.

**27.** Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалардан узрли сабабга кўра фойдаланишнинг иложи бўлмай қолган ҳолларда, туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва касаба уюшма кўмиталари уларни амал қилиш муддати бошланишидан камида 15 кун олдин бирлашмаларга қайтариши зарур. Йўлланмани қайтаришдаги счет-фактурага қайтариш сабаблари кўрсатилган тушунтириш хати илова қилиниши лозим.

Бирлашма томонидан қабул қилинган йўлланма учун туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва касаба уюшма кўмиталарига ишонч қоғози берилади.

**28.** Бирлашмалар қайтарилган йўлланмалардан бошқа касаба уюшма ташкилотлари фойдаланиши чораларини кўради.

Йўлланмалар талаб қилинмай қолса, бирлашма йўлланмаларни амал қилиш муддати бошланишидан камида 10 кун олдин Санаторий-курортлар бошқармасига қайтариши зарур.

Бу ҳолда йўлланмаларнинг тўлиқ қиймати бирлашмаларга қайтарилади.

**29.** Касаба уюшма ташкилотлари ходимни, аввал олган йўлланмадан узрли сабабсиз фойдаланмаганлиги ёки уни бошқа шахсга берганлиги учун, маълум муддатга йўлланма олиш ҳуқуқидан маҳрум қилишлари мумкин.

**30.** Ходимларга даволаниш учун йўлланмалар, уларнинг амал қилиш муддати бошланишидан камида 20 кун аввал берилади.

**31.** Ходим йўлланма олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- меҳнат таътили берилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
- йўлланма қиймати тўлиқ ёки қисман тўлангани тўғрисидаги тўлов

қоғози (квитанция);

**32.** Ходимга берилган йўлланма, олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт асосида), иш жойи, лавозими, йўлланма берган касаба уюшма ташкилотининг номи кўрсатилган ҳолда тўлдирилиши ҳамда касаба уюшма ташкилоти раиси томонидан (раиснинг фамилияси кўрсатилган ҳолда) имзоланиши ва муҳри билан тасдиқланиши шарт.

Йўлланмага тузатишлар йўлланма бераётган охириги касаба уюшма ташкилоти томонидан киритилади ва тасдиқланади. Киритилган ўзгартириш ва тузатишлар тўғрисида бирлашмага ёзма ахборот берилади.

Касаба уюшма ташкилоти муҳри бемалол ўқиладиган даражада тиник бўлиши керак.

Тўлдирилмаган йўлланмаларни бериш қатъиян тақиқланади.

Йўлланма фақат касаба уюшма ташкилотидан олган шахс учунгина ҳақиқий ҳисобланади.

**33.** Санаторийлар томонидан тўлдирилмаган, муҳри ноаниқ қўйилган йўлланмалар билан келган шахсларни қабул қилиниши, йўлланмага тузатиш киритилиши қатъиян таъқиқланади.

Ушбу тартиббузарликларга йўл қўйилмаслиги учун санаторий раҳбари шахсан жавобгардир.

Йўлланма нотўғри расмийлаштирилгани, йўлланма бўйича бошқа шахс келгани аниқланган ҳолда, санаторий масъул ходимлари йўлланма нухасини олиб, ёзма равишда Федерация Кенгашининг касаба уюшмалари ташкилотларининг йўлланмалардан мақсадли фойдаланишини ўрганиш комиссиясига чора кўриш учун хабар беради.

**34.** Ходим йўлланма олгандан кейин санаторийга тақдим этиш учун санаторий-курорт картасини (0.7.2./У-шакл) расмийлаштиради. Даволаш усули мос келмаслигини кўрсатувчи белгилар аниқланган ҳолда, у санаторийга қабул қилинмайди.

**35.** Шифокор ҳулосасига кўра санаторийда даволаниши жуда зарур бўлган ходимга, касаба уюшма ташкилотида йўлланма бор бўлган тақдирда, санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботда (14-шакл, 2-илова) акс эттирилган ва ходимга берилган санаторий йўлланмалари рўйхатига (3-илова) киритилган ҳолда, санаторий йўлланмаси тўлиқ қийматига берилиши мумкин.

### **III. Йўлланмалар бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар юритилиши**

**36.** Йўлланмаларни ҳисобга олиш бирлашмалар, туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталарида «Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби»да (13-шакл, 4-илова) юритилади.

Йўлланмалар олинган тартибда счет-фактурага мувофиқ кирим қилинади. Ҳар бир йўлланма китобда алоҳида сатрда қайд қилинади.

Йўлланмани ходимга бериш вақтида, йўлланмаларни ҳисобга олиш китобининг тегишли қатори бўйича йўлланма берилган сана, асос (касаба уюшма қўмитаси қарори), кимга берилгани (ходимнинг фамилияси, исми,

шарифи паспорт бўйича), иш жойи, лавозими, пул тўланган сана, тўлов қоғози рақами ва йўлланма учун тўланган сумма акс эттирилиши, шунингдек ходимнинг йўлланма олгани тўғрисида имзоси бўлиши лозим.

**37.** Йўлланма берилишига асос бўлган қуйидаги ҳужжатлар алоҳида папкага тикилиши ва йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби билан бирга молиявий ҳужжатлар каби сақланиши зарур:

- олинган йўлланмалар учун счет-фактура;
- ходимнинг аризаси;
- тиббий маълумотнома;
- туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг қарори;
- меҳнат таътили берилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
- паспорт нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- йўлланма қиймати қисман тўлангани тўғрисидаги тўлов қоғози;
- йўлланманинг қайтарилувчи талони.

**38.** Касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, касаба уюшма кўмиталари юқори касаба уюшма ташкилотига санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботни (14-шаклда) йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 8-куни (8 апрель, 8 июнь, 8 октябрь, 8 январь) дан кечиктирмай тақдим этишлари зарур.

Ҳисобот йўлланмаларни ҳисобга олиш китобидаги маълумотларга асосланган ҳолда тузилади, бунда йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби маълумотлари ва санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисобот орасида фарқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳисоботга илова қилинадиган санаторийларга берилган йўлланмалар рўйхати кенгаш (касаба уюшмаси кўмитаси) раиси ҳамда ҳисобчиси томонидан имзоланган, муҳрланган ҳолда қоғоз ва электрон шаклларда топширилади.

**39.** Бирлашмалар йўлланмалар киримини 4-журнал ордерида юритадилар. Унда касаба уюшма органлари томонидан йўлланмалар олинишига қараб счет-фактуралар қайд қилиб борилади.

Бирлашма кенгашига қайтарилган, фойдаланилмаган йўлланмалар ҳам журнал ордерга умумий тартибда киритилади.

Журнал ордерида ҳужжатнинг тартиб рақами, счет-фактура санаси

ва рақами, йўлланмалар кимдан олингани, уларнинг сони ва қиймати

ёзилиши, шу ернинг ўзида корреспондент ҳисоб варақларининг

шифрлари кўрсатилиши лозим.

Журнал ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борилади ва чорак якунланганидан сўнг олинган йўлланмаларнинг умумий қиймати корреспондент ҳисоб

варақларининг кредити бўйича ажратилиб, ҳисоблаб чиқилади ва бош китобда қайд этиш учун бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

Олинган йўлланмаларнинг счет-фактуралари тикилиб, журнал-ордер билан биргаликда алоҳида папкада сақланади.

**40.** Касаба уюшма ташкилотларига ҳисобдорлик асосида берилган йўлланмаларнинг чиқими 5-журнал ордерда юритилади, шунинг ўзида фойдаланилмаган йўлланмалар, улар олинган бирлашма кенгаши ёки ташкилотга қайтарилиши ҳисоби ҳам олиб борилади.

Журнал ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борилади ва чорак якунланганидан сўнг олинган йўлланмаларнинг умумий қиймати корреспондент ҳисоб варақларининг дебети бўйича ажратилиб, ҳисоблаб чиқилади ва “Бош китоб”да қайд этиш учун бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

**41.** Йўлланмаларни ҳисобдан чиқариш, қабул қилинган санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботларнинг (14-шакл) маълумотлари ҳамда уларни 6-журнал ордерда қайд қилиниши асосида амалга оширилади.

6-журнал ордерда ҳисобот топширган ташкилот номи, сумма (берилган йўлланмалар қиймати), харажатлар тегишли бўлган корреспондент ҳисоб варақлари кўрсатилади.

Журналда ишчиларга ва ишлаб чиқариш усталарига, талабаларга, аёлларга, шунингдек бепул, қисман ва тўлиқ қийматига берилган йўлланмалар сони, алоҳида-алоҳида устунларда қайд этилади.

Йўлланма олган ҳар бир касаба уюшма ташкилоти учун санаторий йўлланмаларининг қисман тўлови тушумини назорат қилиш варақаси очилади (5-илова).

**42.** Бирлашмалар йўлланмаларни тасдиқланган режага мувофиқ:

- туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашларига, касаба уюшма кўмиталарига уларнинг ишончномалари асосида счет-фактуралар ёзиш йўли билан берилади;

- кам сонли касаба уюшма ташкилотларида йўлланмалар бирлашмадан бевосита даволанишга юборилаётган ходимнинг ўзига йўлланма берилиши учун тақдим этилган ҳужжатлар ва бошлашғич касаба уюшма кўмитаси қарори асосида йўлланмаларни ҳисобга олиш китобига (13-шакл) киритган ҳолда берилади ҳамда барча ҳужжатлар бирлашмада сақланади.

Туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари томонидан йўлланмалар кирим-чиқими йўлланмаларни ҳисобга олиш китобида юритилади, тақдим этилган ҳужжатлар ва касаба уюшма кенгашининг қарорига асосан йўлланмалар бевосита даволанишга юборилаётган ходимнинг ўзига берилади, ходим йўлланмаларни ҳисобга олиш китобида йўлланма олгани тўғрисида имзо чекиши лозим.

Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби ва тақдим этилган ҳужжатлар алоҳида папкага тикилиб, касаба уюшма кўмиталари ва туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашларида сақланади.

**43.** Бирлашмаларда ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олиш учун берилган ишончномаларни ҳисобга олиш учун алоҳида журнал юритадилар, улар 10 кун муддат ичида олинган счет-фактуралар бўйича ёпилиши лозим.

Бегона шахсларга Ишончнома бериш қатъиян ман этилади. Бу учун бирлашманинг кредит бошқарувчиси шахсан жавобгардир.

#### **IV. Йўлланмалардан мақсадли фойдаланилиши бўйича назорат ва масъулият**

**44.** Мазкур Йўриқнома қоидаларига амал қилиш учун шахсий жавобгарлик:

- касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раислари;
- туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари раислари;
- корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшма кўмиталари раислари;
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи;
- касаба уюшмалари санаторийлари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**45.** Санатор-курортлар бошқармаси ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-куни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўлланмаларни тақсимлаш режаси бажарилиши ва ҳар бир санаторий бўйича йўлланмаларнинг ҳақиқий таннархи таҳлили тўғрисида маълумотларни тақдим қилади.

**46.** Санатор-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳар йили, йил якунига, санаторийларнинг ҳисоботларига кўра, бирлашмалар бўйича санаторийларга келмаганлар тўғрисида, йўлланмалар рақами акс эттирилган маълумотнома тақдим этади ҳамда ҳар бир йўлланма бўйича ходимлар санаторийларга келмагани, кечикиб келгани ёки санаторийлардан муддатидан олдин кетгани натижасида тўлиқ ёки қисман сарфланмай қолган овқатланиш ва даволаниш ҳақларининг умумий қийматини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Бу маблағлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига биноан касаба уюшмалари санаторийларидаги шароитларни яхшилаш учун йўналтирилади.

**47.** Агар ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан йўлланма олган ходим, йўлланмадан фойдаланмаса ва ўз вақтида узрли сабабсиз касаба уюшма ташкилотига қайтариб топширмаса ёки бошқа шахсга бериб юборса, шунингдек ходим мазкур Йўриқноманинг 18-бандида кўрсатилган

муддатдан олдин икки ва ундан ортиқ марта йўлланмадан фойдаланганлиги аниқланса, ундан йўлланма қийматининг, қисман тўланганидан қолган қисми ёки йўлланма бепул берилган бўлса, тўлиқ қиймати ундириб олинади.

Йўлланма касаба уюшмалари ходимлари айби билан фойдаланилмай қолган (берилмаган) ёки улар бегона шахсларга берилган ҳолларда юқори касаба уюшма ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ моддий зарарни ундириш чораларини кўради.

Зарурият бўлганда, Федерация Кенгашининг касаба уюшмалари ташкилотларининг йўлланмалардан мақсадли фойдаланишини ўрганиш комиссияси, касаба уюшма ташкилотлари ва санаторийларда йўлланмалардан фойдаланиш бўйича текширув вақтида аниқланган йўлланмалар нотўғри расмийлаштирилиши, бошқа шахсга берилиши ёки улардан нотўғри фойдаланилиши фактларини кўриб чиқади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши ижтимоий суғурта бўлими ёки Федерация Кенгашининг Назорат-тафтиш комиссияси томонидан йўлланмалардан нотўғри фойдаланилганлиги аниқланганда, қайта тикланган маблағ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

**48.** Санаторийлар даволанишга келган шахснинг фамилияси ва тўлиқ исмини, санаторийда амалда бўлган вақтини кўрсатиб, йўлланманинг қайтарилувчи талонини беришлари шарт.

Йўлланманинг қайтарилувчи талонига санаторий штампи қўйилиши ва санаторий рўйхатчиси фамилиясини тўлиқ кўрсатган ҳолда имзо чекилиши лозим.

**49.** Санаторийдан қайтган ходим йўлланма берган касаба уюшма ташкилотига санаторий томонидан тўлдирилган йўлланманинг қайтарилувчи талонини топшириши шарт ва бу тўғрида йўлланмаларни ҳисобга олиш китобида тегишли ёзув қайд қилинади.

**50.** Йўлланманинг қайтарилувчи талони йўлланмадан фойдаланганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

У йўқолган ҳолда йўлланма берган касаба уюшмаси ташкилотининг сўрови бўйича санаторий раҳбари томонидан имзоланган, ходимнинг санаторийда бўлган вақти кўрсатилган маълумотнома тасдиқловчи ҳужжат бўлади.

**51.** Йўлланмалардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни бирлашмалар, туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари, касаба уюшма кўмиталари шунингдек уларнинг тафтиш комиссиялари амалга оширади.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисида**

## **ЙЎРИҚНОМА**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави асосида, касаба уюшмаси аъзоларини касаба уюшма бюджети маблағлари, яъни аъзолик бадаллари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар билан касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномалари ёки тармоқ келишувларига асосан касаба уюшмалари ташкилотларига ўтказиб берилган маблағлар ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, дам олдиришни ташкиллаштириш, касаба уюшмалари ташкилотлари тасарруфидаги ижтимоий объектларни сақлаб туриш ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун маблағлар ажратиш тартибини белгилайди.

### **II. ЙЎРИҚНОМАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ**

Ушбу Йўриқнома касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларига бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ихтиёрида қолдирилган аъзолик бадаллари ҳамда жамоа шартномалари орқали хўжалик органлари томонидан ўтказилган маблағлар ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар бериш, тақсимлаш, сотиш ҳамда ҳисоботларни юритиш тартибларини белгилайди.

### **III. САНАТОРИЙЛАР ВА ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИ ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ, ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

**3.1.** Санаторийлар ва дам олиш уйлари учун йўлланмаларни тақсимлаш ва сотиш режаси Санатор-курортлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этилган қабул жадваллари асосида, даволаш йўналишлари, йил мавсумлари, санаторийлардаги мавжуд ва фойдаланишга топшириладиган биноларнинг қабул қилиш қуввати ҳамда капитал таъмирлаш (қайта қуриш)га тўхтатилиш муддатлари режаларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Йўлланмалар қуйидаги тартибда, яъни:

- санаторийда бир кишининг даволаниши учун;
- дам олиш уйида бир киши ёки унинг оилавий (жамоа) бўлиб дам олиши учун чиқарилади.

Санаторий йўлланмалари билан даволаниш муддати 14 кунни ташкил қилади.

**3.2.** Қурилиши тугалланиб, капитал таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилган санаторийларга йўлланмалар, уларнинг фаолиятини бошлашга тайёр бўлган вақтдан бошлаб чиқарилади.

Қўшимча чиқарилган йўлланмалар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг (бундан буён матнда “Бирлашма” деб юритилади) талабномалари асосида Санатор-курортлар бошқармасининг йўлланмаларни чиқариш режасига киритилади ва Федерация Кенгашининг Раёсати томонидан тасдиқланади. Ўз навбатида мазкур йўлланмаларга Санатор-курортлар бошқармаси томонидан “Қўшимча” штамп қўйилади.

**3.3.** Касаба уюшма аъзоларининг йўлланма олиш учун тақдим этган аризалари бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аризаларни рўйхатга олиш китобида (1-илова) қайд этилади.

Туман, шаҳар тузилмасига эга бўлган тармоқ касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари келгуси йил учун йўлланмалар олишга талабномаларни, жорий йилнинг 20 августигача тегишли тармоқнинг туман, шаҳар кенгаши ва бирлашган қўмитасига тақдим этади.

Тармоқ касаба уюшмасининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталари ҳамда ушбу тузилмалари бўлмаган тармоқ касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари йўлланмалар учун йиғилган талабномаларни санаторийлар, дам олиш уйлари ва чораклар бўйича умумлаштириб, мавсумий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Бирлашмаларга жорий йилнинг 1 сентябригача тақдим этади.

**3.4.** Бирлашмалар йўлланмалар бўйича қуйи ташкилотлардан йиғилган талабномаларни тармоқлар негизида санаторийлар, дам олиш уйлари ва чораклар бўйича умумлаштириб, мавсумий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига жорий йилнинг 15 сентябригача тақдим этади.

**3.5.** Санатор-курортлар бошқармаси келгуси йил учун йўлланмалар чиқариш режасини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига жорий йилнинг 1 сентябрига қадар тақдим этади.

**3.6.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг молия бўлими Санатор-курортлар бошқармаси томонидан тақдим этилган йўлланмаларни чиқариш режасига мувофиқ, Бирлашмалар томонидан тақдим этилган талабномалар асосида ҳудудлардаги тармоқ касаба уюшмалари ташкилотларининг даромадларини ҳисобга олган ҳолда, йўлланмаларни тақсимлаш режаси лойиҳасини Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлган жойлардаги санаторийларнинг даволанувчиларни қабул қилиш қувватидан унумли фойдаланган тарзда тузади ва уни Федерация Кенгаши Раёсатига тасдиқлаш учун киритади.

Ўз навбатида Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режасини жорий йилнинг 5 октябрига қадар Бирлашмаларга юборади.

**3.7.** Бирлашмалар Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тасдиқлаш режасига мувофиқ, тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан тақдим этилган талабномаларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудуддаги тармоқлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузади ва кенгашнинг раёсат қарори билан тасдиқлайди.

Ўз навбатида Бирлашмалар раёсати томонидан тасдиқланган тармоқлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасини жорий йилнинг 25 октябрга қадар тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари ва бошланғич ташкилотларига етказилишини таъминлайди.

Шунингдек, тасдиқланган йўлланмаларнинг тақсимот режасини бажарилиши бўйича масъулият шахсан Бирлашмалар раислари зиммасига юклатилади.

**3.8.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан аъзолик бадаллари ялпи тушумининг 10 фоизини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилган талабномаларга мувофиқ, Бирлашмалар Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлмаган санаторий ва дам олиш уйлари йўлланмаларини куйидаги ҳолларда, яъни:

бошқа корхона ва ташкилотларнинг санаторий ва дам олиш уйлари йўлланмаларининг баҳоси, Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлган санаторийларнинг ўртача баҳосидан юқори бўлмаганда;

Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийлар йўлланмаларини тақсимлаш режаси тўлиқ бажарилганда;

Санатор-курортлар бошқармасидан олинган йўлланмалар бўйича қарздорликлар бўлмаганда;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режасининг 20 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча равишда санаторий ва дам олиш уйлари билан шартномалар тузиш орқали сотиб олишлари мумкин.

**3.9.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари Бирлашмалар раёсати томонидан тасдиқланган тармоқлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ, бошланғич ташкилотлар томонидан тақдим этилган талабномалар ҳамда уларнинг даромадини ҳисобга олган ҳолда, бошланғич ташкилотлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузади ва тегишли ташкилотларнинг раёсат, умумий йиғилиш қарори билан тасдиқлайди.

**3.10.** Санатор-курортлар бошқармаси Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган режа асосида келгуси йил йўлланмаларини сотиш учун Бирлашмалар билан ҳар йили 1 декабрга қадар шартномалар тузади.

**3.11.** Санатор-курортлар бошқармаси йўлланмаларни касаба уюшмалари ташкилотларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш

режасига мувофиқ, Федерация Кенгаши билан келишилган нархларда сотади.

Шунингдек, Санатор-курортлар бошқармаси йўлланмаларни касаба уюшмалари ташкилотларига устама нархларсиз сотилишини таъминлайди.

**3.12.** Санатор-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда, кузги-қишки даврлар учун йўлланмаларнинг нархларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

**3.13.** Санатор-курортлар бошқармаси томонидан келгуси йил учун йўлланмаларни Бирлашмаларга сотиш муддатлари қуйидаги тартибда белгиланади:

- I чорак учун - 1 декабргача;
- II чорак учун - 1 мартгача;
- III чорак учун - 1 июнгача;
- IV чорак учун - 1 сентябргача.

Санатор-курортлар бошқармаси ва санаторийлар касаба уюшмалари ташкилотларига аъзолик бадаллари ҳисобидан сотилган йўлланмаларни беришдан олдин йўлланмаларга “Касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган, қайта сотиш ёки бошқа ташкилотларга беришга рухсат этилмайди” деган штамп босади.

**3.14.** Муҳим сабаблар (қурилиш, реконструкция, таъмирлаш, табиат ходисалари ва бошқалар)га кўра йўлланмаларни тақсимлаш режаси бўйича сотиш, сотиб олиш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли ташкилотларнинг хатлари асосида Федерация Кенгашининг молия бўлими Санатор-курортлар бошқармаси билан биргаликда йўлланмаларни сотиш режасига ўзгартириш ва Федерация Кенгаши Раёсатига тасдиқлаш учун киритиши мумкин.

**3.15.** Бирлашмалар томонидан шартномалар асосида сотиб олинган йўлланмалар тасдиқланган режалар асосида тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган кўмиталари орқали бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган кўмиталари бўлмаган тармоқларда йўлланмаларни тўғридан-тўғри бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига, йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 30 кун аввал берилади.

**3.16.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан йўлланмалар касаба уюшмасига аъзо бўлганига ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётганига камида 3 йил бўлган ишчи ва хизматчиларга берилади.

Ишчи ва хизматчилар касаба уюшма ёки ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланмалар олишидан қатъий назар, унга икки йилда бир мартаба йўлланма берилади.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида даволаниш ҳамда дам олиш учун сотиб олинган йўлланмалар, йўлланмалар нархининг қисман фоизи тўланганидан кейин берилади.

Йўлланмалар қийматининг касаба уюшма аъзолари томонидан тўланадиган миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори билан тасдиқланади.

Шунингдек, санаторийлар ва дам олиш уйларида даволаниш ёки дам олиш учун аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар ўрнатилган тартибда ишчи ва хизматчиларнинг оила аъзолари (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)га қисман тўлов асосида ҳамда 100 фоиз тўлови билан ҳам берилиши мумкин.

Ўз навбатида, касаба уюшмалари ташкилотларида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган, касаба уюшмалари фаолиятини ривожланишига ҳиссасини қўшган ва касаба уюшма ташкилотларидан пенсияга чиққан пенсионерларга ҳам санаторий ёки дам олиш уйлари йўлланмалари имтиёзли равишда йўлланмалар нархининг қисман тўлови асосида берилиши мумкин.

**3.17.** Касаба уюшмаси аъзоларини имконият даражасида кўпроқ соғломлаштириш мақсадида, аъзолик бадаллари ҳисобидан қимматбаҳо, шунингдек, люкс-палаталарга йўлланмалар сотиб олиш таъқиқланади.

МДХ ва чет эл мамлакатларининг санаторийлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий-санитар бирлашмаси (Кисловодск ва Ялта шаҳарларида жойлашган “Ўзбекистон” дам олиш-соғломлаштириш санаторийлари бундан мустасно) санаторийлари йўлланмаларини аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олиш таъқиқланади.

**3.18.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари касаба уюшма аъзоларига йўлланмаларни, уларнинг амал қилиш муддатидан камида 20 кун аввал аъзоларнинг йўлланма олиш учун тақдим этган аризаларни рўйхатга олиш китобида белгиланган навбат бўйича аъзолар томонидан йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қиймати тўланганлиги тўғрисидаги ва бошқа талаб қилинадиган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганидан кейин беради.

Йўлланма олган шахслар томонидан, йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қиймати, улар олинган кундан кечикмасдан йўлланма берган тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг кассасига, ҳисоб рақамига нақд пул ва пластик карточка орқали ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Ўз навбатида, касаба уюшма аъзоларига берилган йўлланмаларнинг қисман тўлови ёки 100 фоизи тўлиқ тўланиши ҳамда йўлланмалардан тўғри, мақсадли фойдаланилишига Бирлашмалар, тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари жавобгардир.

**3.19.** Миокард инфарктининг ўтқир хуружидан кейин беморлар санаторийда даволанишни давом эттиришлари учун, уларга аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар соғлиқни сақлаш органларининг тавсиялари асосида умумий тартибда берилади.

**3.20.** Касаба уюшма аъзоларига берилган йўлланмаларда даволанувчи ёки дам олувчининг фамилияси, исми ва шарифи (паспорт маълумотлари бўйича), иш жойи, лавозими ва йўлланмани берган касаба уюшма ташкилотининг номи кўрсатилган бўлиши ҳамда касаба уюшма ташкилоти раисининг имзоси ва касаба уюшма ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Йўлланмага касаба уюшма ташкилоти томонидан қўйилган муҳр аниқ ўқиладиган даражада бўлиши керак.

Йўлланмаларни даволанувчилар ва дам олувчиларга тўлдирилмаган ҳолатда бериш таъқиқланади. Шунингдек, босилган муҳр кўринмайдиган йўлланмалар билан санаторий ва дам олиш уйларига даволанувчи ёки дам олувчиларни қабул қилиш ва барча маълумотлари тўлдирилган йўлланмаларга тузатишлар киритиб, бошқа шахсларни қабул қилиш қатъиян таъқиқланади.

Агар шундай ҳолатларда санаторий ва дам олиш уйларига даволанувчи ёки дам олувчилар қабул қилинса, ушбу йўлланмалар учун санаторий ва дам олиш уйлари раҳбарлари шахсан жавобгар бўлади.

Йўлланмаларнинг нотўғри расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳолатлар аниқланганда, ушбу йўлланмаларнинг нусхасини санаторий ва дам олиш уйлари раҳбарлари Санатор-курортлар бошқармасига, ўз навбатида Санатор-курортлар бошқармаси уларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг йўлланмалардан мақсадли фойдаланишни ўрганувчи комиссияга тақдим этиши зарур.

**3.21.** Санаторийларга йўлланмалар даволанишга муҳтож бўлган касаба уюшмаси аъзоларига тиббий маълумотнома асосида берилади.

Шунингдек даволанувчи санаторийга санатор-курорт карта (0.7.2/У-шакл)ни тақдим этиши лозим, агар даволанувчининг касаллиги санаторийнинг даволаш йўналишларига тўғри келмаса, санаторий мутахассислари томонидан тузилган далолатнома асосида даволанувчилар санаторийга қабул қилинмайди.

Мазкур ҳолатларда йўлланмалардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида санаторийларнинг далолатномаси асосида Санатор-курортлар бошқармаси томонидан йўлланмаларнинг муддатини ўзгартириб берилиши мумкин.

**3.22.** Касаба уюшмаси аъзолари томонидан йўлланмалардан узрли сабабларга кўра фойдаланилмаган ҳолатларда, йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 10 кун олдин тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари, бошланғич ташкилотларига қайтарилиши лозим.

**3.23.** Касаба уюшмаси аъзолари томонидан тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари, бошланғич ташкилотларига фойдаланилмаган ҳолда қайтарилган йўлланмалар, улар томонидан йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 7 кун олдин Бирлашмаларга юк хати расмийлаштирилган ҳолда қайтарилади.

Йўлланмаларни қайтариш вақтида расмийлаштирилган юк хатига, аъзолар томонидан уларни қайтариш сабаблари кўрсатилган тушунтириш хати илова қилинади.

**3.24.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотлари томонидан Бирлашмаларга қайтарилган йўлланмалар, улар томонидан йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 5 кун олдин Санатор-курортлар бошқармасига қайтарилади.

**3.25.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотлари аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалардан айрим ходимларни, яъни:

- йўлланма олган ва улардан узрли сабабларсиз ўз вақтида фойдаланмаган;

- олинган йўлланмаларни узоқ қариндош-уруғлари ёки бошқа бегона шахсларга берганлиги тўғрисида ҳолатлар аниқланганда, ходимларнинг имтиёзли йўлланмалардан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли ҳужжатлар билан маълум муддатга чеклаб қўяди ҳамда йўлланмаларнинг тўлиқ қийматини айбдор шахслардан ундиради.

**3.26.** Касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотлари томонидан йўлланмалар бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган шахсларга қисман тўлов фойзига, шунингдек тўлиқ нархида берилишига руҳсат этилмайди.

#### **IV. ЙЎЛЛАНМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ БЎЙИЧА ТУЗИЛАДИГАН ҲИСОБОТЛАРНИ ЮРИТИШ**

**4.1.** Бирлашмалардан олинган йўлланмалар тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан олинган йўлланмаларни ҳисобга олиш китобидан бошқа “Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби”да (2-илова) юритилади.

Йўлланмалар юк хатига асосан ушбу китобга кирим қилинади ва ҳар бир йўлланма китобда алоҳида сатрда кўрсатилади. Йўлланмаларни даволанувчи ёки дам олувчиларга бериш вақтида китобга йўлланма берилган сана, кимга берилганлиги, тўлов ҳужжатларининг рақами, санаси ва тўлов суммаси ҳамда йўлланмани олган шахснинг имзоси қайд этилади.

Ўз навбатида, йўлланмаларни беришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- ариза (шахсан йўлланма олувчининг номидан);
- йўлланма сўраган шахснинг паспорт нусхаси;
- тиббий маълумотнома;
- меҳнат таътили тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
- меҳнат дафтарчаси (ходим тўғрисидаги маълумотлар киритилган биринчи ва охириги иш жойи кўрсатилган бетлари)нинг нусхаси;
- бошланғич касаба уюшма кўмитасининг қарори;

- туман, шаҳар ёки бирлашган касаба уюшма ташкилотларининг қарори;

- йўлланма нархининг қисман ёки тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (квитанция ёки тўлов топшириқномаси).

Йўлланма ходимнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)га берилган тақдирда, қариндошликни тасдиқловчи ҳужжат (ота-она ва фарзандлар учун туғилганлик, турмуш ўртоғи учун никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳамда паспорт)ларнинг нусхалари ҳам тақдим этилади. Мазкур ҳолатда ходимнинг меҳнат таътилига чиқиши шарт эмас.

Шунингдек, даволанувчи ва дам олувчи санаторий ёки дам олиш уйдан келганидан кейин, тегишли касаба уюшма ташкилотига йўлланманинг қайтариладиган талон қисмини топшириши ва ушбу талонни касаба уюшма ташкилотининг масъул ходимлари “Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби”да қайд этиб қўйиши шарт.

**4.2.** Ҳисобот йили давомида олинган ҳар бир йўлланма бўйича юқорида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг, барча ҳужжатлар йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби билан бирга, бошланғич ташкилотлар томонидан тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталарига топширилади ва уларда сақланади.

Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталарига эга бўлмаган тармоқларда юқоридаги ҳужжатлар бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида сақланади.

**4.3.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари олинган йўлланмалар тўғрисидаги ҳисоботни 3-иловага асосан йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича Бирлашмаларга ҳисобот давридан кейинги ойнинг 8-санаси (8 апрель, 8 июль, 8 октябрь ва 8 январь)дан кечиктирмай топширишлари зарур.

Ҳисобот йўлланмаларни ҳисобга олиш китобидаги ёзувлар асосида тузилади ҳамда ҳисоботга 4-иловадаги шакл бўйича маълумотлар қўшиб топширилади.

**4.4.** Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан фойдаланилган йўлланмаларни ҳисобдан чиқариш мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида кўрсатилган маълумотлар асосида тегишли бухгалтерия проводкаларини бериш орқали амалга оширилади.

**4.5.** Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг ҳисоб-китобини алоҳида тўғри ва аниқ юритилиши, ҳисоботлар тузилишини соддалаштириш мақсадида, умумий тартибда бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер ёки ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан берилган йўлланмаларнинг ҳаракатини ҳисобга олувчи журнал-ордер шаклларида фойдаланилиши мумкин.

**4.6.** Бирлашмалар томонидан аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган йўлланмалар, шунингдек фойдаланилмай қайтарилган йўлланмаларни кирим қилиш ҳам 4-сонли журнал-ордерда ҳисобга олинади.

Олинган йўлланмаларнинг юк хати ҳисобварақ-фактуралари 4-сонли журнал-ордер билан биргаликда сақланади.

**4.7.** Бирлашмалар томонидан олинган йўлланмаларнинг, шунингдек улар томонидан йўлланма олинган тегишли ташкилотларга қайтарилган чиқими ҳам 5-сонли журнал-ордерда ҳисобга олинади.

Мазкур журнал-ордер билан йўлланмаларни чиқим қилиш учун расмийлаштирилган юк хати ҳисобварақ-фактуралар биргаликда сақланади.

**4.8.** Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг ҳаракати, кирими, чиқими ва ҳисобдан чиқарилиши учун бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер ёки ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг ҳаракатини ҳисобга олувчи журнал-ордер шаклидан фойдаланилишидан қатъий назар, бухгалтерия ҳисоби проводкалари 21-сонли “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти”нинг счётлар режасига мувофиқ берилади.

Шунингдек, расмийлаштирилган мемориал ёки журнал-ордерларда барча реквизитлар ўз вақтида аниқ ва тўғри тўлдирилиши лозим.

## **V. ЙЎЛЛАНМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАСИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**5.1.** Мазкур Йўриқномага амал қилиш тармоқ касаба уюшмаларининг Республика, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотлари, Бирлашмалар, Санатор-курортлар бошқармаси ҳамда унинг тасарруфидаги санаторийлар раҳбарлари ва йўлланмалар билан ишлайдиган масъул шахслари зиммасига юклатилади.

**5.2.** Санатор-курортлар бошқармаси ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечикмаган ҳолда, аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг тақсимот режасини бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот ҳамда ҳар бир санаторий бўйича йўлланмаларнинг ҳақиқий таннарни тўғрисидаги маълумотни Федерация Кенгашига тақдим этиб боради.

**5.3.** Даволаниш ёки дам олиш учун йўлланма олган шахслар йўлланмадан узрсиз сабабга кўра фойдаланмаса ёки йўлланмаларни бошқа шахсларга қайта сотса, ушбу йўлланмаларнинг тўлиқ қиймати аввал тўланган қисман фоизини ҳисобга олган ҳолда, йўлланмадан фойдаланмаган ёки қайта сотган шахслардан тўлиқ ундирилади.

Шунингдек, йўлланмалардан касаба уюшмалари ташкилотларининг айби билан фойдаланилмай (ўз вақтида берилмай) қолиш ёки уларни бегона шахсларга бериш ҳолатлари аниқланса, йўлланманинг тўлиқ қийматини айбдор шахслардан ундириш масаласи амалдаги қонунчиликка асосан

тегишли ёки юқори касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан кўриб чиқилади.

**5.4.** Зарурий ҳолларда, Федерация Кенгашининг касаба уюшмалари ташкилотларида йўлланмалардан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш Комиссияси, касаба уюшмалари ташкилотлари ва санаторийларда йўлланмалардан тўғри фойдаланиш ҳолатларини ўрганади.

Шунингдек, Федерация Кенгаши молия бўлими ва Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси томонидан касаба уюшмалари ташкилотларида ўтказилган текширишлар натижасида йўлланмалардан нотўғри фойдаланганлик ҳолатлари аниқланганда, мазкур йўлланмалар учун жавобгар шахслардан ундирилган маблағлар тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг касаба уюшма бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

**5.5.** Санатор-курортлар бошқармаси касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан сотилган йўлланмалардан тўлиқ фойдаланганлик тўғрисида санаторийлардан маълумот йиғади ва уни йўлланмаларнинг рақамларини кўрсатилган ҳолда Бирлашмалар бўйича умумлаштириб Федерация Кенгашига тақдим этади.

Агар даволанувчилар турли сабабларга кўра, йўлланманинг муддати бўйича тўлиқ даволанмаганлик ҳолатлари аниқланса, ушбу йўлланмалардан фойдаланмаган қисмининг даволаниш ва овқатланиш қийматлари Санатор-курортлар бошқармаси орқали санаторийлардан йиғилиб, Федерация Кенгашининг касаба уюшма бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан Федерация Кенгаши Раёсатининг қарорига асосан, касаба уюшмаси аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш учун қўшимча йўлланмалар олиниб, молиявий имконияти оғир бўлган касаба уюшмалари ташкилотларига Бирлашмалар орқали, тармоқ касаба уюшмаларининг жойлардаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига берилади.

**5.6.** Санаторийларнинг масъул шахслари даволанишга йўлланма билан келганларга йўлланманинг қайтариладиган талон қисмини беришлари ва унда даволанувчининг фамилияси, исми, шарифи ва санаторийда бўлган вақтини тўлиқ кўрсатиши ҳамда унга санаторий штампини босиши шарт. Шунингдек, йўлланманинг қайтариладиган талон қисмида санаторий рўйхатхонаси ходимининг фамилияси ва имзоси бўлиши зарур.

**5.7.** Йўлланманинг қайтариладиган талон қисми ундан фойдаланганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади, у йўқолган ҳолларда даволанувчи, дам олувчи санаторий ёки дам олиш уйида бўлган вақти кўрсатилган ҳамда санаторий ёки дам олиш уйи директори томонидан имзолаб, муҳр билан тасдиқланган маълумотнома йўлланмадан фойдаланганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

**5.8.** Йўлланмалардан тўғри фойдаланилиши устидан назорат тармоқ касаба уюшмаларининг Республика, туман, шаҳар кенгашлари ва

бирлашган қўмиталари, уларнинг тафтиш комиссиялари ҳамда Бирлашмалар томонидан амалга оширилади, йўлланмалардан нотўғри фойдаланганлик ҳолатлари аниқланганда мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш уларнинг раёсат йиғилишларида кўриб чиқилади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДА**

Мазкур Йўриқнома тармоқ касаба уюшмалари Республика, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари ҳамда Санатор-курортлар бошқармаси билан келишилган.

*Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган  
имтиёзли йўлланмалардан фойдаланиш бўйича  
ҳужжат намуналари*

## Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлар тўғрисида

### МАЪЛУМОТ

№	Санаторий номи	Манзили	Даволаш йўналиши
1.	Абу Али Ибн Сино	Самарқанд в., Нуробод т., Нурбулоқ қўрғони	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик ва кардиологик касалликлар
2.	Ботаника	Тошкент вил., Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ	Кардиологик, невролик ва овқат ҳазм қилиш касалликлар
3.	Бўстон	Тошкент вил., Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ	Кардиологик, неврологик ва гинекологик касалликлар
4.	Бўзатов	Қорақалпоғистон Рес., Бўзатов тумани	Кардиологик, терапевтик ва неврологик касалликлар
5.	Заркент	Тошкент вил., Паркент т., Заркент қишлоғи	Нафас олиш органлари, терапевтик ва неврологик касалликлар
6.	Зомин	Жиззах вилояти, Зомин тумани	Силга алоқадор бўлмаган юқори нафас йўли касалликлари
7.	Косонсой	Наманган вил., Косонсой ш., Халқлар дўстлиги кўчаси	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик, овқат ҳазм қилиш аъзолари, гинекологик ва кардиологик касалликлар
8.	Кўхинур	Тошкент вил., Куйичирчик тумани Маданият МФЙ	Кардиологик, терапевтик ва неврологик касалликлар
9.	Курортология илмий-амалий маркази	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тарнов қўрғони	Овқат ҳазм қилиш органлари, гинекология, неврология ва эндокринология касалликлари
10.	Олтинсой	Навоий вил., Хатирчи т., Чилаш қишлоғи	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик, кардиологик ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлар
11.	Оқ тош	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Оқ тош қишлоғи	Силга алоқадор бўлмаган юқори нафас йўли касалликлари

№	Санаторий номи	Манзили	Даволаш йўналиши
12.	Оқ-тош Шабода	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Оқ тош қишлоғи	Нафас олиш органлари касалликлари
13.	Омонхона	Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Омонхона қишлоғи	Овқат ҳазм қилиш органлари, эндокринология, гинекология ва неврология касалликлари
14.	Ситораи Мохи Хоса	Бухоро шаҳри, Мохи Хоса даҳаси, Шифокорлар кўчаси, 30-уй	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва урологик касалликлар
15.	Сангардак	Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Сангардак МФЙ	Нафас олиш органлари, терапия ва неврология касалликлари
16.	Севарсой	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чимган, Чимган МФЙ	Нафас олиш органлари ва неврология касалликлари
17.	Термиз марвариди	Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Учқизил ҚФЙ	Ҳаракат-таянч аъзолари, кардиологик, неврологик, гинекологик ва урологик касалликлар
18.	Турон	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Шўртепа кўчаси	Кардиологик, неврологик, гинекологик ва урологик касалликлар
19.	Умид Гулшани	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Навоий кўчаси, 1-уй	Гинекологик, урологик, эндокринологик ва неврологик касалликлар
20.	Чимён	Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғи	Кардиологик, ҳаракат-таянч аъзолари, неврология тизими, гинекологик ва урологик касалликлар
21.	Чинобод	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси	Овқат ҳазм қилиш аъзолари, эндокринологик ва гинекологик касалликлар
22.	Чинобод Плаза	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси	Овқат ҳазм қилиш аъзолари, эндокринологик ва гинекологик касалликлар
23.	Чортоқ	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Оромгоҳ МФЙ, А.Саидалиев кўчаси, 5-уй	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик, овқат ҳазм қилиш аъзолари, гинекологик, урологик, кардиологик ва

<b>№</b>	<b>Санаторий номи</b>	<b>Манзили</b>	<b>Даволаш йўналиши</b>
			эндокринологик касалликлар
<b>24.</b>	Ховатоғ Гулшани	Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, Чангиовул қишлоғи	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик ва кардиологик касалликлар
<b>25.</b>	Хонқа	Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Қирқёп қишлоғи	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик, гинекологик ва кардиологик касалликлар
<b>26.</b>	Хўжаипок	Сурхондарё вил., Олтинсой т., Жобу МФЙ. Наврўз кўчаси	Кардиология, ҳаракат-таянч, неврология ва терапевтик касалликлар
<b>27.</b>	Қашқадарё соҳили	Қарши шаҳар, Н.Мирзаев кўчаси, Ровот маҳалласи, 12-уй	Кардиологик, неврологик, овқат ҳазм қилиш ва урологик касалликлар
<b>28.</b>	Янгиер	Сирдарё вил., Янгиер ш., Бобур МФЙ Пахтакор кўчаси	Ҳаракат-таянч, неврология, урология ва гинекология касалликлари
<b>29.</b>	Ахмад ал-Фарғоний	Фарғона вилояти,, Қувасой шаҳри, Арсиф ҚФЙ.	Дам олиш маскани
<b>30.</b>	Хонобод	Андижон вилояти, Хонабод шаҳри, Хонтоғ кўчаси	Нафас олиш органлари ва неврология касалликлари

## ЭСЛАТМА

1. Санаторийлар томонидан битта йўлланмага фақат бир киши қабул қилинади.

2. Санаторий йўлланмаларининг муддатлари ўзгартирилмайди.

3. Дам олиш уйларига берилган йўлланмалар неча киши учун берилган бўлса, шунча аъзолар дам олиш уйига қабул қилинади.

4. Санаторийда даволаниш муддати тугаганидан сўнг йўлланманинг қайтарилиш талони йўлланмани берган ташкилотга қайтарилиши шарт.

5. Узурли сабабсиз (асословчи ҳужжатсиз) санаторийга муддатидан кеч келган ёки олдин кетган ходимларга, санаторийда бўлиш кунлари тикланмайди.

**Ходим йўлланма олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

**1. Ижтимоий сўғурта бюджети маблағи ҳисобидан олинса:**

1. Ариза;
2. Тиббий маълумотнома;
3. Паспорт ёки ID карта нусхаси;
4. Меҳнат дафтарчаси нусхаси;
5. Меҳнат таътили берилганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма;
6. Йўлланма қиймати тўлиқ ёки қисман тўлангани тўғрисида тўлов қоғози (квитанция).

**2. Касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан олинса:**

1. Ариза;
2. Паспорт ID карта нусхаси;
3. Тиббий маълумотнома;
4. Меҳнат таътили берилганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма;
5. Бошланғич касаба уюшма кўмитасининг қарори;
6. Туман, шаҳар ёки бирлашган касаба уюшма ташкилотларининг қарори;
7. Йўлланма қиймати тўлиқ ёки қисман тўлангани тўғрисида тўлов қоғози (квитанция)

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти касаба уюшма  
қўмитаси раиси С.Салимовга**

**Касаба уюшма аъзоси  
Ж.Жалиловдан**

**АРИЗА**

Менга саломатлигимни тиклаш учун “Заркент” санаториясига йўлланма ажратишингизни сўрайман.

Аризамга илова қилиб тиббий маълумотнома ва тегишли хужжатларни тақдим этаман.

Йўлланмадан самарали фойдаланиш тартибини бузмасликка кафолат бераман.

**2026 йил 26 март**

**Ж.Жалилов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма  
қўмитаси йиғилиши қарори**

**2026 йил 26 март**

**№ 19**

**Фарғона ш.**

**“Санаторий йўлланмаси ажратиш тўғрисида”**

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма қўмитаси аъзоси, жамият ишчиси Жалил Жалиловнинг аризасини ўрганиб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма қўмитаси аъзоси, жамият ишчиси Жалил Жалиловга саломатлигини тиклаш учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан “Заркент” санаториясига йўлланма ажратилсин.

2. Йўлланма олувчи ходимга йўлланмадан фойдаланиш тартибини бузмаслик вазифаси юклатилсин, фойдаланиш тартиби бузилган ҳолда йўлланмалардан фойдаланиш йўриқномасида талаб қилинадиган тартибда жарима тўланиши эслатиб ўтилсин.

3. Йўлланма ажратилиши тармоқ касаба уюшмаси вилоят Кенгашидан сўралсин.

4. Касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимовга тармоқ касаба уюшмаси вилоят Кенгашига зарур ҳужжатларни жамлаб топшириш вазифаси юклатилсин.

**Касаба уюшма қўмитаси раиси:**

**С.Салимов**

**Қўмита аъзолари**

**А.Алимов**

**Х.Халимова**

**С.Салимова**

**М.Маликов**

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти касаба уюшма  
қўмитаси раиси С.Салимовга**

**Касаба уюшма аъзоси  
Ж.Жалиловдан**

**АРИЗА**

Менга отам Халим Халимовга саломатлигини тиклаш учун “Заркент” санаториясига касаба уюшма бадали ҳисобидан йўлланма ажратишингизни сўрайман.

Аризамга илова қилиб отам учун тиббий маълумотномани, отамнинг паспорт нусхасини, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамни тақдим этаман. Йўлланма тартибини бузмасликка қафолат бераман.

**2026 йил 26 март**

**Ж.Жалилов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма  
қўмитаси йиғилиши қарори**

**2026 йил 26 март**

**№ 19**

**Фарғона ш.**

**“Касаба уюшма бадалли маблағлари ҳисобидан санаторий йўлланмаси  
ажратиш тўғрисида”**

Кун тартибидаги масала бўйича касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимова сўзга чиқиб, касаба уюшмаси аъзоси, корхона меҳнат муҳофазаси бўлими ходими Ж.Жалиловнинг аризаси билан таништирди.

Жалил Жалилов ҳақиқатдан ҳам 10 йилдан буён шу корхонада ишлашини ва отаси учун санаторийга касаба уюшма бадаллари ҳисобидан йўлланма сўраётганлигини ўрганиб чиқиб, касаба уюшма қўмита йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Корхонанинг меҳнат муҳофазаси бўлими ходими, касаба уюшмаси аъзоси Ж.Жалиловнинг отаси Х.Халимовга саломатлигини тиклаш учун касаба уюшма бадаллари ҳисобидан “Заркент” санаториясига йўлланма ажратилсин.

2. Йўлланма олувчи ходимга йўлланмадан фойдаланиш тартибини бузмаслик вазифаси юклатилсин, фойдаланиш тартиби бузилган ҳолда йўлланмалардан фойдаланиш йўриқномасида талаб қилинадиган тартибда жарима тўланиши эслатиб ўтилсин.

3. Касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимовга тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашига тегишли ҳужжатларни жамлаб топшириш вазифаси юклатилсин.

**Касаба уюшма қўмитаси раиси:**

**С.Салимов**

**Қўмита аъзолари**

**А.Алимов**

**Х.Халимова**

**С.Салимова**

**М.Маликов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти  
Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти**

**Ижтимоий суғурта бюджети маблағлари  
ҳисобидан санаторийларга берилган  
йўлланмалар ҳисобини юритиш**

**КИТОБИ**

2026 йил 1 январдан 2026 йил 31 декабргача

**“Ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторийларга  
йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш,  
ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида”ги  
Йўриқномадан кўчирмалар**

**18-банд:** Ходим ижтимоий суғурта ёки касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олишидан қатъий назар, унга икки йилда бир мартаба йўлланма берилади.

**19-банд:** Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар:

10 фоизгача – бепул;

90 фоизгача – қиймати қисман ундирилган ҳолда берилади.

**27-банд:** Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалардан узрли сабабга кўра фойдаланишнинг иложи бўлмайдиган ҳолларда, туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва касаба уюшма кўмиталари уларни амал қилиш муддати бошланишидан камида 15 кун олдин бирлашмаларга қайтариши зарур. Йўлланмани қайтаришдаги счет-фактурага қайтариш сабаблари кўрсатилган тушунтириш хати илова қилиниши лозим.

**32-банд:** Ходимга берилган йўлланма, олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт асосида), иш жойи, лавозими, йўлланма берган касаба уюшма ташкилотининг номи кўрсатилган ҳолда тўлдирилиши ҳамда касаба уюшма ташкилоти раиси томонидан (раиснинг фамилияси кўрсатилган ҳолда) имзоланиши ва муҳри билан тасдиқланиши шарт.

Йўлланмага тузатишлар йўлланма бераётган охириги касаба уюшма ташкилоти томонидан киритилади ва тасдиқланади. Киритилган ўзгартириш ва тузатишлар тўғрисида бирлашмага ёзма ахборот берилади.

Касаба уюшма ташкилоти муҳри бемалол ўқиладиган даражада тиник бўлиши керак.

Тўлдирилмаган йўлланмаларни бериш қатъиян тақиқланади.

**33-банд:** Санаторийлар томонидан тўлдирилмаган, муҳри ноаниқ қўйилган йўлланмалар билан келган шахсларни қабул қилиниши, йўлланмага тузатиш киритилиши қатъиян тақиқланади.

**47-банд:** Агар ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан йўлланма олган ходим, йўлланмадан фойдаланмаса ва ўз вақтида узрли сабабсиз касаба уюшма ташкилотига қайтариб топширмаса ёки бошқа шахсга бериб юборса, шунингдек ходим мазкур Йўриқноманинг 18-бандида кўрсатилган

муддатдан олдин икки ва ундан ортиқ марта йўлланмадан фойдаланганлиги аниқланса, ундан йўлланма қийматининг, қисман тўланганидан қолган қисми ёки йўлланма бепул берилган бўлса, тўлиқ қиймати ундириб олинади.

**49-банд:** Санаторийдан қайтган ходим йўлланма берган касаба уюшма ташкилотига санаторий томонидан тўлдирилган йўлланманинг қайтарилувчи талонини топшириши шарт ва бу тўғрида йўлланмаларни ҳисобга олиш китобида тегишли ёзув қайд қилинади.

*\* Ушбу китоб беш йил давомида архивга топширилмасдан йўлланма берувчи ташкилотда сақланиши керак.*

№	Йўлланмалар кирими							Йўлланмалар чиқими										
	Олинган сана	Ҳисоб-фактура рақами	Йўлланма олинган ташкилот	Санаторий номи	Йўлланма рақами	Йўлланма муддати	Йўлланма нархи	Берилган сана	Кимга берилган				Йўлланма учун тўлов			Йўлланма олган и тўғрисида ходим имзоси	Қайтарилувчи талон олинган	
									Бериш учун асос	Йўлланма олувчининг Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозими	Тўланган сана	Тўлов қозғоғи рақами	Сумма		Сана	Талон сақлана диган жилд №
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1.																		
2.																		
3.																		
4.																		
5.																		
6.																		

**Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига  
аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети  
маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби**

**ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ**

**O'ZBEKISTON  
KASABA UYUSHMALARI  
FEDERATSIYASI KENGASHI**

**ҚАРОРИ  
QARORI**

Тошкент ш.  
Toshkent sh.

2013 йил 25 январь

№ 7-4

**Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик  
бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан  
мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳақида**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V-Қурултойида барча бўғиндаги касаба уюшмалари органлари олдида касаба уюшмаси бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали ҳамда тассаруфида мавжуд бўлган мол-мулкидан оқилона фойдаланиш борасида қатор долзарб вазифалар қўйилган.

Бу вазифаларни бажариш учун эса касаба уюшмалари органларидан ўз молиявий фаолиятларини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, маблағларни фақат Уставларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга йўналтириш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик ҳамда тежаб тергаб фойдаланиш чораларини кўриш, шунингдек қонунларда белгиланган ҳуқуқлар доирасида касаба уюшмалари бюджетини қўшимча даромадлар билан тўлдириш, яъни тадбиркорлик фаолиятини юритган ҳолда унинг янги усуллари излаб топиш ҳамда амалга ошириш талаб этилади.

Ҳозирги кунда касаба уюшмалари ташкилотларида олиб борилаётган такомиллаштириш ишлари натижасида бошланғич ташкилотларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2011 йилнинг июль ойидан бошлаб, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида йиғилган аъзолик бадалларининг **50 фоизи** ўрнига **53 фоизи** қолдирилиши белгиланган эди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг йўналишлари бўйича асосий ишлар бошланғич ташкилотларда амалга оширилишини инобатга олиб, уларнинг молиявий имкониятларини кучайтиришга қаратилган чораларни белгилаб олиш, бошланғич ташкилотларга бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида, жорий йилнинг **15 февралидан** бошлаб амалда йиғилган аъзолик бадалларининг **60 фоизигача**, балансида йирик ижтимоий объектлари бўлган корхона, ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма кўмиталарида эса **70 фоизигача** қолдирилиши режалаштирилмоқда. Мазкур ҳолатда 2012 йил ҳисоби билан олинганда бошланғич ташкилотларда аъзолик бадаллари ялпи

тушумининг **11 млрд. 925 млн.** сўм миқдорда қўшимча маблағ қолдирилишига эришилади.

Шунингдек, 2011 йилнинг июль ойидан бошлаб касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари (ота-она, турмуш ўртоғи, фарзандлари)ни санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, дам олдиришга рухсат берилди. Натижада 2011 йилнинг П-ярим йили давомида **1400 нафар**, 2012 йилда **6483 нафарга** яқин касаба уюшма аъзолари санаторий ва дам олиш уйларида қўшимча равишда соғломлаштирилиб, дам олдирилди.

Касаба уюшмалари органларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг молиявий фаолиятларини ўрганиш натижалари бўйича тайёрланган таҳлиллар бу соҳада кўплаб хато ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, касаба уюшмалари органларида, айниқса бошланғич ташкилотларда маблағларнинг асосий қисмини байрамларни нишонлаш муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга сарфлаш ҳолатлари камаймаяпти.

Агросаноат мажмуи, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Алоқа ходимлари касаба уюшмаларининг ўрта бўғин вилоят касаба уюшмалари кенгашларида маблағларнинг **45-65 фоизи** ва ундан ортиғи маъмурий-хўжалик ҳаражатларига сарфланмоқда.

Касаба уюшмалари органларида юқори малакали касаба уюшма кадрларини тайёрлаш ва салоҳиятини ошириш мақсадида фаоллар билан ўқув-семинарлар ташкил этиш, қуйи ташкилотларни услубий қўлланмалар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, таниқли олимлар, фан арбоблари, фахрийлар билан касаба уюшмалари аъзоларининг учрашувларини ташкил этиш, халқаро ишларни ва касаба уюшмаси туризмини ривожлантириш, меҳнаткашларни маънавий салоҳиятини бойитиш, республикамизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти.

Касаба уюшмалари органларида мавжуд бўлган пул маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда янги иш ўринлари яратиш, аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш турларини, пул маблағларини банкка депозитга қўйиш орқали банк фоизлари ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали даромадлар олиш ишларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Агросаноат мажмуи, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари тармоқ касаба уюшмаларига молиявий имкониятини яхшилаб олиш учун 2011 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2012 йилнинг охиригача Федерация Кенгашига йиғилган аъзолик бадалларининг **15**

**фоизи ўрнига 12 фоиз ўтказиши бўйича имтиёз берилган бўлсада, мазкур тармоқлар мавжуд имкониятдан унумли фойдаланмади.**

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаларининг Марказий ва ҳудудий кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари томонидан янги ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмасига аъзоликка олишда сусткашликка йўл қўйилган.

Масалан, республика ҳудудларидаги давлат солиқ ташкилотлари томонидан йиғилган ягона ижтимоий тўлов маблағларига нисбатан ҳисобланган иш ҳақи фондининг 1 фоизи миқдоридаги маблағ билан ҳақиқатда йиғилган аъзолик бадаллари ўртасидаги фарқ ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган айрим тўловларни ҳисобга олганда, 2012 йил 1 июль ҳолатига республика бўйича **26,4 млрд. сўмни** ташкил этган.

Янги ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмасига аъзоликка ўз вақтида жалб этиш орқали **26,4 млрд. сўм** миқдордаги аъзолик бадаллари йиғилиши мумкин бўлгани ҳолда, ҳақиқатда ушбу маблағ 2012 йилнинг I-ярим йили давомида йиғилмай қолган.

Бугунги кунда касаба уюшмалари органлари томонидан маблағларни “умуман фаолиятга” эмас, балки аниқ, муҳокама этилган ва тасдиқланган дастурларни бажаришга йўналтириш, бошқача айтганда “Дастурий молиялаштириш”ни амалиётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек қуйи ташкилотлардан тушган кўплаб таклифларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши VII- Мажлиси **қарор қилади:**

**1.** “Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин ва **2013 йилнинг 15 февралидан** кучга кириши белгилаб қўйилсин.

**2.** Касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, соҳалар бўйича Республика бирлашган кўмиталари, касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, бирлашган ва бошланғич ташкилотлари:

касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ҳамда бошқа тушумлар тўла ҳажмда ва ўз вақтида йиғилишини, юқори касаба уюшмалари органларига белгиланган миқдорда ва тартибда мунтазам ўтказилишини;

молиявий ҳисоботлар юқори органларга белгиланган муддатларда топширилиши юзасидан касаба уюшма органларининг маъсулияти оширилишини;

ўз фаолиятларида мазкур қарорнинг 1-бандида қайд этилган “Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”га қатъий амал қилинишини;

республикада касаба уюшмалари ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашга ва фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган молиявий сиёсатнинг объектив зарурияти тўғрисида касаба уюшмалари аъзолари ва фаоллари ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласинлар.

**3.** Барча бўғиндаги касаба уюшмалари органларида касаба уюшма бюджети маблағларидан тўғри, тежаб-тергаб, мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан шахсий масъулият тегишли касаба уюшмалари органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

**4. Фаолияти ва тузилмасида такомиллаштириш ишлари амалга оширилаётган касаба уюшмалари Марказий кенгашлари раисларига:**

янги тузилма ва штатлар жадвали тасдиқланганлиги муносабати билан Федерация Кенгаши томонидан марказлашган ҳолда молиялаштириш учун **10 кун муддатда** ўрнатилган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда тегишли ташкилотларнинг жорий йилнинг **март-декабрь** ойлари учун сарф-харажатлар сметаларини тузиш ва Федерация Кенгашининг Раёсати билан келишиш учун тақдим этиш;

фаолияти тугатилаётган тармоқ касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари, раислар кенгашлари ва бирлашган кўмиталари ходимлар, дебитор ва кредитор ташкилотлар билан тегишли ҳисоб-китоблар қилинганидан сўнг қолган пул маблағларини **жорий йилнинг 15 февралидан** кечикмаган ҳолда тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақами ёпилиши вақтида Федерация Кенгашининг (*ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, х/р 20212000700431324001*) ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш ва ёзма равишда маълумот бериш (ҳисоб рақами ёпилиши вақтидаги банк кўчирмаси (выписка) ва ҳисоб рақами ёпилганлиги тўғрисида банк маълумотномасининг нусхаси билан);

фаолияти тугатилаётган тармоқ касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари, раислар кенгашлари ва бирлашган кўмиталарининг мол-мулкани (балансдаги иморат, иншоот ва автотранспорт воситаларидан ташқари) қуйи ташкилотлар ҳамда янги ташкил этилган соҳалар бўйича Республика бирлашган кўмиталарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун балансдан балансга ўтказилганлиги тўғрисида **жорий йилнинг 15 февралигача** батафсил маълумот бериш;

ҳудудларда масъул ташкилотчиларига эга бўлган тегишли тармоқ касаба уюшмаларининг Марказий кенгашлари фаолияти тугатилаётган ҳудудий кенгашлар балансидаги автотранспорт воситалари (1 донаси)ни масъул ташкилотчиларга бириктириш учун ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг балансиغا Федерация Кенгаши билан келишган ҳолда ўтказиш ишларини амалга ошириш;

тизимида такомиллаштириш ишлари олиб борилаётган тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари Марказий кенгаш, соҳалар бўйича Республика бирлашган қўмиталари, ҳудудлардаги масъул ташкилотчиларини сақлаб туриш учун жорий йилнинг **февраль ойида** зарур бўладиган маблағларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда (ҳисоб-китоб Федерация Кенгашига тақдим этилади), мазкур ҳисоб-китобдан ортиқча бўлган ҳисоб рақамидаги пул маблағларини, банкка депозитга қўйилган пул маблағларининг қолдиғи билан биргаликда Федерация Кенгашининг (*ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, ҳ/р 20212000700431324001*) ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш ва **жорий йилнинг 20 февралигача** бўлган муддатда ёзма равишда маълумот бериш (пул маблағларининг қолдиғи ўтказилган кундаги банк кўчирмаси (выписка)нинг нусхаси билан) вазифалари топширилсин.

**5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раисларига:**

янги тузилма ва штатлар жадвали тасдиқланганлиги муносабати билан Федерация Кенгаши томонидан марказлашган ҳолда молиялаштириш учун **10 кун муддатда** ўрнатилган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг **март-декабрь** ойлари учун сарф-харажатлар сметаларини тузиш ва Федерация Кенгашининг Раёсати билан келишиш учун тақдим этиш;

бирлашма кенгашини сақлаб туриш учун жорий йилнинг **февраль ойида** зарур бўладиган маблағларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда (ҳисоб-китоб Федерация Кенгашига тақдим этилади), мазкур ҳисоб-китобдан ортиқча бўлган ҳисоб рақамидаги пул маблағларини, банкка депозитга қўйилган пул маблағларининг қолдиғи билан биргаликда Федерация Кенгашининг (*ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, ҳ/р 20212000700431324001*) ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш ва **жорий йилнинг 20 февралигача** бўлган муддатда ёзма равишда маълумот бериш (пул маблағларининг қолдиғи ўтказилган кундаги банк кўчирмаси (выписка)нинг нусхаси билан);

ҳудудларда масъул ташкилотчилари бўлган тегишли Марказий кенгашлар билан масъул ташкилотчиларни сақлаб туриш, уларнинг фаолияти

билан боғлиқ бўлган барча масалаларда ўзаро келишув асосида ишлаш вазифалари топширилсин.

**6. Касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, соҳалар бўйича Республика бирлашган кўмиталари раисларига жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб, амалда йиғилган ялпи аъзолик бадалларини ўрнатилган тартибда бирлашма кенгашининг жамғарма-депозит ҳисоб рақами орқали Федерация Кенгашининг (ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, ҳ/р 20212000900431324003) ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказилишини таъминлаш ва доимий назорат қилиш вазифалари топширилсин.**

**7. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси (А.Исаков)дан касаба уюшмалари ташкилотларининг тафтиш комиссиялари ишини мувофиқлаштиришни кучайтириш, тафтиш комиссиялари иш режаларига мувофиқ тегишли касаба уюшмалари органларининг молиявий фаолиятлари ўрганиб борилишига ва аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишига қаратилган аниқ чораларни кўриш сўралсин.**

**8. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг қуйидаги қарорлари:**

2011 йил 27 апрель “Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги **3-2 сонли қарори 2013 йилнинг 15 февралидан бошлаб;**

2012 йил 26 январь “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши III-Мажлисининг 2011 йил 27 апрелдаги 3-2 сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшма ташкилотларида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 4-6 сонли қарори **2013 йилнинг 15 февралидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва назоратдан чиқарилсин.**

**9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева зиммасига юклатилсин.**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси**

**Т.Нарбаева**

**Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик  
бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан  
мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

*(Федерация Кенгаши Мажлисининг 2013 йил 25 январдаги 7-4 сонли қарори билан тасдиқланган,  
Федерация Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-23 – сонли, 2019 йил 30 сентябрдаги  
16-12 “с”-сонли, Федерация Ижроия қўмитасининг 2023 йил 17 июлдаги 10-7-сонли қарорлари  
билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)*

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1.** Мазкур Низом касаба уюшмалари Уставларида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги матнларда Федерация деб юритилади) тизимида ва Федерацияга аъзо ташкилотларда касаба уюшма бюджетини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ягона молиявий фаолият тартибини белгилайди.

**II. НИЗОМНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ**

**2.1.** Ушбу Низомдан кўзланган асосий мақсад, Федерация тизимидаги ва Федерацияга аъзо ташкилотларда касаба уюшма бюджетини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, касаба уюшмалари ташкилотларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, молиявий масалаларда барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбар ва масъул ходимларининг масъулиятини оширишдан иборат.

**III. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ**

**ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**3.1.** Касаба уюшмаларининг маблағлари Федерациянинг Уставида белгиланган қуйидаги манбалар асосида шаклланади:

Федерациянинг Уставига мувофиқ тарзда касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағлар;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг аппарат ходимларини сақлаб туриш, уларга қўшимча ҳақ тўлаш, аъзолар ўртасида маданий-оммавий ва спорт тадбирлари ташкил этиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномалари асосида корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан касаба уюшмалари ташкилотларига ўтказиб бериладиган маблағлар;

касаба уюшмаси аъзолари томонидан санаторий, дам олиш уйлари ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмаларининг қисман тўлови учун тўланадиган маблағлар;

касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисоб рақамидаги пул маблағларини банкка депозитга қўйиш орқали олинадиган банк фоизлари, қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали олинадиган даромадлар;

касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш, ноширлик фаолияти, касаба уюшма ташкилотлари мулкани ижарага бериш, туризмни ривожлантириш ва бошқа турдаги республика қонунлари билан таъқиқланмаган тижорат фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар.

#### **IV. КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБЛАРИ**

**4.1.** Федерациянинг Уставига мувофиқ касаба уюшмасига аъзолик бадаллари, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендиялар)нинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдори ташкил этади.

Касаба уюшмасида ҳисобда турган ишламайдиган пенсионерлар республикада белгиланган энг кам ёшга доир пенсия, ишни вақтинча тўхтатган шахслар республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг биринчи разрядига нисбатан ҳисобланган иш ҳақи)нинг бир фоизи миқдорида бадал тўлайди.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендия)га нисбатан ҳисобланган аъзолик бадаллари тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномаларига асосан корхона, ташкилот ва муассасалар бухгалтерияси орқали ушлаб қолиниб, улар томонидан бошланғич ҳамда юқори касаба уюшмалари ташкилотларига ўтказиб берилади.

**4.2. 2013 йилнинг 15 февралдан бошлаб** касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан амалда йиғилган аъзолик бадалларининг умумий миқдоридан:

бошланғич ташкилотларда **60 фоизи**;

мазкур Низомнинг **1-илова**сидаги балансида ижтимоий объектлари (болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият саройлари, кутубхоналар, тиббий реабилитация марказлари, мактабгача таълим муассасалари, спорт иншоотлари) мавжуд бўлган корхона, ташкилотларнинг касаба уюшмалари қўмиталарида **70 фоизи** (1-иловада кўрсатиб ўтилган корхона, ташкилотларнинг рўйхатига Федерациянинг Ижроия қўмитаси томонидан тегишли муддатларда ўзгартиришлар киритилиши мумкин) қолдирилади;

қолган **30-40 фоизи** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари (кейинги ўринларда – Ҳудудий кенгашлар) **жамғарма-депозит** ҳисоб рақами орқали тўлалигича Федерациянинг транзит ҳисоб рақамига ўтказилади (бадалларни йиғиш схемаси **2-илова**да).

**4.2.1.** Шунингдек, йиғилган аъзолик бадаллари Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бевосита туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган кўмиталарнинг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари мазкур Низомнинг **4.2-банди** билан белгиланган қисми (**60-70 фоизи**) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ҳисоб рақамига, қолган (**30-40 фоиз**) қисми мазкур бошланғич ташкилотга касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган кўмитанинг ҳисоб рақамига, ўз навбатида ушбу маблағ **тўлалигича** Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади;

ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари **тўлалигича** (100 фоиз) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали мазкур бошланғич ташкилотга касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган кўмитанинг ҳисоб рақамига, ўз навбатида ушбу маблағларнинг **30-40 фоизи** Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади.

**4.2.2.** Бошланғич ташкилот бевосита тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари мазкур Низомнинг **4.2-банди** билан белгиланган қисми (**60-70 фоизи**) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали бошланғич ташкилот ҳисоб рақамига, қолган (**30-40 фоиз**) қисми тегишли Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади;

ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари **тўлалигича** (100 фоиз) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали тегишли Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади.

**4.2.3.** Ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг сарф-харажатлари, уларнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ, марказлашган ҳолда тармоқларнинг тегишли туман, шаҳар кенгашлари ёки бирлашган кўмиталар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Худудий кенгашлар ҳам туман, шаҳар кенгашлари ёки бирлашган кўмиталар тузилмасига эга бўлмаган тармоқ касаба уюшмаларида ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич ташкилотларнинг сарф-харажатларини, уларнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ, марказлашган ҳолда амалга оширилишини қатъий тартибда таъминлайди.

**4.2.4.** Авиация ходимлари тармоқ касаба уюшмасининг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалда йиғилган ялпи аъзолик бадалларининг **40 фоизи**, мазкур тармоқнинг Республика кенгашига ўтказилади.

**4.2.5.** Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари тармоқ касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларида амалда йиғилган ялпи аъзолик бадалларининг **50 фоизи** қолдирилади ва улар томонидан йиғилган аъзолик бадалларининг қолган **50 фоизи** мазкур тармоқнинг Республика кенгашига ўтказилади.

**4.3.** Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **10 фоизидан** ошмаган миқдорда, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тармоқдаги корхоналар тасарруфидаги ижтимоий объектларда ишловчи ходимларни сақлаш учун қисман маблағ ажратилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **15 фоизидан** ошмаган миқдорда маблағ қолдирилиши тавсия этилади.

**4.4.** Аъзолик бадаллари ялпи тушуми ҳисобидан Федерацияга ўтказиладиган ажратмалар Авиация тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларидан **20 фоиз**, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларидан **15 фоиз** миқдорда белгиланади.

Аъзолик бадаллари ялпи тушуми ҳисобидан тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари аппарат ходимларини сақлаш учун маблағларнинг фоиз ҳисобидаги аниқ миқдори (бошланғич касаба уюшма ташкилотларида қоладиган маблағлар ҳисобидан) Республика кенгашлари томонидан белгиланади.

**4.5.** Касаба уюшмалари органлари томонидан юқори касаба уюшмалари ташкилотларига аъзолик бадалларининг ўз вақтида ўтказилишини таъминлашга бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раислари, тармоқларнинг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, тармоқ касаба уюшмалари Республика, Худудий кенгашлари раислари шахсан жавобгардирлар.

## **V. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ САРФ-ХАРАЖАТЛАРИНИНГ МАҚСАДЛАРИ**

**5.1.** Аъзолик бадаллари ҳисобидан, хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини юритишдан тушган маблағлар ҳамда бошқа даромадлар Федерациянинг Уставида, шунингдек мазкур Низомда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидаги мақсадларга сарфланади:

касаба уюшмалари ташкилотларида маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказишга;

касаба уюшмалари аъзоларини санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, дам олдириш, болаларни ёзги оромгоҳларда дам олишларини ташкиллаштириш ҳамда болалар оромгоҳлари фаолиятини яхшилашга;

юқори малакали касаба уюшмалари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда фаоллар билан ўқув-семинарларини ташкил этишга;

методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва чоп этиш, касаба уюшмалари фаолиятига тааллуқли буклетлар, плакатлар ҳамда баннерлар тайёрлашга;

халқаро алоқаларни ва касаба уюшмалари туризмни ривожлантиришга;

касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган, кўп болали, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида корхона, ташкилотлар ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратишга;

касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ва халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда касаба уюшмаларининг ҳиссасини кўшишга;

касаба уюшмалари ташкилотлари балансида мавжуд бўлган иморатлар, маданият саройлари, кутубхоналар, спорт иншоотлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш уйлари, Федерациянинг Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлган санаторийларда қурилиш, реконструкция қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган касаба уюшмаси фаолларини рағбатлантиришга;

касаба уюшмаларига тегишли ҳудудларни, майдонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ишлаб чиқариш ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш фаолиятларини ташкиллаштиришга;

касаба уюшмалари органлари аппарати ходимларини сақлаб туришга;

касаба уюшмалари Устав мақсадларига зид бўлмаган бошқа йўналишларга сарфланади.

## **VI. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН**

### **Фойдаланиш тартиблари**

**6.1.** Бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилган аъзолик бадалларини йўналишлар бўйича сарфлаш миқдорлари қуйидагича белгиланади:

**6.1.1.** Тармоқ касаба уюшмалари уставларида бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари учун белгиланган вазифаларни амалга ошириш, яъни касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига, касаба уюшмаси фаолларини моддий рағбатлантириш ҳамда шу каби касаба уюшмалари фаолиятига тегишли мақсадларга, шунингдек маъмурий-хўжалик харажатларига аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **50-60 фоизи** (бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган *60-70 фоиз* аъзолик бадаллари ҳисобидан) миқдорида маблағ сарфланади.

Бунда, бошланғич касаба уюшмалари кўмиталари аппаратлари ходимларини сақлаб туриш билан боғлиқ маъмурий-хўжалик харажатларига жами харажатларнинг (бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган 60-70 фоиз аъзолик бадаллари ҳисобидан) 35 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми йўналтирилади. Аппарат ходимлари мавжуд бўлган Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти (штатдаги) раисига, мазкур фоиз чегарасидан чиқмаслик шарти билан ўзи ишлаб турган корхона, ташкилот ва муассаса раҳбари ўринбосари ёки унга тенглаштирилган ходимнинг иш ҳақи миқдоригача маош белгиланиши мумкин.

Тармоқ касаба уюшмалари тизимидаги туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган ҳамда бошланғич касаба уюшмалари кўмиталарининг асосий ишидан озод этилмаган, жамоатчилик асосида ишловчи раислари ва ғазначилари касаба уюшмаси фаоли сифатида рағбатлантириб борилиши мумкин, бунда рағбатлантиришнинг умумий суммаси молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда йил давомида республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **йигирма бараваригача** (ғазначи кўзда тутилмаган ҳолларда **ўн икки бараваригача**) белгиланади, мазкур харажатлар маъмурий-хўжалик харажатларининг иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида маблағлар касаба уюшма кўмитасининг ҳақ тўланадиган аппарати (раиси)ни сақлаб туришга етмаган ҳолларда, иш берувчи ва касаба уюшма кўмитасининг ўзаро келишувига асосан, бошланғич ташкилот аппарати ходимларига ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши жамоа шартномаларида кўзда тутилиши мумкин.

**6.1.2.** Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аъзоларга бериладиган **моддий ёрдам** харажатлари жами харажатларнинг **20 фоизигача** бўлган миқдорда белгиланади.

**6.1.3.** Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг асосий фаолиятига тегишли бўлган бошқа йўналишдаги харажатлар учун маблағлар, касаба уюшма кўмиталарининг йиғилиши томонидан тасдиқланган йиллик даромадлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ сарфланади.

**6.1.4.** Корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида аъзолик бадаллари ҳисобидан улар ихтиёрида қоладиган

маблағларнинг **10 фоизига** бўлган миқдорда янги йил совғаларини сотиб олиш учун маблағ сарфланиши мумкин. Лекин мазкур мақсадларга сарфланган маблағларнинг миқдори бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг маданий-оммавий тадбирлар учун сарфлаган маблағларининг **20 фоиздан** ошмаслиги лозим.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар жамоа шартномаларига мувофиқ иш берувчилар томонидан ўтказилган мақсадли маблағлар ҳисобидан ҳам янги йил совғаларини сотиб олиши мумкин.

**6.1.5.** Аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **10 фоизи** (бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган 60-70 фоиз аъзолик бадаллари ҳисобидан) ёки ундан ортиқ миқдорда қолдирилган маблағлар бошланғич ташкилотлар томонидан мақсадли равишда касаба уюшмаси аъзолари (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)ни соғломлаштириш учун санаторийлар, дам олиш уйлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар харид қилиш, шунингдек бошланғич ташкилотлар балансида мавжуд бўлган ижтимоий объектларни жорий таъмирлаш ҳамда уларни сақлаб туриш мақсадларига сарфланади.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аъзолик бадаллари ҳисобидан олинadиган имтиёзли йўлланмаларни харид қилиш, уларни касаба уюшмаси аъзоларига тарқатиш ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари ҳамда Авиация ходимлари, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тармоқларида Республика кенгашлари орқали марказлашган ҳолда амалга оширилади.

**6.2.** Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси разрядларининг тариф коэффициентлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотлар учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2023 йил 17 июлдаги 10-7-сонли қарорининг 2-иловасига ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати учун 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**6.3.** Авиация ходимлари, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашлари ўз ихтиёрида қолдирилган аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан Республика кенгашлари раёсати томонидан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ харажатларни амалга оширади.

**6.4.** Агросаноат мажмуи, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Кимё саноати ва фармацевтика, Маданият, спорт ва туризм, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари, Соғлиқни сақлаш, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари, Таълим ва фан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмалари Республика ҳамда Ҳудудий кенгашларининг харажатлари, мазкур ташкилотларнинг Федерация Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда

тасдиқлаган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ Федерация томонидан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**6.5.** Агросаноат мажмуи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Маданият, спорт ва туризм, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари, Metallургия ва машинасозлик саноати тармоқлари, Энергетика, нефт-газ ва геология, Соғлиқни сақлаш ҳамда Таълим ва фан ходимлари тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда ўзларининг ҳудудлардаги масъул ташкилотчиларининг иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлари (ҳисоб-китоблари билан), хизмат сафари харажатларини ҳисобга олишлари лозим.

Мазкур тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашлари ҳудудлардаги масъул ташкилотчиларига иш ҳақи ҳисоблаш учун табелларни ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари билан келишган ҳолда (Ҳудудий кенгашлар билан тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ) расмийлаштиради.

Ҳудудий кенгашлар маъмурий биносидан тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ташкилотчиларига фаолиятида фойдаланиш учун хизмат хоналари, ташкилий техника, уяли телефон воситалари, хизмат автомашиналарини ажратади, масъул ташкилотчиларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, хизмат сафари харажатларидан бошқа барча хўжалик харажатларини (тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ) қоплайди ҳамда ўзларининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда ушбу харажатларни ҳисобга олишлари лозим.

Шунингдек, Ҳудудий кенгашлар тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ташкилотчиларига уйдан ишга келиши, ишдан уйига кетиши учун хизмат автомашинаси бириктирилиши ва иш вақти давомида уларнинг талабномалари асосида автомашина ажратилишини таъминлайди.

Федерация молиялаштириш учун ажратилган маблағларни ҳисобот ойдан кейинги ой учун ҳисобот ойднинг тугашига **5 банк иш куни** қолган муддатдан кечикмаган ҳолда, тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

**6.6.** Тармоқ касаба уюшмалари Республика ва Ҳудудий кенгашлар йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда қуйидаги меъёрларга амал қилишлари шарт.

**Маданий-оммавий тадбирлар** ўтказиш, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, юқори малакали касаба уюшма кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, фаоллар билан ўқув-семинарлар ташкил этиш, халқаро алоқалар ва касаба уюшмалари туризмни ривожлантириш, маданий-оммавий ва маърифий тадбирлар ўтказиш, ходимлар ва меҳнаткашларни маънавиятини ошириш

мақсадида республикамизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш, болаларни ёзги оромгоҳларда дам олишларини ташкиллаштириш ҳамда газета ва журналларга обуна бўлиш масалаларига жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **20 фоизидан** ошмаган миқдорда маблағлар сарфланади.

**Жисмоний тарбия ва спорт** тадбирларини ўтказиш, спортнинг барча турлари бўйича меҳнаткашлар ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларини ташкил этиш, тармоқлараро спартакиадалар ўтказиш, касаба уюшмалари спорт мактабларида болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш билан боғлиқ харажатларга жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **10 фоизигача** бўлган миқдорда маблағлар сарфланади.

Фуқароларга бериладиган **моддий ёрдам** тўловлари жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **5 фоизидан** ошмаган миқдорда белгиланади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган фаолларни турли байрамлар ҳамда ўтказиладиган тадбирларда моддий рағбатлантиришга жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **5 фоизидан** ошмаган миқдорда маблағ сарфланади.

**Маъмурий-хўжалик харажатларига**, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга штатлар жадвалидан келиб чиққан ҳолда, бошқа хўжалик харажатлари (коммунал тўловлар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, банк хизмати, телефон, уяли алоқа хизмати, канцтоварлар ва бошқалар)га эса жами харажат (хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ва Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **10 фоизидан** ошмаган миқдорларда маблағлар сарфланади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари балансида (тасарруфида)ги корхона, ташкилотлар (спорт иншоотлари)ни сақлаш билан боғлиқ бўлган барча (иш ҳақи, жорий таъмирлаш ва бошқа хўжалик) харажатлар, мазкур корхона, ташкилотлар (спорт иншоотлари)нинг молиявий-хўжалик фаолиятидан олинладиган даромадлари (пуллик хизматлар) ҳисобидан амалга оширилади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари балансидаги бино, маданият саройлари, болалар оромгоҳлари, спорт иншоотларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларни инвентарлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда бошқа кўзда тутилмаган харажатлар учун маблағлар Федерация билан келишилган ҳолда, жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга

оширилган умумий харажат)ларнинг **15 фоиздан** ошмаган миқдорда амалга оширилади.

**6.7.** Касаба уюшмалари ташкилотларининг штатдаги ходимларига иш фаолиятининг асосий натижалари учун ой якунларига кўра рағбатлантириш тўловлари жамоа шартномасининг иловаси ҳисобланадиган “Ходимларни мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тўланиши мумкин.

Бунда, рағбатлантириш тўловлари ходимларнинг иш фаолиятига қўшган шахсий ҳиссаларига мутаносиб тарзда лавозим маошининг 50 фоиздан ошмаган миқдорда белгиланади.

Меҳнат ҳақи тизимига лавозим маоши, мукофотлар, кўшимча ва компенсация тўловлари, устамалар киради. Бу тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (Меҳнат кодексининг 183-моддаси) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Қонунларда белгиланган байрам саналари муносабати билан бериладиган пул мукофотлари **молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда** ходимларнинг **бир ойлик лавозим маошидан ошмаган** миқдорда берилади.

Касаба уюшмалари Федерацияси тизмидаги ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларга узоқ йиллик иш стажи учун жамоа шартномасига мувофиқ ҳар ойда ходимларнинг лавозим маошига нисбатан куйидаги миқдорларда устама тўланади:

5 йилдан 10 йилгача бўлган иш стажи учун 15 фоиз;

10 йилдан 15 йилгача бўлган иш стажи учун 35 фоиз;

15 йилдан 20 йилгача бўлган иш стажи учун 75 фоиз;

20 йилдан юқори бўлган иш стажи учун 100 фоиз.

Ходимнинг иш стажи ойлар оралиғига тўғри келса, устама тўлови кейинги ойдан (*масалан, ходимнинг иш стажи июль ойи ичиди 10 йилга тўғри келган ҳолда, устама тўлови август ойдан*) бошлаб тўланади.

Касаба уюшмалари Федерацияси тизмидаги иш стажиги ходимнинг аввал тизимда ишлаган даври ҳам киради.

Агар ходим бир вақтнинг ўзида бир нечта асосларга кўра устама олиш ҳуқуқига эга бўлса, ходимнинг танлови (ёзма аризаси) бўйича битта устама тўланади, бундан Фавқулодда ва Мухтор элчи мартабаси ҳамда илмий даража ва илмий унвон учун белгиланган устамалар мустасно.

**6.8** Компенсация тўловлари, яъни касаба уюшмалари ташкилотлари ва Федерация тасарруфидаги ташкилотларда молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ишловчи ходимларга овқатланиш харажатларини қисман қоплаш учун республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам

миқдорининг **бир бараваригача** ҳамда йўл харажатларини қисман қоплаш учун республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **35 фоизигача** бўлган миқдорда тўловлар белгиланади.

**6.9.** Касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларига хизмат сафари давомида кундалик харажатлар учун жамоа шартномасига асосан республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг **35 фоизи** миқдорида ҳақ тўланади.

Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари республикада белгиланган меъёрларда ҳамда меҳмонхона хизмати харажатлари республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг **1,5 бараваридан** ошмаган миқдорда белгиланади.

**6.10.** Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва Ҳудудий кенгашлар раҳбарлари ҳамда Республика кенгашларининг ҳудудлардаги масъул ташкилотчилари хизмат фаолиятида ташкилот ҳисобидан тегишли кенгашларнинг балансидаги уяли телефон билан таъминланиши мумкин.

Ушбу ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ташкилотчилар учун ажратилган уяли телефонларда сўзлашув харажатларининг меъёри ойига республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизидан** ошмаган миқдорда белгиланади.

**6.11.** Касаба уюшмалари ташкилотлари балансида бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланишда нефть ва суюлтирилган газ маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш мақсадида, хизмат автомобилларидан фойдаланишнинг кунлик меъёри **100 км.**дан ошмаган миқдорда белгиланади.

Автотранспорт воситаларидан хизмат вазифаси заруриятларига мувофиқ фойдаланишда, яъни хизмат сафарлари ва бошқа жамоатчилик асосида бириктирилган вазифаларни бажаришда белгиланган лимитлардан ошган йўл масофалари касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ҳужжатли асосланиши лозим.

**6.12.** Аъзолик бадалларининг тушуми тармоқ касаба уюшмалари Республика ва Ҳудудий кенгашларнинг тасдиқлаган даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича уларни сақлаш учун сарфланадиган харажатларни қоплашга етмаган ҳолларда, мазкур ташкилотларнинг штатлари, уларга тўланадиган иш ҳақи, мукофот, компенсация тўловлари қисқартирилади.

**6.13.** Барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларини мақсадли сарфланиши, ҳужжатларни ўз вақтида тўғри расмийлаштирилиши, молиялаштириш учун ажратилган маблағларни белгиланган муддатларда ўтказилишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

**6.14.** Республика ва Федерация миқёсида ўтказиладиган тадбирлар учун маблағлар Федерация маблағлари ҳисобидан харажатлар амалга оширилиши

ёки ушбу вазифа Федерация томонидан тармоқ касаба уюшмалари Республика ва Худудий кенгашларга юклатилиши мумкин.

## **VII. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САРФ-ХАРАЖАТИ БЎЙИЧА ТУЗИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ЮРИТИШ**

**7.1.** Касаба уюшмалари маблағларининг сарф-харажати бўйича молиявий ҳисоботлар Федерациянинг Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган шакллар асосида юритилади.

Касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботларни йил бошидан **ортиб борувчи якун бўйича** топширишнинг қуйидаги тартиби белгиланади:

**7.1.1.** Бошланғич ташкилот бевосита туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмиталарнинг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботни биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **10 санасигача** мазкур бошланғич ташкилотга касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмиталарга топширади;

ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмиталари касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботни биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **15 санасигача** умумлаштирилган ҳисоботни Худудий кенгашларга топширади.

**7.1.2.** Бошланғич ташкилот бевосита тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботни биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **10 санасигача** Худудий кенгашларга топширади.

**7.1.3.** Худудий кенгашлар касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларидан касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан йиғилган молиявий ҳисоботларни умумлаштирган ҳолда, биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **25 санасигача** Федерацияга топширади.

Ўз навбатида, Худудий кенгашлар умумлаштирилган молиявий ҳисоботни Федерацияга топшириладиган вақтга қадар, ҳудуддаги тармоқ касаба уюшмаларидан йиғилган аъзолик бадаллари тўғрисидаги таҳлилни тармоқ касаба уюшмаларининг Республика кенгашларига тақдим этилишини таъминлайди.

**7.1.4.** Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида молиявий ҳисоботни аъзолик бадаллари бўйича Худудий кенгашлардан олинган маълумотларни бошланғич ташкилотлар ва туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари бўйича таҳлил қилган ҳолда, биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **25 санасигача** Федерацияга топширади.

**7.2.** Касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан топшириладиган молиявий ҳисоботлар электрон шаклда топширилади, ўз навбатида ҳисоботлар раҳбар, молия бўлими мудирлари ва бош бухгалтерларнинг имзолари ҳамда ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолатда ҳам етказилади.

Молиявий ҳисоботларнинг тузилиши ва улардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишли касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлари, молия бўлими мудирлари ва бош бухгалтерлари шахсан жавобгар бўлади.

## **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДА**

Мазкур Низом тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Худудий кенгашлар билан келишилган.

**ҚАРОРИ  
QARORI**

Тошкент ш  
Toshkent sh.

2012 йил 24 апрель

№ 6-11

**Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети  
маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни  
расмийлаштириш Тартиби тўғрисида**

Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, тасдиқланган сметалар асосида маблағларни Уставда белгиланган мақсадлар учун сарфланишини назорат қилиш, бюджет маблағларининг сарф-харажатларини белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилиши, молиявий ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилиши, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўз вақтида ва тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

**1.** Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш Тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раислари ҳамда тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларига:**

тасдиқланган Тартиб асосида ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотлар ва тармоқ тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларини сарф-харажат қилинишида молиявий ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилиши, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўз вақтида ва тўғри юритилишини қатъий тартибда назорат қилиш;

молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўз вақтида ва тўғри юритилиши мавзуларида касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш ва ушбу масалалар юзасидан жойларда ўқув-семинарлар ташкил этиш;

молиявий ҳужжатларни расмийлаштиришда Тартибга амал қилмаган касаба уюшмалари органлари раҳбарлари ҳамда масъул ходимларига нисбатан қонунда ва Уставларда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриб бориш топширилсин.

**3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси (Б.Ахраров)дан жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотларида тафтиш ўтказиш жараёнларида ташкилотлар томонидан бюджет**

маблағларининг сарф-харажатларини Тартиб асосида расмийлаштирилаётганлигини назорат қилиш сўралсин.

**4. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши молия бўлими** (А.Асадов) юқорида тасдиқланган Тартибдан иш фаолиятида фойдаланиш масалалари юзасидан жойлардаги қасаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатсин ва бу борада жойларда ўқув-семинарлар ташкил этсин.

**5.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Н.Аллаёров зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси**

**Т.Нарбаева**

# **КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА КАСАБА УЮШМА БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САРФЛАНИШИДА МОЛИЯВИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Мазкур Тартиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави асосида, касаба уюшмалари ташкилотлари касаба уюшма бюджетининг шаклланишида ягона молиявий фаолиятни юритиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, касаба уюшмалари ташкилотларида молиявий хужжатларни тўғри расмийлаштириш ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, касаба уюшма бюджети маблағларини мақсадли ва самарали сарфланиши меъзонларини белгилайди.

## **II. ТАРТИБНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ**

Ушбу Тартибдан кўзланган асосий мақсад, касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, молиявий хужжатларни амалдаги меъёрий хужжатлар асосида расмийлаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобларини тўғри олиб бориш ҳамда тасдиқланган сметалар асосида маблағларни Уставда белгиланган мақсадлар учун сарфланишини таъминлашдан иборат.

## **III. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Барча турдаги касаба уюшмалари ташкилотларида аъзолик бадаллари ва бюджет маблағларини сарфлаш тегишли молиявий хужжатларни расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Бюджет маблағлари ва товар-моддий бойликларни сарфлаш учун аввало тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади. Мазкур қарор билан ўтказиладиган тадбирнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ҳисобидаги товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш учун ҳисобот йили бошида уч кишидан кам бўлмаган таркибда комиссия тузилади.

Ушбу комиссия ҳисобот йили давомида ўтказилган тадбирлар иштирокчилари ва спартакиадалар ғолибларига берилган совғаларни, уларнинг тарқатилганлигини асословчи қайдномалар асосида ҳисобдан чиқариш далолатномасини расмийлаштиради. Мазкур далолатнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланиб, муҳрланади ва ўз навбатида ташкилот бухгалтериясига тақдим этилади.

Ташкилот бухгалтерияси комиссиядан қабул қилиб олган далолатнома асосида ташкилот ҳисобида бўлган товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқаради.

Шунингдек, ташкилот томонидан ўтказилган тадбирларда совғаларни касаба уюшмаси фаолларига тарқатиш жараёнида тузилган қайднома ҳамда комиссия томонидан тузилган ҳисобдан чиқариш далолатномасида тарқатилган ва ҳисобдан чиқарилаётган совғаларнинг номи, миқдори, нархи кўрсатилиши лозим.

Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағлари Уставда белгиланган мақсадлар учун сарфланиб, улар асосан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади.

**3.1.** Республикамизда ўтказиладиган байрамлар муносабати билан ташкил қилинадиган маданий-оммавий тадбирлар (“Янги йил”, 8 март “Халқаро Хотин-қизлар куни”, 21 март “Наврўз”, 9 май “Хотира ва кадрлаш куни”, 1 сентябрь “Мустақиллик куни”, 1 октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”, 8 декабрь “Конституция куни”, “Рамазон” ва “Қурбон” хайитлари байрамларида) сарф-харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагича расмийлаштирилади.

Касаба уюшмаси ташкилотининг тадбирни ўтказиш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилинади ҳамда тадбирнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади, шунингдек, қарорда тадбир ўтказиладиган жой ва санаси кўрсатилиши лозим. Тадбир давомида иштирокчиларга берилган совғаларни тарқатилганлигини асословчи қайднома ва уларни ҳисобдан чиқариш учун далолатнома расмийлаштирилади. Агар тадбир иштирокчилари овқатлантирилса, умумий овқатланиш корхонасидан ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома, таомнома олиниши, шунингдек ушбу ҳужжатга тадбир иштирокчиларининг рўйхатини илова қилиш лозим.

**3.2.** Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган касаба уюшма аъзоларини юбилей саналари муносабати билан табриклаш (50, 55, 60 ёш ва бошқа юбилей саналари) учун касаба уюшмаси ташкилотининг қарори қабул қилинади. Юбилярга эсдалик совғаси берилганда, совға далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади, агар маълум миқдорда пул маблағи берилганда касса чиқим ордери расмийлаштирилади.

**3.3.** Касаба уюшмалари ташкилотларида Федерация Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари Марказий, ҳудудий бирлашмалар кенгашлари, тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар томонидан республика ва касаба уюшмалари фаолиятларига оид бўлган долзарб масалалар юзасидан касаба уюшма фаоллари билан учрашувлар, ўқув-семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади, қарорда учрашув ва ўқув-семинарнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади. Тадбир харажатлари

сарф-харажатлар сметаси асосида амалга оширилади ва далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади.

**3.4.** Касаба уюшма аъзолари, фаоллари, фахрийлари учун республикамизнинг қадимий обидаларига саёҳатлар уюштириш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун турли концерт ва театр томошалар ташкил қилиш каби тадбирлар учун касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва қарор билан сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади ҳамда қарорга иштирокчилар рўйхати илова қилинади.

Туристик саёҳат билан боғлиқ бўлган харажатларни асослаш учун транспорт хизмати кўрсатган ташкилотдан ҳисоб-фактура, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома ҳамда хизмат кўрсатган транспорт воситаси йўл варақасининг нусхаси олинади.

Агар ташкиллаштирилган концерт ва театр томошалари учун касаба уюшма ташкилоти томонидан чипталар тарқатилса, қайднома расмийлаштирилиши ва шу асосда ҳисобдан чиқариш далолатномаси тузилиши лозим.

**3.5.** Хорижий касаба уюшмалари ташкилотлари билан алоқаларни мустақамлаш мақсадида ҳамда хорижий касаба уюшмаларининг таклифлари асосида чет элга хизмат сафарлари уюштирилади. Мазкур хизмат сафари фақат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг рухсати билан амалга оширилади.

Ташкилот ходимини хизмат сафарига юборишдан олдин тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори Федерация Кенгашининг рухсатига асосланиб қабул қилинади. Қарорда сафар харажатлари қайси ташкилот ҳисобидан қопланиши, шунингдек хорижий касаба уюшмалари ташкилотларига олиб кетиладиган эсдалик совғалари тўғрисидаги бандлар киритилиши лозим.

Агар сафар билан боғлиқ бўлган харажатлар юборувчи ташкилот ҳисобидан қопланиши кўрсатилган бўлса, харажатларни асословчи барча ҳужжатлар (авиачипталар, меҳмонхона, виза олиш квитанциялари)ни илова қилган ҳолда тузилган ҳисоботга асосан харажатлар хизмат сафарига борган ходимга қоплаб берилади. Суткалик тўловлар эса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатга олинган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш Тартиби”нинг 1-иловасида белгиланган меъёрлар бўйича 100 фоиз миқдорда тўланади.

Шунингдек, сафар билан боғлиқ бўлган харажатлар (овқатланиш, турар жой) кутиб олувчи хорижий касаба уюшмалари ташкилотлари ҳисобидан қопланса, суткалик тўловлар юқоридаги Тартибнинг 1-иловасида белгиланган

меъёрларнинг 30 фоизи миқдорида сафарга юборувчи ташкилот томонидан тўланади.

Ташкилот ҳисобидан хорижий касаба уюшма ташкилотларига берилган эсдалик совғалари далолатнома тузилган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

**3.6.** Пахта йиғим-терими мавсумида иштирок этаётган ҳашарчилар, кам таъминланган илғор теримчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни маданий дам олишини ташкиллаштириш учун касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва ушбу қарор билан тадбирнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Ҳашарчилар ва теримчилар учун маданий тадбирлар тегишли ҳудуддаги маданият ва спорт ишлари бўлими билан шартнома тузган ҳолда амалга оширилади ва ушбу тадбир учун қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома маданият ва спорт ишлари бўлимидан олинади.

Ҳашарчилар ва теримчилар учун иссиқ овқат ташкиллаштириш умумий овқатланиш корхоналари билан шартнома тузиш асосида амалга оширилади ва ушбу мақсад учун қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома умумий овқатланиш корхоналаридан олинади (теримчилар рўйхати илова қилинади).

Шунингдек савдо ташкилотларидан озиқ-овқат маҳсулотлари олиниб, ҳашарчи ва теримчиларга иссиқ овқат ташкил қилинса, ушбу маҳсулотлар тегишли ташкилотлар фаоллари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида тузилган далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади (теримчилар рўйхати илова қилинади).

Ҳашарчи ва теримчиларни рағбатлантириш учун касаба уюшмалари ҳисобидан бериладиган совғаларнинг тарқатилганлини асословчи қайднома расмийлаштирилади ва далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади, ушбу далолатномада совғаларни тарқатишда иштирок этган фаолларнинг имзоси бўлиши лозим.

**3.7.** Тармоқ касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган меҳнаткашлар, касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, касаба уюшмалари аппарат ходимлари ўртасида спорт турлари бўйича ўтказиладиган спартакиадаларни ташкил қилиш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва ушбу қарор билан спартакиаданинг низоми, сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Спартакиада иштирокчилари овқатлантирилганда умумий овқатланиш корхонасидан ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома, таомнома олинishi, шунингдек ушбу ҳужжатга иштирокчиларининг рўйхатини илова қилиш лозим.

Спартакиада якуни бўйича ғолибларга совға тарқатишда қайднома расмийлаштирилади ҳамда қайднома асосида совғаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси тузилади.

Агар спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган манзилга спортчиларни олиб бориш учун йўловчи ташувчи транспорт воситаларидан фойдаланилса, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилотдан ҳисоб-фактура, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома ҳамда транспорт воситасининг йўл варақасидан нусха олинади.

**3.8.** Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган касаба уюшма аъзоларига, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Моддий ёрдам бериш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилиниб, қарорга моддий ёрдам сўраган шахсларнинг аризалари ва паспортининг нусхаси илова қилинади, шунингдек қарорда ҳар бир шахсга бериладиган моддий ёрдам суммалари кўрсатилиши лозим.

Моддий ёрдам ташкилот ҳисобидан касса чиқим ордери билан берилиб, ордерда моддий ёрдам олувчи шахс паспортининг маълумотлари тўлиқ кўрсатилиши керак. Шунингдек ушбу тўлов моддий ёрдам сўраган шахсларнинг шахсий пластик карточкасига ҳам ўтказилиши мумкин, фақат маблағ ўтказилган тўлов топшириқномасига пластик карточкасига моддий ёрдам ўтказилган шахсларнинг реестрини банкдан тасдиқлатиб илова қилиб қўйиш лозим.

**3.9.** Касаба уюшмаларининг барча тузилмалари иш ҳақи ва хўжалик харажатлари (балансда мавжуд бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш, уяли алоқа воситалари)га маблағ сарфлашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2011 йил 27 апрелдаги “Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 3-2 сонли қарори билан тасдиқланган Низомда кўрсатилган меъёрларга амал қилиши лозим.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ тўланади. Ҳар бир касаба уюшма ташкилоти штатлар жадвалини тасдиқлашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил 27 апрелдаги “Касаба уюшма органлари тузилмаси ва штатлар жадвалини такомиллаштириш тўғрисида”га 2-7 сонли қарорига амал қилиши шарт.

Иш ҳақи ҳисоблаш учун ташкилотнинг масъул шахслари томонидан табель тўлдирилади ва табель ташкилот раиси томонидан тасдиқланади. Табелда ходимларнинг ишда, хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлганлиги ҳамда дам олиш кунлари аниқ ва тўғри кўрсатилиши лозим.

Иш ҳақи ҳисоблаш китобида ҳисобот оғи давомида ходимга бериладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, меҳнат натижалари бўйича тўловлар, ходим меҳнат таътилига чиққан вақтда бериладиган ижтимоий-маиший (моддий ёрдам) тўлов ҳамда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бериладиган компенсация (йўл, овқат пули) тўловлари, шунингдек, ходимга ташкилотнинг иш ҳақи бўйича ўтган ойдан қолган қарзи, унинг берилиши, берилган бўнақ (аванс), иш ҳақидан ушланмалар (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар, касаба уюшмасига аъзолик бадаллари) ҳамда ходимнинг иш ҳақи ҳисобидан унинг аризасига асосан электр энергия, газ таъминоти, олий ўқув юртиларига тўлов контрактлар ва бошқалар учун ўтказилган маблағлар кўрсатилиши шарт.

Ҳисобот йили давомида ходимларга иш берувчи томонидан натура шаклида берилган қимматбаҳо эсдалик совғаларининг қиймати республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 6 баробаридан ошса, ушбу ошган қисми ходимнинг даромадига қўшилади ва белгиланган тартиб бўйича даромад солиғига тортилади.

Ходимлар ташкилот раисининг фармойишига асосан хизмат сафари гувоҳномаси расмийлаштирилган ҳолда хизмат сафарига юборилади. Хизмат сафарига жўнатилган ходим сафар гувоҳномасига ўзи ишлайдиган ташкилот ва сафарга борган ташкилотидан имзо, муҳр қўйдириши лозим. Сафар якуни бўйича ходим амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот ёзиши ҳамда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл транспортининг чиптаси, турар жой қвитанцияси) асосида ҳисобот топшириши ва ушбу ҳисоботни ташкилот раиси тасдиқлаши керак.

Йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда йўл харажати бўйича қопланадиган сумма хизмат сафарига темир йўл орқали бориш қийматидан ортиқ бўлмаслиги, лекин йўловчиларни авиада ташиш тарифларини 30 фоиздан кўп бўлмаслиги керак.

Вилоят миқёсида (туманлараро) хизмат сафари билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари йўловчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт ташкилотларидан олинган маълумотномаларда белгиланган тарифлар асосида қопланади.

Шунингдек хизмат сафарига борган ходимга сафарда бўлган даври учун суткалик тўловлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқнома”га асосан Тошкент шаҳри, вилоятлар марказларида республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи, бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда 8 фоизи миқдорида суткалик тўловлар тўланади.

Суткалик тўловларнинг миқдори корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномасига мувофиқ кўпайтирилиши мумкин. Лекин касаба уюшма ташкилотларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2011 йил 27

апрелдаги “Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 3-2 сонли қарори билан тасдиқланган Низомда кўрсатилган меъёрлардан оширилмаслиги лозим.

Ўз навбатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқнома”да белгиланган меъёрлардан ортиқча тўланган суткалик тўловлар ходимларнинг даромадига қўшилади ва белгиланган тартибда даромад солиғига тортилади.

Касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолият юритиши учун олинган канцтоварлар ходимларга ҳар ойда қайднома билан тарқатилиб, далолатнома асосида ҳисобдан чиқариб борилади.

Касаба уюшмалари ташкилотларининг балансида бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланишда хизмат вазифаси, хизмат сафарлари ва бошқа жамоатчилик асосида бириктирилган вазифаларни бажаришда автотранспорт воситасига кунлик ёки 5 кунлик йўл варақалари расмийлаштирилади.

**3.10.** Касаба уюшмалари ташкилотларининг мажлис (пленум), раёсат йиғилишларини ўтказиш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва қарор билан йиғилишнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Йиғилишни ўтказиш учун ишлатилган ва иштирокчиларга тарқатилган канцтоварлар, китоблар, буклетлар ва бошқалар комиссия томонидан тузилган далолатномага мувофиқ, иштирокчиларни овқатлантириш учун қилинган харажатлар эса умумий овқатланиш корхоналаридан олинган ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома асосида ҳисобдан чиқарилиб, ушбу далолатномага йиғилиш иштирокчиларининг рўйхати илова қилинади.

**3.11.** Касаба уюшмалари ташкилотлари балансида мавжуд бўлган асосий воситаларга нисбатан уларнинг турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 136-сонли Қонуни билан 2007 йил 25 декабрда тасдиқланган ва 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган Солиқ Кодексининг 144-моддасида белгиланган меъёрларга асосан амортизация ажратмалари (эскириш) ҳисобланади.

Шунингдек, ташкилотлар балансида мавжуд бўлган асосий воситалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтган “1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ ҳамда ҳар йили Давлат статистика қўмитаси томонидан чиқариладиган индексларга асосан қайта баҳоланади. Ўз навбатида, мавжуд асосий воситаларга нисбатан ҳисобланган амортизация ажратмалари (эскириш) ҳам пропорционал равишда мазкур индекслар бўйича қайта баҳоланади.

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятидаги  
касаба уюшмаси қўмитасининг**

**ЙИҒИЛИШ БАЁНИ**

**2026 йил 5 январь**

**№3**

**Фарғона шаҳри**

**Йиғилиш раиси:** Касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимов

**Йиғилиш котиби:** Касаба уюшма қўмитаси аъзоси Х.Халимова

**Иштирокчилар:** Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари Ж.Жалилов,  
М.Маликов, У.Умидова, Т.Толипова, И.Исмоилов

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба  
уюшмаси ташкилоти ҳисобидаги товар-моддий бойликларни ҳисобдан  
чиқариш комиссиясини тузиш тўғрисида**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб, касаба уюшма қўмитасининг 7нафари иштирок этаётганини инобатга олиб, йиғилиш ваколатли эканлигини билдирди ва кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 24 апрелдаги “Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби”га асосан бошланғич ташкилот ҳисобидаги товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш учун ҳисобот йили бошида уч кишидан кам бўлмаган таркибда комиссия тузилиши белгиланган.

Мазкур комиссия ҳисобот йили давомида ўтказилган тадбирлар иштирокчилари ва спартакиадалар ғолибларига берилган совғаларни,

уларнинг тарқатилганлигини асословчи қайдномалар асосида ҳисобдан чиқариш далолатномасини расмийлаштиради.

Шунингдек, йиғилишда Т.Толипова, М.Маликовлар сўзга чиқиб комиссия таркибига У.Умидова, Ж.Жалилов ва Х.Халимовалар номзодини таклиф қилишди.

Кун тартибига қўйилган масала атрофлича кўриб чиқилиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ҳисобидаги товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:

Касаба уюшма қўмитаси аъзолари У.Умидова, Ж.Жалилов, Х.Халимова.

2. Комиссиянинг тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш У.Умидова зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси**

**С.Салимов**

**Йиғилиш котиби**

**Х.Халимова**

**Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари:**

**Ж.Жалилов**

**М.Маликов,**

**У.Умидова**

**Т.Толипова**

**И.Исмоилов**

**“Омад зафари” МЧЖ касаба уюшма қўмитасининг 2026 йил 5 мартдаги  
21-сонли қарорига асосан 8 март “Халқаро хотин-қизлар куни” байрами  
муносабати билан совға тарқатиш  
ҚАЙДНОМАСИ**

*2026 йил 5 март*

<b>№</b>	<b>Совға олган шахснинг Ф.И.О.</b>	<b>Совға номи</b>	<b>Совға сони ва ўлчов бирлиги</b>	<b>Совға нархи</b>	<b>Совға суммаси</b>	<b>Имзо</b>
1.	Тўланов Тўлан Тўланович	Иситгич	1 дона	210 000	210 000	
2.	Мажидов Мажид Мажидович	Иситгич	1 дона	210 000	210 000	
3.	Маликова Малика Маликовна	Иситгич	1 дона	210 000	210 000	
Жами:			3 дона	630 000	630 000	

*Комиссия аъзолари ва совғаларни тарқатишда иштирок этган фаоллар:*

\_\_\_\_\_ **У.Умидова**

\_\_\_\_\_ **Ж.Жалилов**

\_\_\_\_\_ **Х.Халимова**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Омад зафари” МЧЖ касаба  
уюшмаси қўмитаси раиси**

\_\_\_\_\_ **С.Салимов**

**ДАЛОЛАТНОМА**

**2026 йил 5 март**

**Фарғона шаҳри**

Мазкур далолатнома “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти товар-моддий бойликларини ҳисобдан чиқариш комиссияси аъзолари У.Умидова, Ж.Жалилов, Х.Халимова томонидан шу ҳақда тузилдиким, касаба уюшма қўмитасининг 2026 йил 5 мартдаги 21 сонли қарорига асосан 8 март “Халқаро хотин-қизлар куни” байрами муносабати билан жамият жамоатчилик ишларида фаол иштирок этаётган ходимларга 3 дона нархи 210 000 сўмдан бўлган жами 630 000 сўмлик “Иситгич”лар совға қилинди.

Далолатнома юқорида келтирилган жами 630 000 (олти юзи ўттиз минг) сўмлик совғаларни ҳисобдан чиқариш учун тузилди (совғаларни тарқатиш қайдномаси илова қилинади).

**Комиссия аъзолари:**

\_\_\_\_\_ **У.Умидова**

\_\_\_\_\_ **Ж.Жалилов**

\_\_\_\_\_ **Х.Халимова**

**Совғаларни тарқатишда иштирок этганлар:**

**Ходимлар бўлими мудир**

\_\_\_\_\_ **И.Илхомов**

**Ҳисобчи**

\_\_\_\_\_ **У.Умидов**

**Тафтиш комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш  
тартиби**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Қурултойининг  
2020 йил 11 ноябрдаги VIII-5-сон қарорига  
илова*

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ  
НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ НИЗОМИ  
(ЯНГИ ТАҲРИР)**

**Тошкент – 2020**

## **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Назорат-тафтиш комиссияси фаолиятини тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

### **2. Назорат-тафтиш комиссиясининг номланиши:**

ўзбек тилида: тўлиқ - O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Nazorat-taftish komissiyasi; қисқача - Federatsiya Nazorat-taftish komissiyasi;

рус тилида: тўлиқ - Контрольно-ревизионная комиссия Федерации профсоюзов Узбекистана; қисқача - Контрольно-ревизионная комиссия Федерации;

инглиз тилида: тўлиқ – Auditing Commission Federation of Trade Unions of Uzbekistan; қисқача - Auditing Commission FTUU.

3. Назорат-тафтиш комиссиясининг жойлашган ери (почта манзили): 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24 уй.

4. Назорат-тафтиш комиссияси ўзининг номи кўрсатилган думалок муҳрига ва расмий бланкига эга.

5. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси (кейинги ўринларда “Комиссия” деб юритилади) Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Уставига ва мазкур Низомга мувофиқ коллегиялик, мустақиллик ва қонунийлик асосида ўз вазифаларини бажаради.

## **2-БОБ. НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

6. Комиссия Федерациянинг коллегиял назорат органи бўлиб, мустақил фаолият юритади, фақат Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда “Федерация” деб юритилади) Қурултойи ва Федерация раиси олдида ҳисобдордир.

7. Комиссия ва унинг раиси Федерация Қурултойи томонидан, Федерация Бош Кенгашининг (кейинги ўринларда – Бош Кенгаш) ваколат муддатига тенг муддатга сайланади.

Федерация Уставида назарда тутилган ҳолларда Бош Кенгашининг ваколат муддати узайтирилган тақдирда Комиссиянинг ваколат муддати ҳам мос равишда узайтирилади.

Комиссия раиси ҳамда аъзолари жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Комиссия раисининг ўринбосари - комиссиянинг штатдаги ходими ҳисобланади ва у билан меҳнат шартномасини тузиш, бекор қилиш Федерация раисининг ваколоти ҳисобланади.

8. Федерациянинг сайлаб қўйиладиган раҳбар ва ижроия органлари аъзолари Комиссия таркибига сайланиши мумкин эмас.

9. Комиссиянинг жорий фаолиятини юритиш мақсадида штатдаги ходимлардан иборат аппарати шакллантирилади. Комиссия штатидаги ходимлар мақоми Федерация аппарати ходимлари мақомига тенглаштирилади,

уларнинг сонини белгилаш, меҳнат шартномасини тузиш, бекор қилиш Федерация аппарати ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Комиссия ҳудудларда ҳам ўзининг штатдаги ходимларига эга бўлиши мумкин.

10. Комиссия фаолиятини молиявий таъминлаш, жумладан штатдаги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, мукофотлаш, рағбатлантириш Федерация маблағлари ҳисобидан, ҳудудларда эса ҳудудий кенгашларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Комиссиянинг штатдаги ходимлари билан меҳнат муносабатлари меҳнат қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

12. Комиссиянинг бошқарув органи – Комиссия мажлиси ҳисобланади.

Комиссия ўз фаолиятини Федерация раиси билан келишилган ҳолда унинг мажлисида тасдиқланган иш режалари асосида ташкил қилади.

#### **Комиссия мажлиси:**

Комиссиянинг фаолиятига доир қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижросини назорат қилади;

иш режасини тасдиқлайди, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

13. Комиссия мажлислари аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

Комиссия қарори мажлисда иштирок этган аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади. Овоз бериш шакли мажлис иштирокчилари томонидан белгиланади.

14. Қурултойлар оралиғида комиссия раиси турли сабабларга кўра вазифасини давом эттира олмаган ёки бажара олмаган ҳолларда, Комиссия ва Бош Кенгашнинг кўшма мажлисида лавозимидан озод этилиши ва бу лавозимга янги номзод сайланиши мумкин. Шу тартибда комиссия раисининг ўринбосари ҳамда комиссия аъзолари ҳам комиссия таркибидан чиқарилиши ва янги номзодлар сайланиши мумкин.

15. Кўшма мажлисда Комиссия аъзоларининг ҳам, Бош Кенгаш аъзоларининг ҳам ярмидан кўпи иштирок этган ҳамда ҳар икки томондан иштирокчиларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда, номзод сайланган ҳисобланади.

16. Комиссиянинг мажлислари оралиғидаги фаолиятини амалга ошириш учун, мажлисда унинг аъзолари таркибидан ишчи орган - бюро (кейинги ўринларда “Бюро” деб юритилади) тузилади. Бюро Комиссия мажлислари оралиғида унинг ваколатларини амалга оширади.

Заруратга қараб Бюро қарори билан Комиссия иш режасига ўзгартиришлар киритилиши, режадан ташқари текширувлар ва тафтишлар ташкил қилиниши мумкин.

17. Комиссия Федерация тизимидаги барча Тафтиш комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатади.

### **3-БОБ. НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ИШ ТАРТИБИ**

18. Бюро йиғилишларида Комиссия мажлислари оралиғида ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тезкор чоралар кўриш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади. Бюро қарорлари комиссиянинг навбатдаги мажлисига маълумот учун киритилади.

19. Комиссия аъзолари, унинг штатдаги ходимлари иш режа асосида ёки режадан ташқари ўтказилган тафтиш ва текширишлар натижасига кўра далолатнома, маълумотнома, ахборот тайёрлайди ҳамда комиссия мажлиси ёки Бюро йиғилиши муҳокамасига киритади.

20. Комиссия мажлислари йилда камида икки марта, Бюро йиғилишлари эса комиссия мажлислари оралиғида заруратга қараб, аммо ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

21. Комиссия раиси унинг мажлисларида ва иш жараёнида иштирок эта олмаган ҳолларда, раиснинг вазифасини бажариш, жумладан комиссия фаолиятига доир ҳужжатларни имзолаш ваколати раис ўринбосари томонидан амалга оширилади.

22. Комиссиянинг текшириш давомида аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарорлари ва таклифлари бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида текшириш ўтказилган тегишли касаба уюшма ташкилотлари узоғи билан бир ой муддатда Комиссияга маълумот беришлари шарт.

Мазкур банд талабларининг бажарилиши юзасидан масъулият текшириш ўтказилаётган орган (ташкилот) раҳбарига юклатилади.

23. Тафтиш ва текширишлар 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Иш ҳажмининг кўплиги сабабли, шунингдек, тафтиш ва текширишлар фуқароларнинг мурожаатлари асосида ўтказилаётган бўлса, ушбу муддат комиссия раиси ёки Федерация раиси томонидан кўпи билан 30 кунга узайтирилиши мумкин.

#### **4-БОБ. НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

24. Комиссиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Федерацияга аъзо ва тасарруфдаги ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Федерация Устави, касаба уюшмалари органлари қарорлари, тизимда амалда бўлган бошқа (жумладан, молиявий интизомга оид) тартиб ва меъёрларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Федерация мулкидан самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан Устав талаблари доирасида аъзолик бадаллари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтириладиган ягона ижтимоий тўловдан ажратиладиган маблағлари режасининг бажарилишини ва улардан мақсадли фойдаланилишини текшириш, тафтишдан ўтказиш ва назорат қилиш;

иш режасига мувофиқ, зарур ҳолларда эса режадан ташқари Федерация ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш, тафтишдан ўтказиш;

текшириш ва тафтиш жараёнида аниқланган қоидабузарликларни (ёки хато ва камчиликларни) бартараф этиш, уларнинг юзага келишига йўл қўйган масъул шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларига, ҳудудий Кенгашларга ёки Бош Кенгашга маълумот киритиш;

Федерация тизимидаги барча тафтиш комиссиялари аъзолари ҳамда штатдаги ходимларининг малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш.

Текшириш ва тафтишдан ўтказиш ишлари Федерация аппарати, касаба уюшмалари ташкилотларининг вакиллари ҳамда тафтиш комиссиялари билан биргаликда ташкил қилиниши мумкин.

## **5-БОБ. НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **25. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

барча даражадаги касаба уюшмалари органлари раҳбарларидан, мансабдор шахсларидан тафтиш, текшириш давомида юзага келган масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши ҳолатлари бўйича ёзма равишда тушунтиришлар беришни, шунингдек маълумотнома ва далолатномаларни имзолашни талаб қилиш;

зарур ҳолларда текширилаётган объект раҳбарларидан текширув объекти газнаси, омборлар муҳрланишини ва асосий воситалар, товар-моддий бойликлари, пул маблағлари ҳамда ҳисоб-китоблар хатланишини талаб қилиш;

касаба уюшмалари органларида тафтиш ва текширишлар ўтказиш жараёнида уларнинг иш режалари, молия, бухгалтерлик, ташкилий, ходимлар билан ишлаш ва бошқа масалаларга оид ҳужжатлари асл нусхаларидан фойдаланиш, шунингдек зарурат туғилганда белгиланган тартибда қарши текширишлар ўтказиш;

зарур ҳолларда, белгиланган тартибда банклар, молиявий ташкилотлар ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалардан тафтиш ўтказилаётган органнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли бўлган ҳужжат ва маълумотларни олиш;

тафтиш ва текширувларни ўтказиш учун касаба уюшмалари фаоллари, касаба уюшмалари органлари ходимлари, шунингдек, малакали мутахассислар, экспертларни жалб қилиш, бошқа назорат-текширув органлари билан алоқалар ўрнатиш;

зарур бўлганда, тафтиш ёки текширувга салбий таъсир этилишининг олдини олиш мақсадида, бевосита алоқадор бўлган мансабдор шахсни (шахсларни) вақтинча ишдан четлаштиришни ваколатли органдан (иш берувчидан) талаб қилиш;

Федерацияга аъзо ва тасарруфдаги ташкилотларда текшириш ўтказишдан аввал ёки бевосита текшириш жараёнида ташкилот раҳбарлари ва масъул шахслари томонидан текширувга тўсқинлик қиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)

содир этилган, ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортилган ҳолларда, комиссия аъзолари ёки штатдаги ходимлари томонидан далолатнома тузиш, касаба уюшма ташкилотларининг юқори органларига ёки Федерация раҳбариятига мазкур ҳолатни зудлик билан бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиш юзасидан тақдимнома киритиш;

текшириш натижалари бўйича маълумотларни муҳокама қилиш ва зарур чораларни кўриш учун Федерация раисига, тегишли аъзо ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки раҳбарларига киритиш.

26. Комиссия раиси, раис ўринбосари ва аъзолари Федерациянинг Бош Кенгаши, Ижроия қўмитаси ва аъзо ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ишида овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиши мумкин.

#### **27. Комиссиянинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Уставига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ҳукумат қарорларига, фармойишларига, меъёрий ҳужжатларига, тартиб ва йўриқномаларига риоя этилишини ҳамда мазкур Низом талаблари бажарилиши ва тўғри қўлланишини таъминлаш;

иш фаолияти жараёнида касаба уюшмалари ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятларига тўғри, ҳолис ва асосли баҳо бериш;

касаба уюшмалари манфаатларини ҳимоя қилиш, олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган тафтиш ва текширишлар махфийлигини таъминлаш;

текшириш ва тафтиш ўтказиш учун олинган барча ҳужжатлар сақланишини таъминлаш;

режали текширув ўтказиладиган касаба уюшмалари ташкилотлари, органлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларини текшириш саволномаси билан олдиндан таништириш, шунингдек, тафтиш ва текшириш яқунларига кўра тузилган далолатнома ёки маълумотноманинг имзоланган нусхасини дарҳол тақдим этиш.

28. Ушбу Низом қоидаларини бузганлиги учун комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, аъзолари ва штатдаги ходимлари, шунингдек, комиссия ишига жалб этилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

29. Тафтиш ва текширишдан норози бўлган ташкилот далолатнома ёки маълумотнома нусхасини олган (имзолашдан бош тортган) кундан бошлаб бир ой ичида Ижроия қўмигага шикоят қилиши мумкин.

Ушбу шикоят Ижроия қўмига тузадиган ишчи гуруҳ томонидан комиссия ва ташкилот вакиллари жалб этилган ҳолда ўрганилиши мумкин. Ўрганиш яқунларига кўра ишчи гуруҳ томонидан хулоса тузилиб, Ижроия қўмига тақдим этилади.

### **6-БОБ. НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ**

30. Комиссиянинг фаолияти Федерация Қурултойи қарорига кўра тўхтатилади.

Федерациянинг фаолияти тўхтатилган ёки тугатилган ҳолда Комиссия фаолиятини тугатган деб ҳисобланади ҳамда ушбу Низом ўз кучини йўқотади.

## **7-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

31. Ушбу Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш Федерация Курултойида, Курултойлар оралиғида заруратга кўра Бош Кенгаш ва Комиссиянинг қўшма мажлисида амалга оширилади.

Мазкур масала бўйича қўшма мажлисда қарор қабул қилишда ушбу Низомнинг 15-бандида белгиланган қоида қўлланилади.

## **Ташкилотнинг ички ҳужжатларини касаба уюшма қўмитаси билан келишиш тартиби**

**Мехнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:**

жамоа келишувлари;

жамоа шартномалари;

иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинадиган ички ҳужжатлар;

ички ҳужжатлар, шу жумладан иш берувчи ўз ваколатлари доирасида якка ўзи қабул қиладиган якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатлар.

Агар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинган меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда у ёки бу масала иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра ҳал этилиши кераклиги назарда тутилган бўлса, ушбу талабга риоя этиш иш берувчи учун мажбурийдир.

Касаба уюшмаси қўмитаси белгиланган масалалар бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида иш берувчига унинг ёзма мурожаати олинган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ёзма шаклда хабар бериши керак, бундан Мехнат кодексига бошқа муддат назарда тутилган ҳоллар мустасно. Агар мазкур муддат тугагач иш берувчининг мурожаати жавобсиз қолган бўлса, иш берувчи тегишли масалани касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмасдан ҳал қилишга ҳақлидир.

Ташкилотда касаба уюшмаси қўмитаси ташкил этилмаган ҳолларда иш берувчи қонунчиликка мувофиқ касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб олинishi керак бўлган масалаларни ҳал қилиш нияти тўғрисида меҳнат жамоасини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Агар ахборот олинган кундан эътиборан икки ҳафта ичида меҳнат жамоасининг бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинадиган умумий йиғилиши (конференцияси) ўтказилмаса, иш берувчи тегишли масалаларни мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир.

**2026 йил 6 март**

**№12**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган  
жамияти бошланғич касаба уюшма  
ташкилоти раиси С.Салимовга**

**ТАҚДИМНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 296-моддасида Ички меҳнат тартиби қоидалари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишга қабул қилиш ва ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби, меҳнат шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, иш режими, дам олиш вақти, ходимларга нисбатан қўлланиладиган имтиёзлар ва жазо чоралари, шунингдек ушбу иш берувчида меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид бошқа масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжат ҳисобланади.

Ички меҳнат тартиби қоидалари Меҳнат кодексининг 15 моддасига мувофиқ иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан жамиятимизнинг Ички меҳнат тартиби қоидаларининг ишлаб чиқилганлигини инобатга олиб, касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари билан бирга келишиб берилишини сўрайман.

*Ички меҳнат тартиби қоидалари лойиҳаси илова қилинади.*

**Жамият раҳбари**

**А.Алимов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятидаги  
касаба уюшмаси кўмитасининг  
ЙИҒИЛИШ БАЁНИ**

**2026 йил 10 март**

**№2**

**Фарғона шаҳри**

**Йиғилиш раиси:** Касаба уюшма кўмитаси раиси С.Салимов

**Йиғилиш котиби:** Касаба уюшма кўмитаси аъзоси Х.Халимова

**Иштирокчилар:** Касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари Ж.Жалилов,  
М.Маликов, У.Умидова, Т.Толипова, И.Исмоилов

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятининг ички меҳнат  
тартиби қоидалари тўғрисида**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб, касаба уюшма кўмитаси нафари иштирок этаётганини инобатга олиб, йиғилиш ваколатли эканлигини билдирди ва кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

Иш берувчи томонидан ички меҳнат тартиби қоидалари лойиҳасини келишиш тўғрисида 2026 йил 6 март куни 12 сонли Тақдимнома киритилганлиги маълум қилиб, лойиҳа билан барчани таништирди.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 296-моддасига кўра Ички меҳнат тартиби қоидалари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишга қабул қилиш ва ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби, меҳнат шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, иш режими, дам олиш вақти, ходимларга нисбатан қўлланиладиган имтиёзлар ва жазо чоралари, шунингдек ушбу иш берувчида меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид бошқа масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжат ҳисобланади.

Ички меҳнат тартиби қоидалари иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишиб тасдиқланиши Меҳнат кодексига мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, йиғилишда Т.Толипова, М.Маликовлар сўз чиқиб ички меҳнат тартиби қоидалари бўйича фикрларини билдиришди.

Кун тартибига қўйилган масала атрофлича кўриб чиқилиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. “Омад зафари” МЧЖ раҳбари томонидан тақдим этилган ички меҳнат тартиби қоидалари лойиҳаси маъқуллансин ва келишилган деб ҳисоблансин.

2. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Салимовга касаба уюшмаси қўмитаси номидан Ички меҳнат тартиби қоидаларига келишиш бўйича имзо қўйиш ҳуқуқи берилсин.

**Йиғилиш раиси**

**С.Салимов**

**Йиғилиш котиби**

**Х.Халимова**

**Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари:**

**Ж.Жалилов**

**М.Маликов,**

**У.Умидова**

**Т.Толипова**

**И.Исмоилов**

**2026 йил 10 март**

**№7**

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти раҳбари**

**А.Алимовга**

**Хурматли Алим Алимович,**

Сизнинг 2026 йил 6 мартдаги 12 сонли тақдимномангиз билан келиши учун тақдим этилган жамиятнинг Ички меҳнат тартиби қоидалари лойиҳаси қасаба уюшмаси қўмитасининг 2026 йил 10 мартдаги 2-сонли йиғилишида қўмита аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, муҳокама қилиниб, маъқулланди ва келишилди.

Қасаба уюшмаси қўмитасининг йиғилиш баёни иловага мувофиқ юборилмоқда.

*Илова 2 варақда.*

**Қасаба уюшмаси**

**қўмитаси раиси**

**С.Салимов**

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
**“Омад зафари” МЧЖ**  
**касаба уюшмаси қўмитаси**  
**раиси**

\_\_\_\_\_ **С.Салимов**

2026 йил 16 март

*(2026 йил 10 мартдаги 2-  
сонли йиғилиш баёнига  
асосан)*

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Омад зафари” МЧЖ**  
**раҳбари**

\_\_\_\_\_ **А.Алимов**

2026 йил 16 март

## **“ОМАД ЗАФАРИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ** **ИЧКИ МЕХНАТ ТАРТИБИ ҚОИДАЛАРИ**

- I.** Умумий қоидалар;
- II.** Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби;
- III.** Меҳнат интизомини таъминлаш ва жавобгарлик;
- IV.** Иш вақти ва дам олиш вақти;
- V.** Меҳнат шартномаси томонлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш.
- VI.** Хулоса.

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – жамият) нинг Ички меҳнат тартиби қоидалари (кейинги ўринларда – қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, меҳнат тўғрисидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари, жамият уставига ҳамда меҳнатга оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият ва Жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари ходимларига нисбатан амал қилади ҳамда меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланиш, меҳнат интизомини ҳамда иш берувчи билан ходим ўртасида юзага келадиган бошқа ҳуқуқий муносабатларини тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

### **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Қоидалар Жамият (бундан кейин - **Иш берувчи**) ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган барча ходимларга тадбиқ этилади.

2. Ходим – белгиланган ёшга етган, меҳнат муносабатлари субъекти бўлган ва иш берувчи билан қонунчиликка мувофиқ меҳнат шартномасини тузган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс.

3. Қоидалар Жамиятнинг касаба уюшма кўмитаси билан келишиб тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва Жамият миқёсида қўлланилади.

4. Қоидаларга риоя қилиш иш берувчилар ва ходимлар учун мажбурий ҳисобланади, уни бажармаслик қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади. Қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уларни қабул қилиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **5. Иш берувчининг мажбуриятлари:**

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши;

ходимларни меҳнат шартномасида шартлашилган иш билан таъминлаши;

ходимларни ишга қабул қилишда, меҳнат жараёнида ва ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талаблари бузилишига йўл қўймаслиги;

мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг оғир шакллари қўлланилишига йўл қўймаслиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган меҳнат хавфсизлигини ва шарт-шароитларини таъминлаши;

ходимларни ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, асбоблар, техник ҳужжатлар ва бошқа воситалар билан таъминлаши;

ходимларга берилиши лозим бўлган иш ҳақини Меҳнат кодексининг 253-моддасида, Жамият жамоа шартномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, бошқа ички ҳужжатларга, меҳнат шартномаларига мувофиқ белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда тўлаши;

Меҳнат кодексига белгиланган тартибда жамоа музокараларини олиб бориши, шунингдек жамоа шартномасини тузиши;

ходимларнинг вакилларига жамоа келишувини ва жамоа шартномасини тузиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ахборотни тақдим этиши;

ходимларни уларнинг бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши;

ходимларни ишга қабул қилаётганда ходимларни ўз меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган, ички ҳужжатлар – мазкур Қоидалар, жамоа шартномаси, шунингдек, Жамиятнинг амалдаги тартиблари ҳамда махфий маълумотларни (Жамият сирини, шахсга доир маълумотлар, тижорат сирини) ва махфий ахборотдан иборат маълумотлар рўйхатини (тегишлилиги бўйича) билан имзо қўйдириб таништириши;

давлат меҳнат инспекторларининг, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариши;

ходимлар давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли уларнинг иш жойи сақланиб қолган ҳолларда ушбу иш берувчи илгари меҳнат шартномасини бекор қилган ходимларни ишга қабул қилиши;

тегишли касаба уюшмаси органларининг, ходимлар томонидан сайланган бошқа вакилларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқланган қоидабузарликлари ҳақидаги кўрсатмалари ҳамда тақдимномаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши ва кўрилган чоралар тўғрисида мазкур органлар ҳамда вакилларга хабар қилиши;

ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган маиший эҳтиёжлари таъминланишини амалга ошириши;

курслар ва тренингларга юбориш орқали ходимларни ривожлантириш ва уларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашиш;

ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалардан ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртасини таъминлаши;

ўз меҳнат мажбуриятларини бажарганлиги муносабати билан ходимларга етказилган моддий зарарнинг ўрнини меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ҳамда шартларда қоплаши;

меҳнат шартномаларини, шунингдек уларга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат мажмуида ўз вақтида рўйхатга олиши шарт.

Иш берувчининг зиммасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **6. Ходимнинг мажбуриятлари:**

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши;

меҳнат шартномаси билан ўз зиммасига юклатилган меҳнат мажбуриятларини ҳалол, оғишмай шунингдек тўлиқ, ўз вақтида ва виждонан бажариш, меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг асосли фармойиш ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;

ички меҳнат тартибига риоя этиши;

меҳнат интизомига риоя этиши;

белгиланган меҳнат нормаларини бажариши;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, технология интизомига, меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя этиши;

иш берувчи (Жамият)нинг мол-мулкига (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида турган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши;

иш берувчига етказилган моддий зарарнинг ўрнини Меҳнат кодексида 337-моддасида белгиланган тартибда ва доирада қоплаши;

инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, иш берувчининг мол-мулки (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида бўлган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) бут сақланишига таҳдид соладиган вазият юзага келганлиги тўғрисида иш берувчига ёки бевосита раҳбарга дарҳол хабар қилиши;

меҳнат фаолияти самарадорлигини юксалтиришга, ишлар (хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ошишига, ресурслар иқтисод қилинишига кўмаклашиш, ўз ҳамкасбларининг меҳнат фаолиятидаги илғор тажрибаларидан фойдаланиш;

меҳнат жамоасининг аъзолари, ва иш жараёнида шахслар билан хушмуомалада бўлиш;

хужжатлар, моддий бойликлар, рухсатнома ҳамда конфиденциал маълумотларни (Жамият сири, шахсга доир маълумотлар, тижорат сири) ва бошқа махфий ахборотни ўз ичига олган бошқа хизмат хужжатларини сақлашда белгиланган тартибларга риоя этиш;

Жамият ходимларининг ахлоқ-одоб қоидалари, ташқи кўринишига доир меъёрий хужжат талабларини бажариш;

бошқа ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни содир этмаслиги шарт.

Ходимнинг зиммасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий хужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **2-БОБ. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларга биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади.

8. Иш берувчи эришилган келишувни ҳисобга олиб, ишга қабул қилинувчи номзод билан муддатли меҳнат шартномаси тузади.

Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Жамоа шартномаси ва Жамиятнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий амал қилиш, кафолатлар ва компенсациялар бериш мажбуриятини олади.

9. Ишга қабул қилиш иш берувчига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ёки меҳнат бўйича тегишли идоралар орқали амалга оширилади.

10. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан бошлаб рухсат берилади. Ўн саккиз ёшга етмаган шахсларни ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларга риоя этган ҳолда амалга оширилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун ишга умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғи ва маънавий ривожланишига зарар етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган, ўқишдан бўш вақтда енгил меҳнатни бажариш учун улар ўн беш ёшга

тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан қабул қилишга рухсат берилади.

11. Жамиятда мавжуд лавозимга мазкур лавозим йўриқномасида белгиланган талабларга жавоб берадиган шахслар тайинланадилар.

12. Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар Жамиятда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

13. Жамият меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда лавозим маошларига табақалаштирилган устамалар белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари кўллашга ҳақли.

14. Ишга қабул қилинаётганда ишга кирувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ID card ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат) ва ўн олти ёшга етмаган шахслар эса - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

Чет эл фуқаролари, паспортдан ташқари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини тақдим этишлари шарт. Фуқаролиги бўлмаган шахслар эса фуқаролиги йўқ шахсининг гувоҳномаси ва Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномани тақдим этадилар;

Ишга биринчи марта кираётган шахслардан ва меҳнат дафтарчаси маълумотлари “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий тизими орқали олиш имконияти мавжуд бўлган шахслардан ташқари бошқа шахслар меҳнат дафтарчасини тақдим этадилар. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахс меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этиши лозим;

Ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбурлар учун) ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома (чақирилувчилар учун);

Маълумоти ҳақида диплом ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома ёки бошқа тегишли ҳужжат;

Иш берувчи ишга кираётган шахсдан бошқа ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас (қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно).

Жамиятнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибда дастлабки тарзда (ишга қабул қилиш чоғида) ва даврий (иш жараёнида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтади.

15. Қуйидаги ҳолларда ишга қабул қилишга йўл қўйилмайди:

мазкур Қоидаларнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаганда;

ўн беш ёшга тўлмаган шахслар;

тиббий кўриқдан ўтиш лозим бўлган ҳолларда тиббий кўриқдан ўтмаган шахслар, шунингдек, тиббий хулосага мувофиқ мазкур ишни бажаришга соғлиғининг ҳолати йўл қўймайдиган ходимлар;

суд ҳукмига кўра муайян лавозимни эгаллаш ёки унинг бажариши тақиқланган ишда муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар;

паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати ҳақиқий бўлмаса;  
қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахслар, агарда улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари).

16. Томонларининг ўзаро келишувига кўра меҳнат шартномасида қуйидагилар белгилаб олинади:

иш жойи — ходим шартномада шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра меҳнат фаолиятини амалга оширадиган иш берувчи (ташкилот, унинг алоҳида бўлинмаси ёки жисмоний шахс), шунингдек ходим меҳнат қилиши керак бўлган жой;

меҳнат вазифаси — муайян касб, мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш, шунингдек ходимга топшириладиган ишнинг аниқ тури;

ишнинг бошланиш санаси — ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни бажаришга киришиши керак бўлган календарь сана;

меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари (шу жумладан ходимнинг тариф ставкаси ёки маоши миқдори, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловлар);

ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган тақдирда меҳнат шартномасининг муддати, шунингдек ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ муддатли шартномани тузиш учун асослар;

иш вақти ва дам олиш вақти режими, агар бу ходим учун ушбу режим мазкур иш берувчида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимлар учун назарда тутилган иш вақтининг ва дам олиш вақтининг умумий режимидан фарқ қиладиган бўлса;

иш жойидаги меҳнат шароитларининг хусусиятлари кўрсатилган ҳолда нормал шароитлардан фарқ қиладиган шароитлардаги иш учун кафолатлар ва компенсациялар, агар ходим мазкур ишга қабул қилинаётган бўлса;

зарур бўлган ҳолларда ишнинг хусусиятини белгилайдиган шартлар (кўчма, сайёр, йўлдаги, ишнинг бошқа хусусияти);

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда бошқа шартлар.

Меҳнат шартномасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганига нисбатан ходимнинг ҳолатини ёмонлаштирмайдиган қўшимча шартлар, шу жумладан қуйидаги шартлар назарда тутилиши мумкин:

иш жойини аниқлаштириш (таркибий бўлинма ва унинг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда) ва (ёки) иш жойи тўғрисида;

ишга қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов ҳақида;

бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик тўғрисида;  
давлат сирларини ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилмаслик ҳақида;

агар ўқитиш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан олиб борилган бўлса, ходимнинг ўқишдан кейин шартномада белгиланган муддатдан кам бўлмаган муддатни ишлаб бериш мажбурияти тўғрисида;

ходимни кўшимча суғурта қилиш турлари ва шартлари ҳақида;

ходимга ва унинг оила аъзоларига тақдим этиладиган ижтимоий-маиший шароитлар тўғрисида;

ходимнинг иш шароитларига нисбатан қўлланиладиган ходимнинг ва иш берувчининг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаштириш ҳақида.

18. Ходимнинг ва иш берувчининг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган бирор-бир ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларининг меҳнат шартномасига киритилмаслиги ушбу ҳуқуқларни амалга оширишни ёки бу мажбуриятларни бажаришни рад этиш сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

19. Меҳнат шартномасида кўзда тутилган меҳнат шартлари даражаси қонунчиликда, тармоқ келишувда, шунингдек жамоа шартномасида, амалдаги ички меъёрий ҳужжатларда (ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом, мукофотлаш тўғрисидаги низом ва бошқалар) белгиланган даражадан паст бўлиши мумкин эмас.

20. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

21. Ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходим (шу жумладан, ўриндошлик асосида) билан меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган, камида икки нусхада ёзма шаклда тузилади, улар томонларнинг ҳар бирига сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномаси ходим ва Иш берувчининг (Раҳбар ёки у ваколат берган ўринбосар) имзолари ҳамда Жамият муҳри билан тасдиқланади. Меҳнат шартномасининг иш берувчида қоладиган нусхаси кадрлар билан ишлаш ходимларида сақланади;

Ходимнинг талабига кўра меҳнат шартномаси у билган тилда тузилади ва давлат тилида тузилган шартнома нусхаси билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим меҳнат шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб меҳнат мажбуриятларини бажаришга киришади. Агар унда ишнинг бошланиш санаси кўрсатилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ишга тушиши керак.

Меҳнат шартномаси тузилганидан кейин иш берувчи меҳнат шартномасининг мазмунига аниқ мувофиқликда ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

## **22. Иш берувчи куйидаги ҳолларда ишга қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас:**

меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

иш берувчи томонидан ишга таклиф этилган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномасини тузиши шарт бўлган шахсларни (иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобига ишга юборилган шахсларни, иш берувчи алоҳида асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилган шахсларни, улар қайта ишга қабул қилинган тақдирда ва бошқаларни) ишга қабул қилмаслик;

ҳомиладорлик ёки фарзандлар борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилмаслик;

судланганлиги, шу жумладан тугалланган ва олиб ташланган судланганлиги сабабли шахсларни ишга қабул қилмаслик, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги, шу жумладан тугалланган судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

23. Ходим иш берувчидан ишга қабул қилиш рад этилганлигининг сабабларини ёзма равишда асослашни талаб қилишга ҳақлидир. Ёзма талаб қилинганда Иш берувчи уч кун ичида унга ёзма асос кўрсатиши шарт. Ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганда ходим судга шикоят қилишга ҳақлидир.

24. Ишга қабул қилиш пайтида меҳнат шартномасида дастлабки синов тўғрисидаги шарт белгиланиши мумкин. Бундай ҳолларда синов шarti ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда акс эттирилади. Бироқ дастлабки синов билан ишга қабул қилинган ходимнинг меҳнат дафтарчасида дастлабки синов тўғрисидаги шартлар кўрсатилмаган ҳолда ишга қабул қилиш тўғрисида ёзилади.

Дастлабки синов муддати уч ойдан, Меҳнат кодексига асосан айрим тоифа ходимларга олти ойдан ошмайдиган муддатга белгиланиши мумкин. Дастлабки синов муддатининг аниқ давомийлиги (уч ой ва олти ой доирасида) меҳнат шартномаси томонларининг келишуви бўйича белгиланади. Томонлар синов муддати белгиланган даврда иш берувчи ҳам, ходим ҳам меҳнат шартномасини бекор қилиб, бу ҳақда бошқа томонни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантиришга ҳақлидир. Бунда иш берувчи синовнинг қониқарсиз натижаси бўйича ишончли асосларга эга бўлиши керак. Ходим ишни давом эттиришдан бош тортиш сабабини иш берувчига тушунтиришга мажбур эмас.

Агар томонлар тарафидан белгиланган синов муддати тугагунига қадар томонларнинг бирортаси меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида маълум қилмаса, шартноманинг амал қилиши давом этади;

Ходим узрли сабаблар билан (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳарбий йиғинларда қатнашиш, донорлик вазифаларини бажариш, суд

маслаҳатчиси сифатида судда қатнашиш ва ҳ.к.) ишда бўлмаган даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди;

Дастлабки синов шарти билан ишга қабул қилинган ходим бошқа ходимлар билан баравар меҳнат қонунчилигида белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланади ва жавобгар бўлади.

**25. Қуйидагилар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди:**

ҳомиладор аёл, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёл ёки уч ёшга тўлмаган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган ота (васий);

захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун юборилган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахслар;

давлат грантлари асосида ўқиган ва олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч ой ичида йўлланма бўйича олинган мутахассислигига доир ишга кираётган олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;

тегишли таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан бир йил ичида биринчи бор ишга кираётганда олинган мутахассислиги бўйича мустақил равишда ишга жойлашаётган умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;

ўзи билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилаётган ходимлар;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;

ишга қайтадан қабул қилинган тақдирда иш берувчи илгари қайси ходимлар билан меҳнат шартномасини алоҳида асослар бўйича бекор қилган бўлса, ўша шахслар;

ишлаб чиқаришда ўқитиш шартномаси бўйича ушбу иш берувчида ўқишни ўтаган ўқувчилар;

26. Ишга биринчи марта кирган ва Жамиятда беш кундан ортиқ ишлаган ходимларга иш берувчи меҳнат дафтарчаларини юритиши шарт (ўриндошлар бундан мустасно);

Ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассислар етти кунлик муддатдан кечиктирмай ходимнинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувни киритишлари ва у киритилиши керак бўлган шахсий варақа-Т-2 шаклига имзо қўйдирган ҳолда ёзувнинг меҳнат дафтарчасидаги ёзув билан аниқ мувофиқлигини таништиришлари шарт.

Ходимнинг хоҳишига қараб меҳнат дафтарчасига Жамият ичида ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ёки бошқа жойда ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги маълумотнома асосида ўриндошлик бўйича ишлаш даврлари тўғрисидаги ёзув киритилади.

Жамият томонидан берилган маълумотнома асосида Жамият ходими ўриндошлик бўйича бошқа жойда ишлаши мумкин.

27. Иш берувчи ва унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган бошқа мансабдор шахслар ходимдан унинг меҳнат мажбуриятларига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга зид ҳаракатларни содир этишни, шунингдек,

ходимнинг ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўядиган, ор-номуси ва шаънини камситадиган ҳаракатлар содир этишни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

**28. Қуйидаги ҳолларда ва тартибда иш берувчи ходимнинг розилигидан қатъий назар меҳнат шартларини ўзгартиришга йўл қўйилади:**

Иш берувчи, агар меҳнат шартларини сақлашнинг имкони бўлмаса ёки бундай ўзгаришларни технологиядаги, хизмат кўрсатиш ва меҳнатни ташкил этишдаги, ходимлар сонини ёки иш тарзини ўзгартиришга олиб келган ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмини қисқартиришдаги ўзгаришлар белгиланган бўлса, уларни ўзгартиришга ҳақлидир. Меҳнат шартларини кейинги ўзгартириш тўғрисида ходим камида икки ой олдин ёзма равишда, тилхат берган ҳолда огоҳлантирилиши керак. Бу муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

**Бундай ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилишга қуйидаги мажбурий шартлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади:**

агар ходим меҳнатнинг янги шарт-шароитида ишлашни давом эттиришга рози бўлмаса;

агар Жамиятда меҳнатнинг аввалги шарт-шароитини сақлаб қолиш имкони бўлмаса.

29. Ходим қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда меҳнат шартларини ўзгартиришни ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир (ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган) болаларни тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз она (бева эрақак, бева аёл, никоҳдан ажрашган)ларга ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига уларнинг илтимосига кўра тўлиқ бўлмаган иш кунини ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасини белгилаш, тиббий хулосага кўра ҳомиладор аёл, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тавсияларига кўра ногиронлиги бўлган шахсларга иш ҳажмини камайтириш ва ҳ.к.. Иш берувчи ходимнинг талабини уч кун ичида кўриб чиқиши шарт. Талабни қондиришдан бош тортилган тақдирда иш берувчи ходимга бош тортиш сабабини маълум қилиши шарт.

30. Иш берувчи ходимни фақат унинг розилиги билан бошқа доимий ёки вақтинчалик ишга ўтказиши мумкин.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилмаган бошқа ишга унинг розилигисиз, иш берувчининг ташаббусига кўра вақтинча ўтказишга йўл қўйилади.

Бунда ходим соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас. Бекор туриб қолиш сабабли ходимни пастрок малака талаб этиладиган ишга вақтинча ўтказишга ходимнинг ёзма розилиги билан йўл қўйилади.

**31. Иш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, ходим вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисида, агар зарурат бўлса ёки бўш қолганлиги муносабати билан, иш берувчининг талабини бажариши лозим, чунончи:**

иш вақтидаги авария, бахтсиз ходисалар, табиий офат ҳамда бўшлиги (вакант) оқибатларини бартараф этиш ва бекор қилиш;

касаллиги, меҳнат таътили ёки узоқ хизмат сафаридалиги сабабли жойида бўлмаган ходимни лавозимини вақтинча эгаллаш.

32. Томонларнинг келишувига биноан ишга қабул қилиш пайтида ҳам, ундан кейин ҳам ходим томонидан асосий иш бўйича вазифалардан ташқари касблар (лавозимлар)ни ўриндошлик асосида олиб бориш, хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтириш, бажариладиган ишлар ҳажмини кўпайтириш (бундан кейин - касбларни ўриндошлик асосида олиб бориш) тартибида қўшимча мажбуриятларни бажариши келишиб олинishi мумкин.

Кўрсатилган ишларни ходим асосий иш учун ажратилган вақтда бажаради. Уларни бажариш тартиби ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори жамоа шартномаси ва томонларнинг келишуви билан белгиланади.

Касбларни бирга олиб бориш тартибида ишларни бажаришнинг қанча давом этиши муайян муддатга ҳам, уни чекламасдан ҳам шартлаб қўйилиши мумкин.

Шартланган муддат тугаганидан сўнг касбларни бирга олиб бориш хусусида мазкур ходим билан белгиланган шартлар бекор қилинади.

Касбларни ўриндошлик асосида олиб бориш ва уни бекор қилиш меҳнат шартномасида акс этирилади ва иш берувчининг тегишли буйруғи билан расмийлаштирилади.

33. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 155-моддасида, бундан ташқари, ушбу Кодекс ёхуд бошқа қонунлар алоҳида тоифадаги ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида меҳнатга оид муносабатларни тугатишнинг қўшимча асослари тўғрисидаги шартни назарда тутиш имкониятини мустаҳкамлайдиган ҳолларда меҳнат шартномасида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилиниши мумкин.

34. Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга кўра бекор қилиниши мумкин. Меҳнат шартномаси мазкур асос бўйича бекор қилинадиган сана ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда тарафлар ўртасида меҳнат шартномасини бекор қилишга доир қўшимча келишув ёзма шаклда расмийлаштирилади, унда меҳнат шартномаси бекор қилинадиган сана, қўшимча келишув тузилган сана ва тарафларнинг реквизитлари кўрсатилиши шарт.

35. Ходим меҳнат қонунчилигига мувофиқ ва мазкур қоидаларнинг тегишли бандида белгиланган тартибда ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 160-моддасига мувофиқ бекор қилишга ҳақлидир.

Ходим ўзининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги тегишли аризани иш берувчига ёки Инсон ресурслари билан ишлаш бўйича

масъул ходимга (иш берувчи томонидан белгиланган бошқа жойга) топшириш йўли билан ўн тўрт кун кун олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантиришга мажбурдир.

Ўз ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчини огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари қуйидагиларга нисбатан алоҳида тартибда белгилаб қўйилган:

Меҳнат кодексининг 489-моддасига асосан ташкилот раҳбари икки ой, унинг ўринбосарлари, ташкилотнинг бош бухгалтери ва ташкилот алоҳида бўлинмасининг раҳбари эса бир ой аввал

Меҳнат кодексининг 494-моддасига асосан мавсумий ходимлар уч кадендарь кун олдин.

Ҳатто томонлар келишилган тақдирда ҳам бу муддатни узайтиришга йўл қўйилмайди. Томонлар келишилган тақдирда муддатни камайтириш (қисқартириш) мумкин. Бундай аризани Жамиятда белгиланган тартибда топшириш мумкин бўлмаган ҳолда ходим ўзи ишда бевосита бўйсунган мансабдор шахсга топширишга ҳақлидир.

Ходим томонидан берилган ариза у берилган кундан кейинги кундан кечиктирмай Жамият раҳбариятига (меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсга) топширилади.

Ходимнинг аризаси узрли сабаблар бўйича ишни давом эттириш мумкин бўлмаган ҳолларда иш берувчига шу куннинг ўзида берилади ва иш берувчи меҳнат шартномасини аризада кўрсатилган муддатда бекор қилишга мажбурдир.

**Узрли сабабларга қуйидагилар киради:**

ўқув юртларига ўқишга қабул қилиниш;

ёшга доир нафақага чиқиш;

сайланадиган лавозимга сайланиш;

ходим ёки унинг яқин қариндошларининг ТИЭЖ (тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси), ТМК (тиббий-маслаҳат комиссияси) томонидан берилган тиббий хулосага кўра парваришга муҳтож бўлган ходим саломатлигининг ҳолати;

мазкур ишни давом эттириш мумкин эмаслигини белгилайдиган бошқа узрли сабаблар.

Қонун билан белгиланган огоҳлантириш муддати ходим билан Жамият раҳбари (меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс) ўртасидаги келишувга кўра қисқартирилиши мумкин, бундай ҳолатда ходимнинг аризасида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг аниқ санасини кўрсатган ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг тегишли рухсати (визаси) кўринишида акс эттирилиши керак.

Мазкур бандда кўрсатилган шахслардан ташқари бошқа мансабдор шахслар, шу жумладан, мазкур ходим меҳнат қиладиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ҳам огоҳлантириш муддатини қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмаслар.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ходим исталган вақтда, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, таътилда, хизмат сафарида бўлган даврда ва ҳоказоларда топширишга ҳақлидир. Кўрсатилган даврларнинг ҳаммаси меҳнат шартномасининг бекор қилиш тўғрисида белгиланган огоҳлантириш муддатига ҳисобланади.

Огоҳлантириш муддати мобайнида меҳнат шартномасининг шартларини томонлар одатдаги тартибда бажаришда давом этадилар.

Ходимнинг огоҳлантириш муддати мобайнида аризани қайтариб олиш ҳуқуқи сақланади.

Агар мазкур Қоидаларнинг тегишли бандларида кўрсатилган муддатлар тугаганидан сўнг меҳнат шартномаси бекор қилинмаса, меҳнат муносабатлари давом эттирилади.

**36. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек, муддатли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра унинг муддати тугашидан олдин бекор қилишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:**

Жамият тугатилганлиги, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штатлари) ўзгаришига ёки ишлар тарзларининг ўзгаришига ёхуд Жамиятни тугатишга олиб келган иш ҳажмларининг қисқариши;

малакаси етарли эмаслиги ёки соғлиғининг ёмонлиги оқибатида ходимнинг бажарилаётган ишга мувофиқ эмаслиги;

ходимнинг айбли ҳатти-ҳаракатлари;

шунингдек, Меҳнат кодексида ва бошқа қонунларда белгиланган ўзга сабаблар (асослар) юзага келганда.

15. Ўриндошлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шунингдек, ўриндош бўлмаган бошқа ходимни ишга қабул қилиш муносабати билан ёки меҳнат шартларига кўра ўриндошлик бўйича ишларни чеклаш натижасида йўл қўйилади.

16. Меҳнат шартномасини мазкур Қоидаларнинг тегишли бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилишга Жамиятни тугатиш ҳолатидан ташқари, касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги, таркибий бўлинма ва филиалларда эса – касаба уюшма қўмитасининг дастлабки розилигини олмасдан туриб йўл қўйилмайди. Жамоа шартномасида касаба уюшмаси қўмитаси розилиги олинмайдиган алоҳида ҳолатлар кўзда тутилиши мумкин.

Иш берувчи меҳнат шартномасини касаба уюшма қўмитасининг розилигини олган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, айбли ҳатти-ҳаракатлар учун эса, бундан ташқари, интизомий жазони белгилаш учун кўрсатилган муддатлардан кечиктирмай бекор қилишга ҳақлидир.

**17. Иш берувчининг ташаббусига кўра қуйидаги ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди:**

Меҳнат кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилмаган асослар бўйича;

Меҳнат кодексида меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш талабини бузадиган;

ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврларида, у меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган таътиллarda бўлган даврларда;

ходим давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажарганлиги муносабати билан ишдан озод этилган даврда;

ходим хизмат сафарида бўлган даврда;

б) ҳомиладор аёллар (ушбу Кодекс 408-моддаси) ва уч ёшгача боласи бўлган ходимлар (ушбу Кодекс 409-моддаси) учун кафолатлар беришни назарда тутадиган талабларга риоя қилмасдан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади.

**16. Иш берувчи ўзининг меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда ёзма шаклда (имзо қўйдириб) огоҳлантириши шарт:**

1) меҳнат шартномаси:

ташкilot (унинг алоҳида бўлинмаси) ўз муассисларининг (иштирокчиларининг) ёхуд таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига биноан тугатилганлиги;

технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ташкilot ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги;

ташкilot раҳбарига, унинг ўринбосарларига, бош бухгалтерга ва ташкilotнинг алоҳида бўлинмаси раҳбарига нисбатан ташкilot мулкдорининг ўзгарганлиги муносабати билан бекор қилинганда камида икки ой олдин;

2) меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги туфайли бажараётган ишига мувофиқ эмаслиги муносабати билан бекор қилинганда камида икки ҳафта олдин;

3) меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) муносабати билан бекор қилинганда камида уч кун олдин.

Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинчалик лаёқатсизлик давлари, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти киритилмайди.

Иш берувчи юқоридаги огоҳлантириш муддатларини огоҳлантириш муддатининг давомийлигига мувофиқ келадиган пулли компенсация билан алмаштиришга ҳақлидир.

**18. Иш берувчи ходим айбли хатти-ҳаракатлар қилган тақдирда у билан меҳнат шартномасини қуйидаги асослар бўйича бекор қилишга ҳақлидир:**

ходим ўзининг меҳнат мажбуриятларини мунтазам бузиб келган бўлса;

ходим ўзининг меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол бузса.

**19. Бир марта бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин бўлган қўпол бузишларга қуйидагилар киритилади:**

ишро интизомини бузиш (Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, юқори орган ва иш берувчининг қарорлари, буйруқ, фармойишлари ҳамда топшириқ ва кўрсатмаларида қўйилган вазифаларни амалга оширишни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминламаганлик);

ишга бир кунда 3 (уч) соатдан кўп узрсиз сабаблар билан чиқмаслик (*ишда узрсиз сабаблар билан иш куни мобайнида узлуксиз ёки вақти-вақти билан жами 3 (уч) соатдан кўпроқ бўлмаганлик, ёки иш жойини ташлаб кетиши*);

ишга алкоғолли ичимликлар, наркотик ва токсик моддаларни истеъмол қилиб келиш, буни гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки тиббий хулоса тасдиқлаган бўлса;

Жамият мулкани ўғирлик, ўзлаштириш ва қорхона мулкани талон-тарож қилиш, гувоҳлар ёки бошқа фактлар орқали тасдиқлаган бўлса;

ходимнинг айби билан молиявий санкцияларга сабаб бўлган, молиявий интизом ва хизмат вазифалар бузилиши;

ходимларининг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келган хавфсизлик техникасини, ишлаб чиқариш технологияси қоидаларини қўпол равишда бузиши;

ходим томонидан меҳнат мажбуриятлари бузилиб, Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 3 баравар ҳажмида моддий зарар етказилиши;

конфиденциал маълумотлар ошкор бўлиши ва хизмат сирларини ўз ичига олган ҳужжатлар йўқолишига сабаб бўлган Жамиятнинг тасдиқланган технологиялари ва ҳужжат айланиш тартибини қўпол равишда бузиш;

махфийлиги меҳнат шартномасида ёки бошқа ҳужжатларда шарт қилиб қўйилган конфиденциал маълумотлар (хизмат сирини, шахсга доир маълумотлар, тижорат сирини)нинг ходим томонидан ошкор қилиниши;

бевоқиф пул ёки товар бойликларига хизмат кўрсатадиган ходим томонидан айбли хатти-ҳаракатлар содир этилиши, агар бу хатти-ҳаракатлар иш берувчи томонидан унга нисбатан ишончнинг йўқолиши учун асос бўлса;

конфиденциал маълумотлар (хизмат сирини, шахсга доир маълумотлар, тижорат сирини) ёки бошқа хизмат сирини ошкор қилиши;

бошқа ходимлар билан қўпол муомалада бўлиши;

хизмат лавозимини (вазифасини) суистеъмол қилиши;

маълумотларни сохталаштириши;

пул ёки товар қимматликлар билан ишлайдиган ходимнинг айбли ҳаракатларни содир этиши;

ходим томонидан унга бўлган ишончнинг йўқотилишига олиб келувчи ноҳўя ва айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар содир этилиши;

ўз ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга йирик миқдорда моддий зарар етказилиши;

ўзига ишониб топширилган мулкдан шахсий мақсадларда фойдаланиши;

ходимлардан ва бошқа фуқаролардан таъмагирлик қилиши;

расмий ҳужжатларни атайин бузиб расмийлаштириш, ҳисобот, статистик, бухгалтерлик маълумотлари ва бошқа ёзувларни қасддан бузиб кўрсатиши;

тўлов ёки ҳисобот ҳужжатлари, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ва бошқа ҳужжатларини қасддан йўқотиш ёки қалбакилаштириш;

хизмат ҳужжатларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиши;

аниқланган ўғирлик ва бошқа суистеъмолчиликлар бўйича мансабдор шахс томонидан чора-тадбирлар кўрилмаслиги;

таҳлилий ва жамланма ҳисоб юритишда фарқлар бўлиши, кундалик баланснинг йўқлиги;

ходим иш билан боғлиқ бўлган ва бу ишни бундан кейин давом эттириши мумкин бўлмаган даражада ахлоқсизлик қилиши;

танқид учун таъқиб қилиши;

лавозим йўриқномаси талабларининг бузилиши, агарда мазкур ҳаракат молиявий интизомнинг, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузилишига, технологик жараёнларнинг издан чиқишига, моддий зарарга ёки фаолиятни тўхтатишга олиб келган ёхуд олиб келиши мумкин бўлган бўлса;

Жамиятнинг ходимларининг одоб-ахлоқ Қоидаларига амал қилмаслик ҳамда ишдаги одоб-ахлоқ тамойилларига зид бўлган, шунингдек Жамиятнинг обрўси ва унинг ходимлари имиджига зарар етказадиган иш билан боғлиқ бўлмаган ҳатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни содир этиш.

мавжуд асос бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тергов олиб борилмаган ва суд ҳеч қандай қарор қабул қилмаган бўлсада, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан моддий манфаат кўриш, расмий ҳужжатларга била туриб ишончсиз маълумот ва ёзувларни киритиш ҳамда шу каби ҳатти-ҳаракатларни содир этиш;

ўзи ва бошқа шахслар манфаати учун ноқонуний имтиёзлар олиш;

Жамият ходими сифатида ўз мансабидан фойдаланган ҳолда Жамият фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни бажарганлик учун учинчи шахслардан моддий ва номоддий шаклда ҳар қандай қимматликлар олиш;

Жамият имиджига ёки/ва Жамият ходими деган номга доғ туширадиган ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

беморга тиббий ҳужжатсиз амбулатор ёки стационар тарзда тиббий хизмат кўрсатиш; (шошилинич ёрдамга мухтож беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно, шошилинич ҳолатдаги беморга бирламчи тиббий ёрдам олганидан сўнг даволавчи шифокор тегишлик тартибда тиббий ҳужжат юритишга маъсул ҳисобланади. )

ўрта тиббиёт ходимининг шифокор томонидан белгиланган даво муолажаларини, тиббий таҳлилларни ўз вақтида бажарилмаслиги ҳақида бўлим мудирини ёки даволовчи шифокорни билдиргиси асосида;

Жамиятда амалга оширилган тиббий хизматлар, УЗИ, Рентген, лобаратор таҳлиллар учун нақд пул кўринишида хизмат кўрсатиш ;

беморга Жамият ички инфекцияси қарши қоидаларга риоя қилмасдан тиббий муолажалар ўтказиш;

беморга даво муолажалари давомида қўпол муомилада бўлиш, ахлоқ одоб қоидаларидан ташқарига чиқиш;

касса ходимини тиббий хизмат учун тўланган пул маблағларига тегишлик тартибда касса чеки тақдим этмаслик.

Юқорида кўрсатилган ҳатти-ҳаракатларни содир этиш ҳолати сонидан қатъий назар жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, шикоятлари, Интернетдаги ижтимоий тармоқларда тарқалган маълумотлар, хизмат ва ёзма билдиришномалари, тушунтириш хатлари, далолатномалар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

**20. Меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин:**

дастлабки синов натижасига кўра (МК 132-модда);

ходимнинг янги меҳнат шартларида ишлашни давом эттиришни рад этиши сабабли (МК 137-моддаси 4-қисми);

ходимнинг тиббий хулосага мувофиқ соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлмаган бошқа ишга ўтказишни рад этиши ёхуд иш берувчида тегишли иш бўлмаган тақдирда (МК 143-моддаси 2-қисми);

ходимнинг иш берувчи билан бирга бошқа жойга ишлаш учун кўчишни рад этиши (МК 146-моддаси 5-қисми);

ташкilot мулкдори алмашганлиги, унинг қайта ташкил этилганлиги, идоравий тааллуқлиги (бўйсунуви) ўзгарганлиги муносабати билан ходимнинг ишни давом эттиришни рад этиши (МК 156-моддасининг 5-қисми);

тарафларнинг келишувига кўра (МК 157-моддаси);

муддатли меҳнат шартномаси муддатининг тугаши муносабати билан (МК 158-моддаси);

ходимнинг ташаббусига кўра (МК 160-модда);

иш берувчининг ташаббусига кўра (МК 161-модда);

тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (МК 168-моддаси);

янги муддатга сайланмаганлик ёки танловдан ўтмаганлик ёхуд сайлашда, танловда иштирок этишни рад этганлик муносабати билан (МК 169-модда);

ўриндош ходимни мазкур ишга ўзи учун асосий иш жойи бўлган ходим қабул қилинганлиги сабабли (МК 441-модда 1-банди);

ўриндошлик асосида ишлашга чекловлар жорий этилганлиги муносабати билан (МК 441-модда 2-банди);

ташкilot раҳбари, унинг ўринбосарлари, ташкilot бош бухгалтери, ташкilot алоҳида бўлинмаси раҳбари билан меҳнат шартномасини ташкilot мулкдори ўзгарганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббусига кўра (МК 489-модда 1-қисм 1-банд);

ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, ташкилот бош бухгалтери, ташкилот алоҳида бўлинмаси раҳбари билан меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра (МК 489-модда 1-қисм 2-банд);

шунингдек, Меҳнат кодексиди ва бошқа қонунларда кўрсатилган асосларга кўра.

18. Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодексининг ёхуд тегишли қонуннинг моддасига (бандига) ҳавола қилинган ҳолда Кодекс ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳукуқий ҳужжатлар моддаларининг (бандларининг) таърифларига аниқ мувофиқ тарзда кўрсатилиши керак.

Меҳнат шартномаси шартномада назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинганда, иш берувчининг ушбу модда учинчи қисмининг талабларига риоя этилган ҳолда чиқарилган буйруғида ушбу ходим билан меҳнат шартномаси қайси асосга мувофиқ бекор қилинган бўлса, меҳнат шартномасининг ушбу асосни назарда тутувчи бандига ҳавола бўлиши керак.

Меҳнат шартномаси ходим томонидан меҳнат мажбуриятлари бир марта кўпол равишда бузилганлиги муносабати билан бекор қилинганда, иш берувчининг буйруғида ички меҳнат тартиб қоидаларининг банди, ташкилот раҳбарига нисбатан меҳнат шартномасининг банди, ўзига нисбатан интизом тўғрисидаги уставлар ёки низомларнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ходимларга нисбатан эса ходим билан меҳнат шартномаси қайси меҳнат мажбуриятларининг бир марта кўпол равишда бузилишини содир этганлик учун бекор қилинган бўлса, ўша қоидабузарликни назарда тутувчи интизом тўғрисидаги тегишли уставнинг ёки низомнинг моддаси (банди) кўшимча равишда кўрсатилиши керак.

### **3-БОБ. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖАВОБГАРЛИК**

45. Жамиятда меҳнат интизоми меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, жамоа шартномаси шартларига, ушбу Қоидаларга ва бошқа интизомни, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена бўйича талаблар, шунингдек, ҳар бир ходим билан тузилган меҳнат шартномаси шартларини кўзда тутадиган Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилишни ўз ичига олади.

**46. Меҳнат мажбуриятларини тегишли равишда бажариш, меҳнатда юқори натижаларга эришиш, Жамиятда узоқ муддат намунали ишлаш ва ишдаги бошқа ютуқлари учун Жамият ходимларига нисбатан қуйидаги рағбатлантиришлар қўлланиши мумкин:**

миннатдорчилик;

пул мукофоти билан тақдирлаш;

қимматбаҳо совға билан мукофотлаш;

жамият ва давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун ходимлар қонунчиликда белгиланган тартибда давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

47. Такдирлашлар одатда мазкур ходим ишлаётган таркибий бўлинма раҳбарининг ёки меҳнат жамоасининг илтимосномасига кўра Жамият раҳбари томонидан чиқариладиган буйруққа биноан эълон қилинади.

**48. Меҳнат интизомини бузганлик учун ходимларга нисбатан, интизомий жазо чораларидан ташқари, қуйидаги қоидабузарликлар учун таъсир чоралари ҳам қўлланиши мумкин:**

Ижро интизомига риоя қилмаслик, ижро интизомини бузиш (Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, юқори орган ва иш берувчининг қарорлари, буйруқ, фармойишлари ҳамда топшириқ ва кўрсатмаларида қўйилган вазифаларни амалга оширишни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминламаганлик, шунингдек, ходимнинг лавозим-йўриқномасида кўрсатилган вазифа ва мажбуриятларга риоя қилмаслик;

Ходим билан меҳнат шартномасида белгиланган ишга келиш ва кетиш вақти режимига (меҳнат интизоми) риоя қилмаслик;

Жамиятда ўтказилган текширувлар натижасида аниқланган хато камчиликларни хатар даражасидан келиб чиқиб қўлланилиши мумкин.

**49. Меҳнат интизомини бузганлик учун иш берувчи ходимга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир:**

хайфсан;

ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ошмаган миқдорда жарима.

меҳнат шартномасини бекор қилиш (Кодекснинг 161-моддаси иккинчи қисмининг 4 ва 5-бандлари).

50. Содир этилган интизомий қилмишнинг оғирлик даражаси ҳамда унинг Жамият учун келтирган салбий оқибатидан келиб чиқиб, ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима қўлланилиши мумкин.

Иш берувчи ходимдан интизомий жазо чораси қўлланилунига қадар ёзма тушунтиришни талаб қилиши, шу жумладан, агар интизомий қилмиш хизмат текшируви натижаларига кўра аниқланган бўлса, талаб қилиши шарт. Тушунтириш хатини иш берувчининг вакиллари ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ходимнинг ёзма тушунтириш тақдим этишни рад этганлиги интизомий жазо чораси қўлланилиши учун монелик қилмайди ва ҳозир бўлган гувоҳлар кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади.

51. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати уни қўллаш кунидан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим. Агар ана шу муддат давомида ходим янги интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда интизомий жазони бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилмайди. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи уни бир йил тугашига қадар ўз ташаббусига кўра, ходимнинг бевосита раҳбарининг, касаба уюшмаси қўмитасининг илтимосномасига, шунингдек ходимнинг илтимосига кўраилтимосномасига кўра бекор қилишга ҳақлидир. Ходимдан интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

49. Интизомий жазо устидан ходим шикоят қилиши мумкин.

50. Жамиятка ходим бевосита тўғридан-тўғри зарар етказган ҳолда интизомий жазо ва таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини қўллашдан қатъи назар, қонунчиликда белгиланган тартибда моддий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

51. Меҳнат интизомини бузганлик учун ходимларга нисбатан, интизомий жавобгарликдан ташқари, ички меъёрий ҳужжатлар билан таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ҳам қўлланиши мумкин (мукофотдан, иш якунлари бўйича йил учун мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш ва ҳ.к.).

**52. Жамият ходимлари қуйидагиларга қатъий риоя этишлари лозим:**

Жамият фаолиятининг тамойилларига қатъий риоя этиш;

юқори интизомга эга бўлиш ва турли вазиятларда ўзини тута билиш, ўз қарорлари, ҳатти-ҳаракатлари ва ишида одоб-ахлоқ мезонларига таяниш;

хизмат ва тижорат сирини сақлаш, Жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ошкор қилинишига тўсқинлик қилиш;

хизмат мавқеидан ўз фойдасини кўзлаб ва бошқа шахсларнинг ноқонуний манфаатларини қондириш учун фойдаланмаслик;

хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ғайриқонуний ва ахлоқсиз ҳатти-ҳаракатлар содир этишга йўл қўймаслик, ўзининг хулқ-атвори билан, ҳалоллиги, инсофлилиги ва пок виждонлилиги билан ўрнак бўлиш;

коррупция ҳолатларига қарши курашиш ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиш шарт (пора бериш, пора олиш, ваколатларини суистеъмол қилиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёки ходим томонидан пуллар, қимматликлар, бошқа мол-мулк ёки мулкрий мезондаги хизматлар кўринишида фойда олиш мақсадида хизмат мавқеидан ноқонуний тарзда фойдаланмаслик);

ўз раҳбарини ёхуд Жамиятнинг тегишли тузилмаларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

#### **4-БОБ. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

58. Ходим ушбу Қоидаларга, навбатчилик жадвалларига ва меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўзининг меҳнат мажбуриятларини бажариши керак бўлган вақт иш вақти ҳисобланади;

59. Жамиятда ҳар кунги иш вақти 8 соатни ташкил этадиган беш кунлик иш ҳафтаси (40 соатдан ортиқ бўлмаган муддат) белгиланган. Барча ходимлар учун ушбу Қоидага мувофиқ ҳар ҳафталик дам олиш вақти бир дам олиш кунини (Шанба ва Якшанба) ташкил этади. Шунингдек, алоҳида хусусиятга эга бўлган тиббиёт ходимлари учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига кўпи билан 36 соат қилиб белгиланади

60. Иш вақти соат 9:00 да бошланади ва соат 18:00 да тугайди. Тушлик (танаффус) вақти соат 13:00 дан 14:00 гача белгиланади.

61. Жамиятнинг қуйидаги ходимлари учун иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади:

16 ёшгача бўлган шахсларга - ҳафтада 24 соат;

16 дан 18 ёшгача бўлган шахсларга - ҳафтада 36 соат;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга - ҳафтада 36 соат;

62. Ҳар кунги ишнинг давомийлик вақти қуйидаги ҳолларда бир соатга қисқартирилади:

байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида;

тунги вақтда ишларни бажарганда (соат 22.00 дан эрталаб 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади).

жамоа шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

Тунги ишлаш муддати ишлаб чиқариш шароитига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан узлуксиз ишлардагина кундузги иш билан тенглаштирилади;

63. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича ишга қабул қилиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланиши мумкин.

**Иш берувчи қуйидаги ҳолларда тўлиқсиз иш вақтини белгилаши мумкин:**

ҳомиладор аёлларнинг илтимосига кўра;

ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган) болани тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз она (бева эрақак, бева аёл, никоҳдан ажрашган)ларга ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига, шу жумладан, унинг ҳомийлигида ёки тиббий хулосага мувофиқ оиланинг касал аъзосини боқаётган шахснинг илтимосига кўра қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда.

Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш ходим учун ҳар йилги таътил муддатини меҳнат стажини ҳисоблаш ва бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирор бир тарзда чеклашларга сабаб бўлмайди ва ишланган вақтга мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга боғлиқ ҳолда ҳақ тўланади.

Иш берувчи билан келишган ҳолда иш вақти яқка тартибда белгиланиши мумкин.

64. Иш шароитларига кўра тушки танаффус вақтини белгилаш мумкин бўлмаган ходимларга овқатланиш учун иш вақтида камида 30 минут берилади. Бундай ишлар рўйхати, овқатланишнинг бошланиш ва тугаш вақти ҳамда жойини иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлайдиган навбатлилик жадвалига биноан белгиланади.

65. Навбат билан ишлайдиган таркибий бўлинмаларда иш навбатининг вақти, тартиби, тушки танаффус вақти ёки овқатланиш вақти, дам олиш кунларини бериш Жамият раҳбари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлаган жадвалга кўра белгиланади.

Ходимни ишга икки навбат давомида кетма-кет жалб этиш тақиқланади.

Навбатлилик жадвалига биноан ҳар бир ходимга белгиланган иш вақтининг давомийлиги этиши тегишли давр учун иш вақтининг бир меъёрли давомийлиги этишидан ошиб кетмаслиги керак.

Навбатчилик жадвали билан манфаатдор ходимлар у кучга киришига қадар 15 кундан кечиктирмай тилхат бериб танишишлари керак.

Ишнинг тугаши билан унинг кейинги кунда бошланиши (навбатда) ўртасидаги ҳар кунги дам олиш вақти 12 соатдан кам бўлмаслиги керак.

66. Ҳар кунги иш вақти (навбат)дан ортиқча белгиланган иш ходим учун иш кунидан ташқари меҳнат вақти ҳисобланади.

Иш кунидан ташқари меҳнат қилишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Иш кунидан ташқари ишлашнинг вақти икки кунда ҳар бир ходим учун тўрт соатдан (зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлашда - кунига икки соатдан) ва бир йилда 120 соатдан ошмаслиги керак.

**Иш вақтидан ташқари ишлашга қўйидагиларга рухсат берилмайди:**

иш навбатининг вақти 12 соатни ташкил этадиган ходимлар;

18 ёшгача бўлган ходимлар;

67. Ходимларнинг айрим тоифаларини дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга фақат фавқулодда ҳолларда иш берувчининг ёзма фармойиши билан йўл қўйилади.

68. Иш вақтидан ташқари, байрам ёки дам олиш кундаги иш, ходимнинг ҳоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кундаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

69. Барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошларга ҳам иш жойи ҳамда ўртача иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда ҳар йилги меҳнат таътиллари берилади.

70. Ҳар йилги асосий таътил муддати қонун ҳужжатлари ва Жамоа шартномасига мувофиқ асосий узайтирилган таътиллار белгиланган шахслардан ташқари, Жамиятнинг барча ходимлари учун 21 календар кун, шу жумладан ўриндошлар учун камида 21 календар кун этиб белгиланади.

Таътил учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасдан олдинги охириги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Шунингдек қўйидаги ҳолларда ходимнинг аризасига биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча меҳнат таътиллари берилиши мумкин:

яқин қариндошлари вафот этганда – 3 календар кун;

ходим ёки унинг фарзандининг тўй маросимини ўтказишга – 3 календар кун;

ходимнинг қонуний никоҳдан ўтиш муносабати билан – 3 календар кун.

Ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди, турмуш ўртоғи ҳамда тўрмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси унинг яқин қариндошлари деб ҳисобланадилар.

**71. Ҳар йилги асосий таътил қуйидагича берилади:**

ишланган биринчи йил учун - олти ой ишлагандан кейин;  
иккинчи ва кейинги йиллардаги иш учун-таътиллار жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган) болани тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз она (бева эркак, бева аёл, никоҳдан ажрашган)ларга ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (йиллик таътиллари Жамият уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳон сессиялари вақтига мослаб бериши шарт);

жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

**72.** Таътил ҳар йили у бериладиган иш йили тугашига қадар берилиши керак.

Таътил ходимнинг ёзма аризасига кўра қисмларга бўлиниши мумкин. Таътил қисмларидан бири камида 14 календар кунини ташкил этиши керак.

Фақат ходимнинг розилиги билан таътилдан чақириб олиш мумкин. Таътилни фойдаланилмаган қисми жорий йилда берилади ёки кейинги йилга қўчирилади иш йили тугашига қадар меҳнат таътилини қолган қисмидан фойдаланиб тугатиш шарти билан. Меҳнат таътилининг фойдаланилмаган кунлари бўйича белгиланган тартибда қайтадан ҳисоб-китоб амалга оширилади.

**73.** Ходимнинг хоҳишига қараб иш вақтида энг кам муддатдан (21 календар кундан) ортиқча йиллик таътил учун пул бадали (компенсация) тўланади. Ижтимоий таътилларнинг барча турлари, шунингдек, ноқулай иш шароитларида ишлаш, ишнинг алоҳида тарзи, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун қўшимча таътилларнинг барча турларидан албатта фойдаланилиши керак, уларни пул бадали билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

**74.** Ҳар йилги таътиллари беришдаги рағбатлар календарь йили бошланишига қадар Жамият раҳбари касаба уюшма қўмитаси билан келишиб тасдиқлайдиган жадвалга биноан белгиланади. Ана шу тартибда жадвал ярим

йил тугаганидан кейин ана шу даврда ишга янги қабул қилинган ходимларни ҳисобга олиб тўлдирилади.

Ходим таътилни бериш вақти тўғрисида унинг бошланишидан кўпи билан 15 кун олдин хабардор қилиниши керак.

Таътил учун ҳақ таътил бошланадиган кундан олдинги кунда тўланиши керак. Ходимнинг аризасига кўра таътил бошқа муддатга кўчирилиши мумкин, агар у бу ҳақда ўз вақтида хабардор қилинган ёки унга таътил бошланишига қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса.

75. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра меҳнат муносабатларини кейин тугатган ҳолда ҳар йилги асосий ва қўшимча таътиллار берилиши кўзда тутилиши мумкин. Мазкур ҳолда таътилни тугаш куни меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси деб ҳисобланади.

76. Кейин ишдан бўшатиш шарти билан таътилга чиққан вақтда ходим, қонунчиликда белгиланган ёки томонларнинг келишувига кўра белгиланган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш муддати тугаган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани қайтариб олишга ҳақли бўлмайди.

## **5-БОБ. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

77. Ҳар бир ходим қонунчиликларда, мазкур Қоидаларда, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида ва меҳнат шартномасида кўзда тутилган меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, судда ҳимоя қилиш, ўз меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қонун билан тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиш, шунингдек, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир.

78. Ўзининг ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобловчи ходим мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси орқали иш берувчига оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақлидир.

79. Ходимнинг мурожаатини мазмунан кўриб чиқиб, иш берувчи уч кун муддатда ходимга ёзма равишда жавоб беради.

80. Иш берувчининг жавобидан рози бўлмаган тақдирда, меҳнат низосини ҳал қилиш учун ходим ўз ихтиёри бўйича меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга, шунингдек, ваколатига Жамият ходимларини ҳимоя қилиш кирадиган бошқа органларга мурожаат қилишга ҳақлидир.

81. Ходим томонидан берилган ариза меҳнат низолари комиссиясида рўйхатга олинади ва ариза берган ходим иштирокида у берилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

82. Ходимнинг аризани кўриб чиқишда иштирок этмаслигига фақат унинг ёзма аризасига кўра амалга оширилади. Комиссиянинг мажлисига ходим узрли сабабларсиз келмаган тақдирда мазкур аризани кўриб чиқмаслик

тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин, бу эса ходимни қайтадан ариза топшириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

83. Меҳнат низолари комиссиясининг қарори устидан ходим ёки иш берувчи қарор нусхаси берилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида судга шикоят қилиши мумкин.

84. Амалдаги Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган меҳнат низолари бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади.

#### **6-БОБ. ХУЛОСА**

85. Мазкур Қоидалар билан тартибга солинмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

86. Қоидалар Жамиятнинг Касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган кунидан бошлаб кучга киради.

87. Мазкур қоидалар тасдиқланиши билан Жамиятнинг 2022 йил 20 майдаги Ички меҳнат тартиби қоидалари ўз кучини йўқотади.

Ички локал ҳужжатлар билан  
ходимларни таништириш бўйича  
намуна

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти ходимларини**  
**2026 йил 16 март куни имзоланган Ички меҳнат тартиби**  
**қоидалари билан таништириш**  
**ҚАЙДНОМАСИ**

<b>Т/Р</b>	<b>Ф.И.Ш</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Имзо</b>	<b>Сана</b>
1.	...	...	...	...
2.	...	...	...	...
3.	...	...	...	...
4.	...	...	...	...
...	...	...	...	...

**Ташкилий кадрлар бўйича мутахассис**

**Ж.Жалилов**

2025 йил 20 декабрь

№25

**“Омад зафари” масъулияти чекланган  
жамияти бошланғич касаба уюшмаси  
ташкилоти раиси С.Салимовга**

## **ТАҚДИМНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 228-моддасига асосан **ҳар йилги меҳнат таътили иш берувчи ва ходим учун мажбурий бўлган таътиллار жадвали билан белгиланадиган ҳар йилги меҳнат таътилларини бериш навбатига мувофиқ берилади ва таътиллار жадвали календарь йил бошланғунига қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра тасдиқланиши** белгиланган.

Шу муносабат билан, 2025 йил учун таътиллار жадвали лойиҳасини касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари билан бирга кўриб чиқишингиз ва белгиланган тартибда **келишиб** беришингизни сўрайман.

*Таътиллار жадвали лойиҳаси илова қилинади*

**Жамият раҳбари**

**А.Алимов**

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамиятидаги  
касаба уюшмаси қўмитасининг  
ЙИҒИЛИШ БАЁНИ**

**2025 йил 25 декабрь**

**№11**

**Фарғона шаҳри**

**Йиғилиш раиси:** Касаба уюшма қўмитаси раиси С.Салимов

**Йиғилиш котиби:** Касаба уюшма қўмитаси аъзоси Х.Халимова

**Иштирокчилар:** Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари Ж.Жалилов,  
М.Маликов, У.Умидова, Т.Толипова, И.Исмоилов

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Омад зафари” МЧЖда 2025 йил давомида ходимларга меҳнат таътили  
бериш бўйича таътиллار жадвалини келишиш тўғрисида.**

Йиғилиш раиси С.Салимов сўзга чиқиб, касаба уюшма қўмитаси нафари иштирок этаётганини инобатга олиб, йиғилиш ваколатли эканлигини билдирди ва кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

Иш берувчи томонидан 2026 йил давомида меҳнат таътили бериш бўйича таътиллار жадвали лойиҳасини келишиш тўғрисида 2025 йил 20 декабрь куни 25 сонли Тақдимнома киритилганлиги маълум қилиб, лойиҳа билан барчани таништирди.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 228-моддасига асосан иккинчи ва кейинги иш йиллари учун ҳар йилги меҳнат таътили иш берувчи ва ходим учун мажбурий бўлган таътиллار жадвали билан белгиланадиган ҳар йилги меҳнат таътилларини бериш навбатига мувофиқ берилиши белгиланган.

Шунингдек, таътиллар жадвали календарь йил бошлангунига қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра тасдиқланиши кўрсатилган.

Йиғилишда Т.Толипова, М.Маликовлар сўз чиқиб иш берувчи томонидан киритилган 2026 йил учун таътилар жадвали лойиҳасини атрофлича кўриб чиқиб, уни келишиш мақсадга мувофиқ деган фикрга келди.

Кун тартибига қўйилган масала атрофлича кўриб чиқилиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. “Омад зафари” МЧЖ раҳбари томонидан тақдим этилган 2026 йил давомида ходимларга меҳнат таътили бериш бўйича таътилар жадвали лойиҳаси маъқуллансин ва келишилган деб ҳисоблансин.

2. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Салимовга касаба уюшмаси қўмитаси номидан таътилар жадвалига келишиш бўйича имзо қўйиш ҳуқуқи берилсин.

**Йиғилиш раиси**

**С.Салимов**

**Йиғилиш котиби**

**Х.Халимова**

**Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари:**

**Ж.Жалилов**

**М.Маликов**

**У.Умидова**

**Т.Толипова**

**И.Исмоилов**

**2025 йил 25 декабрь**

**№7**

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти раҳбари**

**А.Алимовга**

**Хурматли Алим Алимович,**

Сизнинг 2025 йил 20 декабрдаги 25 сонли тақдимномангиз билан келиши учун тақдим этилган жамиятнинг 2026 йил давомида ходимларга меҳнат таътили бериш бўйича таътилар жадвали лойиҳаси касаба уюшмаси қўмитасининг 2025 йил 25 декабрдаги 11-сонли йиғилишида қўмита аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, муҳокама қилиниб, маъқулланди ва келишилди.

Касаба уюшмаси қўмитасининг йиғилиш баёни иловага мувофиқ юборилмоқда.

*Илова 2 варақда.*

**Касаба уюшмаси**

**қўмитаси раиси**

**С.Салимов**

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
**“Омад зафари” МЧЖ касаба**  
**уюшмаси кўмитаси раиси**

\_\_\_\_\_ **С.Салимов**

2025 йил 28 декабрь

*(2025 йил 25 декабрдаги 11-  
сонли йиғилиш баёнига асосан)*

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Омад зафари” МЧЖ**  
**раҳбари**

\_\_\_\_\_ **А.Алимов**

2025 йил 28 декабрь

**“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти ходимларининг 2025**  
**йил давомида меҳнат таътилига чиқиш бўйича**

### **ТАЪТИЛЛАР ЖАДВАЛИ**

Таркибий бўлинма	Штаг жадвали бўйича лавозим	Ф.И.О.	Табель рақами	Таътил					Ходимни таътил бошланиши тўғрисида огоҳлантирилганлиги
				Кунлар сони (иш, календарь)	Сана		Таътилни кўчириш		
					Режа бўйича таътил куни бошланиши	Ҳақиқатдаги	Асос	Таътилинг тахминий санас	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Маданий бўлим	Бўлим мудир	Х.Халимов	3	24 календарь кун	2026 йил 1 март				
Ижтимоий бўлим	Бош мутахассис	Ж.Жалилова	4	28 календарь кун	2026 йил 15 аперль				

**Инсон ресурслари билан ишлаш бўлими бошлиғи**

**Н.Наимова**

## ФОЙДАЛИ НАМУНАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР

*Интизомий жазони олиб ташлаш  
тўғрисида илтимоснома  
(касаба уюшма қўмитаси учун)*

**“Омад зафари” МЧЖ раҳбари  
А.Алимовга**

### ИЛТИМОСНОМА

Ҳурматли Алимов Алимович,

“Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти ижро интизомий бўлими етакчи мутахассиси Салимов Салимжонга 2026 йил 15 февраль кунги 12-сонли фармойиш билан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Ўтган 2 ой давомида ходим ўзига берилган жазо чорасидан тўғри хулоса чиқариб, иш фаолиятида камчиликларга йўл қўймасдан ижобий фаолият олиб бормоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан етакчи мутахассиси Салимов Салимжонга қўлланилган “хайфсан” интизомий жазо чорасини муддатидан аввал олиб ташланишида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

**Касаба уюшма қўмитаси раиси**

**Ж.Жалилов**

*07.04.2026 йил*

*Интизомий жазони муддатидан  
олдин олиб ташлаш тўғрисида  
фармойишдан намуна*

**ФАРМОЙИШ**

2026 йил 8 апрель

19 к-сон

Фарғона ш.

**Интизомий жазони муддатидан аввал олиб ташлаш ҳақида**

**1. Салимов Салимжон Салимович** - “Омад зафари” масъулияти чекланган жамияти ижро интизоми бўлими етакчи мутахассисига 2026 йил 15 февралдаги 12 сонли фармойиш билан қўлланилган интизомий жазонинг амал қилиш муддатида ходимнинг ушбу интизомий жазодан тўғри хулоса чиқарганлиги ва фаолиятида ижобий ўзгаришларга эришганлиги муносабати билан 2026 йил 8 апрель кунидан “хайфсан” интизомий жазоси муддатидан олдин олиб ташлансин.

**2. Ҳисобчи Х.Халимов** мазкур фармойишни меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобкитобида эътиборга олсин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 315-моддаси, ходим С.Салимовнинг аризаси **ёки** касаба уюшмаси қўмитаси Ж.Жалиловнинг илтимосномаси.

**Жамият раҳбари**

**А.Алимов**

*Меҳнат шартномасини бекор қилиш  
тўғрисидаги аризани чақириб олиш  
намунаси*

**“Омад зафари” масъулияти чекланган  
жамияти раҳбари  
А.Алимовга**

**Жамият ижро интизоми бўлими етакчи  
мутахассиси С.Салимовадан**

### **АРИЗА**

Мен 2026 йил 3 апрель куни меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза бергандим.

Бугунги кунга келиб мен ниятимдан қайтдим ва ўз вазифамда меҳнат фаолиятимни давом эттиришни истайман.

Шу муносабат билан, 2026 йил 3 апрелдаги аризамни чақириб оламан ва мазкур аризани эътиборсиз қолдиришингизни сўрайман.

**Етакчи мутахассис**

**С.Салимов**

*08.04.2026 йил*

## Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида

### КЕЛИШУВ

2025 йил 9 июнь

Намуна шахри

Намуна шахридаги “Омад” масъулияти чекланган жамияти номидан жамият устави асосида фаолият юритувчи раҳбар Алимов Алимжон Алимович, кейинги ўринларда “Иш берувчи” деб юритилади, бир томондан ҳамда фуқаро Салимов Салимжон Салимович, кейинги ўринларда “Ходим” деб юритилади, иккинчи томондан мазкур келишувни қўйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Мазкур келишувни тузишдан мақсад тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига асосан, тарафларнинг ўзаро келишуви билан бекор қилишдан иборатдир.

2. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқдан аввал ходим томонидан унга бириктирилган иш берувчининг мол-мулклари белгиланган тартибда иш берувчининг вакиллариغا топширилди.

3. Меҳнат шартномасини бекор қилиш давомида иш берувчи ва ходим ўртасида мавжуд меҳнат муносабатлари юзасидан ҳеч қандай низо ва тушунмовчиликлар туғилмади.

4. Ходим - “Омад” масъулияти чекланган жамияти муҳандиси Салимов Салимжон Салимович билан тузилган меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви ва уларнинг хоҳиш-истаклари билан 2025 йилнинг 10 июнь кунидан бекор қилинади ҳамда 10 июнь куни ходимнинг сўнгги иш куни сифатида белгиланади.

5. Мазкур келишув тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг ажралмас қисми бўлиб қолади.

6. Тарафларнинг имзолари:

**Иш берувчи**

**Ходим**

“Омад” масъулияти чекланган  
жамияти раҳбари

“Омад” масъулияти чекланган  
жамияти муҳандиси

\_\_\_\_\_ **А.А.Алимов**

\_\_\_\_\_ **С.С.Салимов**

9 июнь 2025 йил

9 июнь 2025 йил

## ФАРМОЙИШ

2025 йил 9 июнь

№ 15ш-сон

Намуна шаҳри

### Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида

**1. Салимов Салимжон Салимович** – Намуна шаҳридаги “Омад” масъулияти чекланган жамияти муҳандиси билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига асосан, тарафларнинг келишувига кўра 2025 йил 10 июнь кунидан бекор қилинсин.

**2. Жамият ҳисобчиси С.Салимов** билан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилмаган меҳнат таътили ва жорий ой давомидаги меҳнат фаолияти учун тегишли ҳисоб китоб ишларини амалга оширсин.

**Асос:** Тарафлар ўртасида 2025 йил 9 июнь кuni тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида қўшимча келишув.

**Жамият раҳбари**

**А.Алимов**

*МКнинг 401-моддасига асосан йиллик  
меҳнат таътили билан қўшиб  
берилмайдиган ижтимоий таътилни  
олиш бўйича ариза намунаси*

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти директори  
А.Алимовга**

## **АРИЗА**

Менга ўн икки ёшга тўлмаган уч нафар фарзандим борлигини инобатга олиб, 2026 йилнинг 9 март кунидан қўшимча равишда (*ҳар йилги меҳнат таътилларидан ташқари*) 4 календарь кундан иборат бўлган ҳақ тўланадиган таътил беришингизни сўрайман.

Аризамга фарзандларимнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхаларини илова қиламан.

**Маданий бўлим етакчи мутахассиси**

**С.Салимова**

*05.03.2026 йил*

*МКнинг 401-моддасига асосан йиллик  
меҳнат таътили билан қўшиб  
берилмайдиган ижтимоий таътилни  
бериш бўйича фармойиши намунаси*

## **ФАРМОЙИШ №12**

05.03.2026 йил

Фарғона шаҳри

### **Ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш тўғрисида**

1. Жамият маданий бўлими етакчи мутахассиси **Салимова Салима Салимовнага** унинг ўн икки ёшга тўлмаган уч нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, 2024 йилнинг 10 августдан 2025 йилнинг 9 августига қадар бўлган иш йили учун 2026 йилнинг 9 март кунидан бошланадиган тўрт календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилсин.

Ходимнинг ишга чиқиш вақти 2024 йил 13 март этиб белгилансин.

2. Хисобчи (М.Маликов) ходимга қўшимча таътилга чиқиши муносабати билан унга ўрнатилган тартибда ҳақ тўланишини таъминласин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 401-моддаси, ходимнинг аризаси ва фарзандларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари.

**Жамият раҳбари**

**А.Алимов**

*МКнинг 401-моддасига асосан йиллик  
меҳнат таътили билан қўшиб  
берилмайдиган ижтимоий таътилни  
олиш бўйича ариза намунаси  
(эркак ходим учун)*

**“Омад зафари” масъулияти  
чекланган жамияти директори  
А.Алимовга**

### **АРИЗА**

Менга ўн икки ёшга тўлмаган уч нафар фарзандим борлигини инобатга олиб, 2026 йилнинг 9 март кунидан қўшимча равишда (*ҳар йилги меҳнат таътилларидан ташқари*) 4 календарь кундан иборат бўлган ҳақ тўланадиган таътил беришингизни сўрайман.

Аризамга фарзандларимнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхаларини ҳамда турмуш ўртоғимнинг иш жойидан берилган маълумотномани илова қиламан.

**Маданий бўлим бош мутахассиси**

*05.03.2026 йил*

**Х.Халимов**

*МКнинг 401-моддасига асосан йиллик  
меҳнат таътили билан қўшиб  
берилмайдиган ижтимоий таътилни  
бериш бўйича фармойиши намунаси  
(эркак ходим учун)*

## **ФАРМОЙИШ №12**

05.03.2026 йил

Фарғона шаҳри

### **Ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш тўғрисида**

1. Жамият маданий бўлими бош мутахассиси **Халимов Халимжон Халимовичга** унинг ўн икки ёшга тўлмаган уч нафар фарзанди борлигини ҳамда турмуш ўртоғи ишлаётган жойидан имтиёздан фойдаланмаганлигини инобатга олиб, 2024 йилнинг 10 августдан 2025 йилнинг 9 августига қадар бўлган иш йили учун 2026 йилнинг 9 март кунидан бошланадиган тўрт календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилсин.

Ходимнинг ишга чиқиш вақти 2024 йил 13 март этиб белгилансин.

2. Хисобчи (М.Маликов) ходимга қўшимча таътилга чиқиши муносабати билан унга ўрнатилган тартибда ҳақ тўланишини таъминласин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 401-моддаси, ходимнинг аризаси, фарзандларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари ҳамда турмуш ўртоғининг иш жойидан берилган маълумотномаси.

**Жамият раҳбари**

**А.Алимов**

**“Омад зафари” МЧЖнинг 2025 йил давомида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик бўйича олиб борган ишлари ҳақида**

**МАЪЛУМОТНОМА**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Жами:</b>
1	Касаба уюшмаси аъзолари сони	<b>23</b>
2	Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилган тадбирлар сони	<b>9</b>
	<i>Тадбирларга сарфланадиган маблағ миқдори (минг сўм)</i>	<b>3200,0</b>
<b>Шужумладан.</b>		
2.1	Меҳнат муҳофазаси бўйича битими ( <i>меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметасига кўра</i> ) битимдаги тадбирлар сони	4
	<i>Битим бўйича сарфланадиган маблағ миқдори (минг сўм)</i>	1200,0
2.2	Махсус кийим, махсус пояфзал ва шахсий ҳимоя воситалари учун режалаштирилган маблағ миқдори ( <i>минг сўм</i> ).	200,0
2.3	Сут ( <i>ёки шунга тенг бошқа сут маҳсулотлари</i> ), даволаш профилактика озик–овқатлари учун режалаштирилган маблағ миқдори ( <i>минг сўм</i> ).	700,0
2.4	Гигиена воситалари ( <i>ювиш воситалари ёки совун</i> ) учун режалаштирилган маблағ миқдори ( <i>минг сўм</i> ).	400,0
2.5	Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича сарфланадиган маблағ миқдори ( <i>минг сўм</i> )	350,0
	Суғурталанган ходимлар сони	23
2.6	Дастлабки тарзда ( <i>ишга кираётганда</i> ) ва даврий ( <i>меҳнат фаолияти давомида</i> ) мажбурий тиббий кўриклар ўтказилишга режалаштирилган маблағ ( <i>минг сўм</i> )	350,0
3.	Жамоа шартномаларида меҳнат муҳофаза қилиш бўйича бажарилган тадбирлар сони	<b>8</b>
	Уларга сарфланган маблағ миқдори ( <i>минг сўм</i> )	<b>3100,0</b>
<b>Шу жумладан</b>		

3.1	Мехнат муҳофазаси бўйича битими (мехнатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметасига кўра ) битимдаги тадбирлар сони	3
	Битим бўйича сарфланадиган маблағ миқдори (минг сўм)	1100,0
3.2	Махсус кийим, махсус пояфзал ва шахсий ҳимоя воситалари учун режалаштирилган маблағ миқдори (минг сўм).	200,0
3.3	Сут (ёки шунга тенг бошқа сут махсулотлари), даволаш профилактика озик–овқатлари учун режалаштирилган маблағ миқдори (минг сўм).	700,0
3.4	Гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) учун режалаштирилган маблағ миқдори (минг сўм).	400,0
3.5	Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича сарфланадиган маблағ миқдори (минг сўм )	350,0
	Суғурталанган ходимлар сони	23
3.6	Дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (мехнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар ўтказилишга режалаштирилган маблағ (минг сўм)	350,0
4.	Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича хар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори (минг сўм)	134,7 (3100/23)
5	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни текшириш комиссияларида иштирок этиш	0
6	Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ходисалар сони, жами:	0
6.1	Ўлим билан тугаган бахтсиз ходисалар сони улардан	0
	Кўмита йиғилишида кўриб чиқилганлари	0
6.2	Оқибати оғир бахтсиз ходисалар сони, улардан	0
	Кўмита йиғилишида кўриб чиқилганлари	0
6.3.	Мехнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган ходимлар сони	0
6.4.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар туфайли меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимлар сони	0
	Мехнатга лаёқатсизлик кунлари сони	0

7	Ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссияларида иштирок этилди, уларда:	0
	Аниқланган касб касалликлари сони	0
8	Тиббий меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этилди	0
	Меҳнат қобилиятини ёъқотганлик даражаси белгиланган ходимлар сони	0
9	Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш комиссиясида иштирок этилди	0
	Аттестациядан ўтган иш ўринлари сони	0
10	<b>Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар сони шу жумладан</b>	1
	<b>Ўқитилганлари сони</b>	1
11	<b>Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан аниқланган ва касаба уюшма қўмиталар ёки иш берувчига йўлланган қонун, қоида ва меъёрлар талабларининг бузилишлари сони</b>	1
	<i>Бартараф қилинганлари</i>	1
12	Қонун, қоида ва меъёрлар талабларининг бузилишларининг бартараф этилиши юзасидан юқори касаба уюшмалари ташкилотларига ва меҳнат муҳофаза ҳолати устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга қонунчиликка белгиланган тартибда чора кўриш учун топширилган хужжатлар сони	1
	Белгиланган тартибда чора коърилганлари сони	1

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси

С.Салимов

## САВОЛ-ЖАВОБЛАР



### **1-савол: Касаба уюшмаси нима?**

**Жавоб:** Касаба уюшмаси фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмасидир.

**Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти** бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларининг тегишли касаба уюшмаси устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмасидир.

**Касаба уюшмаларининг бирлашмаси** ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишига ва бирлигига эришиш мақсадида тармоққа доир, ҳудудий ёки касбий ўзига хосликни ҳисобга олувчи бошқа белги бўйича тузиладиган ихтиёрий бирлашма;

**Касаба уюшмасининг бўлинмаси** касаба уюшмасининг уставида мувофиқ ташкил этиладиган, тегишли ҳудудда унинг вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини амалга оширадиган бўлинма.



### **2-савол: Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари қайси?**

**Жавоб:** Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва очикликдан иборат.

**Қонунийлик принципи** - Касаба уюшмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига**, ушбу Қонунга ва

бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

**Ихтиёрийлик принципи** - Фуқаролар ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз танловига кўра ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш, уларга аъзо бўлиш, касаба уюшмаси фаолияти билан шуғулланиш ва касаба уюшмаларига аъзоликдан чиқиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқиш, шунингдек меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин касаба уюшмасига аъзоликни сақлаб қолиш тартиби ва шартлари тегишли касаба уюшмасининг устави билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек уларни касаба уюшмасига аъзо бўлишга ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

**Камситишга йўл қўймаслик принципи** - Касаба уюшмаларига мансублик ёки мансуб эмаслик фуқароларнинг қонунчиликда кафолатланадиган меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бирор-бир тарзда чеклашга сабаб бўлмайди. Ишга қабул қилишни, ишда кўтарилишни, шунингдек ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишни муайян касаба уюшмасига мансублик, унга аъзо бўлиш ёки аъзоликдан чиқиш билан боғлиқ қилиб қўйиш тақиқланади.

Ходимнинг касаба уюшмасига аъзо бўлмаслигига ёки аъзоликдан чиқишига доир ёзма ёки оғзаки мажбуриятлари ҳақиқий эмас.

Ўзини касаба уюшмасига мансублиги ёки мансуб эмаслиги белгисига қараб камситилган деб ҳисобловчи шахс камситишни бартараф этиш, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

**Мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципи** - Касаба уюшмалари ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар

олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, ташкилий тузилмасини белгилайди, касаба уюшмаси органларини сайлайди, ўз фаолиятини ташкил этади, йиғилишлар, шунингдек бошқа тадбирлар ўтказади.

**Тенг ҳуқуқлилик принципи** - Касаба уюшмаларининг барча аъзолари ушбу Қонунда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, касаба уюшмаларининг уставларида ёки локал ҳужжатларида белгиланган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида тенгдир.

Касаба уюшмалари тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан, касаба уюшмалари бирлашмасидаги иштирокидан ёки бошқа белгисидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга.

**Ошкоралик ва очиқлик принципи** - Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолияти ошкора ва очиқдир. Касаба уюшмалари томонидан қабул қилинадиган уставлар ва низомлар оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан касаба уюшмаларининг расмий веб-сайтларида албатта эълон қилиниши лозим.



**3-савол: Жамоатчилик асосидаги касаба уюшма қўмитаси раиси учун қандай қафолатлар белгиланган?**

**Жавоб:** Касаба уюшма қўмитаси раисига тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилигисиз интизомий жазо берилиши мумкин эмас.

Касаба уюшма қўмитаси раиси билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг шундай розилиги олинган тақдирда йўл қўйилади.

Жамоа шартномасида, келишувида белгиланадиган шартларга кўра меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши, шунингдек касаба уюшмасининг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда вақт берилади.

Касаба уюшмалари органларининг аъзолари ишлаб чиқаришдаги ишидан касаба уюшмалари томонидан чақириладиган курултойларда, конференцияларда делегат сифатида, шунингдек касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида иштирок этиш вақтига озод қилиниб, уларга касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобидан **ўртача иш ҳақи миқдорида** ҳақ тўланади.



#### **4-савол: Жамоа шартномаси нима?**

**Жавоб: Жамоа шартномаси** ташкилотда ёки яқка тартибдаги тадбиркорда яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир. Жамоа шартномаси умуман ташкилотда, унинг алоҳида бўлинмаларида тузилиши мумкин. Жамоа шартномаси ёзма шаклда тузилади.



#### **5-савол: Жамоа келишуви нима?**

**Жавоб: Жамоа келишуви** яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, ходимлар учун ҳудудий, тармоқ ва республика даражаларида тарафларнинг меҳнат шароитларини, бандликни ҳамда ижтимоий кафолатларни белгилашга доир мажбуриятларини ўз ичига олган, ходимлар ва иш берувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини келишиб олиш мақсадида тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир. Жамоа келишуви ёзма шаклда тузилади.



#### **6-савол: Шахсий ҳимоя воситалари нима?**

**Жавоб: Шахсий ҳимоя воситалари** ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек, ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.



### **7-савол: Жамоавий ҳимоя воситалари нима?**

**Жавоб:** Жамоавий ҳимоя воситалари тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек, ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар.



### **8-савол: Иш жойидаги йўл-йўриқ нима?**

**Жавоб:** Иш жойидаги йўл-йўриқ иш жойида иш юритишнинг хавфсиз услублари ва усуллари, дастгоҳ, асбоб-ускуна, механизм ҳамда уларнинг тавсифлари, конструктив хусусиятлари, хавф туғдирувчи шароитлар ва иш жойларини тайёрлаш тартиби билан таништириш жараёни;



### **9-савол: Кириш йўл-йўриғи нима?**

**Жавоб:** Кириш йўл-йўриғи меҳнатни муҳофаза қилиш сиёсати, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг асосий талаблари, ёнғин ва электр хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси талаблари, меҳнат қонунчилигининг асосий қоидалари, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, ишни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари, зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омиллари, ғавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш тартиби билан таништириш жараёни;



### **10-савол: Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил вазифаси нима?**

**Жавоб:** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларга риоя этилишида жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг йиғилишида очиқ овоз бериш йўли

билан ташкилот ходимлари орасидан касаба уюшмаси ташкилотининг ваколат муддатига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари йиғилишида белгиланган муддатга, лекин камида бир йилга сайланади.



### **11-савол: Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик органлари тизими қандай?**

**Жавоб:** Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик органлари тизимини бошланғич, ҳудудий, тармоқ ва республика даражаларида тузиладиган **ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар** ташкил этади.

Ходимлар ва (ёки) иш берувчилар томонидан ваколат берилган бир неча вакиллар мавжуд бўлган тақдирда, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар таркиби мутаносиб вакиллик принципи асосида, тақдим этилаётган ходимлар ва иш берувчиларнинг **сонига** қараб шакллантирилади.



### **12-савол: Жамоавий музокаралар олиб бориш тартиби қандай?**

**Жавоб:** Бирламчи, ҳудудий, тармоқ ва республика даражасидаги **жамоавий музокаралар** тегишли ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар томонидан олиб борилади.

Жамоа келишувлари, жамоа шартномаси лойиҳаларини, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳаларни, жамоа келишувларини ва жамоа шартномасини бажариш ҳақидаги қарорлар лойиҳаларини, шунингдек **жамоавий музокаралар** предмети бўлган бошқа қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш учун ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий, тармоқ ва республика комиссиялари ишчи гуруҳлар тузади. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича бошланғич даражадаги комиссиялар, зарурат бўлганда, ишчи гуруҳлар тузишга ҳақли.

Ишчи гуруҳлар тарафлар тенглиги асосида ижтимоий шериклик тарафларининг вакилларидан шакллантирилади. Тарафларнинг ҳар бири ишчи гуруҳдаги ўз вакилларининг шахсий

таркибини мустақил равишда белгилайди. Тарафларнинг келишувига кўра ишчи гуруҳ таркибига маслаҳат овози бериш ҳуқуқига эга бўлган мустақил олимлар, экспертлар, мутахассислар шартнома асосида киритилиши мумкин.



### **13-савол: Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши қандай?**

**Жавоб:** Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини унинг тарафлари белгилайди. **Жамоа шартномасига иш берувчининг ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:**

*меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;*

*нархларнинг ўзгаришидан, инфляция даражасидан, жамоа шартномасида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;*

*ходимларнинг бандлиги, уларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни ишдан бўшатилиш шартлари;*

*иш вақти ва дам олиш вақтининг, таътилларнинг давомийлиги;*

*ходимларнинг, шу жумладан аёлларнинг, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шартлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш;*

*ташкилотни, идорага қарашли уй-жойни хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;*

*ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимлар учун имтиёзлар;*

*ихтиёрий тиббий ва ижтимоий сугурта;*

*иш берувчи томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб  
бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш  
миқдорлари ва муддатлари;*

*жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат  
қилиш, тарафларнинг жавобгарлиги, касаба уюшмаси қўмитаси  
фаолият кўрсатиши учун нормал шароитлар билан таъминлаш.*

Ташкилотнинг иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, жамоа шартномасида бошқа шартлар, шу жумладан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ҳамда қоидаларга нисбатан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллари, пенсияларга устамалар, муддатидан олдин пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатларини компенсация қилиш, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг фарзандларини умумий ўрта таълим ташкилотларида ва мактабгача таълим ташкилотларида бепул ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, уяли алоқа, Интернет жаҳон ахборот тармоғи учун ҳақ тўлаш, олий таълим ташкилотларида ўқитиш учун ссудалар тўлаш ва ҳақ тўлаш, бошқа қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар) ҳам бўлиши мумкин.

Агар қонунчиликда қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шартлиги тўғрисидаги тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд бўлса, ушбу қоидалар жамоа шартномасига киритилади.



**14-савол:** **Жамоа шартномасини тузиш тартиби қандай?**

**Жавоб:** Жамоа шартномаси, агар меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (*конференциясида*) ҳозир бўлганларнинг эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади. Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия уни умумий йиғилишнинг (*конференциянинг*) таклифлари ва мулоҳазаларига мувофиқ маромига етказди ҳамда ўн беш кун ичида

умумий йиғилишда (конференцияда) кўриб чиқиш учун такроран такдим этади.

Тарафлар жамоа шартномаси лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида ҳал қила олмаган ихтилофларни ҳал этиш бўйича низолар жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Жамоа шартномаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари уч кун ичида жамоа шартномасини имзолайди.



**15-савол:** Жамоа шартномаси қачон кучга киради ва амал қилиш муддати қанча?

**Жавоб:** Жамоа шартномаси имзоланган кундан эътиборан ёки жамоа шартномасида белгиланган кундан эътиборан **кучга киради** ва шартномада назарда тутилган муддат ичида, бироқ кўпи билан **уч йил** амал қилади. Мазкур муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома **тузғунига** ёки амалдаги жамоа шартномасини **ўзгартирғунига, тўлдирғунига** қадар амал қилади. Тарафлар жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугағунига қадар уни **узайтириши** мумкин.



**16-савол:** Жамоа шартномаси қачон кучга киради ва амал қилиш муддати қанча?

**Жавоб:** Жамоа шартномаси имзоланган кундан эътиборан ёки жамоа шартномасида белгиланган кундан эътиборан **кучга киради** ва шартномада назарда тутилган муддат ичида, бироқ кўпи билан **уч йил** амал қилади. Мазкур муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома **тузғунига** ёки амалдаги жамоа шартномасини **ўзгартирғунига, тўлдирғунига** қадар амал қилади. Тарафлар жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугағунига қадар уни **узайтириши** мумкин.



**17-савол:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияга нечта тармоқ аъзо бўлиб кирган?

**Жавоб:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига 14 тармоқ касаба уюшмалари аъзо бўлиб кирган. Булар:

1. Авиация ходимлари касаба уюшмаси
2. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
3. Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси
4. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси
5. Кимё ва фармацевтика саноати саноати ходимлари касаба уюшмаси
6. Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси
7. Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси
8. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
9. Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси
10. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
11. Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси
12. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси
13. Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси
14. “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси



**18-савол:** Касаба уюшмалари аъзо бўлиш тартиби қандай?

**Жавоб:** Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-

тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.



**19-савол:** Касаба уюшмалари аъзо бўлиш тартиби қандай?

**Жавоб:** Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.



**19-савол:** Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиш қачон ваколатли бўлади ва қарор қабул қилиш тартиби қанақа?

**Жавоб:** Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши, агар унда иш берувчида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Меҳнат жамоасининг конференцияси, агар унда ташкилот бўлинмалари делегатларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг (конференциясининг) қарори, агар умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётган ходимларнинг (делегатларнинг) эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.



**20-савол:** Ходимларнинг асосий меҳнат таътили муддати қанча?

**Жавоб:** Ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кунни ташкил этади.

**Қуйидагиларга ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади:**

**ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга — ўттиз календарь кун;**

**I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга — ўттиз календарь кун.**

Давлат ҳокимияти органлари ва республика ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларига давомийлиги йигирма етти календарь кун бўлган ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади, бундан ходимларнинг айрим тоифалари учун қонунда ҳар йилги асосий узайтирилган таътилнинг узоқроқ давомийлиги белгиланган ҳоллар мустасно.

Ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллار айрим тоифадаги ходимлар учун ҳам улар меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларига ҳамда бошқа ҳолатларга қараб белгиланади. Бундай таътиллار олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг рўйхати ва ушбу таътилларнинг давомийлиги қонунчиликда белгиланади.

Қонунчиликда белгиланганидан ташқари, ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллар бериш, шунингдек ҳар йилги асосий узайтирилган таътилнинг давомийлигини унинг қонунчилик билан кафолатланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкин.

**Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини  
самарали ташкил қилиш бўйича  
АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Мазкур амалий-услубий қўлланма бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг устав вазифаларини амалга ошириш, ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш, меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда касаба уюшмалари фаолиятига оид амалий масалалар юзасидан услубий кўмак бериш мақсадида тайёрланган.

Қўлланма Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари **Салихов Абдуғаппор Мухтарович** ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоят Кенгаши раиси **Нуралиев Эркин Назуруллаевичнинг** умумий таҳрири остида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоят Кенгаши раиси ўринбосари **Отабоев Аббор Хамдамович** томонидан тайёрланган.

Қўлланма бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, касаба уюшма фаоллари, комиссиялар аъзолари, ташкилотчилар ҳамда касаба уюшмалари тизимида фаолият юритувчи ходимлар учун мўлжалланган.









